

ЗИКРИ ҚАЛБ СУЛТОНИ

(Бадиий, тарихий тўплам)

I-қисм

"БУХОРО" нашриёти - 2007 йил.

**ЗИКРИ ҚАЛБ СУЛТОНИ –
ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ**
таваллудининг 900 йиллигига
бағишланади.

Тўпловчи

ва таржимон: Ибодат РАЖАБОВА.

Маслаҳатчи: Ҳожи Абдулғафур
Раззок БУХОРИЙ.

Китобдан ўрин олган ранг-баранг тарихий манбалар: тарихий қисса, тошбитиг, таржималар бунга мисолдир.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қаламига мансуб рубоий, байт, рисоаларнинг форс тилидан ўгирилган таржимаси билан бирга табдилининг ҳам ён-маён қўйилгани - тадқиқотчи, тарихсеварлар учун манбадир. Буюк Пир, камалакранг қалам соҳиби - Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний иншо этган асарлар асли билан дийдорлашмоқ ниятида юрган бўлсангиз, "Зикри қалб султони" асари Сиз, азиз ўқувчиларга жуда манзур бўлади деган умиддамиз!

ҒИЖДУВОН ВА АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ

Қайси тупрокдаким қуёш мўл-мўл нур сочиб, йилнинг фасллари ўз меъёрида айланиб, ҳаво латифлигини таъминласа, ўша заминда сув сероб, дарахтлар семиз, тупрок унумдор бўлади. Ҳавоси мусаффо, тупроғи олтин, боғлари бисёру, ариқлари саховатли заминнинг фарзандлари уддабурон, қўли гул, кўкси қалқон, билимга чанқоқлиги боис ўзга юрт одамларидан ажралиб туради. Ғиждувон Оллоҳ инояти билан ана шундай сифатларга эга қадимий тупроқ. Бухоро қаламравида энг серсув, деҳқончилик, чорвачилик ривожланган туманлар сирасига киради. Машҳур тарихчи Муҳаммад Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" китобида Ғиждувон қалъаси тасарруфидаги "Биникард", "Тавовис" қишлоқларини қаламга олар экан, Бухоро вилоятида бу қишлоқлар жуда машҳурлигини айтиб ўтади. Қишлоқларда катта қўхандўз бўлганлигини, ҳар йили куз фаслида ўн кун сурункали бозор бўлишини, Чоч, Фарғонадан келган ўн мингдан ортиқ савдогарлар мазкур бозорлардан катта манфаат кўриб, қайтишини айтган. Наршахий Ғиждувон ҳақида мазкур туманнинг ўта машҳурлиги боис қаламга олиш шарт эмаслигини ўйлаган бўлса ажаб эмас. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Шарафномаи Шоҳй" китобининг биринчи, иккинчи қисмларида Ғишти, Ғиждувон, Зарангарий ҳақида гап кетади. Ҳофиз Таниш Абдуллахоннинг душманлари ҳақида қалам тебратиб, жумладан, Дарвеш Дўст Султон, Рустам Султоннинг Карманадан Бухоро томон жанг бошлаб келишларини ёзади: "...талон-тарож учун Бухоро томон юрдилар ва Ғиждувон туманига тегишли Ғишти саҳросида қўндиладар. Ул туманнинг халқи Ҳазрат Хожаи Жаҳон - Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг, Тангри унинг қабрини ҳамиша равшан қилсин, мунаввар мозорлари теппасини аскар тўплайдиган жойга айлантирган эди".

Нажми Соний билан бўлган урушда ҳам душман Зарангарий қалъасида ўрнашиб олиб, уч кундан кейин қўлга тушганлигини, Ғиждувон қалъасига етмай тор-мор қилинишини баён қилади тарихий китоблар. Ғиждувон, Ғишти, Соктаре, Зарангарий, Фиришкент, Ғовшун, Сарварий, Буктарой, Муғонак қалъалари ўртасида қад ростлаган бўлган. Ҳар бир қалъа атрофида работ, сардоба, тез оқар ариқлар бўлган. Ан- Наршахий Зарафшон дарёси, Бухоро ариқлари тўғрисида аниқ маълумот бериб, Харқонруд ҳақида ҳам ёзган. Лекин, қайси туманлар ўртасидан Харқонруднинг оқиб ўтганлигини

айтмаган. Балким, ўша пайтда бунга ҳожат бўлмаган бўлиши ҳам мумкин. Харқонруд Бухоронинг серсув ариқларидан бири бўлиб, у Ғиждувон тумани ерларини зар аралаш сувдан шодком қилган. Йиллар ўтган сайин Харқонруд номи Қалқонруд шаклига кириб қолган. Шу кеча-кундузда ғиждувонликлар мазкур ариқни Қалқонруд дейдилар. Аслида эса ариқнинг номи Харқонруд яъни жуда катта серсув руд маъносини билдирган. Ғиждувон тумани Пирмаст, Қалқонруд, Султонобод, Мазрагон каби Зарафшондан сув оладиган катта ариқларга эга.

Пирмаст - Бурки сармаст ариғини Ғиждувон халқининг ўзи қозган. Уни Руди Пирмаст ҳам дейдилар. Албатта, туман ариғу рудлар билан кўркам бўлаверади. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимким, вақти замонда катта-катта калъалар атрофини ариқлар айланиб ўтган. Бу ҳам сув манбаи бўлса, иккинчи томондан химоя воситасини ўтаган.

ЗИКРИ ҚАЛЬ СУЛТОНИ (Тарихий қисса)

Унга Оллоҳнинг буюргани шу бўлди: Қоронғи тушгач, қарнига тушиб, дуч келган ҳовли эшигини қоқди. Ичкаридан садо келди:

- К-им-м?

- Мусофирман. Тунаш учун бир кечалик жой берсангиз,- овози паст, ялинчоқ оҳангида чиқди. Дарвоза "ғийқ" этиб очилди. Очилган захоти ичкарига назар ташлади. Остонада нуроний чол турар, икки кўли кўксида:

- Келинг, ҳожам. Меҳмон атойи худо, қани ичкарига. Мусофир ичкарига кирди. Чол эшигни ортидан ёпиб, занжирини илди. Улар олдинма-кейин юриб, меҳмонхонага кирдилар. Пойгакда оёғ кийимини суғураман деб, кўп уринди. Оёқлари шишиб кетганлиги боис, бироз азият чекишига тўғри келди. "Э, хайрият", деди ичида, оёқ кийимини пойгакнинг чеккасида қўя туриб. "Шуни суғарадиган кун ҳам келар экан-э". Чолнинг таклифи уни бир оз сергаклантирди.

- Хуш кўрдик меҳмон. Қани чикиб ўтиринг. Ҳозир келтираман, - чол шундай деб эшикдан чиқди. У уйга разм солди. Токчада шамдон, шамъ ёруғлигида ҳамма нарса кўринадди. "Шайх Абдулжамилнинг меҳмонхонаси. Бирор марта ҳам кирмаган эканман. Оддий, жуда оддий. Кигиз, тўртта кўрпача, така, битта лўлаболишт. Лавҳ. Лавҳда Қуръони карим". Очликдан қорни каттиқ бураб, оғрик зўридан кўзига ёш келди. Чол обдаста кўтариб келди.

- Таҳорат учун сув келтирдим. Қани, марҳамат хоҷам.

У ўтирган жойидан оғир турди. Очлик ўз таъсирини ўтказиб қўйган. Оёқларида мадор йўқ. Обдастани зўрға кўтариб, эшикдан чиқди. Таҳорат олди, юз-қўлини ювиб, артинди. Енгил тортгандай бўлди. "Қани энди қорнинг тўқ бўлса-ю, бир тўйиб ухласанг". Ичкари кириб, сочиқни илиб, бориб чол рўпарасида чўқди. Чол унга зимдан қараб:

- Хуш кўрдик, хоҷам. Энди бир Шукри вузуъ¹ айтсангиз, - деди.

У қалтироқ қўлларини фотиҳага очиб, шукри вузуъ айтди. Чолга "Сизни ташвишга солиб қўйликда" маъносида ҳорғин қараш қилди. Мезбон ҳечқиси йўқ дегандай қўлини кўксига қўйиб, эшик томон қаради. Шунини кутиб турганда! дастурхон кўтарган мулозим остонада пайдо бўлди.

- Кел, келавер. Қани мана шу ёққа ёз-чи. Ҳа, ана шундай. Эт пишдимми? Бўлмаса тезроқ олиб кел,- чол хушмуомала эди. Хона бўйлаб, ноз-неъматларнинг хиди таралди. Меҳмон беихтиер оғзи сўлагини "килт" этиб ютди. Нон синдирилган замоно, таклифни ҳам кутмай егуликларга қўл чўзди...

Шайх Абдулжамил билан Аллоҳ, ўртасида қарзу қарздорлик "йўқ" ҳисоби эди. Бандаси томонидан Аллоҳ учун нимаики лозим бўлса, Шайх Абдулжамил икки қарра қилиб қайтарар. Фақат бир нарсдан кўнглида бўшлиқ бор - у, айтишдан ўзини минг чандон тиярди. "Аллоҳ хотири паришон бўлмасмикан"- деган хавотир тилига бан солганди.

Тўғри, Аллоҳ унга кўп нарса берди. Қувваи ҳофиза, ёқимли овоз. Кўриниши ҳам чакки эмас. Барваста қомат, елкалари кенг-кенг. Қош-қўзига қараган одамнинг яна бир бор қарагиси келади. Қоп-қора, хаёлчан кўзларининг боқиши жуда майин. Кимсан - Имом Моликдай одамнинг жияни. Шайх Ҳусайндай овозаси тўрт томонга кетган одамнинг ўғли - Шайх Абдулжамил. Фикҳ илмини сув қилиб ичган. Мактаби ҳам бор. Шогирдларининг-ку саноғи йўқ. Мол-жондан ҳам қўли калта эмас. От, оғилхона унчалик кам эҳсон деганимас. Бунинг устига шунча умр кўрди. Мавлоси берган ёшни яшади. Шундайликка шундайкуя, тирик жон-да. Ҳамон ўша кемтикликни бут қилиш илинжида Шайх Абдулжамил жойнамоз устида кўп ўтиради. Ўқийди-ю ўқийди Ёд бўлиб кетган сураларни бирин-кетин зам қилиб, қироат қилганидан эшиклар палласи очилиб, остонада қуёш келиб

¹ Абдулҳолик Ғиждувоний "Рисолаи сохибийа"дан иктибос.

қолганини сезмай қолади. Сажжода устида хаёлга ботади .. Бир куни бухоролик шогирди гапириб қолди. Балким бу, бухороликлар тўқиб чиқарган ривоятдир. Нима бўлганда ҳам эшитиб, кўзларида ёш халқаланди. Томоғига бир нарса тикилгандай, чап кўкси оғир бўлди. Хўнграб йиғлаганини ўзи ҳам сезмай қолди. Нима эмиш - Абу Ҳанифа шогирдининг шогирди Хожа Абу Ҳафси Кабир Бухорий тўсатдан вафот этган йигирма икки ёшли ўғли таъзиясида овоз чиқариб йиғлаган экан. Боз уч кун ҳеч ким билан гаплашмай, жойнамоз устидан турмай, кўз ёшини қилаверибди. Дўсту ёрлари "Аллоҳга рози-ю ризолик шарт Хошам" десалар ҳам таскинлар хожа вужудидаги таскинжойини тополмабди. Қазоё, бир девона савмаъларида пайдо бўлибди. Хожа рўпарасида келиб ўтириб, савол қилибди:

- Ҳе, Абу Ҳафс, қазо қилган навжувон ўғлинг учун йиғлаяпсанми? Ичинг куйяптими? Бир ўғил Аллоҳ учун нима деган гап. Сен Аллоҳга биздан кўра яқинроқсанку. Ё, доим ҳаммага ўргатадиганинг-тоқат этагини кўлдан чиқариб юбордингми?

Хожа бошини кўтариб, бир девонага, бир ўтирганларга қарабди-да, кўз ёшини арта туриб:

- Йўқ, тақсиржон. Ўғлим ёш ўлди, тирикликнинг лаззатини татимай кетди - деб йиғлаётганим йўқ. Э-н-ди олимлик даражасига етган эди. Илму амали учун йиғлаяпман. У ўлмаганида эди қанчадан қанча шогирдлари илму амали мевасидан татирдилар. Илму амали хайф кетди. Менинг дил хун қилиб, куйганим боиси шу, - Хожа тиззасига уриб яна йиғлабди. Аллоҳ иродаси билан девона ақилли гап қилибди.

- Э, Хожа Абу Ҳафс Кабир ҳамма нарсани билади десам, пок нодон экансан-ку. Ахир ўғлинг Аллоҳ, ҳузурига илму амалини дастовез қилиб борди, шундайми? Шундай! Эрта-индин биз ўлсак у ёққа нимани дастовез қилиб борамиз-а? Мана бу халачўбними? - девона кўлидаги ҳасса ўрнида тутиб юрган эгри таёғини олиб, савмаъ тойгаги томон отиб юборибди-да хожага яқинроқ сурилиб ўтирибди. Ҳамма қил устида ўтиргандай. Вазият таранглашган. "Энди бу ёғи қандай бўлар экан"- деб атрофдагилар сергак.

Хожа девонага бир қараб, сукут қилиб турибди-да, сўнг:

- Тўғри, тақсиржон. Сизнинг гапингизда жон бор. Худо ҳузурига илму амал билан бориш ҳам толеъ. Беилму амал Мавло ҳузурига борса нима бўларди? - Хожа бир-бир савмаъдагиларга савол назари билан қарабди. Хамманинг юзида хайрат алангаси. Хожа жойнамоз

устидан туриб, уни тезда йиғиштириб, девордаги токчага қўйиб, девона юзланибди:

- Жароҳатимга малҳам бўларли гап айтдингиз тақсиржон. Дастовезсиз Аллох ҳузурига борганида менин Абу Ҳафс Кабирлигим қаерга қолиб кетарди-а! Шунисига ҳам шукр. Юринг кетдик.

Абу Ҳафси Кабир девонани етаклаб, савмаъдан чикибди. Ичкаридагилар ҳам эргашибдилар. Хожа шу куннинг эртаси яна фикҳ мактаби- Масжиди Калонга дарс айтиш учун йўл олибди. Тўрт мукаббир хурсанд...

Шайх Абдулжамил пешин намози такбирини узун қилди. Шогирди айтган ўша ривоятни эсга олиб, яна йиғлади. Кўзи йиғларди-ю, ичи гапирарди. "Хожа Абу Ҳафснинг ўғли бор экану ёш ўлгани учун уч кун туз татимай йиғлабди. Мен, шунча йилдан бери Аллох интизори ҳақ қилиб, бермаган ўғилнинг чап қоши учун йиғлайман, ўнг қоши учун. Бир юз ўн учга кирдим. Энди умид ҳам қилмасам бўлар-а, Аллох! Шундайга шундайку-я. Аммо, Имом Моликдай содиқ дўстингнинг рухи поки учун дуои фотиҳа ўқийдиган ворис йўқлигидан кўнглим мудом вайрон-да Мавло!!!"

Шайх ичида айтиб-айтиб йиғлаб, такбирни яқунлади. Ўрнидан туриб, жойнамози фандуқийсини йиғиштираётган эди, ташқаридан овоз келди.

- Шайх уйдама-и-си-з!

Абдулжамил узун енги билан кўз ёшларини шоша пиша арта туриб, овоз берди:

- Уйдаман, ҳозир.

Наълайини оёғига илиб, ташқарилади. Дарвоза ичкарисиди оппоқ кийинган, соч-соқоли оқ чол турарди. Дарвоза эса ичкаридан қулф. Калити меҳмонхона токчасида. "Ё, қудратингдан, парвардигоро. Уй-ҳовлида мендан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Ким очди экан дарвозани. Қаердан кирди бу тақсир?" Шайх Абдулжамилнинг кўнгли тилга кирган, вужуди оромбахш роҳат оғушида. Узини бошқаролмай қолди:

- Хожам, хуш кўрдик. Қани меҳмонхонага кирайлик!

Меҳмонхонада суҳбат узоқ чўзилгани йўқ. Дастурхон келтиришга ҳам фурсат қолмади. Чол у ёқ, бу ёқдан гапиргандай бўлиб:

- Шайх, фарзандингиз йўқ-а? - сўради тўсатдан.

- Фарзандимиз йўқ, хожам,- Абдулжамил узун "ух" тортди.

- Сизнинг узоқ-узоқларга кетишингиз хабарини олиб келдим. Ўша ёқларда фарзанд кўрасиз. Унинг риски ўша ёқларда сочилган.

Аллоҳ йўлидаги ўғлон бўлади фарзандингиз. Ҳали яна кўришамиз. Энди мен кетай...

Бир хўплам ҳаво ютганчалик фурсат ўтмай, меҳмон- чол остона хатлаб, ташқари чиқди.

Шайх Абдулжамил нима қилишини билмай қотиб қолган. "Кулсинми, йиғласинми?! Бир юз ўн учга кириб, фарзанд кўриш хабарини эшитса. Бу ёқда кампири ҳам афтодаҳол. Энди кампир ўғил туғиб биладими? Товба, ё қудратингдан". Юрагидан отилиб чиққан овоз, меҳмон чолга бориб урилгандай бўлдими. У ортига, уй пойгагида ўтириб қолган Абдулжамил ҳазратларига қаради:

- Шайх, саволларингиз ўринли! Кампирингиз... Асилзода бокирага уйланасиз. Уғил шу аёлингиздан туғилади. Хайр!!!

Меҳмон чол шундоққина эшик ёнида кўздан ғойиб бўлди. Шайх кулоқлари, кўзларига ишонмасди: "Наҳот охузорим ўзига этган бўлса. Меҳмон Абул Аббос Хожа Хизр бўлсалар-а! Ё поко Парвардигоро...".

XXX

... У қанча фурсат овқатланди, буни ўзи сезгани ҳам йўқ. Фақат шуни биладими, чол: "Ош бўлсин", деб уйдан чиқиб кетгани кўйи, қулида куйлак, иштон, жўбба билан кирганида, у қўлини артиб, бошини кўтарди.

- Кийимларингизни алмаштиринг, хожа. Сартарош чақириб келдим. Соч-соқолингиз ҳам ўсиб кетган. Кейин ухлаб, дам олинг,- Мезбон шундай деб қўлидагиларни унинг ёнига аста қўйди-да, яна чиқиб кетди. Мусофир очлик ғамидан қутулган. Вужуди оромбахш "оғирлик" оғушида. Эринибгина кийимларини ечиб, тоза кўйлак-иштон кийди. Кириб келган сартарош соч-соқолини тарашлагач, қўл кафти билан юзларини силаб, кўрди. "Юмшоқгина, сув, егулик нималарга қодир-а!". Кейин ухлаш учун чўзилди.

XXX

Намози пешин адосида ўтирган Шайх Абдулжамил кулоқларига эзилиб йиғлаётган одамнинг овози келди. Намозни қисқароқ қилиб ўрнидан турди. Овоз меҳмонхонадан келарди. Келиб, эшикдан мўралади. Меҳмон, энди уйқудан уйғониб, йиғлапти. Ичкари кирди. Келиб қўлини меҳмон елкасига қўйиб, таскин бергандай бўлди:

- Сизга нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз, хожа? Сизни атайлаб уйғотмадим. Жуда толиққан кўриндингиз. Уйқудан бир тўйиб олсинлар дедим, тўғрими?

- Тўғри, тақсирим, тўғри.

Мусофир бундан ҳам баландроқ йиғлашга тушди. Шайх хайрон. Кап-катта одамнинг йиғлаши қизиқ кўринар экан. Шу лаҳзада ўзини кўз олдига келтирди. Жойнамоз устида шомдан тонггача "Аллоҳ узоқ умр бердинг, бир фарзанд бермадинг" деб нолиганлари. Хожа Хизр келиб кетганларидан кейин бир оз таскин топгандай бўлди-ю. Лекин, ҳали асилзода бокира қиздан дарак йўқ...

- Мени танимадингиз чоғи, шайхим, - Мусофир йиғидан тўхтаб, Абдулжамил ҳазратларига қаради.

- Танигандай бўлаяпман, - Шайх талмовсиради,- Сиз Малатия султони эмасмисиз?

- Ха, Малатия мамлакатининг олдинги султониман. Ана шундай аҳволга тушиб қолдим. Хотин, болаларид бўйга етган қизларим сарсон, овора. Мен чўлу дашт кезиб юрибман. Аллоҳ, менга нима қилди-а!

- Аллоҳ Сизга ҳеч нима қилгани йўқ. Сиз ўзингизга ўзингиз қилдингиз хожа. Ўша босқинчи подшоҳ лашкар тортиб келганида, қаттиқ туриб, курашиш керак эди. Сиз...

- Тушундим, Шайхим, тушундим. Хом сут ичган бандамиз. Уша пайт жон кўзга кўринди, шон эмас!

- Энди кўнглингизда нима гап?,- Шайх "ичингдагини билиб турибман" дегандай қаради.

- Худо мени Сизга йўлиқтирганини қаранг. Тахту тожни қайтариб олиш ҳисси юрагимда уйғонапти, Шайхим. Балким, Сизнинг кароматингизга суянарман-а?!

Бу очик-ойдин таклифдан кейин Абдулжамил ҳазратларининг Хожа Хизр билан учрашганлари, Хожанинг "Асилзода бокирага уйланасиз. Ўғил шу аёлингиздан туғилади",- деган гаплари қулоқлари остида такрор янграгандай, Шайхга нимадир бўлди. Хар доим ўзини жиловлаб биларди. Бу сафар... У жон ҳолатда:

- Сизга мамлакатингиз, тахту тожни қайтариб олишга ёрдамлашсам, қизингизни менга бера... Берасизми?-деди-ю бир қалқиб тушди. Умри давомида ҳеч қачон бировга шарт қўйиб, кейин ҳиммат камарини белига боғламаган эди.

- Дарбадар, сарсон, овора юргунча Сизнинг даргоҳингизда иззат-обруйли бўлиб юргани минг карра маъқул қизимнинг.

Таклифингизга мен розиман, Шайхим. Бошланг кароматингизни!-
Подшоҳнинг юзи сал ёришди.

- Унда Сиз...,- Шайх ичида чархпалак югуриб юргандай саросимада сўзларди, - Унда Сиз бобомиз Имом Молик қабри бошига бориб, зикр тушиб ўтиришингизга тўғри келади. Карс икки кўлдан чиқади. Имом Молик руҳи поки-ю, менинг худога илтижоларим Сизни кўлласа, ажаб эмас?

- Мен тайёрман. Қаерга бориб ўтир десангиз, боравераман. Фақат бу мушкулотлардан қутулсам бўлгани,- Шоҳ бошини кўйи эгиб, узок сукут сақлади.

... Абдулжамил ҳазратлари билан Подшоҳ қоронғи тушгач, отларга миниб, Имом Молик қабри бошига бордилар. Абдулжамил ҳазратлари:" Сиз ана шу ерда то мен келгунча ўтирасиз" деб, подшоҳни кўйиб, ўзи ортга қайтди. Таҳорат олиб, жойнамози фандуқийсини ёзди. Жойнамози фандуқийни бухоролик савдогарлардан сотиб олувди. Бухорога бориб келганларнинг айтишларича "Жойнамози фандуқийдан Бухоронинг ҳиди келар экан". Илоҳо, етти иқлиму Бухоро нафаси мени кўлласин! "Шайх шундай деб жойнамозга оёқ кўйди. Қироат эрта тонггача чузилди. Чошгоҳга яқин такбир ўқиб, энди турувди ҳамки, мулозим хабар келтирди: "Малатия мамлакатининг оксоқоллари кириш учун рухсат сўраяптилар" Абдулжамил ҳазратлари улар истикболига қанот ёзиб чиқди.

- Хуш кўрдик, хуш кўрдик. Қани ичкарига!

Оксоқоллар илтифотга ўрин олдирмай, ичкари кирдилар:

- Шайх, Сизга кўп нарса аён. Шундай бўлгач, бизни бу бало-қазодай бўлиб келган янги подшоҳдан қутқаринг. Олдинги подшоҳимизнинг кўзи тўк эди. Бу қандай худобехабар шоҳ экан-а! Тахтга ўтирган кунидан бошлаб ўлпон йиғади. Мол-ҳолни минг баҳона тўқиб, тортиб олаяпти. Бу ёғига қандай яшаймиз, Шайх? Маслаҳат беринг. Қай йўл тутсак, қутулиб кетамиз?!

Оксоқоллар бири кўйиб- бири гапирар. Оҳларидан тутун чиқарди. Шайх улар арз-додини обдон эшитгач, хотиржам сўз бошлади:

- Ҳовлиқмалик - келтирди ташвиш. Сизга бу можаролар бошида айтган эди: Босқинчи подшоҳ билан сулҳ тузманг. Дарвозаларни очиб берманг. Ўз подшоҳларингиз томонида туриб, жанг қилинг, деб. Қулоқ солмадингиз. Мана, ховлиқмаликнинг оқибати. Энди бирор чора йўлини қилиш қийинроқми, дейман, - Шайх сўзини якунламай туриб, оксоқоллар йиғлашга тушдилар.

- Молу жон Сизга фидо, Шайх. Йўл белгиланг. Каромат кўрсатинг. Бу подшоҳ гумдон бўлсин. Олдинги подшоҳимиз қайтиб келсин. Тожу тахтини олсин. Биз минг карра розимиз!

- Сизларга сўнгги маслаҳатим шу. Жавшан кийиб, қалқону қиличларни тайёрлаб, қоронғу тушгач, хужумга ўтасиз. Подшоҳ унинг одамларини банди қилинг, то мен бормагунимча бирор қалтис иш тутмайсизлар, келишдикми?

Оқсоқоллар Шайхнинг маслаҳатига рози бўлиб, "Ортиқча бирор бир қалтис нарсага йўл қўймаслик" ваъдасини бериб, ўринларидан турдилар. Улар ҳовлидан чиқиб, кўздан ғойиб бўлишгач, Шайх Абдулжамил савора бўлиб, мусофир шоҳ ёнига ошиқди.

XXX

Қабр боши. Шоҳ кеча ичига қаради. Қоп-қоронғу. Қуюк қора ранг... "Сени ютиб юборсам, ўзинг хам билмай қоласан"-деб Шоҳ томон қўлларини чўзиб ўтиргандай маҳзун. Ичидан нимадир "чирт" этиб узилгандай бўлди. Юлдузлар ҳиди намчил ҳавога кўшилиб, димоғига урилар, бахтиёр, бахтсизлик дамларини хотирасида гавдалантирди. Муз дунёси қаърига чўкиб кетгандай бир сесканди: "Ё тавба,бу - не холат. Музни туш кўраяпманми? Жарликка тушиб кетаяпманми?!".

Юрагидан бўлак ҳеч ким бу саволга жавоб қайтармади: "Чин ер кафтидасан. Кўм-кўк ўт-ўланларнинг шудрингга қўшилган ажиб ҳиди таралди, тўғрими?". У ҳавони тўйиб ҳидлади. Юрак гувоҳликлари тўғри чиқди. Чанқаган тупроқдан шабнам бироз мужмал ҳид чиқарди. Ҳавони ичига кўпроқ ютди.Тупроқ ҳиди. Кўнгли айниди. Кайфияти баттар хиралашди. Юрагини уवादасимон мавҳумлик икки лаби орасига олиб, ожизгина эзаётгандай: "Нима бу?". Рўпарасига, қоронғилик қаърига қаттиқроқ тикилди. Бутун қувватини кўзида жамлаб, қаради. Хира тасвир кўрингандай бўлди. Лекин, унчалик аниқ эмас. Элас-элас овоз келдими? Юраги қинидан чиқиб кетгундай. Худдики кўнгли каптархона-ю, кимдир каптарларни курқитиб юборди. Бутун вужуди қулоққа айланди:

"Бў-та-м! Интилишларингнинг хосил бериши - юрагинг рангига боғлиқ. Биз қалбингга назар солдик. Аллоҳ маскани-пок. Эртага ниятинг вожиб бўлади. Сархуш бўлиб, элни унутма-а!!!".

- Йўк-йўк. Имон, Аллоҳ, элни унутган куним ўзим ҳам йўқоларман. Имонимнинг илдизи чуқур кетганига шак келтираман. Факат...

Шоҳ югуриб ўрнидан турди. Бир, икки, учинчи қадамни қўяман дегунча шарпа ғайб урди. Олдинга чўзилган қўли шу куйи хавода муаллақ қолди. Қанча муддат шу куйи турди, аён эмас...

Шоҳо, биз келдик!

Овоздан подшоҳ сеҳрланганлик ҳолатидан чиқиб, ортга қайрилиб қаради. Шайх Абдулжамил унга қараб турарди.

- Шайхим. Саломат бормисиз? Сўзлангчи, хабарингиздан кўнглим таскин топсин!

- Душманларингизни Сиз учун таслим қилдим. Оқсоқоллар Сизни Малатияда кутяпти. Саворага мининг. Тезроқ боришимиз керак.

Подшоҳинг хаяжони минг чандон ошди:

- Шайхим наҳотки ниятларимиз вожиб бўлган бўлса... Эй, Аллах!!!
- Подшоҳ Шайх рўпарасида келиб, унинг оёқларига ўзини ташлаб, йиғлашга тушди, - Шайхим! Шайхим!!! Завжаликка қизимни қабул айланг...

Узоқдан отлиқлар кўринди. Рум мамлакати катталари уларга пешвоз чикдилар. Дарвозалар очик, ҳамма ташқарига чиқган. Олдинги подшоҳларини кўриб, кўзда ёш олдилар. Сўнг биргаликда шаҳар ичкарасига кирдилар. Таомул адосидан кейин тахтига келиб ўтирган Шоҳ босқинчи подшоҳу унинг тарафдорларини ўлимга маҳкум этди:

- Малатия мамлакатини бошдан оёқ байрамона безатинглар. Байрам тўйга айлантирилсин,- фармони олий берди. Шоҳ, - мен Шайх Абдулжамил ҳазратларига берган ваъдамни бажариш бахтига муяссар бўляпман.

Малатия дид билан безатилди. Уч кун тўй берилди. Шайх Абдулжамил шоҳ кизига уйланди.

XXX

Тирикликнинг ранглари-да. Шайх Абдулжамил ибн Ҳусайн биринчи кеча келин ҳузурига кираётганида чопони этаглари ерни супуриб-супуриб кетди. Ичкари кириб, хангу манг бўлиб қолди. Унча-мунча нарсага хайратланмай қолган шайх вужуди титроққа қоришди. Келин маҳлиқо, сарвқомат, охукўз. Ўтирган жойидан секин туриб, юриб келиб, шайх рўпарасида бош эгиб турди. Димоғига мушқу

анбар хиди урилган шайх моту мафтун. Титроқ кўллари келин рўмоли томон чўзиб, уни тузатгандай бўлди:

- Хонзодам! Менда ортиқча мол-мулк, тожу тахт йўқ. Ҳар куни Ҳафтжўш дарвозадан ҳам кириб, чиқмайман...

Келин бошини сал кўтариб, Шайхга илк марта қаради. "Ё тангрим"! Ё ой ёрилиб кетди, ё юлдузлар бошкоронғу бўлдилар. Ё осмоннинг саккизинчи қавати шайх Абдулжамил юрагида чўкиб, гум бўлди.

- Шайхим, - келин паст овозда гапирди, _ Ҳафтжўш дарвозаси бўлмаган одамнинг ҳафтжўш юраги бор. Мен розиман. Менга шу керак! Мен шунга кўндим! Сиз-чи?

- Розиман! Минг карра розиман, Хонзодам!!!

XXX

"Уч кундан бери ёғяпти бу ёмғир, тинай ҳам демайди. Тарновларнинг бўғзи оғриди. Ана шамол ҳам эсаяпти. Том бошида тиралиб қолган сувни хайдашга ёрдамлашади. Девор пастида, синж аралаш ариқчалар хосил қилганига қаранг, бу ёмғирнинг. Нега ёғади шу ёмғир? Ёғиси келганлиги учун ёғадими? Кошки, ҳеч бўлмаганда қордай бир ҳафта, ўн кун ерда ётса-ку бир гап. Рангидан кўз тўярди, қаёқда. Бир келишнинг бир кетиши дегандай, дағдағани қаранг. Дарахтлар ҳидини ҳавога чиқариб юборди. Бу хид юрак тубига чўкиб кетади-я! Хас-хашак, япроқларни-ку шилта қилиб ташлади. Ёмғирда қолган хашаклардан элас-элас увада-қоғознинг ҳиди келадими-ей! Нега кўнглим айнияти. Ўқчиб юборгим бор". Шайхнинг аёли уй тобадонидан ташқарига, ҳовли юзига тикилиб, хаёлларга ғарқ бўлди...

- Хонзодам!

Келинчак орқасига, овоз келган томонга яшин тезлигида қаради. Пойгакда Шайх. Ковушини ҳам суғурмай, унга тикилиб турибди. Юзи ташвишли. Хонзода секин юриб келиб, рўпарасида чўкди:

- Келганингизни сезмабман, Шайхим, - пичирлагандай гапирди.

- Ҳечқиси йўқ. Келаман, кетаман. У ёқда дарсим бор. Сиздан хабар олай-деб, масжиддан бу ёққа келдим. Бирор нарса тановул қилдингизми?

- Йўқ, Шайхим. Кўнглим ҳеч нарса тусамаяпти. Шамоллабманми, овозим ҳам бир қизиқ...

- Туринг, пойгакда ўтирманг. Баттар шамоллайсиз. Кўнглингиз айниши - яхшиликдан даракдир, Хонзодам! Шайх аёлининг ўрнидан

туришига ёрдамлашди. Хонзода келиб, кўрпача устида ўтириб, қўлини лавҳ устидаги ёзиқлик китобга чўзди. Китобни олиб варақлади:

- "Хадис". Ўзим кўчирганман, дастхатим унчалик ёмон эмас-а? - Пойгакда ҳали ҳам қотиб қолган Шайх Абдулжамилга савол назари билан қаради - Пойгакда туриб, мендан хабар олиб, ортга кайтмассиз. Келинг, бир дам ўтиринг, - овози аразли чикди унинг.

- Ўтираман, - Шайх ковушини ўта эҳтиёткорлик билан суғуриб, пойгак чеккасига суриб кўйди. Келиб унинг рўпарасида чордона куриб ўтирди. - Кун бўйи рўпарангизда ўтиришга тайёрман, овқатланмадингиз-а!

- Иштаҳам йўқ, кўнглим...

- Сиз ҳалиги...

- Хи-м-м!

- Жоним!

- Лаббай, Шайхим!

- Бу кунни бир умр кутдим. Ёшим бир жойга бориб қолганда... "Сизнинг кўнглингиз айнияти". Бу – хушхабар, бу - Шайх Абдулжамилнинг бахти. Кечикиб келган бахти. Кулишга ҳам, йиғлашга ҳам ҳайронман, Хонзодам! - Шайх шу лаҳзада боладай бўлиб қолганди.

- Ўғил туғасиз, Хонзодам, ўғил!

- Буни Оллохдан ўзга ҳеч ким билмайди.

- Сизга уйланмасимдан олдин, бизга шундай хабар келувди.

- Хожа Хизр келувдиларми, нима дегандилар, - Хонзода Шайх томон сурилди, - айтинг-чи, бирам интизор қиласизки, одамни...

- Хожа Ҳазратлари "Ўғил кўрасиз", - Шайх юзида табассум гул ёзди.

- Вой, тавба, жуда ғаройиб-ку, - Хонзода Шайхга тикилиб қолди.

- Биламан, олтин тақинчоқларингиз кўп. Зеби гардон, тапиши дил, биндихол, дастпона, балдоқи бухорий.

- Балдоқи бухорий битта, дукуротий.

- Энди иккита бўлади. Чоркуротий совға бўлади Сизга. Бу балдоғингиз ҳам чиройли, - Шайх ўнг қўлини аёли қулоғининг баргагига олиб бориб, силагандай бўлди:

- Сизга жуда ярашибди!

Аёли "дув" қизарди. Садафдай оппоқ тишлари билан лабини тишлаб, Шайхга гина қилди:

- Шайхим, Сиздан дастхатим қалай, бу китобни ўзим кўчирганман, дедим. Хаёлингиз бошқа ёқда, қарамайсиз ҳам, - кўлидаги китобни Шайхга чўзди.

Шайх титроқ қўллари билан "Хадис"ни олар экан дуч келган бетини очиб, ўқишга тушди:

...Ҳидоят топмас эрдик, қилмасанг, Сен ҳидоятлар

Қилмас эрдик хайру, эҳсон, қилмас эрдик ибодатлар. Улуғворлик ато этгил, мудом бизга бахш эт, матонатлар. Адоват бирла бизга неча бор зулм қилди куффор, Фитна истар бўлса, ўзни айладик биз ҳимоятлар.

Шеърни ўқиб бўлиб:

- Айтингчи, кимнинг шеъри экан Хонимжон,- деди.

- Шу шеърни жуда яхши кўраман, бутун меҳримни бериб, кўчирганман. Пайғамбаримиз Ҳандақ куни тупроқ ташиётиб, Абдуллоҳ ибн Равоҳанинг рамал вазнидаги шу шеърини замзама қилиб, ўқиган эканлар, топдимми,-,- чехраси очилиб, кулди.

- Сизга шаҳримизни бердик. Сиз бизга, ўғ...

- Мен Сизга? Айтмайман! Дастхатимга баҳо бермадингиз-у.

- Дастхатингиз ҳам, ўзингиз ҳам бебаҳо. Мен бор йўғи бир шайх бўлсам. Йўқ баҳони қаердан топиб қўяй, Хонзодам!

Улар баббаровар кулиб юбордилар.

XXX

Шайх Абдулжамил тавилхонасидаги от бир кишнади. Икки кишнади. Уч кишнади. Олд томон оёқларини кўтариб-кўтариб кишнади. Имом Ғазолий отларидай козиғи олтиндан бўлмаса ҳам, узун, узун ёллари олтиндай товлангувчи от безовталигини сезган саис овоз берди:

- Сенга нима бўлди, олтинёл?

Саисбоннинг ёрдамчиси кўшиб қўйди.

- Узоқ йўл хабарини эшитган чоғи.

- Нима, Шайх сафар килмокчиларми?

- Шунга ўхшаш. Қайтиб келмасалар керак.

- Сен қаердан эшитдинг?

- Кеча, чоршанба кирар кечаси, отни эгарлаб чиқувдим-ку.

- Ҳа, ҳа, чиқувдинг.

- Подшоҳ даргоҳига бордик. Отнинг ривобини мен тортиб бордим. Шайх кайиноталари олдидан ўтиб келдилар. Энди фақат завжаларининг розиликларини олсалар бас, йўлга тушар эканлар.

- Қаерга кетар эканлар, кўчибми?

- Қаерга кетишларини айтмадилар. Кўчиб кетишларини айтдилар холос!

- Шундай дегин.

Саисбон билан ёрдамчиси олтинёлдан хабар олиб, хужраларига қайтдилар. Бир фурсатдан кейин Олтинёл яна кишнади. Қаттиқ кишнади. Шайх ховлисидаги қатор ўсган дарахтларда қўнган кушлар инлари калитини йўкотгандай бесаранжом овоз чиқариб, тўрт томон учиб кетдилар.

XXX

Шайх Абдулжамил мактабдан қайтиб, тўғри ичкар уйга кирди. Уни Хонзода карши олди. Қовушини пойгакда суғуриб, кўрпача устига бориб ўтиришдан олдин салласини бошидан олиб, Хонзодага тутди:

- Яктагимни ҳам олинг. Ҳаво дамзиқми, терлаб кетдим.

- Кечаги ёмғирнинг таъсирида бу. Қуёш кўкда сиғмаяптими?

- Ҳа, кўкда сиғмаяпти чоғи. Қалайсиз, китоб мутола қилиб ўтирибсизми?

- Шундай, Шайхим. Биласизми, кўзим олдидан фақат Парнаён узуми ўтаяпти. Шишадай тип-тиник, доналари катта-катта, тиш боссангиз "қарсиллаб" кетадиган хили борку.

- Хонзодам, ростдан ҳам шундай бўлаяптими? Фақат мева егингиз келяпти чоғи-а?

Ҳа, обий узум бор-у... Пўсти юпкалигидан томирлари кўриниб туради. Кеча кун бўйи кўзим олдида обий узум айланиб юрди.

- Қалинжарий узуми бор. Бу хил узум Бухорода жуда ширин бўлиб пишади. У ёқда қуёш - малҳамда. Шу боис шираси баланд. Қалинжарий аёллар пуштини мустаҳкам бўлишида фойдаси катта деб бир китобдан ўқиган эдим.

- Қалинжарий обий, парнаён, жухутий узумидан ҳам сара эканда-а! Кани энди Бухорога борсак. Тўйиб калинжарий, парнаён, обий ердим, Шайхим.

- Шундайга шундайку-я, Хонум. Энди у ёғи хости худо. Насиба қўшилган бўлса, бориш ҳеч гап бўлмай қолади.

Сухбат шу ерга келганда, мулозим хабар келтирди "Шайхни ташқарида кимдир кутаётган экан".

XXX

- Тавба, тирикликда, - ўзига- ўзи гапирди Шайх Абдулжамил меҳмонхона супасида ўтириб,- ўшандан кейи қанча шамоллар эсиб, ўтди. Бахорлар келиб-кетиб, киш дағдаға қилса, куз юрагим рангига сариқ ранг қўшди. Оллоҳга шукр, ғамларим камаядигандай кўриняпти. Биринчи марта уйланаётганимда қизиқ бўлувди. Уша куни ичимга чироқ ёкса, ёришмасди. Дарсдан қайгиб, уйга кириб олганим. Егулик тановул қилишга чақирсалар ҳам чикмадим. Охири раҳматли отам - Шайх Ҳусайн ўзлари хонамга кириб келдилар:

- Абдулжамил!

- Лаббай, волид, - Отамга пешвоз чикдим.

Мен келдим. Тановул ҳам қилмадинг. Волидангнинг егани ичига тушмади. Ё сен бизнинг бу ҳаракатимиздан хафамисан? Ичингда ўйлаётган бўлсанг керакким: "У катта бойнинг қизи. Мол-мулки дашту дарёга сиғмайди. Мен билан отам бор йўғи бир Шайх бўлсак - деб-а!

Отам менга гапирардилар. Мен бир нуқтага тикилган кўйи қотиб қолгандим. Индамасдан ўтирсам ҳам бўлмади. Ичимдаги ҳадикларимни тилимга чиқардим:

- Волид, Сизга уйланиш учун майл билдирдим, кейин қарорим йўқолди. Бошдан оёқ бесаранжомман, волид!

- Нима, биз бой келинга маъданий, машқий, мумаззин, микрозий, иксун сарполар қилишга қурбимиз етмайди дейсанми? Имом Молик авлодидан деган номимиз бор, ҳеч бўлмаса, миниб юрган отимни сотувга қўярман...

- Волид, мен бу нарсаларни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Фақат...

- Нима "фақат",- Отам сал кескин савол қилдилар.

- Уйланмасам дегандим. Кўп шайх, пиру муршидлар тоқ ўтган. Оила ташвишлари билан банд бўлиб, Оллоҳга бўлган муҳаббатим сусаймасми, деган ҳадикдаман, волид!

- Уғлим, - отам менга яқинроқ сурулиб ўтирдилар,- фикрингиз асосли. Тоқ ўтган шайхлар-тоқ ўтган. Аммо, мен ўғлим тақдири учун бундай йўл тутишга қаршиман. "Каломи шариф", "Ҳадис" таълимотига қарши чиқолмайман. Қуръоннинг уйланиш, фарзанд

кўриш ҳақидаги оятлари Сен учун ёд бўлиб кетган. Модомики, Шундай экан, уйланасан. Бола-чақа қиласан. Менга ҳам неvara керак. Уйланиш бўлмаса, ворислик қаерда, ўғлим! Кўчатки, кўчат ўтқазилгандан кейин гулласа, Аллоҳ олдидаги муроди ҳосил бўлар экан. Инсон ҳам Қодири қудратнинг ердаги ниҳоллари. Гуллаб, мева бермаса, Яратганнинг боғбонлигига хожат қолмас, - отам менга "Яна не важ кўрсатарсан" дегандай қарадилар. Сен фикҳшуноссан, ўғлим. Сендан қолар гапнинг ўзи йўқ. Имом Молик бобомиз ёзган китоблар сен учун сабоқнома. Яна бир гапни айтсам, хотиранг учун ортиқчалик қилмас. Яъники, Қодири қудратга ҳолати ранж келтирадиган амаллар ижросидан бош тортмоқ лозим. Аллоҳ икки жинсни яратдиким, шулар боис менга ҳамду сано ўқийдиганлар сони кўпайсин-деб. Шайх Аллоҳни зикр қилади, бир ўзи. Уйланиб, тўртта фарзанд кўрса, бу Тангри таолоҳ йўлида қилинган хизмат ўғлим. Яъники тўртта намозхон, зикр айтувчи, таровех ўқувчи кўпаяди, шундайми?!

- Шундай, киблагоҳ.

- Бизнинг рўзгоримизда ҳам тўрт, бешта намозхон кўпайса, савобга биз ҳам кўшиламыз. Гап шу! Яқин ҳафта ичида тўй қиламыз. Хотирангни ҳар хил чигалликлардан холи этиб, тарадудингни кўр ўғлим, - Отам юзларига фотиҳа тортиб, ўринларидан турдилар.

Шу кеча туш кўрдим. Узоқ-узоқдан бир ўғлоннинг овози келармиш: "Ота, Отажон! Чопқир саманингизни оғилхонадан чиқариб беринг. Мен мина-а-а-й!". Юзини кўришга ҳаракат қилдим, бўлмади. Мана, салкам бир юз ўн уч йилдирки, шу дийдорни кўриш илинжида тунларни тонг қиялман. Иншооллоҳ...

XXX

Тонг эди, дарвоза миёнсаройида ўша чол - Хожа Хизр турардилар. Шайх Абдулжамилни кўриб икки қадам олдинга қўйдилар.

- Хабар келтирдик. Сафар ризқи толейингизда ёзилган,- дедилар.

- Шу ерда фарзанд дийдорини кўрай дегандим, Шайх кўзларида беихтиёр ёш келди.

- Фарзанд кўриш насибаси Сизга Бухорода восил бўлгай. Фурсат бор, йўлга отланинг, Шайх. - Хожа бир жилмайиб, сўнгра ортларига қайтиб, кўздан-ғойи бўлдилар. Қулоқлари остида: "Фарзанд кўриш насибаси Сизга Бухорода восил бўлгай. Фурсат бор. Йўлга отланинг

Шайх" - деган сўзлар уч кун янграб турди. Учинчи куш аёллари розилигини олиб, ёр-дўстлар билан хайрлашди.

Карвон йўлга тушишдан олдин бомдод намози ўқилди. Шайх намоз такбирида Имом Ғаззолий таклиф этган дуои хайрни васла қилди: "Эй, Тангрим, бизлар Сендан бори неъмат ва гуноҳлардан сақланмоқни, бори раҳмат ва тансиҳатликни, тўқис тирикчилик ва хушбахт умрни, меҳрибонлик, комил эҳсон ила жамулжам насибани тилагувчимиз. Парвардигоро, Сендан ўтинчимиз - ҳар вақт зараримизга эмас, фақат фойдамизга буюр. Орзу умидларимизни ортиғи билан ҳақиқат айлаб, эрта-ю кеч, коматликни раҳнамо эт. Умримиз поёнида содир бўлгувчи ажалимизни осон этиб, боражак манзилимизни раҳматинг сари йўлла. Гуноҳларимизни авф ёмғири билан юв. Айбларимизни ислоҳга келтириб, бу ишингни бизларга миннат қил. Тансиҳатликни эгнимизга либос айлагил. Ғайратимизни ўзинг буюрган иш сари йўллаб, таваккалимизни ўзингга қил. Қароргоҳларимизни жаннат бўлишига муяссар эт. Ё, раббим бизнинг тўғри йўлимизда собит, қиёмат пушаймонидан соқит, гуноҳларимиз оғирлигини енгил, ҳалолият билан кифоят, ҳаромият тажовузидан, ёвузлар ёвузлигидан ҳимоят, ота-она, ака-ука, опа-сингилларимизни қиёмат ҳасратларидан, жаъмики мўъмину мўъминаларни жаҳаннам даҳшатларидан озод қилгин.

Азиз, улуғ, жумлаи жаҳон шохиди, соҳиби қудрат, айбу нуқсонларимизни беркитувчи, ҳурматлилар ичра якто, соҳиби ҳурмат, фазлу карами ва раҳмати ила шафқатлилар ичра танҳо соҳиби шафқат - Аллоҳ! Омин!".

XXX

Бир неча ҳафталик йўл ташвишлари. Румдан чиққан карвон Бухорога етиб келганида тонг отган, дарвозаларнинг очилишига ҳали вақт бор. Шайх фурсатни ғанимат билди. Сўраб-суриштириб, Имом Абу Ҳафси Кабир қабри бошига борди, зиёрат қилди. Бухорода унга куч-қувват бўлиб туришни руҳларидан сўради. Икки ракат намози нафл ўқиб қайтди. Карвон ёнига келди-ю, дарвозалар очилди. Шаҳар деворининг шиканларида кечаси билан дидбонлик қилган дидбонлар Мири Ғазаб амри билан ўрин алмаштираётганларида, карвон ичкари кирди. Дарвозаи Гўриён рўпарасидаги майдонда юклар туширилгач, карвондагилар карвонсаройларда жойлашдилар. Шайх Абдулжамил

оиласи билан Кўйи Ошиқон кўчасидан, Аркга яқинрок карвонсаройдан битта

хужрани ижарага олди. Жойлашиб олгач, қироатга тушди,

"Аллоҳим дунёни омонликда сакла! Сувинг куёшинг, еру ҳавойинг қадрига етадиганлар умрини узоқ қил. Боғу роғ, дала-ю қир, бозору ўчоқлар файзини бўлакча айлаб, қут-баракотингни зиёда айла. Сувда, куруклик, қарвону отликда юрган, Сенинг йўлингда кўз очиб юмадиганлар охиратини обод айлаб, жаннатинг юзини хуувайдо айла. Бухорони карамингдан узоқлаштира. Унинг остонини омонликда асрагайсан. Умрим охирида бу юртда Сенинг амринг билан келган эканман, бир нафас ҳам мени ўз хаёлингдан чиқарма. Ичган сувим, еган нону, босган тупроғим ҳаққини мен тирикликимда тўл, билмаган бўлсам, туғилажак фарзандим тавбаю, қироату солиҳ амал билан тўласин, Илоҳо, омин!"

Қироатдан кейин хужранинг бурчагида омонатгина чўзилди. Ё кўзи юмилди, ё... Бир дам мизғиди чоғи, туш кўрди.

... Отаси - Шайх Ҳусайн, "Қатта бобонг Имом Моликдан бир хабар олиб кел" деб юбордилар. Даламиди даштмиди? Ўрдан, ўрмалаб чиқдимиди? Имом Молик яшайдиган кўчага бўрилибди, туялар. Улар нуқул гапирар экан. "Ҳа, Имомзода келдингми, ҳансираянсан? Молик шу ерда, қироат қиляпти. Тез етиб борсанг кўрдинг, етиб бормасанг, чиқиб кетди...". Югурганча бориб дуч келган дарвоза палласини очибди. Бу - Имом Молик ҳовлиси эмиш. Ҳовли юзида зоғ ҳам йўк. Ичкари кирибди. Қироат овози: Бу- Шундай зурриётки, у бир-биридан таркалган". Овоз келаётган уй эшигини очиб, ичкари кириб пойгакда ўтирибди. Титроғини босолмай қизариб, бўзариб ўтирса Имом Молик оят сўнгида такбир ўқиб, унга юзланибди:

- Қироат қилганим нечанчи сурадан?

- Учинчи сурадан, ҳазратим. Кириб келганимда, суранинг ўттиз бешинчи оятида эдингиз.

- Тўғри топдинг. Шу суранинг тўртдан бир жузини ўқи-чи!

Абдулжамил кўзларини чирт юмиб, қироатга тушибди. Тўртдан бир жуз эмас, ҳаммасини қироат қилиб кўзларини очса, Имом Молик йиғлаяптилар:

- Саҳв килдимми, ҳазратим, йиғлаяпсиз?

- Саҳв-ку қилмадинг, кўркмай ўқидинг. Ҳар нафасда Аллоҳдан кўрқиб йиғлаяпман. Сен ҳам мудом шундай ҳолатда бўл.

Имом бир оз хаёлга ботиб, нуқул кўлини осмон томонга узатиб, бир нарсани очаётгандай, кучанар экан.

- Ҳазратим, не тарадудда азият чекапсиз?
- Арш эшигини очиб, Сен учун фарзанд сўрамоқчи бўлаяпман-н-н.

Ҳолат ўзгарибди. Уй айлана бўлибди. Имом Молик табассум қилиб дермиш:

- Умринг узун бўлгани яхши-да. Қисқа бўлса-чи? Зурриётимдан бир гавҳар ёруғлик дунёсига келишини кўрмай кетардим... Сени кўрганим хўп иш бўлди. Сен уғлинг дийдорини кўрасан. Из йўқолмайди. Фонийликда изимиз йўқолмайди. Қани кетдик. Урнингдан тур-чи?

- Баҳсга борамизми, - у савол назари билан Имом Моликка қараб ўтирар экан.

- Бўтам, бобонгдай савол беришни ўрганибсанда-а? Илм бу - хўрозлар ва қўчқорлар ўртасидаги уруш эмас. Бу - уруғнинг тупрок тагида тушгандан кейиндаги ўн марта айланиб, ўзига муносиб ҳолат излаб, сўнг ниш урушини аниқ кўра билиш, деган гап. Кўпчилик баҳсчилар қўлидан мушукнинг деворга сакраб, пастга тушишини кўриш ҳам келмайдию, яна ўзларини тўрт томонга урадилар. Ҳа, майли. Юр, Мадинани айланиб келайлик. Эртага Подшоҳ ҳузурига кириш ниятинг борга ўхшайди-ку. Улар ҳовли сахнига чиқибдилар. Абдулжамил ҳовли эшигининг бир паласини қаттиқ итариб, очмоқчи бўлиб: "Ҳа-а-а!".

Ўз овозидан ўзи уйғониб кетди. Тушини бир муддат, ўйлаб, ўтирди. "Ўғлинг дийдорини кўрасан, из йўқолмайди, изимиз йўқолмайди. Подшоҳ ҳузурига кириш ниятинг борга ўхшайди"- дедиларми. Э, Аллоҳ, шу кунгача катта бобомни туш кўрмаган эдим. Аниқ кўрдим. Узун бўйли, катта бошли, қош-кўзлари қора, елкалари кенг-кенг. Бу ҳам каромат. Бухоро файзининг каромати. Рухлар сен билан бирга бўлиб, ҳолингдан хабардор бўлиб турганлари ҳам бир давлат.

Шайх Абдулжамил Бухорога келиб, биринчи кўрган тушидан кўнгли тўлди. Остона хатлаб ташқари чиқди. Қуёш тиккага келган, теварак-атрофдан кун нурунинг хиди келарди. Карвонсарой ҳовузи лабида бйр оз ўтирди. Саройбон келтирган корсон косада ҳовуздан сув олиб, ичди. Шукронасида "Илохо Бухорода илдиз отиб кетай",- деди.

Косани такрор сувдан тўлдириб, хужрага қайтди. Хужрада аёли Корсон косани унга узатди:

- Ичинг, хонумжон, Бухоронинг суви. Сув эмас шарбатнинг ўзи. Рўди мосафнинг бағри-ҳазина. Сув томчилари таркибида олтин

зарралари жуда кўп-да! Шу боис бу ернинг мевалари жуда ширин, қовунларини мен Сизга айтмай, Сиз эшитманг...

- Жуда ҳавасинг кетиб...- Хонзода кулимсираб корсон косадаги сувни ичиб, коса ичига каради. Сув юқи зардай, - Шукр, Аллоҳга шукр. Ховуз сувини ичишга ҳам фурсат етди-е. Узун йўл бўйи Мешкдан сув ичиб лабларимнинг ранги кетди. Сиз ҳаксиз. Қаранг, нақ шарбатнинг ўзи. Суви шундай таъмлигина бўлса айтувдингиз-ку, Маҳтобий олма деб, у жуда наввот бўлса керак-а, Шайхим!

- Румдалигимизда бир шогирдим Бухородан қандак ўрикни Хитой коғозига ўраб, олиб борган эди. Ҳидлаб ҳидлаб тўймайсан киши. Шираси жуда баланд. Ўрик эмас худди пашмак холвани оғзингизга солгандай, бир мазза бир мазза.

- Шайхим, сут ичгим келаяпти. Бозори яқин эканми?

- Сиз шу ерда дам олиб, хотиржам ўтиринг. Мен бозорига бориб, нон, мева, сут, патири бухорий, мовизи обиҷўш, Зандана тутшиннисидан олиб келаман!

- Парнаён, калинжарий-чи? Румдалигимизда ваъда берувдингиз. "Бухорога борсак..." деб.

- Бозорда бўлса, албатта, харид килиб, дарров кайтаман.

XXX

Шайх Абдулжамил карвонсаройдан чикиб, шаҳар айланди. Бозори гулга кириб, Бухоронинг энг ноёб гуллари жамолини томоша килди. Бир даста ҳинои тар, исириқ харид килиб, катта бозорга ўтди. Ана бозору мана бозор. Боши-ю, учи кўринмайди. Расталар ораста. Тўкин сочинлик. Йўқ нарсанинг ўзи йўқ.

Шайх Бухоро бозорида яйраб кетди. "Аллоҳнинг бу юртга яқинлиги шу-да. Қишу ёз сархил мевалар бозор тўрида". Растанинг ўртасига ўтди. Қовунлар. Оқ, кўк, сариқ, гулобий, қамишбаргий. Қоп-қора тусий каллабўри оғзининг сувини келтирди: "Шундоқ, икки коса килиб косаси шарбатига тандирдан янги узилган нонни тўғраб, есанг. Бир мазза бўлади-е. Булари бўлакча экан. Бу хилини Румда кўрмаган эдим. Сўрайми, деҳқондан?". Абдулжамил ҳазратлари ҳажми майда, жуда хушбўй, қалин тўр боғлаган қовун хилини деҳқондан сўраш учун оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, саволга ҳожат қолмади.

- Ҳазратим, - гапира кетди деҳқон,- Бу хил қовун фақат Бухоронинг Обқанд туманида бўлади. Ўша ёқда Кўли уштурум бор. Катта кўл, баҳорда суви тошади. Ёз келгач, сувлар ортга чекинади. Ана

шу адокда экамиз бу хил қовунни. Суғормаймиз. Кўлнинг нами билан қовун палак ёзади. Гул тугади. Биз доим полиз ичидамиз, ҳазратим.

- Мана булари қандай етиштирилади,- Шайх қўли билан ишора қилди.

- Мен кўпроқ намарза, варқий қовун экаман. Харидори кўпда, ана, қаранг. Кўтарма савдо қилувчилар келди. Булар узок юртлардан,- Қовунфуруш деҳқон шундай дея янги харидор томон юзланди.

- Неча ботмон харид қилмоқчисиз?

- ...

- Жуда кўп бўлса, полиз бошига борамиз. Каппада бир кеча тунаб, кечаси билан, қолганини саҳарда узамиз қовунни. Қуёш чикгач узиб бўлмайди. Шираси палакка ўтиб кетади.

- Бозорга қанча келтирдингиз бугун,- сўради карвонбоши ёнидаги тилмоч.

- Бугун азонда узганларимни, ҳолимга яраша, келтирдим. Полизда ғарк пишиб ётибди.

- Шу топда бориб узсак, бўлмайдими?

-Йўқ. Қуёш чиққандан кейин қовун узиб, савдо қиладиган деҳқон, ғирром деҳқон саналади, бизнинг қишлоқда. Айтдимку қуёш нури остида қовун узмаймиз деб. Кутинг бир фурсат. Молимни сотай. То Обқандга боргунча ўзи қуёш ботади. Ана ундан кейин узишни бошлаймиз. Полизимиз кенг. Кажаваларингизнинг ҳаммаси ҳам тўлади...

Шайх Абдулжамил улар суҳбатига бироз кулоқ солиб турдида, олмафурушлар томон ўтди. Олмалар, бухорий олмалар, муаттар хиди бозорни тутган. Маҳтобий, гулнорий, гулобий, жавпазак, думчаборик.

- Олинг, олмадан. Пулингиз ўзингиз билан кетади. Бу дашт олмалари, шираси баланд. Мана бу жавпазакдан мураббо қилсангиз, минг дардга даво,- олмафуруш шундай деб, молига харидор чорлади. Ёнига бир таниши келиб хабар берди:

- Бонобий, эшитдингми? Бозорда ғалла нархи тушибди. Олманинг пулига ғалла олиб, қишда жамлаб қўяман деган эдинг. Бор энди, ол.

- Қанча бўлибди?

- Ўтган пайшанба 50 танга эди нимчаси.

- Бугун-чи?

- Бугун 30 танга, бориб суриштир. Ёлғон гапирганим йўқ.

- Қандай қилиб, тўрт - беш кунда 20 танга тушибди, хайронман.

- Э, сенга айтгандим-ку, усули Абу Ҳафси Кабирий деб. Бозордаги энг баланд нархни тушириш учун Абу Ҳафси Кабир шундай қилган эканлар замонида.

Олмафурушларнинг бу суҳбатларидан Шайхнинг хотирида "нодир ғамхорлик" тушиб кетди. Абу Ҳафс Кабир Бухорий одамлар оғирини енгил қилиш, бозорда нархни тушириш, халқга жабр бўлмаслиги учун "усули нодир"ни қўллаган экан. Дейлик, бозорда ғалла нархи кўтарилиб кетди. Ҳазрати Имом бозорга кирган бор ғаллани эгаси айтган нархда харид қилиб, куннинг иккинчи ярмида 100 тангадан сотиб олган нимча ғаллани 90 тангага сотар эканлар. Эртага 80 танга, индин 70 танга. Индиннинг индинисида 60 танга. Нархнинг бозорда пасайиши учун шу усул қўлланилган. Харидор ранж тортмайди. Даллол сони камаяди. Имомнинг эса хайр-садақа учун атаган пуллари "нарх тушириш" баҳонасида элга тарқатилади. "Бугун ҳам шундай бўлди-да", кўнглидан ўтказди Шайх. Ҳазрати Имомдан кейин ўғиллари шу тадбирни қўллаган экан. Энди... Энди чеваралари бобо изини босиб, бозорда хайр ишга қўл урибди. Чакана ғамхору тадбирни тақдир қиладиган одамшаванда эмас бу бухороликлар". Шайх шундай ширин хаёлу хайратланишлар дунёсига ғарқ, харид қилган нарсаларини кўтарганча бозордан чиқиб, ҳужраси томон равона бўлди.

XXX

Шайх хужра эшигини секингина чертди. Ичкаридан овоз келди:

- Ким?
- Менман, бозордан кайтдим.

Эшик очилди. Шайхнинг қўлларидан нарсаларини олар экан, Хонзода:

- Бозор шу яқинларда эканми, чарчамадингизми,- деди.
- Биз жойлашган карвонсарой Аркга жуда яқин. Катта бозор шу ерда Бухоронинг бозори гули бор экан. Сизга ҳинои тар олиб келдим. Исириқ ҳам. Кўз тегмасин Хонзодамга, дедим.

Кулишдилар. Дастурхон ёзилди. Бозордан келтирилган мева-чева ўртага кўйилди.

- Бу Сиз айтган Парнаён узуми. Излаб-излаб ахири топтим. Бир донасини еб қўринг-чи, мана, - Шайх бир бош узумдан бир дона олиб аёлига узатди. Аёли узумни олиб, оғзига солди. Тиш босган заҳоти "қарс" этган товушни Шайх ҳам эшитди. Бараварига кулдилар.

- Ширин. Болдай ширин экан, Шайхим Мана бу нима?

- Бу - асали гули хор.

Шайх сопол кўзачанинг оғзидаги боғичини очиб, аёлига узатди:

- Ҳиди дашт гулининг ўзи. Бир хидланг?

Хонзода софол кўзачани бурнига яқин олиб бориб, ичига бир қаради. Кейин хидлаб, узун нафас чиқарди:

- Шайхим жаннатга келиб колганга ўхшаймиз. Асалдан гулоб хиди анқийди. "Гули хор" дегани янтоқ гулидан бўлган асал деганидир-а? Бу- каллақандми?,- Белбоғга ўроқлик нарсага ишора килди Хонзода.

- Бу ковун. Кўли уштурум ковуни. Харбуза деб шунга айтилар эканда. Яъни хар - катта, буза - хушбўй дегани. Хушбўй, ҳажми олма, ноклардан катта полиз ҳосили. Ҳидини қаранг. Ҳали белбоғдан очиб, олганим йўғу, муаттар ҳид ҳужрани тутганига қойилман,- Шайх қовунни белбоғдан очиб олиб, бир хидлаб, ўнг кўли билан "тирс-тирс" ўриб, мақтанди: - Қаранг, Хонумжон. Гулнинг ўзи. Ҳидлаган сайин хидлагингиз келади. Бозорга кирсам, кўпчилик шу хил қовундан сотиб олаяпти. Хитой, Хиндистондан келга савдогарлар кўтармасига савдо қилаяптилар. Сўрадим, "Харбузаи Кўли уштурум" дедилар. Пичоқни беринг. Сўйиб кўрайлик-чи?

Хонзода Шайхнинг Румдан ўзи билан бирга олиб келган бақамти сопли пичоғини қинидан суғуриб, Шайхга узатди. Қовун сўйилди. Бир тилимдан ейилгач, таъриф таъриф қўшилди.

- Э, гули хор асали таърифини Сизга қилмабман-у,- Шайх Абдулжамил муҳим нарсани унутиб юборгандай зўр иштаҳа билан қовун еб ўтирган аёлига бошини кўтариб қаради.

- Бухорода чўл кенг бўлади. Янтоқ ўсади, сувсиз қум барханлари бағрида. Янтоқ гуллаган пайт боларилар фақат шу гулга кўниб, гулчанг йиғадилар. Иш кўзини билган асаларичилар янтоқ гулидан бўлган болни алоҳида идишларда солиб кўядилар. Табиблар ундан "минг дардга даво" дармондори тайёрлайдилар. Бозори чакқон асаллардан бири- Асали гули хор!- Шайх кўли билан идишни кўрсатди.

- Гулқанд-чи? Гулқанд ҳам шундан тайёрланадими? Онамдан "Гулқанд-дармондори" деб эшитувдим.

- Хонзодам. Гулқанд бутунлай бўлакча нарса. Тўғри Бухоро гуллар кони бўлгани боис, гулқанд шу ерда тайёрланади. Гул шарбатига озгина шакар ё асал кўшиб тайёр бўлган ҳосилани сопол идишларда солиб, 40 кун қуёшга кўядилар, кейин, гулқанд тайёр

бўлади. Тайёр бўлган гулқанд ҳиди етти маҳаллагача борар экан. Гулқанд ҳам, асали Гули хор ҳам энг ноёб егулик. Яна бир нарса бор, уни кейин Сизга айтаман.

- Нега энди "кейин", Шайхим - хонумнинг овозлари ярашиқли араз аралаш чиқди. - Бухорога олиб келганингиздан кейин ҳаммасини бир йўла айтингда, билиб олай. "Эрта-индин" десангиз, иш билан бўлиб хотирангиздан кўтарилади. Айтинг...

- Сизни ўша ерга олиб бориб, жойида айтмоқчи эдим. Ҳа, майли айтишим лозим экан айта қолай. Вақт соати етиб келса, борармиз ўша...

- Билдим, - Хонум қувноқ оҳангда Шайх сўзини бўлди, - Бу - Зандана. Сизнинг жойнамози фандуқийингиз бору, ўшани Румда ҳеч кимга бермай, олиб келдик.

Айтувндингиз, занданича матоҳдан тайёрланган деб, шуми?

- У жойнамоз! Аммо, энг зўр егулик бор. Зандананинг оқ балхий тутларидан тайёрланар экан. Бу - тутшинни. Ранги тиниқ, сал гулобича. Хасакий тут қўшилгани қуюқ сарғиш. Оғизга солсангиз...

- Шундоқ, думалаб-думалаб, пастга тушиб кетади, денг, - Хонумнинг чеҳраси очилиб, қувноқ бўлиб кетган эди, - қачон олиб борасиз Зандани-ю, тутшинни маконига. Шу ҳужрада ўтиравераманми энди,- Хонумнинг қошлари нозли чимирилди.

- Олиб бораман. Харбунни кўрсатаман. Занданини ҳам кўриб келамиз. Бир йўла Сизга Занданича матоҳ оламиз, кўйлаклик учун, жойида нархи арзон дейдилар. Хум-хум тутшиннилару майизи обижуш, қовунқоқи. Ок кандақзорларни томоша килсангиз, йўлда тортган ранжларингиз унутилади, кетади, шундайми?

- Шундайликка шундайку-я, олиб борсангиз-да. Яна Румдагидай "бугун мактабим", эртага эса "бошқа ишим чиқиб қолди"- десангиз...

Эр-хотин бир тўхтамага келдилар. Шайх тушлиқдан кейин яна бир кўчага чиқиб келди:

- Аркга, дарборга бордим. Румдан бугун, эрталаб келганимни айтдим. Шоҳ Жўйи Мўлиён бўйидаги боғида экан. Эрта-эрталаб келар экан. Қабул ҳам эртага қолдирилди, - Шайх шундай деб, хўржундаги нарсалар орасидан жойнамози фандуқийсини олиб, ҳужранинг меҳроб қисмида ёйди-да, намоз ўқишга тушди.

XXX

Шайх Абдулжамилни дарборда эшик оғоси кўп куттириб кўймади. "Сиз кирар экансиз, меҳмон",- деб Шайхга йўл кўрсатди.

Хазрат ичкари кириб, Ғуломгард деворига етувди ҳамки, Шоҳ ўтирган жойидан туриб, унга пешвоз чикди.

- Хуш кўрдик, Шайхим. Қадамларига ҳасанот. Румдан Бухорога келганингиз кўп маъкул иш бўлди. Йўлда ранж кўрмаган бўлсангиз керак, чехрангиз равшан,- Шоҳ Абдулжамил хазратлари билан кўришди.

- Бухоро ҳавоси ҳар қандай ранж захрини вужуддан тез чиқариб юборар экан. Сувини демайсизми?- Шайх шоҳга миннатдор қаради. - Энди бу ёғи Сизнинг измингиздамиз!

Подшоҳ бошдан оёқ Шайхга ҳавас кўзи билан қаради. Узун қомат, оппоқ соч-соқол, кипригу қош, кийимлар ҳам оппоқ. Занданича нафис матоҳдан тикилгана сарпо Шайхга янада улуғворлик бахш этарди. Қарашлар меҳрибон. Болалардай содда, беғубор. Пешонада эса ажиннинг мутлоқ изи йўқ... Хотирага Абу Таййиб Ҳулвон ибн Самура ал-Понабий келди. "Абу Таййиб – олим, такводор, машҳур одам. Бир куни масжидда азон айтиб турса, Бухородан Вобкентнинг Понабига чопар мактуб келтирибди: "Сизга Хат келтирдим", дебди дойи. Мактубни олиб қарасалар, Бухоро амиридан экан. Хатни очмай чопарга қайтарибдилар: "Мен қачон подшоҳнинг одами бўлибманки, менга мактуб ёзади. Менинг улар билан ишим йўқ". Чопар ҳам бир томондан шамолу бир томондан супурги деган гап. Кўрган "супурган"ларини олиб, келиб етказтиради, албатта. Понабий шоҳнинг унга юборган хатига қилган муносабатини "томизмай" эгасига етказганида, Амир: "Худога шукр, менинг хатимни ўқимайдиган киши ҳам бор экан", деб шод бўлган экан. Шайх Абдулжамил ҳам - Абу Таййиб Ҳулвон Понабий, унча мунча шоҳнинг одами бўлишни тан олмайди". - Бир-икки кун Шахристонда қолиб чарчоқлар чиқгандан кейин, - Шоҳ унга кўз тикди.

- Илтифот учун ташаккур. Сиз буюринг, биз хизмат жойига борайлигу кейин...

- Ундай бўлса, кўнглингиз майли қайси туманга?

- Бухоронинг табаррук тупроғи кўнгил тусайдиган жаннат. Сиз қайси туманга боришимизни лозим топсангиз аҳли оиламиз билан ўша туманга бориб, яшайверамиз Аллоҳ соясида, - унинг овози

титраганнамо чикди. "Биз, бу юртларга, фарзанд дийдорини кўриш иштиёқи боис келдик, қариликда!", демоқчи эди-ю, тилини тишлади.

- Кўп маъкул Шайхим, маъкул. Гиждувон қалъасига...

- Сизнинг муборак тилингиздан Гиждувон мавзеси келдими, бизнинг ўша ёққа борганимиз бўлсин. Энди бизга рухсат!

Бухоро шоҳи Шайх Абдулжамил билан Гуломгард девори ёнида хайрлашди. Шайх Дарвозаи Аркдан чиқиб тўғри карвонсаройга келди. Ҳужрага кириб, икки ракаат намози шукрона ўқиб, савобини Бухоро уламоларига бағишлади. "Оллоҳим, ҳамманинг юкини енгил, сафарини бехатар, йўлини равон қилишинг баробарида, бизни ҳам унутмагин. Мушкуллимизни осон, ризқимизни фароғ, кўнглимизни тинч айлагил", деб юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. Юклар йиғиштирилди. Саройбон ҳаққи тўланди, улар саворага миниб, Гиждувон томон йўлга тушиб, Бухоро Шаҳристонида чикдилар.

XXX

... Гиждувон қалъасида кунлар ранги ўзгача кечарди. Шайх безовта, Шайх диққат. Дарровгина масжидга боради-ю, изига қайтади. Хонумнинг ой-куни яқинлашган. Овқатланаётган пайтида ўзи устида турмаса, кўнгли тўлмайди.

- Бугун Сизга раста бозоридан гулобий харид қилдим. Кўпроқ мева тановул қилинг, Хонумжон. Ё нашвоттий олиб келишим маъкулроқмиди, - Шайх Хонум чехрасидан кўзини узмасди - Сут, қатик, қаймоқчи, кўнглингиз кетдими? - унинг вужуди диққат, оғиз пойларди. - Қалъани шундоқ айланиб ўтадиган Бурқи Сармаст ариғидан бир ибрик (обдаста) сув олиб келдим. Қаранг, суви қизғиш рангда. Бундай рангдаги сувни биз Малатияда кўрмаганмиз, шундайми?

- Шундай, шундай, Шайхим. Ўзингиз айтганингиздек Зарафшоннинг зарларидан Харқонруд орқали олиб келадида Бурқи Сармаст ариғи, - Хонум ҳорғин гапирди. Чехрасида хавотир аломатлари. - Фақат мева тановул қиялман. Яна бозорга тушсангиз менга лос, шамъ кукуни, янги сиёҳдон, қоғоз, арабий елим келтиринг. Малатиядан олмабман, Бухорода бор деб. Кўлим уй ишларидан бўш бўлган пайтлари "Хадис" кўчирмоқчиман. Балким..., - Хонум Шайхга маъноли қараш қилди.

- Ўзингизни кўп уринтирманг. Кўшнига айтай, аёлини бу ёққа чиқарсин, гаплашиб ўтирасизлар. Шу баҳонада гиждувонча гапиришни ўрганиб оласиз.

- Кошки кўшни хотин чиқса эди. Одам захрини одам олади-ю, китобат қилсам ҳам, овунаман. Ёзувим кўркамок бўлади. Айтгандай увададан бўлган қоғоз маъкулрок. Шунақа қоғоздан одиб кединг...

Қалъа хавосининг латифлиги, мева-чева тановули Хонумга енгиллик келтирди. Хавотирланишлар ўрнини хотиржамлик эгаллади. Хонум яна севимли машғулоти хаттотлик билан машғул бўлди. Ҳазрат харид қилиб келтирган лоси тавовисий сиёҳни бир хилда тарқатар экан. Сиёҳнинг тезда қуриб қолишига манёлиги яхши. Ёғоч қаламни сиёҳга ҳар бир ботириб олганида бир хурсанд бўлади. Қўл чарчамайди. Ҳарфлар кўркамок. Қаторлар қалъа синжидаги пишиқ гиштлардай тизим-тизим. Бир-икки ой ичида иш салмоғи ошди. Хонум учун хали ёт бўлган қалъада зерикишлар қаергадир гум бўлди. Бир куни кўшни аёл қистови билан унинг қизига "Ҳадис"нинг биринчи жузини кўчириб, энди жузбанд қилаётганида Шайх намоздан қайтди. Қўлтиғида ўроғлик бухорий новвот:

- Сизга ширинлик келтирдим. Кўп диққат бўлиб ўтирманг. Оғзингизга солиб, юмушларингизни бажарсангиз эриб кетганини билмай қоласиз,- новвотни аёлига узата туриб, уйни кўздан кечирди. Бухчалар... Юраги хаприқиб кетди: "Худога беҳисоб шукр. Менинг уйимда ҳам бешиг учун ауз, болишча, дастбанд, гаҳворапўш тикилар экан-да. Хонумжон буларга қачон улгурибди. Кўрмай қолибман. Ё, поко Парвардигоро, ноумид қилмаганинга шукр". Эртаси эрталаб қалъадан чиқиб, Гиштий томонларга ўтди. Айланиб юргандай қилиб кўрсатди ўзини. Қўл бўйларига борди Қақралар ўсган ораликлардан излаб-излаб исириқ топиб териб келди.

- Хонумжон, бозордан эмас, Гиштий кўли бўйларидан териб келдим, спанд. Буни бухороликлар ҳазориспанд дер эканлар. Ҳовли, уйнинг ҳамма жойига тутатинг. Кўнглимга шундай хаёл сиғди-да, Хонум!

Уй исириқ ҳидидан муаттар бўлди. Эшигни мешкоб таққилатди:

- Ибриқни дарвоза олдида кўймабмиз, сув солардим хой!

Шайх мешкобга овоз берди:

- Илтифот учун ташаккур, тақсиржон! Ўзим, Бурки Сармастдан олиб келаман. Мана бир қадам-ку!

Мешкоб, кетгач, наълайини оёғига илди, Ибриқни кўлига олиб, қалъанинг дарвозалари олдидан ўйноклаб оқувчи катта ариғдан сув

олиш учун уйдан чиқди. Гузарлардан ўтиб, Дарвозаи таги растагача келиб, Дуобага қараб бурилди: "Иккита ариғнинг ўзаро қўшилган жойидан сув олай. Иккала ариқ топиб, олиб келган ризқ". Дуобага энди етаман дегунча рўпарасидан Қассобон гузари масжидининг имоми Қосим Шайх чиқди:

- Йўл бўлсин Шайхим, ибриқ кўтариб юрибсиз?
- Дуобага сув учун келувдим. Қани ўзларига йўл бўлсин, Худо мадад қилгур!

- Масжидга тўйболани келтирган эканлар, гузардан. Қўлини очиб, Қуръон бериб юбориш маъракасига кетяпман. Қачондан бери боланинг отаси: "Қўлини ўзингиз очиб, "Каломи шариф"ни қўлтиғига қистарасиз-да, ният қилганман", деб юрувди. Юринг Сиз хам! - Имом илтифот кўрсатди, - Ибриқни мана бу ўғлимга беринг, Дуобадан сув олиб, уйингизга бериб келади, - Имом ортдан эргашиб келган 10 - 11 яшар болага ишора қилди. - Кел, жоним, ибриқни олгину, сув тўлдириб Шайхим гузарларига дарров, бориб кел. Мен масжидда бўламан.

Бола Шайхга якин келиб, саломлашди. Ибриқни Шайх қўлидан олди-ю, Шайх имом марҳаматидан шод масжидга ўтди. Масжид саҳнида бир тўп одам. Биргаллашиб ичкари кирдилар. Ҳаммадан кейин уч яшар ўғил болани қўл тирсагидан ушлаганча тўйчи кириб келди. Хамманинг кўзи ота-болага. Тўйболанинг иккала қўли олдинга қараб узатилган. Шу кўйи билагидан боғланган. Қўллари устида "Қуръони карим". Бола ўта эҳтиёткорлик билан юриб келяпти. Бутун диққати китобда. Сал ўринсиз ҳаракат қилса, китоб тушиб кетиши аниқ.

Бола отасининг имоси билан меҳроб рўпарасида - Имом билан Шайх ўрталарида келиб, тикка турди. Қосим Шайх ўрнидан туриб, бола қўллари устидаги "Қуръон"ни олиб ўпиб, пешонасига тегизди, кейин болага ҳам шу амални такрорлантирди-да, китобни Шайх Абдулжамилга узатди. Шайх Қуръонни ўпиб, оят тиловат қилиб, икки қатор бўлиб ўтирганларга узатди. "Қуръон" қўлма-қўл ўтиб, қатор охирида ўтирган одам қўлига етди. У китобни қўлига олиб, ўрнидан турди. Ҳамма унга: "Муборак бўлсин, қарздор бўлдингиз, қарзни тўлаш учун ўғил, невараларингиз билан илоҳо шу даргоҳга келинг", деб ният қилдилар. У одам "куллуқ-куллуқ" деб, жойига ўтирди. Қосим Шайх боланинг қўлидан ушлаб:

- Ўғлим, энди катта бўлиб қолдингиз. Қўлингизни ўйин бандидан очиб, китоб, қалам ушлаш йўлига мана бундай солиб, кўямиз, - Бола билагида боғланган боғични очиб, бир чеккага ташлади. Меҳроб ўнг

томон тоқчасида турган "Қуръон" китобларидан бир донасини олиб, кўш- кўллаб, болага узатди. Тўйбола китобни олиб, уч марта ўпиб, бағрига босди.

- Суннат тўйингиз ўтгач, масжид мактабига келиб, сабоқ олишни бошланг. Йўлингиз, кўлингиз, қалбингиз очилди, ўғлим. Илоҳо, омин, ҳамманинг фарзанди, неварачевараси шу кунга етсин. Муҳаммад Пайғамбарнинг уммати-ю, Поко Парвардигорнинг энг солиҳ бандасига айлансин, Илоҳо! Шайхим, - у Абдулжамил хазратга мурожаат қилди, - Шу ўғлонга оқ фотиҳа беринг. Бугун унинг Аллоҳ каломини қалбига жой этиши учун кўли-ю, йўлини очдик!

Шайх Абдулжамил Тангри: "Кимки Аллоҳ таолога таваккал қилса, Аллоҳ уни кифоят этгувчидир. Албатта! Аллоҳ у кишининг ишини мукамал қилгучидир. Аллоҳ таолоҳ батаҳқиқ, ҳар бир нарса ва ҳодисани ўз тақдири билан ато этган. Бас, Аллоҳ таолога таваккал қилдим. У мени кифоят этгувчидир. Мени буюк суянчиғимдир" каломини оқ фотиҳага зам қилиб, дуога кўл очди: " Қодири кудрад каломи учун ҳамма некбин бандаларнинг калби очилсин, Омин!". Тўйбола бошига сочқин сочилди. Ўғлон масжид эшигидан "Қуръон" кўлтиқлаб чиқди. Ҳамма унга эргашдилар. Кимдир тўйга, кимдир бозорга, Шайх Абдулжамил уйига қайтди. Ковушини пойгакда суғуриб: "Биз келдик", деди. Хонум ёзаётган коғози устидан бош кўтарди:

- Ўзингиздан олдин сув тўла ибриқингиз келди, Шайхим.

- Э, Хонумжон бу - Бухоро эмас, ҳикмат тўла хазина экан. Сувга кетаётиб, йўлда...

Масжидда бўлган маросимни ҳайрат билан аёлига айтиб берганида, у кувониб кетди:

- Қандай гўзал маросим. Болани суннат қилишдан олдин кўли, кўнглини Аллоҳ йўлига, ният билан очиш! Бу бизда бормиди?

- Малатия, Румда йўк эди. Бу - бухороликларнинг Аллоҳга таваккал қилиш дебочаси. Болага қараб туриб, бир ниятлар кўнглимда кулф урди, кулф урди. Ҳаммасини Сизга айтиб, адо қилмасам керак. Шунча ёшга кириб, бундай маъраканинг гувоҳи бўлмаган эдим. Илоҳо, мен билан Сизни ҳам шу кунга етказсин. Фарзандимизни кўлидан тутиб, масжид остонасидан ҳатлаб ичкари киришига ҳамият бериб борай-да, Хонумжон. Сиз уйда, биз иккаламизни дуо қилиб ўтирсангиз...

Шайх кўзига ёш олиб, йиғлади. Хонум чалғитмоқчи бўлди уни. "Ал-жоми ас-саҳиҳ"-дан кўчирганларимни кўздан ўтказиб берсангиз. Хатим сал хунукроқ чиқибдимми-а?

Шайх кўзларини артди. Тавбасини Аллоҳга қилиб, кўчирган қоғозларни қўлга олиб, ўқишга тутунди: Муҳаммад ибн Жубайр ибн Мутъим оталаридан нақл қиладилар. "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Менинг беш исмим бор. Мен - Муҳаммад ва Аҳмадман. Мен ал-Моҳийман. Аллоҳ таоло менинг воситам бирла куфрни маҳв қилур. Мен ал-Ҳоширман (қиёмат куни) оёққа турганимда одамлар (атрофимга) тўплангайлар ва мен ал- Оқибман, деб марҳамат қилдилар".

- Гўзал дастхатингиз бор-да, Хонумжон. Саҳвсиз чиройли кўчирибсиз. Нега шу жойида келганда мен бу нарсани ўқидим. Бунга ҳам бирор каромат бордир-а?

- Тушундим, Сизни тушундим. Пайғамбаримиз исмлари Муҳаммад, Аҳмад, ал-Моҳий, ал-Ҳошир, ал-Оқиб...

Сиз ҳам тараддудингизни кўринг. Эрта-индин исм излаб ўтирмайлик, - табассум қилди, ўзига яраша қош чимирлишлар билан Хонум.

- Ҳақ аст, ҳақ аст. Бу борада хотирингиз жам бўлсин. Ўша кунни Сизу бизга ўзи тақдир қилсинчи, мен айтавераман, Сиз танлайсиз, маъкулми? Дастхатларга келсак, кўчираверинг-чи, китоб ниҳоялагач, ўзим жузбанд қилиб бераман. Келтирган увада қоғоз Сизга маъкулми? Сиёҳ қалай, кўп баланд эмасми, қуюққина-а? Айтгандай лоси Зандана зап лос эканда-а?...

Улар узоқ суҳбатлашдилар. Дуоба сувидан чой қайнатилгач, дастурхон ёзилди. Гап орасида Хонум бу қалъада хотиржам ўтириб, кўп рисола, китобларни кўчириб, жузбанд қилиш мумкин эканлигини айтди. Бозордан Шайхнинг гузари тушса, ялпиз қўшиб, жуфтак қилинган майизи оби жўш харид қилиб келишларини тайинлади. Қўшни хотин: "Сиз ҳам татиб кўринг"- деб майиз чиқарган экан. Жуда хушхўр. Баҳоргача сандиқ, кажава, осма саватда сақлангани шакарак боғласа-ку нақ роҳати жоннинг ўзи экан. Хонум Шайх учун олиб кўйганини нимчасининг чўнтагидан олиб узатди. Бир сиқимгина. Ҳар бир донасининг ташқаридан ичи кўринади. Уруғи икки дона, сал қаттароқ. "Мана мен" деб тургандай.

Шайх бир сиқим майизга қараб тўлқинланиб кетди. Бир думалаб, бола бўлгуси, даланинг чанг йўллари югуриб, тиззагача тупроққа ботиб, ўрик дарахтларига чиқиб, ҳил-ҳил пишган ширпайванд ўрикларни бандидан жудо қилмай, жойида хидлаб-хидлаб, тўйгиси...

Кейин, олтинранг зардоли териб келиб, кўчанинг болаларини меҳмон қилгиси келди. Туя ўрқачига ёмғир томчилари тушганда, чиқадиган ҳид димоғига урилгандай, бесаранжом тўрт томонга қаради: "Ё тавба, карвонда эмас, уйдаману. Нега бундай ҳид димоғимга урилгандай бўлди. Э, ха, сал қуруклашган жун ҳиди. Қарилик, қариликда бола бўлгим келяпти. Ё, Поко Парвардигоро! Сен фарзандни ҳар бир банданг учун, жонли кўзгу қилиб юборсанг керак. Одам фарзанд сиймосида кун бўйича ўзини кўриб туради. Сал ўзгарган афт-ангор, қош-кўз, овоз. Аммо, қони бир иккинчи ўзинг. Сен билан бир дастурхон бошида рўпарама рупара ўтириб, гап беради. Оз қолди. У туғилади. Кейин. Кейин... Катта бўлаверади. Рўпарамда ўтириб, сопол пиёлада чой сузиб, "ҳуриллаб" ичади. Мен "лутф, одоб сақланг, дастурхон бошида", деб танбех бергандай бўламану, аслида ичимдан қувониб ўтираман. "Хаёли кўчада, уйинда. Шу боис шундай қилди" деб. Бозордан "унга" деб олиб келган соягий майизни жуббадон кўзидан олиб, узатаман... Манг ўғлим, енг. Бунақаси ҳали ҳеч қаерда йўқ. Кўм-кўк, дона, дона. Биласизми, "киш-миш" нима дегани экан Бухоро шеvasида?

У гўдақларча соддалик билан менга қараб: "Қайдам билай?" дегандай нозик елкаларини қисиб қўяди. Бу ҳаракати унга жуда ярашиб тушадию Мен: "Э, а-на! Бухоройи бўла туриб, билмадингиз", дейманда, онасига кўз қисиб қўяман. Кишмиш "гўшти меш" дегани ўғлим. Қўй гўштидак юмшоққина, уруғи жуда майда, борлиги ҳам унчалик билинмайди. Қани, чўнтагингиз оғзини очинг-чи. Жуббадон кўзидан яна бир сиқим майиз оламан. У олдин яқтакчасининг икки ён томонига кўз ташлайди. Чўнтак йўқ. Кейин ойижонисига қарайди: "Чўнтагим йўқ-ку" маъносида. Хонимжон гапнинг ёғли жойидан оладилар:

"Э, дадажониси, шу ўғлимни йўқ жойдан хижолатга қўйиб ўтирасиз-да! Дўппингни тут денг. Имом Молик Шайх Абдулжамилдай одамларнинг зурриётида чўнтак нима қилсин. Худосиғар юрак бор бу зотларда. "Қалб руҳ султонининг қароргоҳидир", деганлар Имом Молик ўтмишдошлари. Мана, ўзим тиккан дўппичасига солинг". Хонумжон, "қалай, қойил қилдимми",- дегандай, ўғиллари бошидан дўпписини олиб, қўлига берадилар.

Биз дўппини майизи соягидан тўлдирамиз, кўчадаги ўртоқларингизни ҳам меҳмон қилинг, деб. Ана шундай ширин кунлар Гиждувон қалъаси дарвозасидан кириб, менинг ҳовлим эшигини, адашмай, топиб келади!".

Шайхнинг ширин хаёлларини Хонумнинг:"Емай, кафтингизда ушлаб, томоша қилиб ўтирибсизми?", деган гапи бузди.

- Чой билан ейман, шираси баланд, - Шайх Хонум узатган сопол пиёладаги чойдан бир хўплаб, оғзига бир жуфт майиз солиб, чайнади. Ҳар бир тиш босганида "қисир, қисир" этган овозини Хонум ҳам эшитди чоғи деб:

- Мавизбоб узумларнинг уруғи сал каттароқ. Каранг, тиш босганда чиққан овозини бошқа киши ҳам эшитади.

Сиз ҳам...

Хонум кулди.

- Нега қўшни хотин гужум дарахтининг қуриган баргларини бир этак қилиб, чиқариб, ахлатга ташлади.

"Буни нима учун йиғиб қўйгандингизлар" десам, "узум қайнатиш учун териб келувди болалар, гужумзордан",- деди. Қандай қайнатар экан-а, узумни?

- Бухоро тупроғида ҳикмат кўп, Хонум. Чўлларда кум барханлари юришини тўхтатиш учун саксовул ўсиб чиқади. Игна баргли. Хўл баргларини чўғ бўлган олов устида териб, ташласангиз ёнмайди. Барглар эриб, қотиб қолади. Қотиб колганини "ишқор" дейдилар, бухороликлар.

Сувга солиб қайнатсангиз, таъсири кучаяди. Мавиз бўладиган узумлар пўсти юпка бўлганлиги боис куёшга ёйиб қўйсангиз, сувининг қочиши оғир. Сал шираси пастроғи эса қуримай, шишиб қолаверади. Бундайларини "дапчак" дейдилар. Саксовул ишқори билан мавиз қилиш сирини Занданилик боғбонлар билиб олган экан. Занданада боғлар кўп. Суғдлар Занданани "Зандавишти" токзорлари кўп даштлик деган эканлар. Пўсти калин мавизбоб узумни қайнаб турган ишқорли сувга солиб, олсангиз ишқор узум пўстини кесади. Тўрт, беш бор тилгандан кейин қўриши енгил кечади. Шамол ўтар жой, томларда, куёшга ёйиб қўйилса, икки, уч кунда нами қочиб, қуриб қолади. Қарабсизки, яшдай қип-қизил мавиз тайёр. Гужум дарахти япроғининг таркибида ишқор бор. Энди бу саксовул ишқорига қараганда сал юмшоқроқ. Кўм-кўм япроқларини териб, сувга солиб қайнатилса, ишқорли сув ҳосил бўлади. Дастали саватларга солиб, бир-икки ишқорли сувга ботириб, олинган узумлар ёйиб қўйилса, Сиз айтган мавиз бир ҳафта ичида тайёр бўлади. Менга берган бу мавизингизни ширабосди жуфттак дейилади. Қуритилган мавизни саватларга оз-оз солиб, юзида раъно, хулву ё райҳон гулларининг қуритилган баргларини ташлаб, устидан бир олчин бўз, ё қарс ёйиб, кейин оёк

билан босилади. Бу амал тўрт , беш марта такрорлагандан кейин саватдаги мавиз жуфтак бўлиб қолади. Салкин жойга олиб кўйилса баҳоргача шакарак боғлайди. Тайёр мавиз-ҳалвони ошпичоқ билан майдалаб, тановул қиладилар. Бу, бухороликлар мазза-мазза нарсалар тайёрлаб ейишнинг хадисини олган Хоним. Худди шунақасини Тавовис бозорида ҳам кўрдим. Ҳалводай гап. Ичига донак, ё янғоқи коғозпўчоқ солинганини айтмайсизми? Қани энди боғинг бўлса. Хўраки, мавизбоб узумлар модаракларини Шоҳнинг боғбонидан сўраб олиб, ўтқизсанг. Уларнинг тоқлари синашта-да...

- Шайхим, гап билан бўлиб, чойингиз совуб қолди. Худо хоҳласа, ҳали ҳаммаси бўлади. "Қуръон" да ёзилган-ку. "Нур устига нур. Тангри хоҳлаган кишисини кўзининг нури томон йўллайди", деб.

- Илоҳо, шундай бўлсин. Кўзининг нури томон йўллаган бўлсин, Хонумжон!

Шайх фотиҳага қўл очиб, кўзи ёшланди. Аллоҳдан ҳар лаҳзада кўрқмоқ жоиздир, деб йиғлади. Кейин: "Бир мактабга ўтиб келай", деб гузарга чиқди...

XXX

Хонум ҳар оқшом бир пиёла хом сут ичиб, уйкуга кетар эди. Бу оқшом ҳам шундай қилди. Бир нимпиёла тоза соғилган сут ичиб, ёстикқа бош қўйди. Малатияни, ота уйи, онасининг насихатлари, кейин, бутун Рум мамлакати бўйлаб овозаси кетган уч кунлик тўйларини бир-бир кўз олдидан ўтказди. Ҳамма кўрган-кечирганлари ғаройиб. Кўнгилтортар, рангларга бой, онасининг: "Сени фалончи Шайхга узатамиз", деганидан кейинги кечинмалари. Бир куни отасининг боғида, чорчаман ўртасида қад тиклаган чордарада ўтириб, кўзи боғбонга тушди. Иккала боғбон. Биттаси каланд мўҳраси билан хурмо дарахти танасига тирс-тирс уради. Иккинчиси: "Кўйинг энди, боғбон. Жаҳлингиздан тушинг. Келаси йили шу вақт ғарқ гуллайди. Бу йил дангасалиги тутди чоғи. Чопманг энди шу жониборни", дейди. Тавба, булар нима қилмоқчи, дарахт билан ҳазиллашяптиларми, деган эди ўша пайти... Хаёли чордарадан бошқа ёққа ўтди. Туяга миниб, Бухоро томон йўлга тушаётганлари...

Уйку кўзларини маҳв этди. Туш кўрди. Гиждувон қалъасининг қуёшчиқар томонида узумзорлари бор экан. Бир тоқзор, бир тоқзор. Обий, бухорий, беҳиштий, парнаён, калинжарий, келинбармоқ, чашми штур, тоифий, султони фандуқий. Султони пушти кафтар, яхак...

Шайх бир олам сават келтирибди. Саватлардан нукул тол гулининг хиди келармиш. Узумларни узиб, ўша ерда учоқжойи ҳозирлаб, гужум барги қайнатибдилар. Узум тўла саватларни қайнатмага бостириб олиб, куёшга ёйиб қўйсалар, бир муддат туриб, зап мавиз бўлибди. Бозордан, энди, раъногул, хулву, қора райҳони шўрбойи харид қилиб келамиз, кейин... десалар Шайх... Беш, олти яшар ўғилбола. Уларнинг ўғли эмиш, "Мен Бурки Сармаст ариғи бўйларидан териб келаман. Ҳайло-ку ариғ", дермиш. Хонум, Шайх боланинг "ҳайло-ку" дейишига қараб қотиб-қотиб кулибдилар: "Онажониси, қаранг, ўғлингиз "ҳайло" деди. Бу- бухорийда, тили бирам ширинки, - дер экан Шайх қувончдан кўйлагига сиғмай.

Кейин... Мавизларни саватларга солиб, қалъага ташиб келтирибдилар. Ўғли билан бирга мавизни дабчаклардан тозалабди. Саватларга солиб, бир қават, бир қават қилиб қора райҳон барглари ташлаб, устига бир олчин карс. Қани, Мирзом, устига чиқиб, бир босинг-чи, дермиш. Бола саватдаги мавиз устига чиқиб, босар эмиш. Нозик, узун-узун оёқ бармоқлари, Шайхнинг оёқ панжаларидай кенг, ҳар бир "ҳаҳ" деб адоқ босганида карс остидаги мавизлар бир-бирига ёпишиб, райҳоннинг қуриган япроқлари "қирс-қирс майдаланиб, қўшилиб кетиб, ажиб хид чиқар эди. Тайёр бўлган мавиз босмани бешболорли уйларига териб қўйибдилар. Бола нукул сув ўрнида сут ичаман дер эмиш. Ҳозир Саригузар бозоридан олиб келам. Ё пул берсам ўзинг бориб, ичиб келасанми, деб дуостара камзўли кундалиysi чўнтагини ковлайман,- деб... Уйғониб кетди. "Овозини аниқ эшитдим. Юзини кўрдим. Ойдаккина ўғлон. Мавизни босаётганида қарснинг бир чети кўтарилди. Қайта ёяман, деб қўл чўзиб, эгилдиму, пешонаси елкам тегди. Нафаси юзимга урилди. Юзидан, нафасидан сут хиди келарди. Ё товба, шунақаям ширин бола бўлар эканда-а! ". Қайтиб уйқуси келмади. Ўрнидан турди. Таҳорат олиб, уч ракаат витр ўкиб, "Қуръон"дан оят тиловат килди: "Эй, Парвардигоро. Менга ўз марҳаматингдан пок авлод бер. Ахир, Сен дуони қабул килувчисан". Хонум тушини Шайхга айтиб берганида, Шайх сукут сақлади. Туш таъбирини айтиб, қувонди. Энг севимли оятларидан бирини ўкиб, савобини Ғиждувон аҳлига бағишлади.

"Эй, Парвардигоро! Бизга хотинларимиз ва авлодларимиздан кўз нури ато кил. Ва бизларни тақводорларга пешво кил!".

Фикҳ мактаби атрофида яхши гаплар кўп тарқалди. Тўрт томондан шогирдлар кела бошладилар. Шайх Абдулжамилнинг кўли-кўлига тегмай қолди. Ҳанафия мазҳаби таълимотини моликия мазҳаби таълимоти билан киёслаб сабоқ ўтиш унга куч-қувват бағишлади. Фақат қўлланмалар жуда оз бўлганлиги боис кечалари ҳам битта, иккита рисоаларни китобат қилиб, эртаси шогирдларига тарқатиб, кейин хотиржам сабоғини бошларди.

- Хўш, бўтам, Мен ўтаётган сабоқларни кўчириб олишга улгуряпсизми? - олдиндаги сафда ўтирган шогирдидан сўради бир кун.

- Албатта. Орқадагилар учун сал баландроқ овозда айтишингиз лозим...

- Шундайми? Айтганингиз яхши-да, бўтам. Эрта-индин болалар сони 400 кишига етса керак. Кейин Абу Ҳафс Кабир ҳазратларидай мукаббир ёллаймиз.

Дарсхона эшиги тақиллади. "Кириг", деган овоз берилгач, остонада узун бўйли, қотмадан келган йигит пайдо бўлди.

- Мумкинми, кирсам?

Шайх ичида янги шогирд келганидан шод, йигитни ўзига яқинроқ келишга ишорат қилди.

- Каердан бўладилар, ўғлим?

- Авданийданман. Зандананинг Авданийсидан.

- Хуш кўрдик, ўғлим, - Шайх ўрнидан туриб, бориб йигитнинг иккала кифтига қўлларини тегизиб, зиёрат қилди.

- Авданий, Хатфар дарёсидан хабарим бор. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Варҳақ юртидансиз. Балким, авлодларидан бўлсангиз керак!

- Худди шундай, Шайхим. Отам Сизнинг бу ерга келганингиз, фикҳ мактаби очганингизни эшитиб, мени юбордилар. Сиздан сабоқ олиш ниятим бор.

- Жуда яхши. Худо Сиз билан менга куч-қувват берсин, биз, фикҳшунослар Сизнинг бобонгиздан қарздормиз. Уламоларнинг айтишларича Абу Бакр Муҳаммад бобонгиз ўз илмларини бошқа кишига беришда марғуб эканлар. Дафтар, китоблари доимо ўзлари билан бирга, энглари ичида олиб юрар эканлар. Ана шундай олимлар ҳиммати туфайли биз катта илмий хазина соҳибимиз, ўғлим!

Қани келинг, шогирдларим қаторидан жой олинг,- Шайх янги шогирдини ўтирғизиб, сабоғини бошлади.

Дарсхона эшиги иккинчи марта тақиллади. Эшикга яқин ўтирганлардан бири чиқиб, хабар олиб кайтди:

- Устоз, Сизни чорлаяптилар.

Шайх эшигдан ташқари чикди. Унинг ким биландир гапираётгани овози дарсхонада эшитиларди: "Шунча одамга жойимиз етмас-ов. Бир ўйлаб кўриб, иложини қиламиз, келаверсинлар-чи".

Шайх қайтиб кириб, жойига ўтирдида, шогирдларига юзланиб:

- Эрта-индин Кармана, Таровча, Миёнколдан ҳам болалар бу ерга келар экан. Шаҳар қутволидан хабар келди. Энди жой, мукаббир тарадудини кўрмасак, шошиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

...Шайх вақт топиб шаҳарга тушди. Иккита мукаббир топиб, уларни Ғиждувонга олиб келди. Қутвол айтган жойлардан шогирдлар келдилар. Мактаб шогирдлар билан гавжум бўлиб қолди. Қоғоз етмаган пайтлари бозордан увада харид қилиб, қоғоз тайёрлайдиган жой : ҳозирладилар. Қозон, ғалвир, ўтин, ўчоқ, корчўб. Муаммолар бир зумда юз кўрсатиб, фурсат ўтмай тугуни топилиб, ҳал бўлар. Шайх Абдулжамил сабоқ бериш билан банд бўлиб, чарчашни ҳам унутган. Хонум эса уйда уни кутиб, кўзи тўрт бўлганидан ора-ора шикоятга оғиз очса...

- Сиз озгина бўлса ҳам бизга нусха кўчириш ёрдамлашинг. Шу кеча-кундузда зерикиш учун вақт топиш гуноҳ, Хонумжон,- деб уни ҳам тинмай ишлашга чорларди. Хонумжон эса кўчирган тўрт дона китобни ҳеч кимга бермас эди:

- Шайхим, мана шуларини "шогирдларимга"- сўраманг, илтимос. Булар ўзимга керак. Тўрт-беш йилдан, кейин... Эгаси китоб мутолаа қиладиган бўлганида тайёргина, токчадан оламану лавҳга кўяман, ўқийверади,- кунда такрорларди Хонумжон.

Кечалари вақт бўлди дегунча Шайх Хонумжонга Ғиждувон қалъасида кўраётган, кечираётганларидан завқланиб гапириб беради.

- Бугун Шикоркентлик шогирдим "Қуръон" тиловат қилди. Эшитганлар мазза қилдилар. Ана овозу, мана талаффуз. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Бухороликларнинг зеҳни ўткирда...

- Шўрроқ сув ичганларнинг зеҳни ўткир бўлар экан Зарафшоннинг сувлари...

- Ҳа, ҳа. Фикрингизда жон бор, Хонум. Олтин-кумуш кўшилган сув тузли бўладида, - Улар кўшилиб кулдилар. Шайх сўзида давом этди, - Дарсда мен мукаббирга айтаман. Мукаббир мукаббирга. Иккала

мукаббир оралари ўн уч кулоч. То у шогирдларга айтаман дегунча, олдинги қаторда ўтирганлар ёдлаб олишга улгурадилар-е. Ё, Поко Парвардигоро бу халқ мунчалик илмга чанқок бўлмаса... Бугун Занданага жанозага бордик...

Хоним вужуди кулоқга айланган, ора-ора гап кўшиб кўяди:

- Шайхим, битта олим оиласидан икки, уч,-кўйингки тўрт, бешта олим чиқса унинг файзи элга тегади-да. Абу Ҳафс Кабир оилаларини олинг. Каторасига...

- Катта боболари Ал-Мохий эканлар. Келганимизда мен бориб зиёрат қилиб келдим. Мағоқи Атторий масжидини қурган одам шу киши бўладилар. Ўғиллари Абу Амр Муҳаммад, неваралари Аҳмад ибн Ҳафс, чеваралари Абу Абдуллоҳ ибн Аҳмад Ҳафси Сағир... Олимлар шажараси ана шундай илдиз отиб кетаверган. Аҳмад ибн Ҳафс, Абу Ҳафс Кабир қабрлари зиёратига бориб, кўнглим тоғдай кўтарилди. Бухороликлар эъзозини қаранг. Олим қабртошига "Мовароуннаҳр олими ва диншуносларининг устози", - деб ёзиб кўйибдилар. Шундай доно одам сенинг Ватанинг тупроғида туғилади-ю, фахрланмай бўладими. Буни "қоим ба қоим" дейдилар.

- Бу - ҳар бир нарсани ўрнига қараб жойлаштиришда адашмайдиганлар деганими, - Хонум Шайхга савол назари билан қаради.

- Худди шундай. Боя Сизга бугун Занданига, жанозага бориб келдик, дедим-ку. Марҳум - Хожа Ўббон авлодидан Эшони Қиличхон. Эшони Қиличхоннинг тупроқ жойлари Кумшаъба чўли ичидаги Хожа Ўббон қабристонни экан.

Зандана қалъасидан 20-30 фарсанг у ёқда. Занданаликлар марҳумни тупроқга топшириш учун кетдилару, биз ортга қайтдик.

- Жуда узок эмасми Хожа Ўббон қабристонни. Шунча йўл пиёда бориб бўладими тобут кўтариб,- Хонум хайрон

- "Елкадан елкага" удуми бор экан, занданаликларда. Тупроқ жойиси узок бўлган марҳумни сўнги йўлга кузатиш учун қишлоқлар ёрдамга келар эканлар. Хожа Ўббон қабристонигача йўл бўйида ўн бешта қишлоқ бор. Ўн бешта қишлоқ тобуткашлари йўл бўйига чиқиб, қайнатма шўрва тайёрлаб, кутадилар. Занданадан Қалъаи Миришикоргача икки фарсанг йўл. Икки фарсанг йўл юрган тобуткашлар Қалъаи Миришикорда ўрин алмаштирадилар. Тобутни миришкорликлар елкаларида олиб, олдинга қараб йўлни давом эттирадилар. Занданаликлар эса чой ичиб, ортга қайтадилар. Миришкорликлар ўзларидан олдинда турган Қохиштувонликларга

тобутни топшириб, таъзияоши еб, ортга қайтадилар. То Хожа Ўббон қабристонигача "елкама елка" давом эттирилади. Бу ҳурмат-эъзоз азал-азалдан Бухорода бор экан. Биринчи бор кўриб, ҳайратдан ёқа ушладим. Марҳум ҳурматиани жойига кўйиш ана шундай бўлар экан.

- Шайхим. Бу ерликларга ёруғ кун учун мададкор бўлган одам ҳурмати ҳамма нарсадан устун эканлигини суҳбатларидан билиб олгандан кейин кўнглим сарвдай ўсди. Сиз айтган Эшони Қиличхон Зандани, унинг атрофидаги қишлоқлар аҳли учун хизмати ирфоний қилганлиги боис шунча эъзоз.

Шайх Хонум хулосаларини тинглаб туриб:

Ё, Поко Парвардигоро, имон-эътиқодли бандаларинг уруғи кўпайсин! -деди.

XXX

Ёз бўйи ғуж-ғуж япроқларга ўралиб олган шармук дарахтларни жуда эрта келган кузак уёлгириб кўйди. Бир-икки қиров тушгач, кечаси билан тўрт томондан бостириб келган гирдбод шамоллар сарғайишга улгурмаган япроқларни ялаб-юлқиб, новдалардан супуриб ташлади. Олдига солиб югуртирди. Чирпирак бўлиб, гоҳ сирпаниб гоҳ учиб, "югураётган" хазонрезгилар саси қалъа қулоғига унчалик ёкмади. Дарвозаи Сари Раста остонасига келиб тўпланиб қолган сариқ барглари супуриб, қопга солаётган дарвозабон девор тепасига, шинаки ростга қаради. Шинак дарчасидан дидбон Бешим Чухранинг боши кўринди.

- Бешим Чухра! Бу кеча совуқ қотгандирсан-а? Ё, шинак ичи иссиқмиди?

Бешим Чўхра уйқусизликдан толиб, қизариб кетган кўзларини ишқалаб, эринибгина жавоб қайтарди.

- Шериклар билан олов ёқиб ўтирдик. Бу йил қиш вақтлироқ келадиганга ўхшайди, оқсоқол. Бир-икки кун ичида дарахтлар яланғоч бўлиб қолди. Кечаси билан "Боғи боло" олмazorларини кузатдим. Кечки олмаларнинг нуқул иси келди. Ҳали йиғиштирилмаганда, олмалар, Боғбонлар улгуролмади, чоғи. Аксига олиб, жўббамини киймай келганим қизиқ бўлди. Совуқ қотдим. Кузнинг совуғи қишнинг қамчисидан қаттиқроқ дейдилар-ку, - Бешим Чухра узун ҳамуза тортди.

- Шу дейман ғафлатда қолдик. Гиштий кўлидан ҳар йили тўрт, беш арава қамиш ўриб келардик. Кузнинг жонсарақ бўлганини қаранг. Ҳали шу ишга улгурмасак керак.

- Икки, уч кун ичида улгурсангиз ютасиз, оқсоқол, Бешим Чухра яна бир эснаб, дарвозабонни шошилтирди, кеч қолсангиз балиқ ҳам ўраб кўёлмайсиз. Ёз учун муз ҳам.

Беш, ўн донагина қовун боғлаб қўйиш учун қамиш лозим-ку...

Улар суҳбати поёнига етмай, қутволдан калитлар келинди. Қалъанинг тўртала дарвозаси очилгач, ичкаридагилар ташқарига, қишлоқлардан ул-бул олиб келганлар, ичкари кирдилар. Қалъа ичида хаёт яна жонлашиб кетди.

Қуёш чиққандай бўлиб эринди чоғи, булут ортига яширинди. Қалин булутлар осмонни тилла тангага сотиб олгандай тўрт томон қоронғу бўлди. Ёмғир чакқонлик қилди. Таклиф кутмай келганига атиги, бир бор бўлса ҳам уёлмади. Қуруқ девор, лойшувоқ томларда тушган ёмғир томчилари ҳаммаёқни айқаш-ўйқаш ҳидлардан тўлдириб юборди. Дарчалар ёпилди. Орқаси юпқанига лойшувоқ қилиб ташланди. Чордараларнинг уч эшиги ичкаридан занжир қилинди. Тўртинчи эшигига ташқаридан тамба қўйилди. Зулфин-занжирлар ювилгач, ҳовлиларни темир ҳиди босиб кетди. Уй деворларидан бошини чиқарган болорлар кўчани томоша қилиб тургандай, маҳзун. Ҳаво намчил.

Шайх Абдулжамил эрталабдан уйга кириб олгани. Хоним эшикни очгач, уй ичига ёмғир ҳиди бостириб кирди. Шайхнинг ичидан нимадир "чирт" этиб узилиб тушгандай бўлди. Малатия, Рум, Карнияси-ю, ўн икки устунли оғилхонасини ўйлаб кетди. У яшайдиган қарнида таомул шунақа эди. Қиш кирар-кирмас қамиш бойламлари оғилхона билан битта бўлиб ётар. Денгиздан тутиб келтирилган балиқлар музлагач, қамишга ўраб, деворга суяб қўярди. Бу ишларни ҳеч кимга ишонмай, ўзи бажарарди. Қамиш ўриб келиш, денгиз бўйига бориб, балиқчилардан тўрт, беш қулочли балиқ харид қилиб, қиш учун тайёрлаб қўйишлар ҳазратнинг севимли машғулотларидан бири эди. Қамишга ўраб, деворга суяб қўйилган балиқлар қиш бўйи айнамай тураверади. "Балиқ луқмаи ҳалол",- дерди раҳматли отаси Шайх Ҳусайн. Ҳар ҳафта бир марта балиқхўрлик қилишга нима етсин". Ёмғир аралаш эшикга урилган шамол "шав-в" этиб овоз чиқарди-ю, Ҳазратнинг хаёли бўлинди. Пунба ситиб ўтирган Хонум "этим, увишяпти ", деб сандиқни очиб, қалин нимча олиб кийди. Бухчалар ичидан иссик рўмолини ҳам топиб, бошига боғладида, сандиқ оғзини

ёпмоқчи бўлиб, салкорлик қилди чоғи, қопқоқ бориб, қаттиқ урилди-ю, "тақ" этган овоз чиқди. Шайх овоз келган томонга қараб лабханда қилди

- Совуқми?

- Кузак салқини ёқмапти, ўчоқни ёқайми?

- Майлингиз, - Шайх уй равзанидан осмонга қаради. "Ҳаливери тинмайди бу ёмғир. Даштга чиқиб, келайми, дегандим. Икки бойлам камиш бўлса, бўларди".

- Анчадан бери хаёл суриб ўтирибсиз. Битмаган зарур ишларингиз бормиди, Шайхим!

- Ҳа, қиш учун ўн - ўн беш донагина қовун боғлаб кўймоқчи эдим.

- Гаҳворабандонга денг, - Хонум ҳазил қилди, - ҳафта ўн кун ёмғир ёғмас. Куз ёмғири-ку. Кўл бўйларига бориб ўтирманг камиш деб. Бозори Сари растадан сотиб ола қолинг. Далага чиқишингиз шарт эмасдир. Кейин... То Сиз келаман дегунингизча жон ҳовучлаб тураман: "Соғ-саломат эшигдан кириб келсинлар", деб.

Шайх бирор илмоғлик гап айтмади-ю, лекин ғамхорликдан кўнгли эриб кетди. Боладай сўйқаланиб Хонум тиззасига бошини кўйиб, иссиққина бўлиб, мизғиб олгиси келди-ю: "Ой куни яқин, кўриниши ёмон! Ўзини унчалик олдирмабди. Мева, сут, қаттиқ, гулқанд фойдаси катта бўлди. Энди бошим айланмайди, деди-ку. Шунисига ҳам минг шукр. Эй, раҳмли, шафқатли, ҳамиша меҳрибон Аллоҳ ўзинг қўллаю, бу кутлуғ юкдан эсон-омон енгил бўлиб олсин", кўнглидан ўтқазди Шайх".

- Ўтин келтириб, олов ёқайми, - Хонум ўрнидан турмоқчи бўлди.

- Хонумжон, Сизнинг ўтинхонадан ўтин олиб келишингизга ҳожат йўқ. Мен ўзим қилавераман бу енгил юмушларни. Илтимосим, яна бир-икки ҳафта ўзингизни уринтирмасангиз. У ёғи тинч кечади. Сиз, ҳар бир юмуш бошини тутганда, мен - интизору зорни ҳам унутманг. Маҳтал кўзларимнинг пардалари йиртай, деди-ку, - Шайх титраб кетди.

Хонум турган жойида қотиб қолди. Шайхга биринчи марта ичи оғриди: "Бечора, Шайх боши билан гўдакдай, жавраб муомала қилади. Эй, Худо! Мен, Шайхим оҳини эшит. Кўзимизни намли қилма!"

Шайх ўтин келтирди. Олов ёқди. Уй ичи исигандек бўлди. Ёз бўйи қуёш нури остида куп-қуруқ бўлиб турган уй сал дамсиқ бўлди.

- Эшикнинг бир палласини ярим қарич очай, - сўради Хонум.

- Ҳозир ўзим очаман. Исириқ ҳам келтираман. Ўтинхона тоқчасида кўювдим. Бир исриқ тутатайлик, мазза қилиб ухлаб ҳам оламиз. Чой ичганингиздан кейин.

- Сиз-чи? Дарсхонага чиқиб келасизми, ёмғир-ку!

- Мен - Шайх Абдулжамилман. Яқинда бир юз ўн тўртга кираман, шунча йилнинг ёмғир, қори мени эритиб юбормади, Хонумжон.

Икковлари кўшилиб кулдилар. Шайхнинг бу шўхлигидан Хонумнинг кўнглида нур панжа урди-ю, куз ёмғирининг бемаврид ташвишлари хотирдан кўтарилди.

XXX

Ҳовли супасида шол ёзилди. Шайх икки бойлам қамишни битта-битта саралаб, ёзди. Қамиш устидан қайнаб турган сув сепди. Бу амал уч-тўрт бор такрорланди. Қамишли шол ўралди. Шайх шол ўрамаи устида чиқиб, оёғи билан босиб-босиб чиқди. Тепди, обдон тепди. Терлаб, терлаб тепди. Ўрамни белидан арқон билан боғлаб яна тепти. Кўнгли тўлғач, девор тагига суриб кўйди..

- Бу қанча муддат туради, - Шайх амалларига қараб турган аёли савол қилди. Бугун боғлайсизми? Кўмакга кўшни ўғлини чақириб чиқай?

- Ҳаммасига ўзим улгураман, Хонумжон. Бу ишлар менга ҳеч нима эмас эди. Энди қарилик-да, барибир хўкмини ўтказиб кўйибди. Қаранг, нафасим сал-пал сиқилипти. Қамишбойлам буғда бир муддат турсин. Унгача бозордан қовун олиб келаман. Менга жўбадонни уйдан чиқариб берсангиз бўлди.

... Шайх харид қилиб келгач Кўли уштурум қовунларининг ҳиди ҳовлини тутди. Буғда тасмадай бўлиб қолган қамиш барглари Шайх ғайратини келтирди. Кўли- кўлига тегмай ишлади. Оз фурсат ичида йигирмата қовунни қамиш боғичлар билан тўрт томондан боғлаб, омборхона шифтига осиб кўйди.

- Қаранг, қандай гўзал бўлди кўриниши. Аллоҳ неъматининг таъмига қараб, сурати ҳам бенуқсон. Бир қатор, икки қатор қилиб осиб кўйилса, бир-бирига тегиб турмаса, кўз қилмайди,- Шайх завқ билан уй шифтидаги манзарани аёлига кўрсатиб, кўз-кўз қилди. - Қовунлар қиш учун дармондори. Ҳаммомларнинг гўлахи лабида гўлаҳчилар қовунларни қатор қилиб териб, кўйганларини қишда кўрганман. Гармобадан чиққан одам бир тилимгина қовун еса, терга кўшилиб, рутубат баданидан чиқиб кетар экан. Ғамлаб кўйганимиз зап иш

бўлди. Маъракамиз дастурхонига ҳам файз беради. Чиримай туради, баҳоргача, лекин,- Шайх кўзини қисиб, аёлига қаради

- "Лекин" биз қовунларни баҳоргача қолдирмаймиз. Мен. Сиз. У... Ахир Кўли уштурум қовунлари уй шифтида турганда, нон еб ўтираммизми? - Хонум шарақлаб кулди.

- Унинг хаққини Сизга едирамиз. У катта бўлгач, Сизга ўзи қовун сотиб олиб келади. Сарик, кўк, гулобий хандалаклар - нақ болнинг ўзи. Ҳиди эса ўликни ҳам тирилтиради-я.

Хонум Шайхнинг хафсала билан қовун таърифлашларига қараб туриб, кўп манзараларни тасаввур қилиб кетиди.

... Ўғли чиғий яктагинини барида гулобий ҳанда солиб келтиради. "Отамнинг бақамти сопли пичоқларини берингчи, Сизга шуни ўзим кесиб берай!". Хонум уй равоқида турган пичоқни олиб, ўғлига узатади. Ў хандалакни чиройли қилиб кесади. Тилимлар бир хил, катта ҳам эмас, кичик ҳам. Ичидаги уруғи ҳам гулобий рангда. Биринчи тилимни олиб, Хонумга узатади:

-Волида, олинг ош бўлсин

Ҳандалак тилимини олиб ҳидлайди. Чуқур нафас олади, ўпкаси гуллаб кетади.

- Неча танга экан бир донаси,- сўрайди ўғлидан.

Қиммат эмас. Ўтинни сотдим. Қарасам Фиришкентдан дехқонлар хандалак келтирибдилар. Бориб савдолашдим.

- Бир орқа ўтинни қанчадан сотиб олдилар, ўғлим

- Савдолашиб ўтирмайман. Қанча берсалар, мен шунга рози. Икковимизнинг еб-ичишимиз учун етади, Аллоҳга шукр! Нега кўлингиздагини емаяпсиз? Эсингиздами, отам қовун келтирардилар. Дарров сўйиб менга узатардилар катта бир тилимни. Мен бўлсам қаржни бир ҳидлаб, бир эмгандай бўлиб ўтирардим. Тез тамом бўлмасин деб. Отам: "Тез-тез енг ўғлим. Бозорда кўп, келтиравераман. Бир баданингиз шира олсин",- дердилар ҳол-жонимга қўймай. Сиз ҳам "дарров тугамасин" дейсизми-а?

- Шундай гўзал егуликнинг тархи бўзилишидан кўнглим бир хил бўлиб кетади. Отанг, фидойи инсон эдилар... Хаёли бўлинади.

- Шифтдаги қовунлар узумларга унчалик халақит бермайди. Деворга гулмих қоқиб, узум боғлаймиз,- Шайхнинг бу гапи Хонумни ўзига келтирди: "Худо сақласин... Шайхсиз бу дунё мендай танҳо сиёсар учун танҳолар хонаси бўлиб қолади-я. Шайхим умри бундан ҳам узун бўлсин".

- Сиз энди уйга кириб, дам олинг. Кўп урундингиз. Мен ҳам қолган ул-бул ишларимни саранжомлаб, нафас ростлайман. Узумни эса эртага жуфт-бош қилиб, боғлаб, жойлаштирамиз. Унчага мен бозордан пунбаришта келтираман,- деди Шайх.

Эртаси чошгоҳда жуфтбош қилиб боғланган узумларни Шайхга узата туриб, Хонум:

- Қишда бизларга кўплик қилмасми?- деди.

Кўни-кўшнилар бор. Уларнинг ҳам ризқи кўшилган бўлсин. Ҳар бир нарсанинг кўпи-баракали. Ўша кунлар келса, Сиз айтингу, мен шифтдан олиб бераверай. Бундан завқлиси йўқ, Хонумжон.

Кузак ортига қараб ҳам улгурмай киш кириб келди. Бир-икки қиров ёғиб, ариқлар лаби шакарак боғлади. Кўча бошидан кирган шамол гузар оралаб югуриб дарвоза олдиғача келгач, ортига қайтди. Гирдбод устига гирдбод. Учинчи куни қалингина қор ёғди. Осмон "ердан қарздор бўлиб қолмай", дедими, дала-дашт, кўча, хиёбон, томлар бошини тўлдириб ташлади. Ҳамма ёқ оппоқ чойшаб остида қолгандай сеҳрли, сокин...

... Маҳзунликда ўтган ойлар, ҳадиксираш билан тонг бўлган қоронғу кечаларнинг адоғи Шайх кўнглига қарсак уриб кириб келди: Кеча бошида безовталиги бошланган Хонзода тонг отар-отмас кўзи ёриди. "Хонзодам кўп азият чекмай енгил бўлдилар",- деди доя Шайхга севинчи олар экан:

-Севанчига атаб қўйган олтин тангаларни чиқаринг Шайхим. Яна кумуш Ғитрифий бўлмасин тағин. Нақ и қайтариб қўлингизга бераман-а!

Шайхнинг қувончдан кўзи ёшланди. Қўл-оёқлари ёқимли титроқ оғушида. Титроқ қўллари билан бир ҳовуч олтин тангаларни доя қўл кафтига тўқар экан, умидвор оғиз пойлади: "Уғилми, қизми?". Ҳадик, ҳаяжон, интизорлик оғушида Шайх беихтиёр Ғиждувон осмонига тикилиб қолди. Юлдузлар осмонни бирин-кетин тарк этдилар. Бир юлдуз қаердандир пайдо бўлди. Шайх боши устига келиб қолди. Беихтиёр юлдуз томон ўнг қўлини чўзди. Шаҳодат бармоқлари осмонга тегди чоғи, вужуди олоб бўлиб кетди. Ер билан осмон боғланди. Бир лахза кўзини юмиб, шу кўйи тураверди. Кўзини очиб, кўкка такрор қаради: Ўша юлдуз бир ўзи. Кўк бирам мунавварки, қўлини тушурди. Адоғи остига қаради. Наълайннинг учидан ҳам нур чиқаяпти. Салласини ушлаб кўрди, иссиқ. Енги, гиреҳбонини беихтиёр ушлади. Оловдай иссиқ. Ер иссиқ, кўк иссиқ. Адоғи остидаги қор секин-аста эриб, кетаверди. То Хонумжон ётган уйгача йўлак

ҳосил бўлди. Шайх беихтиёр ҳосил бўлган йулак билан юриб бориб уй эшигига яқинлашди. Чақалоқ йиғиси. "Ё, Тангрим! Ё, Тангрим! Ё, Тангрим!!! Овозини эшитдим. Ё, Поко Парвардигоро!! Ё, Поко Парвардигоро!! Ё, Поко Парвардигоро!!! Узингга шуқр овозини эшитдим". Ортига қайтди. Аввалги жойига келиб яна осмонга қаради. Якка-ю ягона юлдуз Аллоҳ боргоҳи бор бўлган кўк юзини кундай нурафшон қилиб турарди: "Илоҳо!". Шайхнинг сўзи оғзида қолди.

- Ҳазратим, яна қўшасиз!

Шайх доя кампирни унутган экан. У ўшандан бери унинг ҳаракатларини кузатиб, жилмайиб турар, қўли Шайх томон чўзилган.

- Хўш, хўш, - Шайх яшин тезлигида қўлини ён чўнтагига тикиб, бир ҳовуч олтин танга олди. - Етса мол, етмаса жон! Хонзоданинг сихатлари нечук?

- Хонзодам бардамлар. Бир муддатдан кйин ўринларига ётқизамиз. Айтдимку яна қўшасиз-деб.

Шайх доянинг қувлигидан шодон кулди. Силкиниб- силкиниб кулди. Енгил тортиб енгил тортиб кулди. Қўлидаги Ғитрифий тилла тангаларни доя бошидан сочиб юборди:

- Мана, мана, мана. Бўлдими, ё...?

Доя оёғлари остида сочилиб ётган олтинларни териб олар экан, ўрнидан турмай Шайх пойига бошини қўйди:

- Шайхим кўчкордай ўғил муборак! Шайх доя қўлини ушлаб, "туринг" ишорасини қилди Доя ўрнидан тургач, ўзи чўкка тушиб, ерни ўпди. Уч марта ўпди. Беш марта ўпди. Тўққиз марта ўпиб, қўлини фотиҳага очиб, дуои хайр қилди: "Тангрим, Ўзингга шуқр. Жумла жаҳонингга шуқр. Ер, кўк, Ой, Қуёш, Обу ҳавойингга шуқр. Руму Бухоро, жаннатчеҳра Ғиждувонингга шуқр! Мени ноумид қилмай Бухорога келтириб, Ғиждувонда кўнглимга бебаҳо гавҳар меҳрини хувайдо қилганингга шуқр. Ўзинг мадад бергин унга. Сенинг йўлингга фидо Шайх Абдулжамилнинг ўғли, Имом Ҳусайннинг невараси, Имоми Моликнинг авлоди - Сенинг солих амалли банданг бўлиб, ватани қадрига етсин. Бу тупроқ унга киндик қони тўкилган Ватан бўлди. Ватанида менинг ватанимни йўқлаб турсин. Аллоҳу акбар!!!". Шайх ўрнидан турди. Енгил бўлиб турди. Қушдай бўлиб турди. Кўкга қаради, ўша юлдуз. Ярқирраб, катталашиб, боши устида турибди. "Ўғлим,- Шайх юлдузга гапирарди, - ўғлим, дину диёнат, тариқату равият устида юлдуздай порлаб туринг. Бир юз ўн тўрт йиллик умрим тонгида овозингни эшитдим. Овозангни дунё аҳли эшитсин!".

Шайх омборхонага кирди. Уч дона қовун олиб чиқди. Қовунларни уй ўчоғи атрофида қўйди. Қайнаб тургаа қумғонни ичкарироқга итаргандай бўлди, косовни олиб, оловни кавлади. Сўнг чўғ устида уч-тўрта кундагча ташлади. Бориб омборхонадан уч бош узум олиб келиб, корсон товоққа солиб қўйди. "Ювиб қўйсам, то улар нахори қилишга келаман дегунча қораяди". Дастурхон тузатди. Узун дастали супургини олиб, у ёк, бу ёкни супургандай бўлди. "Ҳамма иш бўлди чоғи. Чой қайнаяпти. Дастурхон тайёр, узум келтирилган. Майизи жуфтак қўймабман. Ҳозир уни ҳам нонсандикдан олиб, дастурхонга қўйсам бўлди...". Бугунча ўзига тегишли ҳамма юмушларни бажаргач, доимий жойига,- тахмон ёнида солиб қўйилган уч қават кўрпача устида келиб ўтириб, "Қуръон"ни очди:",,, "Ким чиройли амал қилувчи бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, бас, у мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Барча ишлари охир-оқибатда ёлғиз Аллоҳга борур" оятини ўқиб, кўнгли тоғдай кўтарилди. Ҳайратдан кўзида ёш олди.

"... Мустаҳкам ҳалқани ушлаганим охири бахайр бўлсин, Илоҳо. Бу тонг ўғлим овозини эшитдим. Энди юзини кўриш бахтига мени мушарраф айла, Тангрим!". Шайх яна китоб очди. Дуч келган жойидан ўқиб, кетди: "Эсланг Лукмон ўғлига панд-насиҳат қилар экан, деган эди:"Эй, ўғилгинам. Аллоҳга ширк келгирмагин! Чунки, ширк келтириш катта зулмдир. Биз инсонга ота-онасига яхшилик қилишга амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди... Биз инсонга буюрдикки, "Сен менга ва ота-онангга шукр қилгин. Ёлғиз ўзимга қайтажаксан". Эй, ўғилгинам! Намозни тўқис адо эт. Яхшиликка буюр. Ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балоларга) сабр қил. Албатта ана шу ишларинг мақсадга мувофиқдир. Одамлардан юзингни ўгирмагин. Ва, ерда кибру ҳаво билан юрмагин. Чунки, Аллоҳ барча кибр-ҳаволи мақтанчоқ кимсаларни сўймас. Юрганигда ўртача юргин. Ва овозингни паст қилгин. Чунки, овозларинг энг ёмони эшаклар овозидир".

Шу ерда келганида ҳовли эшиги тақиллади. Шайх Абдулжамил китобдан бош кўтарди. 'Қуръон'ни ёпиб, юзига фотиҳа тортди. Ковушини кийиб, ташқари чиқди. Дарвозани очди, ота-бола.

- Уйдამисиз, Шайхим, биз келдик.

- Хуш кўрдик, Хожам. Қани ичкарига марҳамат, Шайх илтифот кўрсатди. Салом-алиқдан сўнг:

- Шайхим, ичкари киришга фурсатимиз оз. Сизга шогирд бўларми деб ўғлимизни келтирувдим. Биз Ёиштийдан.

- Хўп мақбул иш. Уч кундан кейин макта чиқаман. Бугунча узр, уйда...

- Маъзур тутасиз, Хожам!

Шайх ховли дарвозасини очик қолдирди. "Эрталабки насиба очик эшигдан кириб келади!". Жойида келиб ўтириб, хаёлга ботди: "Ажойиб кун. Кўнглимда қувонч сиғмаяпти. Ўғилли бўлдиқ. Бу ёқда ҳар кун бир янги шогирд эшик : қоқиб келади... Илоҳо, бундай файзли кунлар уруғини бошимга сепавергину, бенасиб этмагин. Ўзингга шукр. Беҳисоб шукр. Хонумжон оёқ-қўлларини йиғиб, ўринларидан сиҳат-саломат турсалар, бешик тўйи қилиб, хотиржам дарсга чиқсам ҳам бўлар ...".

... Чақалоқ уч кун йиғлади, тинмай йиғлади. Доя тили билан айтганда: "Чақаги тингани йўқ". Хамма ҳайрон, хамма хуноб, Хонзода кўз ёшларини артишдан чарчади. Шайх кўнгли ғаш. На турарини билади, на ётарини. Ташқари чиқади, ичкари киради. Сопол кўзани олиб сувга чиқади, қор йўллар совуғида ўтириш унчалик ҳузурбахш бўлмаса ҳам ўтиради. Жонсарак ўрнидан туриб, кўзани қўлга олиб, уйга ошиқади. Уйда ўша ҳолат, чақалоқ ором йиғлайди, Хонум унга қўшилиб... Шайх нима қиларини билмайди. Жони азобда. Жонини қаерга қўйсунки, мурод ҳосил бўлсин... Йўқ бундай жой хозирча топилмаяпти. "Не қилмоқ даркор?". Шайх Хонумдан баттар аҳволга тушди. Бели букчайгандай. Кўзлари кичрайиб, ич-ичига тушиб кетди. Уйга ҳам кирмай совуқда ташқарида, орқасини уй деворига бериб ўтиргани ўтирган: "Бу не ҳол Аллоҳким, менга раво кўряпсан! Гангиб қолдим. Тили бўлсаким, сўрасанг, "Сенга не бўлди. Қаеринг оғрияпти", деб. Бугун учинчи кун. Қуёш ҳам чиқай дедими, уфқ томон қизаргандай. Чарчадим демайди". Дарвоза тақиллади. Ўтирган жойидан овоз берди:

Ҳозир, боряпман!

Шайх бемадор турди. Секин-аста бориб, эшигни очди. Очди-ю, кўзи меҳмонга тушиб, тахтадай қотиб қолди. Тили танглайига ёпишдими, ё... ҳаракатларини бошқаролмай ҳайратда. Фақат юраги тилга кирди, аниқ эшитди. Ҳа, ҳа, тиниқ-равшан эшитди, юраги гапирганини: "Хизр пайғамбар! Яна келдилар! Аллоҳ мени унутмаганига шукр".

Уғил қутлуғ бўлсин, Шайх! - Меҳмоннинг сўзлари Шайхнинг сеҳрланганлик ҳолатидан чиқарди.

- Тангримнинг элчиларига ҳам ҳамроҳ муборак бўлсин. Қадамингизга ҳасанот. Кўнглим, кулбам равшан бўлди,

ташрифингиздан. Ичкарига марҳамат қилсинлар, - Шайх кўли билан уй томонга ишора қилди. Меҳмон остона ҳатлаб ичкари кирди. Уч қадам босиб, тўхтади. Ортидан эргашиб келаётган Шайхга ўгириб қаради:

- Шайх, хабар келтирдик!

- Хуш кўрдик. Биздай фақир ҳақир бандаларни Аллоҳ инояти билан...

- Йиғлаяптиларми? Тинганлари йўқ...

- Оре, оре. Тинмай йиғлаяпти...лар! Не қилмоқ жоиздир, гангиб қолдик, - Шайх кўзига ёш олди.

- Қулоқларига азон, иқомат айтдилинг. Исми шарифлари - Абдулхолиқ. Умрлари узун, қалблари Аллоҳ назаргоҳи. Назарлари қадамларида, қадамлари эса ҳамиша Тангрим йўлидадир, Аллоҳу акбар!

Шайх Абдулжамил меҳмонга кўшилиб, юзига фотиҳа тортди. Қўллари тушурмай панжалари орасидан меҳмон томон қаради: "Ё, Поко Парвардигоро!". Меҳмон жойида йўқ, ғайб урган эди. Шайх меҳмон изларини кўзига суртиш учун қор устига энгашди. Из ҳам йўқ. Шамол сал-пал ялаб ўтган қалингина қор тўшами:!Ё, Поко Парвардигоро!". Шайх қорни ҳовучлар "Тангридан ёрдам бўлса, фатҳ яқин бўлади" оятини айтиб-айтиб, юзига суртди. Қўлларида қолга қор юқини шимиб, ютиб юборди. Бир оз ўзига келгандай бўлди. Ўрнидан турди. Она-бола турган хона томон қаради. Йиғи овози тинган. Хонзода эса алла айтаяптилар. Ҳовли юзида туриб ҳам тинглаш мумкин. Аммо Шайх бунга кўнмади. Эшик тагига бориб турди.

Вужуди қулоққа айланиб алла тинглади.

"Кўчқор болам алла-ё,

Боғда лолам алла-ё.

Бир дам ором ол, жоним

Кумуш толам алла-ё.

Узоқ йўлнинг хабари –

Алла болам алла-ё.

Хожа Хизр назари

Алла болам, алла-ё.

Румдан излаб келганим –
Алла болам алла-ё.
Жаннат тубо шажарим –
Алла болам, алла-ё.
Шайх эшикни очди.
Алла болам, алла-ё,
Чўпон бўлсин алла-ё,
Боғбон бўлсин алла-ё,
Ўтин териб, ўчоқни
Бир яйратсин алла-ё
Султон бўлсин алла-ё,
Шоҳон бўлсин алла-ё,
Энг аввало худойим –
Мусулмон бўлсин алла-ё.

Хонзода бирдан тин олди. Қараса, эшик олдида Шайх Абдулжамил.

- Хуш кўрдик, Шайхим. Олдин кўрманасини беринг. Кейин ойдай юзларини кўрсатамиз, бўлмаса йўқ. Шундайми, ўғлим, - Хонзода бола тилидан гапирди. Шайх остона ҳатлаб ичкари кирди. Ҳамёнидан тилла танга чиқорди:

- Боғу баҳорим ҳам, гулу гулзорим ҳам - сизлар. Могу жон сизларга садқа, камлик қилса, мана, - Шайх бешик устига Хонзода бошларига олтин тангаларни сочкин қилди,- йиғлашдан тўхтадилар чоғи?

- Келишингизни билдиларми... Қандай журъат қилдингиз бу ёққа кириш учун. Уч кундан бери соянгизни тобадон орқали кўраман. Доя хотинга "Чақиринг, келсинлар", дедим. "Уч кундан кейин", дедилар. Хайрият...

- Уғлингизни зиёрат қилгани келдик, Хонзодам! Хонзода бешик юзини очди. Ойдай ўғлон ором олиб ухларди. Шайх бешик бошига келиб, тиз чўқди. Оят тиловат қилди. "Парвардигоро, мени ва зурриётимдан бўлган болаларимни намозни тўқис адо этувчи қилгил.

Парвардигоро, дуосини қабул айла. Парвардигоро, ҳисоб- китоб қилинадиган куни мени, ота-онамни ва барча мўминларни мағфират қилгил... Аллоҳу акбар". Тиловатдан кейин бешикни зиёрат қилди. Ухлаётган ўғлининг пешонасидан авайлаб ўпди: "Ё, Поко Парвардигоро! Фарзанд дийдорига ноумид қилмай, етказганингга шукр, беҳисоб шукр", Хонзода томон қараб:

- Энди ўғил муборак бўлсин!- деди.
- Шайхимга избосар қутлуғ бўлсин!
- Хонзодам!
- Лаббай!
- Ўғлингизни парпечланг. Биз Имом ҳузурларига бориб келайлик,
- Шайх жуббасида сиғмасди.
- Умрингиздан барака топганингиз рост бўлсин. Мен ҳозир,-
Хоним Шайх айтганларини адо этди.
- Абдулжамил "Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим",- деб парпечни бағрига босди. Ўта эҳтиёткорлик билан қадам ташлаб кўчага чикди. Кўчадан гузарга ўтди. Гузардан Тайи раста масжиди жомеъсига келди. Масжид имоми билан кўришди.
- Тангрим бизга янги меҳмон юборди. Ота-ўғил ҳузури муборакингизга келдик. Қулоқларига азони муборак, иқомати баҳайр тортинг. Сиздай, илоҳо тили ҳамиша оятли бўлсин!
- Имом азон, иқомат тортиб:
- Умрлари билан берган бўлсин, исмлари? - Шайхга савол назари билан қаради.
- Исми шарифлари Абдулҳолиқ,- Товуш масжиднинг тўрт деворига урилиб, равзан оғзидан чиқиб, осмонга бориб тегдими, меҳроб ўнг, сўлидаги катибалар ярқирраб нур таратгандай бўлди. "Ё, кудратингдан!"
- ...Шайх Абдулжамил узоқ умри давомида илк бор ўғли билан кўчадан уйга кирди. Аёли иешвоз чикди:
- Хонзодам, ўғлимизга Абдулҳолиқ деб исм қўйдик!
- Қани энди Румга нома ёзсангиз, "исми шарифлари Абдулҳолиқ ибн Абдулжамил ибн Шайх Ҳусайн ибн..." – деб Хонзода Шайх қўлларидан болани олиб, пешонасига лабларини босди. "Асалим...".

XXX

У шаҳарга учиб борди. Харидини қилиб, ортига қайтди. Қуёш ботар-ботмас дарвозадан кириб, тўғри, аёли билан ўғли ўтирган хонага ўтди.

- Хуш кўрдик волид. Бухоро шахристонида бизга нима совға олиб келдингиз, - Хонзода бола тилидан ширин қилиб гапирди, - чарчаганингиз йўқми?

Бизни кутаяптиларми, ё қоринлари тўйиб, ухляптиларми,- Шайх бешикга яқинлашди. Гаҳворапўшнинг бир учидан кўтариб, қаради. Абдулхолик ширингина ухляпти. Борлиғидан сут хиди Шайх димоғига урилди. Бир дам қараб турди. Енгил тортди. Чарчоқлари бир зумда тарқалди. Кўнглига нур кирди. Ёпинғични астагина тортиб кўйди. "Тангри иноятининг уйқуси ҳам гўзал!" Аёлига қараб:

- Сизга ваъда берувдик балдоғи бухорий совға қиламан деб,-деди.

- Хотирамда. Кеча кўнглимда келувди. Чорқурроти бўлсин-да энди.

Шайх ҳамённи чўнтагидан чиқарди. Бамайлихотир ичига кўлини солиб турди. "Бир сабрингизни синай" дегандай.

- Шайхим, мунча мунтазир қилдингиз. Чиқаринг-чи, кўрай. Бухоро заргарларининг кўли гулми, ё... – Хонзода пешонасини ёлғондан тириштирди.

- Заргарларининг кўли гул, ишонаверинг. Кўли гул бўлмаса, Бухорода заргарлик қилолмайди. Биласиз-ку Бухороликларнинг кўнгли исирик гулидай нозик эканлигини, - Шайх балдоқни чиқарди.

- Кўлингизни чўзинг!

- Мана ўнг кўлим. Беринг-чи, кафтим тўладими?

У балдоқни аёли кўли кафтига оҳиста кўйди.

Хонзоданинг ҳовучи тўлди. Балдоқни томоша қила туриб:

- Бир пойини ушлаб туринг-чи бунисини қулоғимга тақай,- деди.

- Шошманг, шошманг, ўзим қулоғингизга тақиб кўяман,- ғайрати жўш урди. Балдоқларни авайлаб Хонзода қулоқларига тақиб, пешонасидан ўпди,- қутлуғ бўлсин, Сизга ярашди!

- Кўзгуда кўрмагунимча Сизнинг ёлғонларингизга ишонмайман билдингизми! - Хонзоданинг нози ўзига ярашарди.

- Ихтиёрингиз, кўзгу биздан кўра доно эканда-а?

Хонзода кўзгу келтирди. Шайх кўлига тутқазди:

- Мана шундай ушланг, кўрайчи ким ёлғончи, Сизми ё кўзгуми?

- Хонум аксига қараб жилмайди, - Саломатмисиз, Хонзода, балдоғи бухорий муборак бўлсин!

Шайхнинг авжи келиб, сўзга сўз қўшди:

- Ана ҳусну ана ҳаловат. Ўғил қутлуғ бўлсин денг дийдорингизга!

Хонзода:

- Шайхим, Сиздан қарздор бўлдим-ку. Совға қилай десам кўчага чиқиб билмайман, бу ёқда бешик...

- Тухфангиз бешикда ухлаб ётибдилар. Олдин Аллоҳ кейин Сиз менга марҳамат кўрсатдингиз. Бир умрлик олган совғаларимдан энг аълоси - Абдулхолик!

XXX

Орадан икки йил ўтди. Шайх уйга боғланиб қолди. Шогирдлари сабоғни уйдан олиб кетадиган бўлдилар. Бир куни Хонум сўраб қолди:

- Мактабингиз йўли узоқлик қиляптими?

Абдулхоликдан узоқлашгим йўқ. Қолган умримнинг ҳар бир нафасини ўғлим билан ўтказай дейман. Уйқудан уйғондиларми?

- Ҳали ухляптилар. Уйғотай дедиму, кўнглим бўлмади.

- Бориб уйғотинг. Ҳали замон Қуёш чиқади-ю, Шайхзода ухляптилар.

Хонзода Абдулхоликни уйғотди. Қўлига сув қўяман деса, ўғли моненьлик кўрсатди: "Мен ўзим. Кеча айтдингиз-ку энди Сиз катта бўлдингиз", деб. Хонзода кўнгли тоғдай кўтарилди. Кечаги воқеа хотирига тушди. Уйга кириб:

- Шайхим,- деди.

Шайх Абдулжамил бошини китобдан кўтарди:

- Лаббай.

- Кеча, Сиз бозорга кетгандан кейин шогирдингиз келди. Абдулхоликни "қаранг" деб юбордим.

Шогирдингиз "устоз бормилар" деса, Абдулхолик нима дедила, денг?

- Нима жавоб қилдилар?

- "Волид бозорга кетдилар", дедилар. Шогирдингиз "Қачон чиқиб кетдилар", деса, ўғлингиз, "У пайтда Сиз ҳали кичкина эдингиз", десалар бўладими. Бўлди кулги...

Шайх завқ килиб кулди. Сархуш бўлиб кулди. Енгил тортди.

- Сиз доим Абдулхоликга "Сиз ҳали кичкинасиз", деяверасиз. Ана маҳсули.

- Энди кечадан бошлаб "Сиз катта бўлиб колдингиз" деяпман. Бу эрталаб кўлларига сув солай десам, "Мен катта бўлганман, ўзим", деб кўлимдан офтобани олдилар, - Хонзода эшикдан ташқарига қаради.

Абдулхолик ювиниб, артиниб, ўнг оёқда остона ҳатлаб, ичкари кирди. Икки қўли кўксида:

- Ассалому алайкум волид ва волида. - Улар билан кўришди.

Шайх: "Хонумнинг сабоқлари чакки эмас. Қўл бериб кўришиш ҳам зиёрату, ҳам одоб. Ўғлим билан битта, яримта сабоқ ўтишимга вақт етибди"- деди кўнглида.

- Хонумжон, наҳорий тайёрма?

- Ҳозир.

Дастурхон бошида ўтирганларида ўғли ҳаракатларини кузатди. Абдулхолик чорзона қуриб ўтирган. Ўнг қўли билан ўзи олдидаги егуликлардан олиб, тановул қилаяпти. Бошқа томонга мутлақо қарамайди.

Шайх корсон товоқдаги узумдан бир шингил узиб, Абдулхоликга узатди:

- Манг ўғлим, енг, ризки ҳалолингиз бўлсин. Нега узумга кўл чўзмайсиз?

- Волидам хондан оз-оз олиб егин, лекин ўз олдинга кўйилганларидан дедилар. Товоқ Сизга яқинроқ-ку! Шайх қўли қақтига маъноли йўталди:

- Дастурхон учовимиз учун, Абдулхолик ўғлим, олинг!

- Маърака, мавридга борганда дастурхон бошида ўтириш одоби шундай дегандим Сизга, - Хонзода кўшимча қилди.

... Шайх Абдулжамил масжидга бориш учун яктагини кияётганида Абдулхолик ҳам ўрнидан турди.

- Волид, Сиз билан кўчага чиқай.

- Масжидга бораман, кўчага эмас.

- Волидам, Сиз катта бўлдингиз дедилар. Катталар масжидга борадилар. Мен ҳам масжидга бораман.

Ота-бола суҳбатига қулоқ солиб турган Хонзода ийманиб гап кўшди.

- Боланинг райини қайтарманг. Абдулхолик Сиз билан масжидга бормоқчилар, Яратганга шукр...

Шайх эриди:

-Жуббаларини кийдилинг". Жойнамоз ҳам беринг.

- Ҳазратим, бугун "шундай" борсинлар. Йўлни ўрганиб қайтадилар. Бир ҳафтадан кейин жойнамоз бериб юбораман. Унгача намозни ўрганадилар. Саллаларини тикиб қўяман.

-Салланинг нимасини тикасиз, бор-ку!

- Туғилган кунларида олиб келганингиз бор. Тўртқулоч. Болага катталик қилади. Ўртасидан кесайми дегандим.

- Кесманг, бутун нарсани бўлак қилманг. Хосияти яхши эмас. Бугун дўкондан икки қулочли мисқолий келтираман, боғлаб борадилар.

- Сандиқдагисини куёвликларида боғлайдиган деб ният қилдингизми Шайхим?

- Куёвликларидан олдин тариқат хирқасини устларига олаётганларида боғласинлар деган эдим.

- Айтганингиз келсин. Илоҳо ўша кунни кўриб дунёга сиғмай юрайлик, Шайхим!

- Дунёга сиғишда сиғамиз. Аллоҳ катори ўз қалбимизга сиғайлик Хонумжон!

Шайх шу куни "Аллоҳнинг ўзи кечирсин" деб Абдулхоликни масжидга олиб бормади.

- Жуббаларини кийдилинг, дедингизу, - Хонзода масжиддан қайтган Шайхга савол назари билан қаради, - яна фикрингиздан қайтдингиз?

- Масжидга боришлари учун яна бир йил бор. Қўлларини ҳалол қилайлик. Кейин ҳар куни бораверадилар, - Шайх бошқа изоҳ шарт бўлмаса керак дегандай ўз иши билан машғул бўлди.

... Ўша кун ҳам келди. Абдулхолик уч ёшга кирди. Суннат тўйи қилинди. Қўлларини ҳалоллашдан олдин ғиждувонча таомулга амал қилинди. Қўлларини олдинга қараб узатиб турди. Билагидан боғланди. Устига "Қуръон" қўйилди. Жоме масжидига етганида бу хушхабар тўрт томонга тарқалди. Жамоа жам. Абдулхоликни ичкарига таклиф қилдилар.

Ўнг оёк билан ичкари кириб, тўғри бориб Имом рўпарасида гикка турди. Имом ўрнидан туриб, расм-русумларни бажарди.

- Болам, биз Сизнинг қўлингизни очдик. Дину диёнат, поку ҳалолликда Тангрим йўлингизни равону рост қилсин, - Имом тоқчадан "Қуръон" китобини олиб, қўш-қўллаб Абдулхоликга тутқазди.

- Каломи рабоний тилингиз файзи-ю, кўнглингиз нури бўлсин. Шайх Абдулжамил етган шу кунга, Илоҳо, ҳаммани етқазсин. Омин!
Даврадагилардан Мулла Умар таклиф киритди:

- Имом, тўйболадан оят қироатини эшитсак. Шайхзода деган номлари бор.

Ҳамма бир-бирига қаради Имом Шайх Абдулжамилга, Абдулжамил Абдулхоликга маъноли қаради.

- Ўқинг, ўғлим! - деди Имом.

Абдулхолиқ юзини меҳробга қаратиб ўтирди. "Қуръон" тиззасида "Ваз-зуҳа" сураси қироатини бошлади.

"Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан.

Чоштгоҳ вақтига қасам, зулмати билан атрофни ўраб олган кечага қасам. Парвардигорингиз Сизни тарк этгани ҳам йўқ. Ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ. Албатта, охирад Сиз учун дунёдан яхшироқдир. Яқинда Парвардигорингиз Сизга ато этурки, Сиз рози бўлурсиз. ...сизни етим ҳолда топгач, бошпана бермадимми? У зот Сизни гумроҳ, ғофил ҳолда топиб, ҳидоят қилиб қўйди-ку. У зот Сизни қамбағал ҳолда топиб, бой қилиб қўйди-ку! Бас, энди Сиз ҳам етимга қаҳр қилманг. Сўровчи гадони эса ҳайдаманг. Парвардигорингизнинг неъматини ҳақида бўлса, сўзланг! Аллоҳу акбар. Келган балони келган йўлига қайтариб, дафъ айлагайсан. Омин!"

Ёқимли овоз, дона-дона талаффуз ҳаммани ҳайратда қолдирди. Шайх эса, ҳайрон... "Хонумжон бу ҳақда менга гапирмадилар. Ўғлимиз эса сура тиловат қиладиган бўлганидан мен беҳабар. Хайрият. Хонум бор эканлар. Бўлмаса, менинг бепарволигим бугун тилимга кишан соларди...". Тиловат поёнига етгач, Абдулхолиқ юзига, фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. Ўнг қўлида "Қуръон, чап қўлини кўксига қўйиб, ҳаммага салом берди.

"Ассалому алайкум, аҳли жамоа".

- Алик салом, кам бўлманг ўғлим, - ўтиргандар бараварига шукрона айтдилар. Имом:

- Ўғлим, сураларни ким Сизга ўргатди?

- Волид қироат қилганларида, орқадарида ўтириб, ёдлаб олганман, бу сурани.

- Кўп яшанг, қўлингиздаги китобда ҳам шу сура бор. Ёзув-чизувни ўрганинг. Кейин бу китобни ўқинг. Ризқи ҳалолингиз бўлсин! Абдулхолиқ "Қуръон"ни олиб, елдай учди. Нурдай югурди. Уйга кириб, Хонумга китобни кўрсатди: "Мана бу каломи раббонийни менга ўргатинг. Ёдлашим керак экан. Қачон ўргатасиз? Масжидда Имом айтдилар".

... Суннат тўйидан бир ҳафта ўтгач, Шайх тараддудга тушди.

- Хонум, келаси ҳафта жума куни ўғлингизни масжидга олиб бораман. Намозни ўргансинлар, ўтириб-туришни...

... Бу гапдан уч кун ўтгач, Хонум Шайхга хабар берди: "Сабоғимизни бир имтиҳон қилинг, зеҳнлари бирам ўткир, такрорнинг

бир бори кифоя...". Шайх рози. Ҳовли юзида ўйнаб юрган Абдулхоликни чорлади.

- Абдулхолик менга қаранг-чи?

У югуриб келиб, эшик оғзида турди.

-Худди шундай, ичкари киринг!

Абдулхолик ичкари кирди. Шайх рўпарасида тиз чўкди.

- Волидангиз ўргатганларини бир такрорланг-чи.

Саҳвли жой бўлса, биргалашиб тузатамиз.

- Кийимларимни кийибми, жойнамоз хам-а?

- Худди шундай!

Абдулхолик узр сўраб, ўрнидан турди. Нариги уйга ўтиб, кўйлак-иштонини алмаштириб келди.

- Маҳсингизни ҳам кийибсиз-ку, - Шайх саволга нима жавоб қилар экан дегандай Хонумга қаради. Хонзода сир бой бермади. Абдулхолик чакқон эди. Уйининг қибла томон деворига яқин жойнамозни ёйиб кўйди-да отасига юзланди:

- Мен тайёр волид.

- Абдулхолик, ўғлим. Нега жойнамоз ёздингиз. Маҳсингизни ҳам кийибсиз, ҳаво иссиқ-ку? – сўради Шайх Абдулжамил.

- Жойнамоз - Аллоҳ йўлидаги хизмат остонаси. Мартабага етишишининг, Тангрига яқинлашиш бисотидир. Мен худо талабидаги унинг бандасиман. Жойнамоз орқали шу йўлга кирман. Жидду жаҳд билан, талабу мақсад билан машаққатли йўлга кирган одам оёқ яланг мурод манзилига етишиши оғир. Шу боис Сиз менга маҳси харид қилгансиз...

- Марҳамат, чиқинг жойнамозга. Аллоҳ хуш кўрган бўлсин жойнамозга чиқишингизни, - Шайх ишорат қилди. Абдулхолик ўнг оёқ билан сажжода устига чиқди.

- Қаерда ўтирибсиз, Шайхзода?

- Абадият ерида, хизмат юрагида!

- Не мақсадда ўтирибсиз?

- Аллоҳ назари учун. Тангрим назарининг тушишига мунтазирман.

- Сажжодада не мақсадда ўтириб-турасиз.

- Хизмат учун тураман. Ҳурмат боис ўтираман, қиблагоҳ!

- Боракаллаҳ, боракаллаҳ. Бошланиши чаккимас.

Риёзат иўлида Аллоҳ Сизга сабр-бардош, қунт берсин. Сизга ҳам ташаккур Хонзода, сабоқларингиз учун. Энди биз ўғлингизга Имом бўлиб, намоз ўқиймиз. Келинг, Сиз ҳам Хонзода...

... Шайх намозхон бўлган ўғли учун сарпо харид қилди "Сизга маъкул тушар, Хонзодам". Хонзода Шайх қўлига тутқазган тугунчани олиб, очди. Бир-бир томоша қилди. Худранг кулоҳ, шу рангдаги икки кулоҳ мисқолий салла. Жубба, кўйлак-иштон учун худранг муммазий. Хонзода худранг сарполарни кўриб сал жиддийлашди.

- Оқ, яшил ё кўк рангдаги матоҳ олсангиз бўларди.

- Ҳамасини худрангдан харид қилибсиз.

Шайх Абдулжамил аёлига синчков қараш қилди:

- Ниятимни тушунмабсиз чоғи?

- Тушундим. Оқ-сут ранги, яшил-гиёҳ либоси, кўк эса осмон рангига ишора.

- Худранг-чи! - Шайх Абдулжамил "Қани топингчм, Хонумжон", дегандай қўлини қўлига урди. Ухлаб ётган Абдулхолик "қарс" этган овоздан уйғонди. Бориб Шайхнинг тиззасида ўтирмакчи эди. Йўлдан ортига қайтди:

- Ха, ўғлим, ўтирмайсизми, - Шайх тиззасига "шип" этиб урди, - келинг энди.

- Ётиб тургандан кейин, юз-қўлни ювиб, салом бериш лозим, - Абдулхолик шундай деди.

- Эрталаб ювгандингиз-ку, пешин бўлгач яна...

- Вақтнинг бунга даҳли йўқ. Инсон вужуди тирик япроқ, Оллоҳ назари нур. Нур тушиб туриши учун япроқ гард ғубордан холи бўлмоғи шарт!

Жамоат жам бўлгач, мақсадга ўтилди. Эртаси намози жумага бориш лозимлиги, Абдулхоликнинг либослари вақтида тайёр бўлиши таъкидланди.

- Эрта тушликгача хамма нарса тикилади, - деди Хонум, - Аллоҳ эртани берсин, ўғлимизни бир ясантириб, масжидга юборай. Кўрасиз, ўшанда қандай завқ-шавқ билан намоз ўқишларини.

...Эртаси тушликга яқин уч киши ҳаракатга тушиб кетди. Шайх ўз иши билан банд. Хоним жуббага боғлагич учун ип йигиряпти. Абдулхолик эса отасининг ковуш-маҳсилари чангини артяпти.

- Хамма нарса тайёрми, - Шайх Абдулжамил кумсоатга қаради.

- Мана бўлди ҳаммаси тайёр. Ўғлим келинг.

Абдулхолик ота-онасига орқасини қилиб ўтириб, иштон кийди. Ўрнидан турди, кўйлагини кийиб Шайх билан Хонумга қуллуқ қилди.

- Маҳси киясиз, жубба, ундан кейин-чи? – сўради Шайх.

Кулоҳни кийиб, устидан салла боғлайман, Абдулхолик тутилишни билмас эди.

- Саллани қандай боғлайсиз? Унинг не маъноси бор?
- Бир жойда тикка туриб боғлайман, волид. Маъноси, бошим ростлик йўли халқасидан ҳеч қачон ташқарида эмасдир, волид.

- Бошингиз ҳеч қачон тангрим йўлидан ростлик халқасидан чиқмасин, илоҳо! Биз Сизга атайлаб худранг сарпо танладик, ўғлим. Худранг-тупроқ рангига ишора. Замин-сахий, хосиятли, ҳиммати баланд. Ҳеч кимдан ранжимайди. Ҳеч кимдан тамаъ килмайди. Нимани ният қилиб эксанг, ўшани юз ҳисса қилиб қайтаради. Қанча хор зорлик кўрса ҳам ўзини ўнглаб олади. Заминдай сахий, камтар, азиз бўлинг. Ўз юкингизни ўзингиз кўтаринг.". Мени ҳам бу дунёда боғлаб қўйганлари йўк. Юринг энди намоз вақти ҳам бўлди.

... Ота-ўғил ҳар куни "масжидга намоз ўқиймиз"дан кейин кўча айланадилар. Гузардан савдо-сотик расталарига ўтиб, бирор бир ширинлик олиб уйга қайтадилар. Бир куни Хонум аразладилар.

- Намозингиз бунча чўзилди. Ё шаҳри Румга бориб келдингизми? Қайнатма шўрвани уч марта оловдан олиб, оловга қўйдим. Бола оч қолди демайсиз?

- Абдулхоликни юрти билан таништиряпман. Қалъа ичидаги ўн бешта масжиднинг ҳар бирида бир мартадан намоз ўқиса, ватандорлик ҳисси чуқурлашади. Эрта Харқонруд бўйларига ўтамиз. Уч ёшга энди кирган бўлса ҳам эпчил, чарчадим демайди, - Шайх туттароғи билан соколини тараб, Хоним ёзган дастурхон бошида ўтирди, ўғлингиз қанилар. Чақиринг, овқатланиб, бир ухласинлар.

- Чақирдим. Қушларга дон сепиш учун девор бошига чиққан эдилар.

- Қайси қушларга. Девор устида қуш нима қилади?

- Кўчадаги қушларга. Девор бошидан туриб, сепсалар, улар қурқимасмиш. Ким дон сепаетганини ҳам билмай чўқир экан, осмондан ёғилди, Аллоҳ берди - деб. Бу гапларни эшитиб. Шайх гиребонини тутди: "Ё, қудратингдан шунча ёшга кириб, шу нарсанинг фарқига бормаган эканман!".

... Харқонруд сафари ғаройиб кечди. Шайх Абдулжамил чарчаганини билдирмай ўғли райига қаради. Зарафшон бўйи, ундан кейин Харқонрудга ўтдилар. Харқонруддан янги туғилган ариқларни томоша қила туриб, Абдулхолик савол берди.

- Зарафшовдан Харқонруд туғилган, Харқонруддан Бурқи Сармаст ариғимиз. Кейин-чи?

- Шайхзода, инсондан инсон туғилганидай ариғдан ҳам ариғ туғилади. Бухорода ўн битта катта-катта кома, ариғлар бор. Булар

Кармана, Шопуркон, Харқонат ул-улё, Харконруд, Саижат, Байконруд, Фаровизи улё, Коми даймун, Арвон, Кайфур, Рўди Зар. Гиждувонда ҳам шунча ариғ бор. Ариқлар туғилмаса ер хароб бўлади. Инсон ўз юртидаги ариқларни танимаса, хашарларида қатнашмаса, ичган суви макруҳ бўлади.

- Волид, биз ҳам Бурки Сармастимизни билишимиз керак-а? - Абдулхолиқ кўли билан ариқга ишора қилди,- Нега унга шундай ном кўйилган?

Шайх ариқ лабида, "Аллох ўзи кечирсин", деб оёқларини узатиб ўтириб, олди-да, тарих бошлади.

- Бурки Сармаст, ўғлим, тангрининг эркаси экан. У Тангридан нима сўраса, ўша заҳотиёқ мухайё бўлар экан. Бурки Сармаст Аллохдан Заққум дарахти, дўзахни йўқотиб юборишни сўраб, қирк йил бир оёқда тикка туриб, илтижо қилса ҳам бўлмабди. Ғайбдонлар Заққум дарахти бор-у, уруғи йўк. Уруғи бўлганида кўпайиб, ҳамма ерни заҳар қоплаб оларди, дейдилар. Ариғимиз ҳам Бурки Сармастдай шиддаткор. Қаранг, қандай уйноклаб оқяпти. Сурату сийрат деганлар, ўғлим. Сийрат ора-ора суратга урилади. Кейин,- кўп нарса ҳувайдо бўлади. Туринг энди кетдик. Эртаси эрталаб Ғиштигга ўтамиз. Кейин Фиришкентга. У ёқларни ҳам томоша қилинг. Қўл, заҳкаш, йўл, деҳоту кишлоқларни бир-бир кўринг. Бу ерлар Сизга - Ватан!

- Сизга-чи?

- Мен учун бу ерлар ўғлимнинг Ватани. Хонумжон учун ҳам. Шу боис ноз қилмай, нозбардормиз. Шамолига ҳам пешвоз чиқамизким, ўғлимиз хотирлари паришонлик томон оғмасин деб.

- Сизнинг юртингиз қаерда, Волидамнинг юртларичи? Абдулхолиқнинг бу саволи Шайхни "ух" тортишга чорламади. Аксинча чехраси очилиб, жавоб бериш ҳолатини ёрқинлаштирди:

- Бизнинг Ватанимиз - Рум мамлакати. Волидангиз Малатия деб номланган чаҳорбоғдан. Биз бу ерларга Сизни излаб келдик. Дийдорингизни кўриш толеъи юрагимизга меҳмон бўлди. Шу боис Бухоро, Гиждувон десалар, ширин уйқуда бўлсак ҳам "лаббай" деб югуриб ўрнимиздан турамыз, ўғлим.

- Биз Рум, Малатияга бормаймизми?

- Тангри насиб этган бўлса, борамиз. Сизни юртим билан таништираман. Мен сув ичган ариғдан Сиз ҳам сув ичасиз. Кейин яна Гиждувонга қайтамиз.

- Қолмаймизми Румда?

- Йўқ, ўғлим, Сизни менга берган юрт хурматини жойида кўймоғим шарт! Яратганнинг менга берган амри шу!

Шайх, Шайхзода қалъага қишлоқ оралаб қайтдилар. Йўлда таъзияхонага ҳам кирдилар. Марҳум руҳига Шайх "Қуръон"дан чорак жуз тиловат қилди. Кейин... Таомул деб дастурхон ёзишди. Шўрва келтирилди. Шайх "Аллох ўзинг кечиргайсан", деб шўрвага қошиқ урди. Абдулхолиқ ҳеч нарсага кўл урмади. Йўлда Шайх Абдулжамил ўғлидан "ўзини соддаликка уриб" сўради:

- Абдулхолиқ шўрва ичмадингиз?
- Мен таъзия оши тановул қилмайман.
- Не боис?

- Таъзия ошида вояга етмаган одам, ё ғойиб меросхўрнинг ҳаққи бордир андешасини қилиб, шўрвага чўмча солмадим, волид!...

Ота-ўғил анча фурсат жим кетдилар. Зарангарий қабристонига яқинлашдилар. Шайхзода мадфанларга қараб.

- Ассалому алайкум ё аҳла қубур. Ва инно иншооллох бикум лоҳикун,- деди.

Шайх юрган жойида тўхтади. Ковушини суғуриб, оёқлари остига кўйиб, оят тиловат қилди. Сўнг Абдулхолиқни имтиҳон қилмоқчи бўлди:

- Қабр бошида ўтириб фотиҳа ўқисак бўлар экан-а?
- Қубур аҳли Аллох пойида ётганлар. Улар ҳузурида тик туриб, оят тиловат қилмоқ раводир, ўтириб эмас, волид!

XXX

... Энди, бу кўнгилда. Ҳаммасини харид қилдим, Хонзодам, - Шайх бозордан қайтиб, шундай деди. Аёли олиб келган нарсаларни кўздан кечирди. Қаламдон, патқалам, ёғоч қалам, сиёх, сиёхдон, лос, увада қоғоз, лавҳ, жузбанд, корчўб, игна, катим.

- Уйда ҳам бор эди, ортиқча харажат килибсиз,- Хонзода уй такчасига ишора қилди.

- Ният қилдим. Бугун ҳарф ўргатишни бошлаймиз. Уч варақ машқ қилганларидан кейин, кўлларига беринг, сувга ташлаб келсинлар ёзганларини. Кўллари сувдай равон бўлсин. Ичкари уйдамишлар. Чақиринг.

- Қўшни ўғли билан ўша ёкка ўтдилар.
- Қўшни бу ёкка ўтдиларми? Соғликлари қалай? Эри сафардан қайтгандир. Ожизага ҳам оғир бўлди уч бола томоғини ямаш...

- Ҳа, қарз сўраб чиқувдилар кўшни. Эрдари ҳали қайтмабди. Уйда ун, ёғ, туз қолмаган экан.

- Кўнглини кўтариб, хожатини раво қилиб юбордингизми?

- Бугун ёқамни ушладим. Уч яшар бола-а!

- Нима бўлди.

- Кўшни келдилар дедим-ку, қарз сўраб. Абдулхолиқ ўйнаб ўтирувдилар ёнимда. Қарзни эшитиб, биласизми нима дедилар?

- Хўш, хўш, нима дедилар, яхши гапми?

- Ўғлингиз "Биҳишт эшиги юзида қарз беришнинг ўн саккиз савоби, садақа беришнинг ўн савоби бор, деб ёзиб қўйилган",- дедилар. Қўшни шод бўлди. Тилла танга бериб юбордим. Қайтарар-а?

- Қарз бергандан кейин кетини пойламаслик шарт! Бу танбеҳдан кейин Хонум тил тишлаб қолдилар. Шайх хаёлга ботди: "Дашту дарё экан бу - Абу Ҳафси Кабир. Судхўрлик авж олган пайтлар... Аллоҳга ёкмайдиган бу иллат олдини олиш мақсадида зўр чора қўлланилибди.

Савмаъларининг қибла томон деворидан иккита дарча очибдилар. "Қарз олиш", "Қарзни қайтариш" дарчалари. Пулга мухтож одам биринчи дарчадан қарз олган, Аллоҳ гувоҳлигида. Қўли узун бўлгач, иккинчи дарча ёнига келиб, олган қарзини ташлаб кетган. Вақт, "Қайд қоғоз"- бир пул".

Оила аҳли дастурхон бошида жам бўлганларида Шайх Абу Ҳафси Кабирнинг антиқа тадбирларини тилга олди.

- Иккита дарча?- деди Хонум, - фоиз-чи, йўқ эканми?

- Йўқ, шу боис ҳам бухороликлар ҳазратни "Имом Ҳожатбарор" деганлар, - Шайх ўғлига каради.

Ўғли:

- Волид, кўнглимга келди. Шу боис ҳар бир одам юрагида иккита дарча очиб қўймоғи шарт. "Саховат" ва "Ҳамият" дарчалари. Тирикликда саховат, ҳамият куёш ёнида турса, яхши бўлади!

- Нега? - Шайх ўзини соддаликка солди.

- Ахир бутун дунёга нур сочиш битта куёшга оғирлик қилади-ку? Саховат, ҳамият ҳам нур деган гап!

... Бугуниси ота-бола, тегирмонга ўтдилар.

- Тегирмон бўш, кутсангиз ун қилиб бераман, - деди тегирмончи. Улар бир муддат ичкари кириб ўтирдилар. Осиёб эшиги ёнида ёш қаландар пайдо бўлди?

- Аллоҳ йўлида хайр қилинг, уч кундан бери очман. Тегирмончи чўнтак қовлашга тушди, Шайх ҳам. Абдулхолиқ эса эшик олдида борди. Ёш қаландарга бошдан-оёқ разм солди, кейин:

- Бировнинг юкини биров кўтармайди. Бор ишланг, - шундай деб, келиб жойига ўтирди.

Жавобдан Шайх ҳам, тегирмончи ҳам "хангу манг", каландар эса хайрон! "Хангу манг"ликни тегирмончи бузди:

- Эшитдингми, ёш бола нима деди. Бор ўз юкингни ўзинг кўтар. Бир орқа ўтин териб, бозорга сотсанг, бир кунлик ризк бўлади, бўтам!

... Шайх Абдулжамил уйга келиб хаёлга ботди. Дастурхон бошида ҳам паришонлиги тарқалмади: "Қаландарга оғир кечди-да! Бу кеча у нима еб ётди. Хонақоҳда жой бору егулик йўқ. Бир оч қорин гуноҳи бошимизга тушди чоғи. Балким, бу фикрим хатодир". Шайх ярим кечаси уйғониб кетди. Ётган жойида Тангрига илтижо қилди: "Шайхзоданинг билиб, билмай қилган гуноҳини ўзинг кечиргайсан. Ҳали у гўдак. Оғзидан сут ҳиди келади. Қаландар кўнглига озор етган бўлса, ўзинг кечиргувчисан, Аллоҳим!".

... Сувга ташланган қоғозлар тўлқинлар кафтида ўйнаб-ўйнаб оқиб кетди.

- Хонумжон, ўғлингизнинг илк машқларини сувга ташлаб келдик. Илоҳо, кўллари сувдай равон бўлсин. Бир ой ичида ёзувни ўргандилар. Асраб қўйган ўша китобларингизни олинг-чи, бу ёққа. Шайхзодани бир имтиҳон қилайлик. Хонум сандиққа ташлаб қўйган тўрт дона "Ал-Жоми ас-сахих", битта "Қуръон" китобини олди. Абдулхолик югуриб ўрнидан турди. Тавозе билан китобларни волидаси кўлидан олар экан: "Илм истамоқ ҳар бир мусулмон учун фарздир",- деди. Кейин Шайх ҳузурига келиб тиз чўкди. Тиззасида китоблар:

Аллоҳ берган илмингиздан менга ўргатмоғингиз учун Сизга...

- Мен розиман...

Шайх ўғлининг ҳар бир ҳаракатларини ояту ҳадис билан адо этаётганидан шод бўлди: "Зехни жуда ўткир.

Оғзидан ёдлаб олиши - аъло. Ўқитиб кўрайликчи? Кейин баҳо берамиз". У китобларни ўғли тиззасидан олиб, ёнига қўйди. "Ҳадис"нинг биринчи жузини кўлига олиб, биринчи бетини очди:

- Ана шу ердан ўқинг-чи, ўғлим!

Абдулхолик "Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳим", деди ва овоз чиқариб ўқиди: "Яҳё ибн Саъд ривоят қилдилар: Умар ибн ал-Хаттоб минбарда турганларида: "Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганман",- дедилар: "Дарҳақиқат, барча амаллар ниятга яраша бўлғусидир. Кимки ҳижратдан нияти дунё топмоқ эрса, дунёга эришгуси, кимки ҳижратдан нияти хотин олмоқ

эrsa, хотинга никоҳланғусидир. Демак, не ниятда ҳижрат қилганлиги эътиборга олинғусидир".

- Офарин, офарин, ўғлим! Мағзини чакдингизми?

- Андак ..

- Яъни..

- Ҳар бир банданинг саъю-ҳаракатига яраша ажрим бор. Мол истовчи мол олғусидир, нияти зоти латифага уйланмоқ бўлса, никоҳ...

- Илм истовчи, - Шайх овози жарангдор чикди.

- Илмли бўлғусидир, - Абдулхолиқ волидасига зимдан қараб қўйди.

- Шайхим, - деди Хонзода Абдулхолиққа ён босиб, - ўғлингиз илм, меҳнат, ростлик орқали солиҳ амаллар этагини тутмоқ ниятидалар. Оқ фотиҳа беринг! Яхшиларнинг яхши йўли ўғлимизга насиб этсин!

Шайх фотиҳага қўл очди. Икки жуфт қўл қўшилди.

"Вал-аср" сурасини қироат қилди: "... Асрга қасамки, инсон зиён-бахтсизликдадир. Фақат имон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига ҳақни тавсия этган ва бир-бирларига сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина нажот топгувчидирлар". Аллоҳу Акбар!

... Орадан йил ўтди. Абдулхолиқ тўрт ёшга кирди. "Ал-Жоми ас-саҳиҳ"нинг уч жузини ёд олди. Хонум "Бола кўп диққат бўлмасин", деб бир-икки соат ҳар куни, дам берар. Шайх уйда бўлмаган пайтлари ўзи сабоқ ўтарди. Абдулхолиқ, "дам олиш соатлари"да кўчага чиқар. Қаландарлар зикр тушишларига қараб туриб, доим кўзда ёш, уйга қайтарди.

- Нега йиғлаб кириб келасиз ўғлим, - сўради Хонум бир куни.

- Битта қаландар йиқилиб қолди. Турғизишга одам йўқ. Катта кўча ўртасида ётаверадими?

- Зикр тушишнинг таомули шу, ўғлим. Қаландар Аллоҳни ёд этиб, айланаверади. Буни Аллоҳ ишқига гирифторлик дейилади. Йиқилиб қолиши-мажнунликдан, - Хонзода иложи борича ўғлини хотиржам қилишга ҳаракат қилар эди.

- Сизу биз ҳам Тангри ишқига гирифтормиз. Номини ёд этиб, йўлидан юрамиз. Лекин қаландар эмасмиз-ку!

- Ўғлим, қаландар шу йўлни танлаган. Бу йўлни,- Хонум "тушунтириш" дарсини ҳақиқатга яқинлаштиришни истарди. Лекин бўлмади...

... Бир куни дам олиш соатларида Абдулхолик кўчага чиқиб кетиб, қайтмади. Қоронғу тушгач, Хонум, Шайх ваҳимага тушдилар. Қидирмаган жойлари қолмади. Юраги оғзига келган Шайх уни хонақоҳ эшиги олдидан топди. Абдулхолик эшик олдида қаландарларнинг зикр тушаётганларини томоша қилар. Енги билан кўз ёшларини, артиб йиғларди.

-Абдулхолик,- Шайх ўғлини сал узоқроқдан туриб чақирди. Овозни эшитган бола ортига қаради. Шайх унга яқинлашди:

- Уйга қайтай демайсиз. Волидангиз сизни излаб, том бошига чиқдилар. Бу- қулоқсизлик, ўғлим. Юринг, энди уйга кетамиз.

- Қаландарлар уйларига бормайдиларми? Бир оз томоша қилай, шулар билан бирга қайтамиз.

- Қаландарларнинг уйи йўқ!..

Шайх Абдулжамил шундай деб, ўғлининг қаршиликларига қарамай олиб уйга қайтди.

Хонумнинг тергашлари кор қилмади. Абдулхолик егулик ҳам емай, тўшакка кирди. Бошини кўрпага ўраб, йиғлашга тушди. Хонзода кўрпани бошидан тортиб туширди.

- Нега, йиғлаяпсиз? Қулоқсизлик қилгансиз. Сабоқни ташлаб, бир оғиз сўрамай кўчага чиқгансиз. Волид, волидага ҳурматсизлик қилгансиз. Энди бу хархаша қилаётганингиз нимаси?

Абдулхолик ўрnidан турди. Хонум рўмоли учи билан кўз ёшларини артгандай бўлди.

- Ҳа, гапиринг!

- Ҳадисни ўйлаб йиғлаяпман.

Қайси ҳадисни? Қаландарларнинг эикр тушишлари ҳадисда йўқ эди-ку! - Хонум Шайхга қаради.

- "Амаллар нияти ва ихлосга қараб қабул қилиши баёни" - да бор-ку!

- Айтинг-чи?

- Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Агар киши савоб умид этиб, ўз оила аъзоларига мол сарфлайдилар, унга садақа қилган савоби ёзилур",- деганлар. Яна Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳ йўлида садақа қилсанг, албатта бунинг учун Тангридан ажрим олурсан, ҳатто хотининг оғзига солиб қўйган бир луқма таоминг учун ҳам"- деганлар.

- Хўш! - Шайх ўғли билан хотинига жиддий қараб турди.

- Ахир, қаландарларнинг уйи бўлмаса, оиласи бўлмаса, садақа қилмай савоб ололмайди. Хотини бўлмагандан кейин кимнинг оғзига

бир лукма таом солиб савоб олади. Инсон ҳар бир амали учун Аллохдан ажрим олиб турмоғи лозим. Қаландар қайси амали учун ажрим олади худодан?

- Зикри учун, ўғлим. Қодирни кудратни куну тун ўйлаб зикр қилади. Борлиғини бағишлангандан кейин, савоб шу ҳисобдан унга тушади. Ухланг энди,- суҳбатга яқун ясади, - Шайх.

... Кунлар ранги кўринмас эди. Қорами, ё қизил! Абдулхолиқ ҳар куни сабоқдан кейин кўчага чиқар, қаландарларнинг "ҳақ дўст, ё Аллох" "Ё ҳу ё Аллох, ё Ҳай, ё Ҳу", деб гир-гир айланиб зикр тушаётганларини томоша қилиб, кейин уйга қайтарди. Бу ҳолат кўп такрорланди. Бир куни ғаройиб ҳодиса юз берди. Зикр тушаётган қаландарлардан бири йиқилди. Шериклари унга эътибор бермадилар чоғи, узоқ ётди. Оғзидан кўпик чиқар, хушсиз... Абдулхолиқ қаландарга яқинлашди.

- Туринг, тақсир, кўча тупроқ-ку. Кийимларингиз ифлос бўлади.

Қаландардан садо чиқмади. Қаландарни турғизмоқчи бўлиб уринди, бўлмади. Яктаги бари билан тупроқ бўлган юз-кўзларини артди. Тоза бўлгандай бўлгач, кўнгли тўлиб, ариқ томон югурди. Кулоҳида сув келтирди. Қаландар юзига сув сепди. Қимирлагандай бўлди. Яна, сепди. Яна... Яна... Қаландар хушига келди. Кўзини очиб, боши устида энгашиб турган болага қаради. Қараб туриб, сув сўради. Абдулхолиқ жон ҳолатида ариққа қараб чопти. Кулоҳида сув келтириб, унинг оғзига тутди. Қаландар сувни тўкиб-тўкиб ичди. Ичиб бўлиб "шукр" деди.

- Туринг энди...

Қаландар осмонга тикилиб қолган куйи савол берди.

- Улар қани, кетдиларми?

- Ҳа!

- Сен кимсан?

- Мен Шайх Абдулжамилнинг ўғли Абдулхолиқман.

Қаландар бўлмоқчимисан?

Билмадим... Ўрнингиздан туринг. Келинг ёрдамлашай.

Абдулхолиқ Қаландарнинг ўнг қанотидан ушлаб, уни турғизмоқчи бўлди. Қаландар:

- Мадорим йўқ. Яхшиси кўлимдан ушлаб торт, - деди. У митти кўлчаларини чўзди. Абдулхолиқ кўлидан ушлаган қаландар олдин "ух" тортди. Ранги ўзгарди. Елкалари титради:

- Торт-чи?

I Абдулхолик кучи борича қаландар кўлидан тортди. Мўъжиза юз берди. Юз тубан йиқилиб ётган қаландар жойидан қушдай сакраб турди. Абдулхоликқа қаради. У унинг кийимлари чангини қоқаётган эди:

- Шайхзода кўлингизда илоҳий куч борми дейман-а?

- Билмадим, тақсир. Ана энди кетсангиз ҳам бўлар. Этагларингиздаги тупроқларни қоқиб бўлдим.

- Шундайми, баракала,- деди қаландар ва,

- Юр сен ҳам. Хонақоҳга борамиз. Бир муддат дам олмасам бўлмайди,- деди. Сўнг, учуда найза кўндирган ҳассасини "ердан оламан" деб уринди. Аммо энгашиб билмади. Абдулхолик ҳассани чаққонлик билан олиб, қаландар кўлига тутқазди.

- Ушланг, тақсир.

Қаландар ҳассани ўнг кўлида тутди. Чап кўли билан Абдулхолик елкаларини бемадор силагандай бўлди:

- Менинг баримдан ушла.

Абдухолик қаландар этагидан тутди. Қирқ ямок этаг унга ғаройиб кўринди.

- Қани энди кетдик,- қаландар шундай деб йўлга тушди.

Икковлон узоқ юрдилар. Икки томони пахсали девор гузарлар орқали Хонақоҳга кириб келдилар.

- Мирза Қаландар!

Қаландар "ялт" этиб эшиг тагида ўтирган мулозимга қаради.

- Шеригингиз ҳам бор-ку. Ота-онаси излаб юрмасин тагин,- мулозим Абдулхоликга ишора қилди.

- Ўғлоннинг отаси Шайх Абдулжамил эканлар. Кўчада турган экан, юр десам, майл билдирди. Бу ёғи Аллоҳ иродаси. Биз бир сабабчимиз, холос. Биз, икковлонга, пок жой кўрсатинг.

Қаландар билан Абдулхолик хонақоҳ ичкарасида, мулозим кўрсатган жойга бориб ўтирдилар. Қаландар нафас ростлагач, намоз ўқидилар. Мулозим дастурхон келтирди.

- Меҳмон янги, тақя таомулига кўра...

- Ҳа, биз ҳам бугун Сизга меҳмон. Кашкўлимиз бўш. Ичига бирор бир егулик тушгани йўқ,- қаландар бўйнидаги кашкўлини олиб, бир чеккага қўйди. Нон синдирилди. Қайноқ сув билан нон едилар. Кейин қаландар ҳассаси учудаги найзани артишга тушди, шундайки, бир эрмак учун. Абдулхолик қаландар ҳаракатларига разм солиб турди. Ҳайрати ошди. "Ҳасса учуда найза не керак экан?". Шу саволни қаландарга берган эди. У лабханда қилди:

- Биз, ўғлим - мужоҳада найзасини ўз нафсимизга урганмиз.

Абдулхолиқ қаландарни обдон кузатди. Жун чакмон. Ямоқлари кўплигидан тайи қанака ранг эканлигини билиш мушкул. Тагидан кўйлак-иштон. Улар ҳам шу ҳолатда. Соч-соқол ўсиб кетган. Бу яқинда туттароқ кўрмаган. Қўлларига қаради. Тирноқлар ўсган. Тарс-тарс ёрилган бармоқлар кўзига аянчли кўринди. Шу лаҳзада кеча-кечқурун айтган ҳадиси хотирасига тушди. Ўзини тутолмай қаландарга савол қилди:

- Сиз ҳам аёлингиз оғзига бир лукма таом соласизми?

Қаландар бу саволдан бир қад учиб тушди:

- Нима, кимнинг оғзига таом солишим керак?

- Аёлингизнинг. Ҳадисда шундай айтилган. Ажрим бор экан!

Қаландар бу жавобдан қизарди. Узоқ сукут сақлаб кейин "ух" тортди. Тиззасидаги ҳассасини ёнига олиб кўйиб, унга тикилиб қолдию. Кейин кулди. "Ха-ха-хах- ха-а-а-а!". Кулгиси йиғига ўхшаб кетди. Абдулхолиқ уни таниёлмай қаради: "Гўдак... Нима деди бу гўдак?". Овози хонақоҳ бўйлаб гулдиракдай янгради:

- Сен гўдак... Шундай дедингми? Олтмишга кирдим. ...Аёлим бўлмаса кимнинг оғзига лукма соламан!

- Вафот этганларми...?

- Уйланмаганман...,- қаландарнинг томоғини ййғи тўсди.

- Нега?

- Бу саволни бундан қирқ беш йил олдин берганларида бўйнимда мана бу кашкўл осиб олмаган бўлур эди, - қаландар ёнида турган кашкўлига ишора қилди, - балким...

Абдулхолиқ саросимага тушди. Қаландар кўнгли унинг берган саволларидан озор тортгани шундоққина билиниб турарди.

- Кашкўлни беринг менга, ичида овқат қолдиқлари қолган экан, ювиб келаман, эрта учун тайёр бўлиб туради. Абдулхолиқ ўрнидан турди. Қаландар кашкўлини олиб ташқарига чиқди. Қайтиб кирганида қаландар ухлаб қолган, ҳассаси ёнида, найзали уч томони ўзига қаратиб қўйилган. Кашкўлни ҳасса ёнида кўйиб, эшикка юзланди. Юзланди-ю, қотиб қолди. Эшиг оғзида Шайх Абдулжамил унга қараб турар эди:

- Шу ердамисиз?

- Юринг, уйга кетдик.

Абдулхолиқ эшикдан чиқди. Мирза қаландар этагидан тутиб, қандай бу ерга келган бўлса, волиди кўлидан ушлаб худди шундай уйга

кайтди. Волид, волидаси ҳеч нима демадилар, дастурхон бошида. Овқатланиб бўлгач, Шайх сўради:

- Қорнингиз тўйдими?

- Шукр, волид!

Сухбатга Хонум аралашмади. Сўнгги хукми Шайх чиқарди:

- Ўғлим, бу кеча Сиз учун "ухлаш" деган гап йўқ. Бугунги чала қолган сабоқни ёдлайсиз. Эрта-эрталаб эса, ўтин теришга борамиз. Хўпми?

- Худди шундай волид!

XXX

Абдулхолик дарсхонасига ўтгач, эр-хотин айтишиб қолдилар.

- Шайхим! Бундай қарорга келганингиз меҳрибонлик белгиси эмас деб ўйлайман. Абдулхолик ҳали гўдак-ку.

Сизга даштдан янтоқ чопиб, кўтариб келиб биладими? Арқон ҳам харид қилибсиз? Қаландарлар ортидан эргашиб, кетган бўлсалар, бу - болалик ҳайрати. Балоғатга етгач, ўтиб кетади.

Шайх Хонумнинг бу "фиғонлари"га унчалик эътибор қаратмади:

- Ҳолига яраша кўтариб келади. Бекорхўжаликка тобу тоқатим йўқ. "Ҳақ дўст" деб зирк тушиб, кўчани бошига кўтариб юрган дангаса қаландарлар ортидан эргашиб юриш билан мурод ҳосил бўлмайди. Меҳнат қилишга ўргансин. Қўллари билан ризқни териб ейишни ўрганмоғи шарт. Қаландар кашкўлидаги луқма ризқ эмас - садақа, Хонумжон, садақа! Шайхзода "садақа еб" юрувчилардан ҳазар қилишни ўрганмоғи даркор. Менинг ақидам шу!...

... Даштда янтоқ териш унчалик оғир кечмади. Абдулхолик югуриб-елиб ишлади. Унга даштнинг кенглиги-ю, ҳавосининг латиғлиги хуш ёқди. Сокинлик, бу сокинликни бўзтурғайларнинг хониши ора-ора бузиб турарди. Қушлар сайрашларини томоша қила завқланди: "Нега олдинроқ олиб келмадилар мени волид бу ёқларга?..".

Шайх ўғлига ўтин териш, боғлаш, елкага кўтариб олишни обдон тушунтирди.

- Бугун ўтин терганимиз етар, ўғлим. Ўчоғимиз уч кун ўтинсиз қолмайди. Уч кундан кейин яна келамиз.

- Энди қайтамизми? Яна бир оз ўтирайлик, волид, - у отасидан илтимос қилди.

- Нега?

- Осмонга учиб кетгим келяпти. Қаранг, йўлимни тўсадиган бирор бир моненьлик йўқ.

Шайх тип-тиник, кўк сари боқди. Бир парча булут йўқ. Мусаффолик ҳиди ҳавога кўшилгандай. Тустовуқларнинг ора-ора жуфттини чорлаб сайрашиб, ғаройиб. Шайх тустовуқнинг сайрашини ўғлига тушунтиргандай бўлди.

- Тухум босяпти, чоғи, ҳамроҳини чақириши ғаройиб. Жуфтлик яхши нарса, танҳоликда маҳзунлик бор. Буни мушоҳада этмоқ қийин эмас, ўғлим.

- Аллоҳ тоқ-ку, волид?

- У - Аллоҳ. Ер - осмон унинг измида. У тоқки, мувозанат барқарор.

- Жуфт бўлса-чи?

- У жуфт бўлса, Аллоҳ бўлаолмас эди, менинг тахминимча. Лекин, ҳамма тоқлар ҳам Тангри эмас. Бу тоқлик фақат Унгагина раводир. Бўлинг, қалъага қайтамиз.

Кун ҳам чошт гоҳ бўлди

- Улар ўтин бойламлари олдига келдилар. Шайх катта бойламни кўтариб, кичигини кўтариш учун ўғлига ишора қилди.

- Бунисини Сиз кўтаринг, қани олингчи. У бир қўли билан ўғлига ёрдамлашмоқчи бўлди.

- Волид, мен ўзим..., - у янтоқ бойламини кўтариб, чамалади, - бу енгил-ку. Яна озроқ териб босай-а?

- Майлингиз, - Шайх шундай деб йўлга тушди. Йўл юрди. "Қариликда хаёл кўп". Ортига қаради. Ўғли ҳали ҳам ўтин теряпти. "Югуриб етиб оладилар,- бола-ку!". Бир муддат юриб тўхтади. Ортига, Абдулхолиқ томон қарамоқчи эди, ҳожат қолмади. Ўғли ундан ўтди. Кўзларига ишонгиси келмади. Гумбаздай янтоқ бойлами остида кушдай бола юриб эмас. Учиб кетяпти.

- Ўғлим, чарчамадингизми?- Шайх унинг ортидан садо берди.

- Сиз билан юрган одам чарчамайди, волид!

- Ўрикзор боғи бору, шу ёқда бир дам оламиз, хўпми!

- Мен бораверайми, - Абдулхолиқ ортига, отасига қаради.

- Майли, юк остида қолиб кетманг, менинг оёғимга қараб...

Кетаверинг... - Шайх секин аста йўл юриб, шамолдай учиб бораётган ўғли ортидан қараб қолди: "Ё, Поко Парвардигоро! Ҳайратимни шу бола туфайли оширяпсан. Уқлимга шунча қудрат берганингга ширк келтирганим йўқ. Уни қаландарларга моту мафтун қилганинг нимаси?".

Абдулхолик боғ ёнида бориб тўхтади. Елкасидаги ўтинни шу ерда қўйиб, ортига қайтди. Бир сакрашда отасига етиб олди.

- Волид, келинг ёрдамлашай, - қўлини чўзди. Шайх ўтинни елкасидан туширди:

- Бир ўзингиз кўтаролмайсиз. Бир томонидан олинг, ўғлим!

- Кўтараман, беринг менга волид!

- Йўк, йўк. Бу журъатни тўрт-беш йилдан кейин қиласиз. Ҳозир эмас. Шайх: "Юрагингиздаги Вахдат ҳали етарли эмас", демокчи эди-ю, "Ҳали бу нарсалар фарқига бормас ов" хавотири билан сукут сақлади. Ота-ўғил ўрикзор боғи ёнига келдилар. Шайх ўтирди. Абдулхолик беқарор. Бориб боғ деворига чикди. Девор устида энди юрмокчи эди, шайх тўхтатди:

- Ўғлим, ахир у бировнинг девори. Сўрамасдан...

Абдулхолик бу гапдан кейин боғ ичини бир оз томоша қилиб, сўнг пастга тушди. Шайх хузурига келиб, уни саволга тутди:

Волид, боғ ичида иккита одам нимадир қилаяптилар, ҳаракатлари қизиқ. Бири дарахтни чопаман дейди, бири: "Шу йил ҳам қўйинг", дейди. Туриб қаранг-чи!

- Уғлим, бировнинг мулкига рухсатсиз қараманг, дейилган ҳадисда. Хотирангиздан кўтарилдимми...?

- Биладан! Мен Сиздан илтимос қилаяпман, бир бориб қаранг, йўк деманг энди,- Абдулхолик ялинишга тушди.

Шайх ўрнидан турди. Бориб девор бошидан ичига қаради: Иккита боғбон.

Волид, кўрдингизми? Тушунтиринг энди, - Абдулхолик Шайх этагидан тутиб, илтижо киларди.

- Улар дарахтни кўрқитяптилар,- деди Шайх, ўтирган жойига қайта туриб.

- Волид, дарахтни кўрқитиб бўладими?- Абдулхолик Шайх рўпарасида қотиб қолди.

- Бўлади. Ҳар бир жонзод бир-бирини кўради, тушунади. Дарахт ҳам тирик жон, фақат тили йўк.

- Унда нега улар ўша дарахтни кўрқитаяптилар.

- Боғдаги ҳамма дарахтлар гуллаган, ўша ўрик гулламаган. Агар дарахт шундай "дангасалик" қилаверса ёлғондакам, бир киши болта билан "чопаман" деб танасига болта уради. Иккинчи киши: "чопманг энди, у Сизнинг мақсадингизни тушунди. Келаси йили фарқ гулламаса кейин чопиб ташланг", дейди, воситачи бўлиб. Табиатнинг фаросатлилигини қарангки, келаси йили ана шу дарахт албатта

гуллайди. Бу, боғбонларнинг синаш усуллари. Энди гап бундай. Сизни ҳам бир кўрқитиш лозим... - Шайх ўғлига зимдан қаради.

- Мен гулламаяпманми?

- Гуллаяпсиз, бошқачарок гуллаяпсиз. Бу гуллашингиздан кўнглим хавотирда, Шайхзода!

- Кечаги хонақоҳда қолиб кетганим учунми волид? Абдулхолиқ Шайх кўзларига жовдираб қарар, отаси қўлларини қўлларига олиб, силаб, ўпарди:

- Сиз диккат бўлдингизми? Қоронғуликда, кўркмай ўзим уйга қайтардим. - Ўғлим, Абдулхолиқ! Гап Сизнинг қоронғуликда кўрқингизда эмас. Биламан, ора-ора қалъани томма том айланиб, чиқасиз. Гўё ҳеч ким билмайди, Сизнинг бу рафторингизни. Бу - шаккоклик. Кимдан сўраб, одамлар томи устида чиқиб, сайр қиласиз. Том остида, уй ичида қариялар бор. Бола эмизиб ўтирган аёллар бор.

- Мен ҳар доим Аллоҳдан сўрайман.

Шайх яшин ургандай сезди ўзини. Тез ўзини ўнглаб олиб:

- Каландарлар кетидан эргашиб, соя бўлиб юришни ҳам-ми?- деди.

-...

- Гапиринг, Шайхзода! Мен ҳам Сизни "қаландар бўлсин", деб Тангридан сўраб олганим йўқ!

Абдулхолиқ бошини эгиб ўтирди. Шайх "гап тамом" дегандай ўрнидан турди, юкини кўтариб йўлга тушди. Ортидан Абдулхолиқ...

... Ота-бола икки кун ўтин теришга бордилар. Учинчи куни йўл устидаги ўрикзор боғи ёнида дам ола туриб, Шайх Абдулжамил Абдулхолиқдан сўради:

- Ўғлим, йўлни ўрганиб олдингизми? Бир ўзингиз келсангиз, қайтишда қалъани адашмай топиб борасизми?

- Худди шундай, волид!

- Ўғлим, менинг гапларимни қулоқларингизга қуёб олинг.

Бизнинг авлод-китобий халқ. Илм йўли орқали ризқ топиб ейди. Ҳайрон бўлишингиз мумкин: "Нега волид мени ўтин териб келишга бошляптилар", деб

- Шу фикр хотирамга келди, волид!

- Ниятим, Сизнинг қўлингиздан нон еб, кейин... Ҳар бир ота фарзанд кўлидан бир тишлам нон, еса, Аллоҳ олдида юзи ёруғ бўлар экан.

- Шукр, волид!

Улар бир муддат жим турдилар. Абдулхолик: "Дарахт гуллагандир-а"- деди. Шайх йўқ, у энди келаси йил, баҳорда гуллайди, деди. Кейин бир муҳим нарса хотирасига келгандай:

- Абдулхолик, Сизнингча улар хақиқатан ҳам дарахтни кўрқитаётган эдиларми, - деб сўради.

-Йўқ, Аллоҳ олдидаги вазифасини тушунтираётган эдилар. Дарахт вазифаси - гуллаш, мева бериш.

- Инсон-чи!

- Меҳнат қилиб, ризқ териб ейиш -деди Абдулхолик девор бошига қараб.

- Шайхзода, хаёлингизни бир жойда тўпланг. Қаландарларнинг вазифаси-чи? - Шайх қизариб кетган. Икки чаккасидан шар-шар тер оқарди, - кашкўлига нима тушса, шуни еб, кун кўришдир. Ҳу, у оқшом Сиз кашкўл ювиб ўтирувдингиз, ҳовуз бўйида. Анавий қари қаландарнинг кашкўлини...

Абдулхолик хангу манг бўлди. Ичида: "Волиднинг мингта кўзи бор. Ҳамма нарсани кўради...?!", деди.

Шайх: "Гапим нишонга тегди" деб ўзини босиб олгач, хотиржам:

- Туринг, энди кетамиз - деди ва йўлга тушдилар.

Орадан бир хафта ўтди. Шайх ҳасталаниб қолди. Абдулхоликни чорлаб "Бориб ўтин териб келинг. Кўриб кўнглим хотиржам бўлсин",- деди. Абдулхолик бир ўзи уч кун даштга чиқиб, ўтин териб келди. Тўртинчи куни тўпланиб қолган ўтинни чиқариб, сотишга буюрди. Хонум фиғони фалакка чикди:

- Энди беш ёшга кираётган бола Сизга бозорда ўтин сотиб биладими? Шу пулга маҳтал жойимиз йўқ-ку, Шайхим!

- Менинг меросим Абдулхоликнинг етти пуштига ҳам етади, Хонум. Гап бор. Териб келган ўтинни бозорда сотиб, бирор бир нарса харид қилиб келсин. Сиз - аралашманг!

Хонум буйруқни бажарди. Кўзда ёш билан ўғли ҳаракатларини кузатди. Абдулхолик ўтин бойламларини тайёр қилиб қўйди. Кўчага чиқиб харидор излади. Қўшнилари ўтинлари бор экан. Ўтин орқалаб бозорга ўтди. Ҳамма юмушлар ярим кунда бажарилди. Тушлик вақти бўлди. Абдулхолик ҳали бозорда... Хонум Шайхни тушликга таклиф этди.

- Абдулхолик келсинлар, кейин биргалашиб тушлик қиламиз-деди Шайх.

Хоним икки кўзи эшикда. Уй тоқчасидаги қум соат уч бор тўлди. Кейин... Абдулхолик дарвозадан кириб келди. Кўлида тўртта оби нон. Елкасида арқон. Хонум пешвоз чикди.

- Елкангиздан арқонни олай?

- Ташаккур волида, нонни олинг! Сиз билан волидга ризқ олиб келдим!

Она-бола овозларини эшитиб, Шайх уйқудан уйғонди. Деворни ушлаб, ўрнидан туриб, эшикдан чикди. Ўғлига пешвоз чиқиб, ҳузурига чорлади. Пешонасидан ўпиб Аллоҳга шукрона қилди. Бир амаллаб юриб бориб, таҳорат олиб келиб, ўтирган жойида сура тиловат қилди. Дастурхон ёзилди. Абдулхолик келтирган нондан бир бурда синдириб олиб сувга ботирди. Сув, нонга қараб туриб кўзларидан шашқатор ёш оқди.

- Шукр, боргоҳингга шукр! Ноумид қилмай берган ушоғинг кўлидан бугун нон еяпман! Энди ўлсам хавотирим йўқ, - Шайх нонни оғзига солди. Фалладай бўлиб қолган нонни чайнамай ютди. Устидан уч қултум сув ичди

- Яна бир тишлам енг, мадор бўлади,- Хонум Шайхнинг ранг-рўйига қараб, билдирмай "ух" тортди.

- Бўлди, Хонумжон! Бир умрлик орзуим ҳол бўлди. Ўғлим кўлидан бир тишлам нон есам, кейин армоним қолмади, деган эдим. Энди бу ёруғ оламда мўлу кўл яшаган Шайх Абдулжамилнинг армони қолмади. Уғлим Абдулхолик меҳнат қилиб, топиб келтирган бир бурда нон оғзимда - Мавло ҳузурига борай дегандим. Бугун шу орзуйимга эришдим. Румга, Малатияга жанозахат юборинг..., - Шайх бошини ёстикқа қўйиб, юзини девор томон ўгириб олди.

Тонгга яқин Шайх кўзини очди. Боши устида Хонум, Абдулхолик...

- Хонум, - Шайх Абдулжамилнинг овози узоқ тоқзорлардан эшитилгандай бўлди.

- Лаббай Шайхим, мен шу ердаман!

- Фарзанд дийдорига муштоқ мен - чолнинг райига қараб, подшоҳлик рўзғоридан кечиб, бу юртларда келиб, менинг тўфонли тақдиримга шерик бўлганингиз учун Сиздан мингдан минг розиман! Азбарои Худо оталик ҳақидан кечдим. Абдулхоликни Сизга топширдим. Шундай тарбия берингким... Фақирлар унинг тарбияси паноҳида осойиш топсинлар. Ўғлим Абдулхолик!

- Лаббай волид, мен ҳузурингиздаман!

- Даштдаги ўрик дарахти, боғбонлар хотирангиздадир?

- Худди шундай волид!

- Сизнинг вазифангиз ўқиш, илм ўрганиш! Замон донолари этагини тутиб, мақсад сари бориш. Аммо қўлингиз ризқингизни топиб, оғзингизга солсин, бировнинг қўли эмас!

Кўча эшиги тақиллади. Хонум ўғлига "бориб қаранг-чи, ким келди" ишорасини қилиб, ўзи Шайх лабларига кулоғини тутди:

- Абдулхолиқ уйдан чиқдиларми?

- Ха, Шайхим, кўча эшиги...

- Ўғлимизга кўз-қулоқ бўлинг. Қаландарларга кўшилиб ке-т-ма-с-с-си-н!, - нафаси тикилди, кўзини чирт юмиб олди, сўнг, - энди, эн-ди-и ме-н-н-га Танг-ри-да-ан бош-қа ё-р-дам бе-рув-ичи й-й-ў-ў-қ!", деди холос.

Абдулхолиқ гузар масжидининг имоми билан кириб келганида Шайх Абдулжамил омонатни эгасига топширган куйи хотиржам абадий уйқуга кетган эди.

XXX

Шайх вафотидан кейин уйда маҳзунлик ҳукм сурди. Хонум кўп вақтини тоат-ибодат билан ўтказар, Абдулхолиқ эса китоб мутолааси билан банд. Қирқ кундан кейин Хонум Абдулхолиқ билан кўчага чиқди. Бошида чачвон. Кўчадан бозорга. Бозордан ул-бул харид қилиб қайтдилар.

- Бу юмушларнинг бажарилиши менга жоиз эмас, ўғлим. Энди ҳаммасига ўзингиз елка тутиб турунг,- Хонум шундай деди. Шундан кейин қайтиб кўчага чиқмади. Ҳамма юмушлар ёш Абдулхолиқ зиммасига тушди. У хар куни ўтин териб келар, кейин сабоқ ўрганиш... Сўнг эса бозор ўчар. Икки йил деганда ҳамма ишлар ҳадисини олди. Ҳар куни чорак нимча гўшт, иккита нон, озроқ ун харид қилса, қозон қайнайди. Эт учун Хонум пул ажратган. Нон, ун харидига ўтин пули етиб ортади.

Бир эрталаб Хонум Абдулхолиқни уйғотди.

- Туринг, тойчоғим. Чопқиллаб бориб, ўтин териб келинг. Кейин янги китоб мутолаасини бошлаймиз.

Абдулхолиқ савол бермади. Югуриб туриб, таҳорат олиб, намоз адо қилди.

- Волида, қайси китоб мутолаасини бошлаймиз бугун,- деб сўради.

- Мусҳаф китобини!

- Каломи Раббоними?
- Худди шундай!
- Бўлинг ўғлим. Энди ҳаммасига улгуришимиз шарт. Ўтин теришга бормасангиз ҳам, оч қолмаймиз. Мен ахир подшоҳ кизиман! Лекин...

- Сизни тушундим, волида!
- Тушунган бўлсангиз ҳам яна такрорлай. Сизнинг қўлингиздан ҳар куни бир бурда нон ейиш мен учун савоб.

Фарзанд қўлидан ризқ ейиш мусулмон аёл учун - Аллоҳ ажрими! Боринг, энди, фақат тезроқ қайтиш тадоригини кўринг. Йўлда битта яримта билан чақчақлашиб ўтирсангиз, сабоқдан кеч қоласиз. Соғ бориб, омон кайтинг, ўғлим.

Бу гаплардан кейин унинг ғайрати ўн чандон ошди. Кундалик вазифаларни вақтида адо этиш учун тиришар, қаландарлар кетидан эргашиш, томма-том юриб, кўча томоша килиш йўқ эди. Бир йил деганда "Қуръон" мутолааси поёнига етди.

Хонум имтиҳон қилмоқчи эдилар. Розилик билдирмади. "Бошдан оёк ёдлаб олиб, қироати билан Сизга имтиҳон топшираман. Кейин-чи?" - деди.

Хонум Абдулхолиқни бир нафас ҳам мутолаадан қолдирмоқчи эмасди:

- Кейин, Имом Молик ёзган китобларни мустақил уқийсиз. Мана токчада турибди. Марҳум волидингиз билан бирга Румдан олиб келган эдик.

- Волида, ўша китобларни ҳозир кўздан ўтказсам-чи?

- Ҳали унга ҳам улгурасиз. Олдин "Қуръон"ни саҳвсиз ёдланг-чи!

Унинг кундалик юмуши режали эди. Азон турар, намоз адоси. Сўнг ўтин теришга бориб келар. Бозордаги савдо, иккита нон харид қилиб уйга қайтар. Кейин эса эрталабгача мутолаа. Бир куни, барибир болалигига борда. Бозордан қайтгач, нонуштадан кейин "Мен ҳозир", деб кўчага югурди. Кўча болалари даврасига кўшилиб калъа девори томошасига бордилар. Дарвоза пиллапоясидан юқорига кўтарилдилар. Шинаклар ичидан тўрт томонни томоша қилдилар. Девор устидаги "югур-югур" ўйини ҳам авжига чиқди. Чарчаш йўқ. Қани энди кечаси ҳам ҳеч ким гапирмаса-ю, фақат ўйин бўлса... Болалардан энг каттаси таклиф киритди:

- Девор орасидаги қаландарлар тунайдиган ковакни томоша киламиз. Уй жуда коронғу. Кўзни ўргатиш керак. Таклиф ҳаммага маъкул тушди. Ҳамма гур этиб юқоридан пастга, икки девор орасидаги

усти ёпик коваклар томошасига ошиқдилар. Абдулхолик ҳам бир ковакга кириб, иккинчи, учинчисидан чиқган болалар, каергадир гум бўлдилар. Абдулхолик бир ўзи қолди. Тўртинчи ковакда ҳам кўзи коронғуликка ўрганолмади. "Ковак ичида не манзара мужассам" хаёли тинчини бузди. Кўзи коронғуликга ўргангунча тикка тураверди. Кейин... Кейин ҳаммаси ойдинлашди. Бурчакларда увада. Увада устида кашкўл, ҳасса. Заҳ ҳиди димоғини олди. Кўли билан оғиз-бурнини тутди. Бурчакдан кимнингдир инграгани эшитилди. Овозини эшитиб бир сесканиб кетди. Ўзини тутиб олди-да, бурчак томон каттиқрок тикилди. Кимдир увадаларга ўралиб ётарди. Яқинлашди: "Тирик-ку, ким экан, қаландар?". Ётган одам такрор ингради. Инграб кимирлади. Абдулхолик яқин бориб қаради. Ётган одамнинг ўсиб кетган соч-соқоллари орасидан юзи аранг кўринди. Кўрдию, таниди: "Мирза қаландарку?!". Абдулхолик увадаларни қаландар устидан олиб ташлаб, уни ташқарига, ёруғликка олиб чиқиш тарадудига тушди. Кўтариб олишга зўр урди. Бўлмади. Озиб-тузиб, чўб бўлиб қолган Мирза қаландар гавдаси барибир етти яшар бола учун оғирлик қилди. Ахири "Аллох ўзи кечирсин", деб оёғидан тортиб, ёруғликка чиқарди. Ёруғликка чиқган қаландар деворга суяниб, турмоқчи эди, бўлмади. Бир томонлама ағаниб тушди. Абдулхолик ичкари кириб, увадаларни йиғиб, келтириб, боши остига кўйди.

- Кашкўлингиз қаерда?

Қаландар "ичкарига" ишорасини қилди. Абдулхолик яна такрор ичкарига кириб, кашкўл билан учида найза кўндирган ҳассани топиб чиқди.

- Мана шуларми? - Қўлидагиларни қаландарга кўрсатди. У ярим юмуқ кўзлари билан "ҳа" ишорасини қилди, холос...

Кашкўлни олиб тошқудуқга югурди. Қудуқ ҳумидан бир кашкўл сув олиб, ортига қайтди. Қаландар лабларига сув тутди. Тишларини бир амаллаб очган қаландар қалтираб-қалтираб, уч қултум сув ичди. Қолган сув билан Абдулхолик Мирза қаландарнинг юз-кўзларини ювди.

- Сиз шу ерда ётаверинг. Мен уйдан нон олиб келаман.

- ...

Абдулхолик ҳаллослаб кўча бўйлаб югуриб, гузарлари томон қайрилганда, болалар ортидан уни чақирдилар: "Кел, варрак учирамиз!". Болаларга "вақтим зиқ" ишорасини қилиб, югурди. Нафаси тикилиб, дарвозадан ҳовлиқиб кирди. Хонум ўчоқ бошида,

пишир, тушир билан банд. Боланинг келганини сезмади ҳам. У беш болорли уйга кирди. Дастурхонга ўроғлик нондан биттасини кўлтиғида қистириб чиқди. Хонум юмуш билан бандлигидан фойдаланиб, ўзини кўчага урди. Чопиб - шамолдай югуриб, Мирза қаландар ҳузурига келди. Нонни кўлтиғи тагидан олиб, қаландар ёнига қўйди. Яна кашкўлни кўлга олиб, сувга югурди. Сув олиб келиб, унга нон ботирди. Нон сувни тезда шимиб, фалладай шишди Ҳиди тўрт томонга тарқалди чоғи, қаландар кўзини ярим очиб Абдулхоликқа қаради. Бола сувда бўккан нонни унинг оғзига тутди...

Орадан бир ҳафта ўтди. Абдулхоликнинг юмушлари ортгандан ортди. Хонум унинг ҳар куни уйдан нон олиб чиқаётганини сезар, сезса ҳам гапирмас эди: "Майли, бирор бир бева-бечорага олиб бориб, бериб келар". Абдулхолик ҳамма юмушларга улгурарди. Минг фарсанг орасида ҳам сабоқларини тайёрлар, кунда икки марта ўтинга бориб келарди. Иккита нон Мирза қаландарга, иккита нон ўзларига...

Уч ой деганда Мирза қаландар оёққатурди. Деворхона- омонат уйдан хонақоҳга қайтди. Абдулхолик эса унга боғланиб қолди. Бир куни Абдулхолик:

- Хонақоҳдан чиқмай, шу ерда зикр тушинг. Кўчага чиқманг. Мен ўзим сизга ҳар куни егулик келтираман,- деди.

- Қаердан келтирардинг егулик. Қаландарнинг ризқи кўчада, ўғлим,- деди Мирза қаландар.

- Ўтин териб, сотиб, уйга ҳам Сизга ҳам қарайман,- деди жавобда Абдулхолик. У сўзининг устидан чиқди...

Абдулхолик тўққиз ёшга кадам қўйди. Бўйи узун, озғин, ранги заъфарон, тили бурро, кўзлари чакнаб турган бу болани қаландарлар ўз давраларига сўзсиз қабул қилдилар. Уйда эса Хонумнинг ўғлидан кўнгли тўқ. Сабаби "Қуръон"ни ёдлаб олганидан кейин, қироатини бошлади. Абдулхолик "Қуръон"дан сура тиловат қилаётганида кўшнилар унинг овозини тинглаш учун том бошига чиқиб, ўтирадилар. Бу ҳолатдан Хонум қарич-қарич ёғ олади. Бир куни Хонум:

- Абдулхолик, ўғлим. Сиз имтиҳонга тайёрланинг. Эртага устозингиз ҳузуридан ўтмакка борамиз,- деди.

Бу гапга жавобан:

- Хўб бўлади, волида. Мен шу соатда ҳам имтиҳонга тайёрман,- деди Абдулхолик.

... Синов муваффақиятли ўтди. Бундан Хонумнинг кўнгли тўлди. Уйга келганларидан кейин Абдулхоликга деди:

- Ўғлим, бугун Шайхимнинг рухлари шод бўлди. Сиз "Қуръон"ни кироат билан ўқидингиз. Устоз, ўтирганлар ҳузурда қанчалик қувонганимни кўрсангиз эди. Энди навбат "Ҳадис" ўқиш, ўрганиш, ёдлашга. Икки йилдан кейин Сизни Бухоро Шаҳристониغا юбораман, тафсир илмини ўрганиб қайтасиз. Ушангача мана бу китоб бир-бир ўқиб чиқмоғингиз шарт,- Хонум қўли билан токчада териб қўйилган китобларга ишорат қилди.

- Шайхим Сиз учун тўпланган эдилар бу китобларни.

Абдулхолиқ китоб ўқишга борлиғи билан шунғиб кетди. Уч-тўрттасини ёдлаб ҳам олди. Шайхлар ҳаётига бағишланган китоб ҳайратини ўн чандон оширди. Аллоҳ йўлида "Азим риёзат" бобини ўқиб кўзи ёшланди. Кечалари уйқуси келмай озиб кетди. Эмишким, Абу Саид Абул хайр Худо йўлида риёзат чекиш бобида чалғимаслик учун ҳар кеча қудуқда бош тубан ўзини осар эмиш. Шу куйи тонгга қадар Аллоҳни зикр қилар экан. Азим риёзат туфайли кўзларидан ёш ўрнида қон келар экан. Қувваи садоқатлари шу даражага етибдики, Ҳирида нон қиммат бўлганлиги боис Шайх Абу Саид Абул хайр нафсини гиёҳ билан қондириб, куну тун зикр айтиб, Аллоҳ йўлида азим риёзат чекар экан.

Абдулхолиқ таажжубдан ёқа ушлади. Боши саволборон бўлди Юраги туздон бўлди. Кўксида кимдир туз босгандай, ачиб кетди Ўрнидан югуриб турди. Эшиг олдига келди. Тўртбурчак уй хаёлида айлана бўлгандай, эшикни қаттиқ тепган эди, қарсиллаб очилди. Каттиқ зарб туфайли эшик паллалари ташқари деворга бориб урилди. Абдулхолиқ эшикдан чиқди. Қайси томон боришни билмай, жойида қотиб турди. Қўллари муштга айланди. Кўкка қараб: !Ё тавба, бу не нодонлик. Бу не кўрбахтликким, Аллоҳни деб қилган амали ўзига малол келса, - деди. "Шайх Абу Сайд Абул хайр Сизга саждам кўкдан ер қадар, аммо, ўзингизни қудуққа чаппа осмай ҳам зикр тутиш мумкинку! Бунинг учун хотирни бир нуқтага жамъ этмоқ усулини ўрганмоқ шарт. Не учун гиёҳ ейсиз, нон ўрнида! Тирик бўла туриб хўрликни ўзига раво кўриш, Шайх! Меҳнат қилинг. Ҳалол луқма топиб, еб, зикр тушинг. Қўлингиз кесилмаган, адоғингиз бут, Шайх!

Ҳаяжон, ҳайрат, афсусланиш қонлари бошига урган дақиқада охирги "...Қўлингиз кесилмаган, адоғингиз бут, Шайх! Сўзларини овоз чақириб айтдими, Хоним ўчоқ бошидаги юмушларини ташлаб, югуриб кетди:

-Сизга нима бўлди, ўғлим. Важоҳатингиз бузуқ, ким билан гапиряпсиз?

- Шайх Абу Сайд Абдулхайр билан, волида!

... Хонум сарфаҳм этдики, ўғли ўқиган китобидан таъсирланган.

Абдулхолик ўғлим. Мен Сизга битта китоб берганим йўк. Имоми Молик китобларини ҳам бердим. Бобонгиз таълимотидан бу саволга жавоб изланг, - Хонум ўчоқ бошига қайтди. У ўзи билан ўзи қолди.

Дарсхонасига кириб, Имом Молик китобларини варақлади: "Ўтмишдошларнинг асарларидан бирор масалага жавоб топмаганимда, ишга қараб ўзим ижтиҳод қилдим..." Сатрига кўзи тушди. Шу бетни такрор ўқиди, ёдлаб ҳам олди. ... Ишга қараб ўзим ижтиҳод қилдим. Демак, Шайх Абу Сайд Абдулхайр бу амалини намишкорлик учун қилар экан, Аллоҳга зикр айтиш йўлида кўзимдан қон оқизяпман, деб. Гиёҳ ер эканким, Аллоҳ бил, ишламай гиёҳ еб бўлса ҳам Сен учун зикр қиляман, деб. Бундай намоишкорликнинг Тангрига кераги бор эканми? Менинг фикримча, "йўк"! Абдулхолик Шайхлар ҳаётига оид китобни яна ўқишга тушди. "Салоти хамса". Абу Язид Бистомий намоз қилсалар, қалқаъаларидан кўкси сўнганлари чиқарди. "Салоти хамса"ларини ҳозир бўлганлар эшитардилар. Шайх Абу Язид Бистомийни баъзи машойихлар таъна қилиб дерларким: "Намоз ўқимас" деб. Шунда Шайх? "Оллоҳу акбар" деб такбири таҳрима боғлаганларидан сунг, вужудларидаги ҳар бир тўк тагидан бир қатра қон чиқибдур".

Абдулхолик Шайх Абу Язид Бистомий томон бўлди: "Ана бунда салоти хамса деса бўлади. Сидқ шундай бўлмоғи жоизким у ҳар қандай вазиятда ҳам сидқ ҳисоблансин".

Тушга яқин китобни ўқиб бўлиб, кўчага чикди. Бир муддат гузар бошида тўрт томонга қараб турди-да, кейин бозорга ўтди. Бозор ўртасида қаландарлар зикр тушаётган эдилар. Даврадагиларга узок қараб турди. Сиртидан ичи кўринмайдиган катта работга ўхшарди қаландарлар тўдаси "Ичига кириш жоиздир. Кўрмоқ шартдирким қаландарлар садоқати Оллоҳга нечоғлиқ экан". Абдулхолик шундай ҳаёллар гирдобида эди ҳамки, уни кимдир чақирди. Овоз келган томонга қаради. "Мирза қаландар!"

- Ҳой, шайхзода бунда кел!

У истиҳола қилиб ўтирмай қаландарга яқинлашди.

- Зикр тушмайсанми?

- Зикр тушишни билмайман. Кейин... Ҳассам, кашкўл, жубба йўқ-ку!

- Бу мушкул иш эмас. Намозшом хонақоҳга кел, кўрамиз, хўбми?

- Хўб бўлади...

Абдулхолик Мирза қаландар ёнига, хонакоҳга кечқурун ўтди. Давра кўриб ўтирган қаландарлар суҳбатига қулоқ тутди. Кашкўл, хасса, муаммосини Мирза қаландар осонгина ҳаллади.

- Ҳу, анави бурчакда - деди Мирза қаландар хужрани кўрсатиб, - ўтган ҳафта бандаликни бажо келтирган Қосим Падарнинг кашкўли билан ҳассаси турибди. Раҳматли бирор кишига беришга ҳам улгурмади. Кўчада от тепкисидан ўлди. Шунини сенга берамиз, майлими?

- Қандай бўлар экан,- Абдулхолик даврадагиларга бир-бир қаради.

- Розилигини олмай дейсанми?

- Худди шундай. Ахир бу нарсалар марҳумга тегишли-ку.

- Бўтам, - Мирза қаландар унга шундай деб мурожаат қилди. Қаландарларнинг ҳассаси бурчакда, кашкўли токчада турмаслиги шарт. Сен буларни олсанг марҳум руҳи шод бўлади. Зикр тушиши ўрганганидан кейин такбири таҳрима айтиб, руҳини ёд этасан, хўбми?

- Ундай бўлса, мен розиман.

Қосим Падарнинг кашкўл, ҳассаси Абдулхоликга ўтди.

- Энди бўтам, Қосим Падар руҳи поки ҳақи сура тиловат қилиб, савобини бағишла!

Абдулхолик минг андеша билан Мирза қаландардан сўради.

- Нега унинг исми Қосим Падар? У кимнинг отаси бўлган?

- Қосим Падарнинг фарзанди йўқ. У уйланиб, фарзанд кўрмоқчи эди. Тақдирида шу нарса битмаган экан. Орзуси армонга айлангандан кейин ўзи, "Мени Қосим Падар денглар, ҳеч бўлмаса падар сўзини эшитиб турай", дерди - Мирза қаландар "кўрдингми" дегандай Абдулхоликқа маъноли қаради, - ана шундай чигалликлар ҳам бор биз - қаландарлар рўзғорида,- деди.

- Нима ходиса юз берди Қосим Падарга? Нега ўйланмади?,- Абдулхоликнинг саволдони очилган эди.

- Бу ҳикоятни ўғлим сенга эрта кечқурун айтиб бераман. Ҳозирча унинг нарсаларини шу ерда қолдириб, ўйинга қайт. Кеч бўлди.

Абдулхолик ўрнидан турди. Хайрлашиб, эшикдан чиқаётганида Мирза қаландар:

- Эрта, қаландарлар масжиди ёнида, тушлиқдан кейин кел. Кашкўл, ҳассани мендан шу ерда оласан. Зикр тушамиз.

- Хўб бўлади, тақсир!

Эртаси тонг аралаш йўлга тушди. Чоштгоҳ намозигача икки бойлам ўтин териб келиб, сотишга улгурди. Уйга нон олиб қайтди. Хонум йўлига интизор қараб турган экан.

- Чарчамадингизми ўғлим? Сиз учун қайнатма шўрва кўювдим. Бир чумча ичинг. Шу баҳона чарчоқларингиз чиқиб кетади.

- Абдулхолик волидаси таклифини рад этиб билмади. Дастурхон бошида бир кўлида чумча, иккинчи кўлида бир бурда нон шўрва косаси ичига тикилиб қолди. Узоқ тикилиб қолди, Хонумнинг :

- Сизга нима бўлди, ўғлим, - деб жон холатда ўрнидан югуриб турганида.

- Бесаранжом бўлманг, волида. Шўрвангизни ичинг, илтимос! Хаёлга ботибман узр. Ора-ора шундай ҳолат менда хувайдо бўладиган бўлибди. Шу боис Сизга ажиб кўрингандир. Хавотир олманг!

Шўрва ичилгач, дастурхон йиғиштирилди.

- Ишкам сер шуд, ғамҳо дур шуд деган эканлар. Энди сабоғингизни ўқинг. Яна кўчага чиқиб кетиб сабоғингизни қолдирсангиз, хафа бўламан-а, Абдулхолик!

Хонзода шундай деб, корсон тавоқларни йиғиштириб, ўчоқ бошига ўтди-ю, Абдулхолик дарсхонасига кирди. Хат машқ қилиш учун сиёҳдонга патқалам ботирмоқчи эди, ҳамки дастурхон бошидаги манзара яна кўзига кўриниб кетди... Қосим Падарнинг маҳзун чехраси сиёҳдон ичидан қалқиб чиққандай бўлди. Овозини аниқ эшитди.

- Ошиқ эдим. Кўшни қизини севиб, хушимдан айрилдим. Кўлим қискалик қилди. Қизнинг отаси уни бошқа бировга катта қалин эвазига бериб юборди. Айрилиқ, аччиқ тақдир. Хўрликга чидолмай қишлоқдан чиқиб кетдим.

Ота-онам зор йиғлаб қолавердилар. Кейин... Қаландарларга кўшилиб,... Умрим ўтди. Уйлан, уйлан. Мен ошиқ эдим...

XXX

У роппа-роса икки йил кўча, бозор, гузарларда қаландарлар билан тинмай зикр тушди. Ғиштий томон кетганларида уйга қайтиб келгунча ҳоли қолмасди. Хусусан Мирзо қаландар давра ўртасида овоз бериб, зикр айтиб, айланганида Абдулхолик унга кўшилиб жон жаҳди билан "Ё Ҳу", Ё Аллоҳ! Ё Ҳу, Ё Аллоҳ!" деб зикр тушиб ҳассасини ерга урганида, чанг чиқиб кетар эди. Давра айланиб, давра айланиб юриб кетганларида ортларидан чанг тўзон, йўл юзида эса чуқурчалар ҳосил бўларди. Жубба, кулоҳ, кўйлак-иштон, гоҳида яланғоёқ чангга ботиб

уйга қайтган Абдулхоликга Хоним маҳзун нигоҳ ташлаб "оҳ" тортишдан нарига ўтмаган кунларнинг бирида, кечаси туш кўрди. Малатия мамлакатидами, Рум ё Бухоро... Қаер эканлигини англаб билмади. Билмади-ю, фақат қалъа девори шинагида ўтирган Шайх Абдулжамил нукул унга "Бу ёққа кел" , деб имлаб, йиғлармиш. Бир амаллаб ёнларига бориб зиёрат учун қўл чўзса, Шайх юз бурармиш: "Қаландар бола тукқан аёл зиёратидан кечдим", деб, эртаси эрталаб кўрган тушини Абдулхоликга айтувди. У лом-мим демай яна зикр айтишга чиқиб кетди. Кечкурун пешонаси ёрилган ҳолда уйга қайтди. Ўтин териб, нон олиб келиш ҳам йўқ... Чала-чулпа ювингандай бўлиб, ўрнига кириб ётди. Хоним эса кечаси билан бошида ўтириб чикди. Абдулхолик аллаҳлаб: "Қосим падар келди. У ҳақиқий ошиқ" деганларида Хонум хавотирга тушиб, Аллоҳга илтижо қилди: "Танграм, ўғлимни бу йўлдан қайтар. Яна йил бир йил шундай юрса, мени ҳам унутади. У ўтин терувчи бўлиб сени кўнглида зикр қилиб юрса бўлар балким. Қаранг, унга Аллоҳим. Адоғининг ёрилмаган жойи қолмаган. Энди пешонасига ўтибди чандиқ бўлиб, ё Аллоҳим".

Бу оҳу зорлар, Абдулхоликнинг эсдан оғиб, зикр айтишлари у 11 ёшга киргунга қадар давом этди. Шайхзода озиб кетди. Ҳолига-ҳол қолмай уйдан чиқиб билмай юрган пайтлари Мирзақаландар уйга келиб уни олиб кетар эди.

Бир куни, у кечкурун Хонумга ҳам кашкўлига тушган егуликдан келтирди. Бир парча балиқ, пишган қовоқ, шўрвага солинган ичак-чавоқ, бир палла буйрак. Хонум дастурхон четида турган аралаш-қуралаш егуликдан юз бурди. "Мен кашкул овқат емайман, ўғлим", - деди-ю тамом. Кечаси билан йиғлаб чикди. "Қаландар ўғил туғиб, мукофотим кашкул овқат бўлдимми?". Хоним Аллоҳдан ҳам норози бўлди. "Шу болага эс-хуш бермадинг" деб. Ахири Шайх руҳини чорлашга тушди. "Кучим етмаяпти. Шайхим ёлғиз ўғлингизни бу йўлдан қайтаришга ўзингиз кўмакка келинг!". Хонум оҳу зори кор қилди чоғи бир кечкурун Абдулхолик эртароқ ётиб, тонгда ваҳимада уйғонди.

- Волида, мен ўн бир ёшга кирдим-а?

- Ҳа, худди шундай. Сиз ўн бир ёшга тўлдингиз. Аммо, қилиб юрган амалларингиз ўн бир ёшга кирган ўғлонга ўхшамайди.

- Шундай, волида. Сиз ҳақсиз. Бу кеча падари бузрукворимни туш кўрибман.

- Хўш, ўғлим, тушингизда нима бўлди?

Хонумнинг саволи оғзида қолиб, кўча эшиги тақиллади.

"Хой, Абдулхолик, юр кетдик, Фиришкент томонларга ўтиб зикр тушамиз".

Абдулхолик ўтирган жойидан терс жавоб қайтарди. "Мен бугундан бошлаб Сизлар билар юриб, зикр тушмайман. Боринг ўзларингиз".

Хонум тошдай қотди. Ўғлига ҳайрат кўзлари билан боқиб:

- Нечук? - деди.

- Волид мендан хафа! Бу кеча иззадан ўлдим... Туш кўрдим. Катта бозор ёнида зикр тушаётган эканмиз. Давра олиб, гир-гир айланиб, катта йўлга кириб келибмиз. Бозор ҳам, одамлар ҳам ортда қолиб. Қаландарлар тўдаси даштликнинг ўртасида. Айланиб-айланиб навбат менга келганида ўртага тушиб, зикр айтдим. Қосим падарни кўриб, баттар жазавам тутди. Эсдан оғанча баланд овозда зикр айтиб айландим. Балким ўн ё юз, ё минг марта айлангандирман. Хотирамда йўқ.. Фақат давра ўртасида юзтубан йиқилиб, ҳассам кўлимдан чиқиб кетди. Қандайдир ариққа бориб тушди. Кашкўл бўйнимда йўқ. Кўзим тиниб, оғзимдан кўпик чиққани эсимда. У ёғи хотирамда йўқ. Қаттиқ чанқадим, кимдир юзимга муздаккина сув сепди. Лабларимга теккан сувни шимиб кўзимни очдим. Олдин кўзим олдида соя кўринди. Яна кўзимни чирт ёпдим. Яна юзимга бир ховуч сув сепилгач, хушёр тортиб кўзимни очдим. Қарасам, бошим устида Волид. Бошдаги саллаларини олиб юз-кўзимни артдилар. Кафтларига сув олиб, оғзимга тутдилар. Қуришиб кетган лабларини очиб, сувни қулт-қулт ютиб Волидга "Яна беринг", дегандай қарадим. Падари бузрукворим бошларини сарак-сарак қилдилар.

- Ўрнингиздан туринг, ҳув мана сув, оқиб кетяпти. Ўзингиз бориб бир қониб ичинг. - Волид ўнг қўлларини чўзган эдилар қўлларидан тутиб, ўрнимдан турдим. Жуббамдаги чанг-чунгларни қоқиб Волидга қарадим. "Қани оқар сув ариғи?" дегандай.

- Оқар сув ариғи қаландарлик йўлига кирганлар ҳузурига келмайди. Меҳнат қилиб, ризқ топадиганлар кўзига хувайдо бўлади. Ўғлим. Буни тушунишингиз шарт, - дедилар.

- Волид, нега сиз қаландарлар ҳаёгига айру кўз билан қарайсиз? Тушунтириброқ айтинг. Ора йўлда қолиб кетдим!!!

-Йўқ, ҳали ора йўлда эмас, йўл бошидасиз. Шу боис ҳам ҳузурингизга келдик. Мана қаранг. Сиз, аъзоси бўлган қаландарлар давраси Сизни беҳуш ётган ҳолда ташлаб кетди. Ўлсангиз ҳам уларнинг парвойига келмайди, шундайми? - Волид шимол томонга ишора қилди. Мен қайрилиб қарасам, ортида тўзон, зикр тушиб бораётган қаландарлар. Қарадим у йиғлаб юбордим.

- Волид, улар Худонинг ёрлари. Жони, хону монидан кечиб кеча-кундуз Аллоҳни зикр қиладилар. Улар чин ошиқ. Шу боис ҳам...

Унинг сўзини шайх шарт кесди:

- Худонинг ёрлари эмас, тирик халқдан ажралган бир тўп шовқинчилар. У осмонда, булар пастда. Ўртада эса ризқ келтирувчи ҳаракат йўқ... Чин ошиқ зикрни вақтида қилиб, ризқ топиш пайида ҳам бўлади. Булар-чи...

- Булар... Ана Қосим Падар. Шу йўлда жон берди. Кашқўл, ҳассасини мен олган эдим!...

- Тўғри, ўғлим ҳассасини Сиз олган ўша қаландар жинойтчи бўлган. Қўшни хотинини ўлдириб, тиллаларини уғирлаётган пайтда қўлга тушиб, сазойи қилинган. Қишлоқдан ҳайдалган. У эса жойини тезда топди. Бу қаландарлар тўдаси. Мен сизга айтдим-ку, қаландарлар халқдан ажралган тўда. Мен тўда дедимми, тўда. Менинг ўғлим ҳам соддалигига бориб, шулар қаторидан ўрин олибди.

- Волид, ахир мен зикр тушяпман-ку.

- Сизнинг шовқин-сурон кўтариб зикр тушишингиздан на Оллоҳга, на бошқаларга манфаат бор. Ахир, юрагингиз Сиз билан-ку. Жим ўтириб ишлаб, савдо қилиб, ўтин териб ҳам зикр тутиш мумкин. Такрор айтаман. Халқдан ажралган тўп-тўн қаландарлар билан ҳай-хуй юриш куфр, ўғлим. Шайх Абдулжамил ўғли учун куфр, минг карра куфр!

Шайх шу сўзларни айтиб ортига қайтди. У балким тез юргандир ё учгандир. Аммо, мен Шайхга етиб олиб этагидан маҳкам тутдим. Волид ортига, этагини маҳкам тутган мен соддага тикилиб колди. Фурсатдан фойдаланиб, волидга илтижо қилдим.

- Саволингиз борми, Шайхзода, тез бўлинг қайтмоғим шарт,- дедилар. Мен эса:

- Унда қайси йўлни тутганим раводир, деб йиғлаб сўрадим. Менинг овозим даштликни тутиб кетди. Шамолга кўшилиб, янтоқнинг қулоғига етди чоғи улар чўғ бўлиб ёндилар.

- Саволингизга, - дедилар волид, - менинг қўлимдан тортиб ўзларига яқинроқ олиб бориб, Қуръони каримдан жавоб изланг. Менинг мақсудим шу. Менинг мақсудим шу. Менинг мақсудим...

Волиднинг овозидан уйғониб кетдим. Уйғониб кетдимухаёлга ботдим. "Халқдан ажралган тўда, мақсудим шу. Саволингизга Мустаҳабдан жавоб изланг". Ё, Поко Парвардигоро, кароматинг қурбони бўлай. Бу не маъно экан, деб ўйладим. Ташқарига чиқиб, осмонга қарадим. Ҳали тонг отишига вақт бор. Таҳорат олиб уйга

кирдим. Қум соатни қайти ҳаракатга келтириб, жойнамоz устида то куёш чиқгунча қироат қилдим...

Хонум туш таъбиридан шод бўлди.

Саволингизга жавобни Мустаҳабдан изланг, дедиларми,- сўради ўғлидан.

- Ҳа, ҳа худди шундай дедилар.

- Унда сафар тайёрлигини кўринг. Бухоро шахристонига бориб ҳазрат Имом Садриддиндан тасниф, фикҳ илмини ўрганмоғингиз шарт. Волидингиз саволларига жавобни ҳазрат сабоқларидан топасиз. Бўлинг ўғлим,- деди волида.

Эртаси эрталаб кўча эшиги яна тақиллади. Қаландарлар чораётган экан, уларга Абдулхолик рад жавобини берди. Чоштгоҳга яқин шу амал яна такрорланди. Бу сафар Абдулхолиқнинг жавоби қатъий бўлди.

- Мен энди сафар қиламан. Илм ўрганмоғим даркор. Қайта мени давра бўлиб зикр тушишга чорламанглар. Мен бир-икки йил халқдан ажралдим. Бу хато, хатони тузатмоқни Аллоҳ кўнглимга солди. Энди бу ёғи ўзим...

- Кўча эшиги ичкаридан ёпилди.

Абдулхолиқ уч кун тинмай ўтин терибди.

Хонумнинг бир ҳафта, ўн кунлик егуликларини келтириб бериб, тонг билан йўлга тушди. Хонум ўғлига сафар жуббадонини ҳозирлади.

- Мана ўғлим, жуббадонингизда пичоқ, қайчи, игна, чакмоқтош солдим. Ҳар эҳтимолга қарши устара ҳам, кавш, пўстин. Юзингизни мақсад манзили томон буринг, сафарингиз хайрли бўлсин. Мана бу сопол кўзача. Ёзуви ҳам бор. Раҳматли волидингиз Румдан ўзлари билан бирга олиб чиқувдилар. Бу сафар сопол кўзачаси. Биз волидингиз билан сафар қилиб, Гиждувонда Сизнинг дийдорингизга эришдик. Шу сувдон гувоҳ. Сиз ҳам сафар қилинг. Мақсадингиз йўлингизга ҳамроҳ бўлиб, остонамдан илм билан ичкари кириг. Қўлингизда шу сопол кўзача бўлсин.

- Кўзача ёзувини. - У шундай деб сопол кўзанинг ёзув томонини ўзига томон айлантирган эди, Хоним тўхтатди.

- Сопол кўза юзида "Бихўр, нўш, бо майли худ" деб ёзилган,- деди.

- Мен волида шу буйруқга амал қилганим бўлсин. Онт ичаман,- Абдулхолиқ жуббадонига дафтар, сиёҳ, қалам, тароқ солди. Кейин Хонум билан хайрлашиб "Салом" деди. Хонум кўзида ёш билан:

- Хайрлашув саломингиз дийдор кўриши саломига айлансин. Сихат-саломат бориб омон қайтинг, ўғлим,- деди.

Кўча эшиги ичкаридан очилди. Абдулхолик ҳовлидан чикди. Ўнг кўлида Шайх Абдулжамилнинг учига найза кўндирилган ҳассаси, чап кўлида ёзувли сопол кўзача, елкасида эса жуббадон, Хонум билан Ғиждувон қалъасининг шимол томон дарвозаси остонасида ҳайрлашиб, юзини Бухоро Шаҳристон томон бурди. Ортида Ғиждувон қалъаси, остонада эса оқ рўмолга ўралиб кўлини дуога очган Хонум қолди. Ортида "ҳафтада бир келиб кетинг, дидорингиз нуридан баҳраманд бўлиб турай, ўғлим", деган Хонумнинг овози янгради. Овозга жавобан:

- Хўб бў-ла-ди, қайтинг эн-ди уй-га-а, - деди.

XXX

Абдулхолик Бухоро шаҳристонига Дарвозаи Нур орқали кириб Имом Садриддин мактаби томон бурилди. Йўлда ҳалвойи пашмак фурушдан Имом эшиги қайси эканлигини сўраганида "Мана рўпарангизда-ку, ўғлим", - деди. У чол кўрсатган ҳовли эшигини қокди. Озгин, қарашлари ўткир, узун бўйли, истараси иссиқ Имом унга эшик очди.

- Ассалому алайкум.

- Хуш кўрдик, ўғлим, хизмат.

- Мен Шайх Абдулжамилнинг ўғиллари Абдулхолик бўламан. Сиздан сабоқ олиш учун келган эдим. Менга устозлик қилиб, кўлимни ўнг қилсангиз деган ниятим бор.

Имом Садриддин унга бошдан оёқ разм солиб, табассум қилди.

- Ўғлим, туғилганингизда кўлингиз ўнг эди. Бизга фақат сал ҳамият бериб йўл кўрсатиш қолди, холос. Не бахтким Сиз менинг эшигимни қокдингиз. Қани ичкарига. Улар олдинма-кейин ҳовлига кирдилар. Ҳовли саҳни гўзал, саришта, озода, шу билан бирга маҳобатли эди. У дарсхонага кирди. Бўш жойга бориб ўтириб, Имомни кутди. Имом Садриддин дарсхонага кириб, Абдулхоликка яна бир бор "хуш келибсиз, ўғлим", деди ва сабоқ бошланди. Тасниф дарсида Абдулхоликнинг кўп нарасага фаҳми етиши маълум бўлди. Китобдаги саволларга ўзидан-ўзи жавоб излаб, кувваи ҳофизасида нақш бўлиб қолган "Мустаҳаб" китоби сураларини ёддан айтиб, устоз кўрсатганидай тасниф қилар, деярли қийналмас эди. "Фотиҳа" сураси таснифида Имом Садриддин билан ёш Абдулхоликнинг фикрлари бир жойдан чикди. "Бақара", "Ол-и-имрон", "Нисо", "Моида" сураларини тафсир этиб бўлгач, нафас ростлашга чикдилар. Фурсатдан

фойдаланиб, Абдулхолик кўчага чиқди. Кўчадан Шахристон ичидаги қабристонлар зиёратига бориб келди. Тушлиқда Арк атрофида айланди. Кечкурун Мағоқи Атторийга ўтиб, икки ракаат намози нафл ўқиди. Эртаси эрталаб то сабоқ бошлангунга қадар Шахристонни кесиб ўтувчи ариқ лабида ўтириб шукрона оятларини тиловат қилиб, нурини анҳорга бағишлаб ўрнидан турди.

Дарвозаи нурдан кира туриб унинг остонасига қаради. Жуда мустаҳкам, дарвозанинг икки палласи сарв дарахтидан бўлганлиги учун юзида Нақши румий жуда кўркам чиққан эди. Қалпоғи гулга ўхшаш михлар, ора-ора гиреҳи сарбастга зеб бағишларди. Дарвозаи нури бошдан-оёқ кузатди. Ўзига-ўзи савол берди. "Нега дарвозаи Нур". Дарвоза ичкарасига қаради. Бир тасма нур, шаҳар ичкарасига югуриб кириб, теварак атрофи мунаввар қилиб турибди. Ҳа,- деди ўзига-ўзи.

Шахристонга тонг саҳарлаб қуёшнинг илк нурлари дарвоза орқали ичкари кирганлиги боис унга шундай ном қўйган эканлар. Ном қуювчиларнинг бир умр ҳақ бўлиб чиққанларини қаранг-а!

Абдулхолик Имом Садриддин мактабига етиб келганида сабоқдошлари эрталабки наҳорига қайноқ қайнатиш учун ўтин сотиб олиб келаётган эканлар. Уларга ёрдамлашиб нонушта қилинган, сабоқни бошладилар.

- Ўтмишдошларимиз, - деди Садри Ато,-

- Латиф ҳаволи жойни аниқлаб олган, худди шу ерда маскан қурганлар. Ҳавоси латиф жойнинг суви ширин тупроғи олтин. Униб-ўсувчи гиёҳ, ўт-ўлан, дарахтлари серпушт бўлади. Бу эса узоқ яшашнинг имкони экан.

Имом Садриддин гапираянти-ю, Абдулхоликнинг кўз ўнгида шаҳарнинг қалъа ўрнини белгиловчи чопарларнинг ҳаракатлари жонланди. Ана улар, деди ичида. Подшоҳдан руҳсат олиб, ўн тўртта қўйни сўйиб, от белига ташлаб чиқиб кетдилар. Узоқ юриб, биринчи тепаликка тўртта қўйни ташлаб яна илдам юрдилар. Дуч келган янги тепаликка яна тўртта қўй ташлаб олдинга қараб от сурдилар. Яна, яна... Охирги тўртта қўй танаси энг баланд тепаликка қўйилган, ортга қайтдилар. Орадан тўрт кун ўтди. Яна ўшалар. Шоҳдан "текшириб келайлик" ихтиёрини олиб, чиқиб кетдилар. Биринчи тепаликка қўйилган қўй танаси сал-пал шишибди. Иккинчи тепаликдагиси эса бутунлай шишиб, чиришга мойил. Уч, тўртинчи тепаликда қўйилган қўй танаси ҳайратни оширди. Ҳозиргина сўйиб, шу ерда қолдириб кетгандай. Ғир-ғир эсан шамол қўй танасининг шишиб, кейин

айнишга мойиллигини оширмаган. Балким тескари... Улар Шоҳга хабар бердилар. Тикка турган тепалик ҳавоси жуда латиф, форам. Шу ерда шаҳар курсак бўлар... Ана камон отувчилар, улар ғайрат камарини ҳиммат белига боғлаб, белгиланган тепалик томон учиб бордилар. Биттаси... қўли куч-қувватга тўлиб тошгани янги қурилажак шаҳар тўрт томонини белгилаш мақсадида от устида жануб томонга қараб камондан тир бўшатди. Тир учди. Баланд учди. Унга қараб турганлар сергак бўлдилар. "Қани, каерга бориб тушар экан", деб Садок, учиб бориб тушди. От билан ҳамма садок тушган жой томон ошиқдилар. Мана у топилди. Белгиладилар. Тир тушган жой девор боши Девор боши ўрнидан туриб ғарб томон тир отдилар, деворнинг боши, охири аниқланди. Ана шундай Садокдондан тўрт томонга тир отиб, шаҳар девори ўрни аниқланди. Бу ажойиб усул, бу синашта усул. Душман шаҳарнинг тўрт томонидан бостириб келганида ичкари жангчиларнинг тўрт томонга қараб отган тирлари аниқ нишонга етиш ўлчови...

Абдулхолик хаёлга ботган экан. Унинг тиззасига Имом ўнг қўли билан аста шаппатилаб ўзига келтирди.

- Ўғлим, чуқур хаёлга ботдингиз. Энди сабоқни бошласак ҳам бўлар. Кеча "Моида" сураси тафсиридан кейин нафас ростлаган эдик. Энди...

- "Анъом" кейин "Аъроф",- деди Абдулхолик.

- Хўш, ўғлим, Абдулхолик, қани энди бошладик. Улар "Анъом" сурасидан "Аъроф"га етдилар. Абдулхолик "Алиф, лом, мим, сод" деб бошлади. Сурадаги ҳар бир оят мағзини чақишда қийналмас. Садри Ато шарҳларига озми-кўпми фикр қўшар эди. Сураининг "Эй, одам болалари ҳар бир сажда чоғида зийнатланингиз. Ҳамда еб-ичаверинглар, фақат исроф қилманглар. Зотан, У исроф қилувчи кимсаларни севмас" оятини ўқиганида Имом Садриддинга қаради. Қаради-ю ўзининг қаландарлар билан бирга зикр тушиб тупрокка белланиб юрганларини эслаб, қизариб кетди. Имом Садри Ато уни олдин қараб, кейин қизариб кетганидан фаҳмладиким, у ўзининг ўтмиш ҳаракатларидан уяляпти. Масалани аниқроқ рангда тушунтирди.

- Қаландарларнинг кўпи сабоқ олмаган омийлар. Шу боис ҳам ана шундай нозик масалаларда саҳвликка йўл қўядилар. Аллоҳ буюргани-тирикликда тоза либос кийиш, ҳалол покиза егуликларни ўз қўли билан яратиб, тановул қилишдир, ўғлим. Улар яна сабоқни давом эттирдилар. Имон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар. Биз ҳеч

қачон бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмаймиз. Улар жаннат эгалари бўлиб, унда абадий қолажаклар. Оятнинг шарҳидан кейин кўнгли ёруғлик томон талпинди. Кўзида, кўнглида оёқ-қўллари, елка-ю пешонасида нур кўнгандай бўлди. Оятдан-оятга ўтиб "Албатта, парвардигорингиз - Аллоҳ шундай зотдирки, осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра ўзи Аршга ўрнашди... Огоҳ бўлингким, яратиш ва буюриш фақат уникидир. Барча оламлар парвардигори - Оллоҳ буюқдир" оятида келганда лабханда қилди. Оллоҳнинг Арши борлиги-ю, сажда қилиб, унга узрини айтса, эшитишини ўйлаб шод бўлди. "Ҳайриятки Оллоҳ бор!" Бўлмаса бу безовта кўнглимни нима билан овутардим. Тинчлантириб қуёшга иймон билан қарардим. Ё Поко Парвардигор" Суранинг навбатдаги оятига келди:

"Парвардигорингизга тазарру билан ичингизда махфий илтижо қилингиз. Зотан, у хаддан ошувчи кимсаларни (яъни, эл кўзига кўрсатиш учун риёкорлик қилувчиларни севмас) Абдулхолик оятни такрор ўқиди. Мағзини чакмоқчи эди. Бўлмади. Хулосасидан кўнгли тўлмади Имом Садриддиндан оятнинг ботиний маъносини сўради. Устоз:

- Жаҳрий - овоз чиқариб қилинган зикр атрофдагиларга эшитилади. Қалбдан қилинган зикрни эса Аллоҳ билиб туради. Унда не қилмоқ раво? Махфий илтижо қандай бажарилади. Бу дил зикридир. Бу пайғамбар ва авлиёларга Аллоҳ томонидан бериладиган ладун илмига оид масаладир. Агар хоҳласанг Ҳақ дўстларидан бири келиб сенга ўргатур.

Садри Ато фикрини баён этгач Абдулхолик, жидду жаҳд билан ўрнидан туриб устоз пойига гиз чўқди.

- Мен хоҳлайман, устоз, бу билимни ўрганишни. Қачон мен бу бахтга муяссар бўлар эканман-а?!

Имом Садриддин Абдулхоликни ўрнидан турғизди. Пешонасидан ўпиб, оят тиловат қилиб унга дам солди ва қатъият билан деди:

- Ўғлим, энди бу масаланинг бир томони Аллоҳга боғлиқ бўлса, бир томони сенга ҳам боғлиқ. Фақат тириш.

Аллоҳ юборган илмларни ўрганиб, саждада илтижо қил. Сен туфайли яна бир ёруғлик биз билан дийдорлашса, ажаб эмас.

... Шу кундан бошлаб Абдулхоликнинг хаёли Аллоҳ билан банд бўлди. Гўёки кимдир уни зимдан кузатиб тургандай. Нафасни ҳам хушёрлик билан тортадиган бўлди. Сабоқлар тугагач, ўтин териб келар, қозон қайнатар, ҳовли супасини супуриб, юмушлар адосидан

кейин Даштак кенгликларига чиқиб хаёлга ботарди. Кейин эса узоқ муддат қироат қилиб, Оллоҳ иноятини интизорлик билан кутарди.

XXX

Фикҳ илмини ўргангандан кейин Имом Молик китобларини мутолаа қилди. Мутолаада кўп нарсани тушуниб етди. "Дунё, борлик - чархпалак. Бир-бири билан боғлиқ. Рост юрсанг боғлиқликга сен ҳам боғланиб кетаверасан. Нопок бўлсанг, поклик дунёсидан узиласан. Ҳамма-ҳаммаси кўзинг тарозусида. Кўр бўлмаслик лозим. Зотан бу кўнгил кўрлигига олиб келади".

Имом Садриддин Бухоро шахристони билан ҳам хайрлашиш фурсати етди. Устоз унинг ёзиб олган сабоқларига гувоҳлик муҳрини босар экан, Абдулхолик билан хайрлаша туриб "Дил зикри" масаласида маҳкам туринг, ўғлим,- деди.

XXX

Абдулхолик Ғиждувон қалъасига чап қўлда сопол кўзача, ўнг қўлда ҳасса, елкасида жоббадон билан кириб келганида энди кун чошгоҳдан ўтган, кўчада ҳеч ким кўринмас эди. Хонум уни кўзда ёш билан кутиб олиб дастурхон ёзди. Ўғлига корсон пиёлада қайноқ узата туриб юзига разм солди. Мўйлови сабза уриб, юзида хуснбузарлар тошиб кетибди. Овози сал дуриллаганроқ. Қўл, елкалари бақувват, қарашлари ўта хаёлчан.

- Ўғлим, шеър санъати масаласини ҳам ўрганиб қайтдингизми?

- Худди шундай волида. Бухоро шахристонида шеърят мактаблари кўп экан. Устозлари ҳам ўткир. Имом Садриддин сабоқларидан кейин шеърят мактабида ҳам сабоқ ўргандим.

- Хаёлчан бўлганлигингиз боиси шу бўлса керак, деб ўйладим. Шеър машқ қилиясизми?

- Бирта-яримта хомакилари бор. Лекин олдин назм дунёси рангларини қўлда ушлаб кўрмоқ лозим волида.

- Яъни...

- Волида, Рудакийни ўрганмок учун бутун диққатни жозибага қаратиш даркор. Ҳазрат Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" достонини ёдлаб ҳам олдим. Сижистон, Эрон, Туронзамин тарихи, Сиёвушнинг Олов ороли орасидан мардона ўтиб ўзининг поклигини исбот қилишлари. Мен кейин Абулқосим Фирдавсий таълимоти

асосида Сиёвуш изларини излаб, унинг қабрини зиёрат қилдим. Дарвозаи Гўри Онда бир кеча тунаб ҳам чикдим. Пок руҳлар менга эргашсин, амалларимга кўмак берсинлар дедим.

- Имом Садриддин кўшимча ўрганиш учун сабоқ тайинлагандирлар.

- Дил зикри масаласида маҳкам тур дедилар.

- Дил зикри?

- Ҳа, худди шундай, дил зикри. Шу масала адосида Аллоҳ менга куч-қувват берсин.

Абдулхолиқнинг "Дил зикри" масаласини Хонум тезда фаҳмлади. Кўнглида "Ё, Поко Парвардигоро, биттаю битта ўғлимнинг мақсуди раво бўлишида ўзинг кўмак бергин", - деди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, ҳамма ўз иши бошини тутиб кетди. Абдулхолиқнинг хаёли фақат кенгликларда эди. Фақат дала-дашт саҳрога борса-ю, у ерда ҳеч ким бўлмаса. У мукка тушганча Аллоҳга илтижо қилса... Хонумнинг монёбликларига қарамай Абдулхолиқ наълайнни кийиб, кўлига арқон олиб, ўтин териб келиш баҳонасида уйдан чикди.

XXX

Абдулхолиқ ҳар куни икки марта ўтин теришга бориб, ҳам сажда ҳам ишлашга улгурарди. Бир куни саҳродаги тепалик устига чиқиб, тўрт томонга разм солди. Сокинлик, ора-ора қушларнинг сайраши бу жимлик бағрини тилиб ўтар. Тепалик устига ўтириб Аллоҳга илтижо қилди: "Ё Аллохим, мени дил зикри масаласи сиридан огоҳ қил, ё Аллоқ, мени дил зикридан огоҳ қил". Илтижо кетидан илтижо. Кўнглига нидо киргандай бўлди. "Уст-бошингизни меҳнатингиз музди билан безанг!". Абдулхолиқ нидога шукрона ўқиб, ўрнидан турди. Тер тўкиб бир ҳафта ишлади. Ўтинни сотиб, пулига худранг матоҳ олиб, шу рангда ковуш танлади. Бошида худранг салла. Уйга қайтиб Хонумдан кўйлак, иштон, яктак тикиб беришни илтимос қилди. Хонум тикиш-бичишга ўтиргач, Абдулхолиқ уй юмушларини ўзи бажарди. Шамдонга шам солиб кўйди. Ўчоқ қулини супуриб кўча ахлатхонасига тўкиб кайтди. Қозон, товоқларни ювиб, қатронгардон қилди. Дастурхон, сочиқ ўзининг яктаги-ю, Хонумнинг сарбандини ювиб, торга ёйиб, нонвойхонага чикди. Нон олиб уйга келганида Хонум янги кўйлак-иштонни ўғлига узатди. - Кийиб кўринг-чи ўғлим, тор эмасми?

Абдулхолик кўйлак-иштонни олиб, беш болорли уйга ўтди. Уй ташнови устида турган сопол кўзача суви билан таҳорат олиб кейин кўйлак иштонини кийиб, шукронасини Аллоҳга қилди. Хонум хузурига қайтганида, яктак ҳам тайёр эди.

- Сизга меҳнат қилиб, сотиб олиб келган худранг матоҳдан либос жуда ярашибди. Мана яктакни ҳам кийиб кўринг-чи?

Абдулхолик тавозе билан Хонум кўлидан яктакни олиб, ўнг кўлга кийиб хурсанд бўлиб кетди. Енг, елкаларидан янги матоҳ ҳиди билан аралаш дашт ҳавосининг латифлиги анқирди. Этагини ушлаб ҳидлади. Шу муаттарлик. Хонум унинг ҳаракатларига разм сола, туриб:

- Кўйлак-иштон, яктак умри бир йиллик, Сизнинг умрингиз юз йиллик бўлсин, илоҳи омин, деди.

Дуойи фотиҳадан кейин Абдулхолик яна дашт томон ошиқди. Арқонни янтоқ оғуши устига ташлаб, тепаликка чиқди. Аллоҳга сажда қилиб, илтижо қилди. "Мени, дил зикри сиридан воқиф эт, Аллоҳим!!!". Ўсмир бола бир ҳафта ана шундай илтижо қилганидан кейин дашт, тепалик устида сокинлик чуқурлашгандай бўлди. Сўнг, сўнг кўнглига такрор нидо кириб келди. "Томоғингизни кўлингиз нури билан обод этинг". Абдулхолик нидо шукронасини қилиб, тепаликдан пастга тушди. Икки ҳафта тинмай меҳнат қилиб, рўзғорни ўтин пулидан тортишга эришди. Хоним гўшт, ёғ, ул-бул учун пул чиқарсалар Абдулхолик рад жавобини берди. "Энди рўзғорни ўзим тортаман". Бир куни Хонум унинг бу якраҳалигидан хуноб бўлиб ичкари уйга бошлади. Токчада турган сандиқчани очиб, ичидан бир ҳовуч тилла танга чиқариб Абдулхоликқа тутди.

- Олинг, ўғлим, бу подшоҳ бобонгизнинг менга берган мероси. Мана шундай сандиқчалардан яна бир нечтаси бор. Сиз тушунинг, мен Сизнинг янтоқ чопиб, рўзғор тортишингизга мутлақо қаршиман. Ўқинг, ёзинг, дастхатингизни чиройли бўлишига ҳаракат қилинг. Фақат ташвиш тортманг. Сиз ахир шоҳ қизининг ягона ўғлисиз.

Абдулхолик кўлида турган тилла тангаларни Хонумга қайтара туриб минг истиҳола билан деди:

- Волида, тўғри, мен подшоҳ қизининг ягона ўғлиман. Аммо, мерос - бу сизнинг меросингиз. Менинг меросим эса қўлларим панжалари орасида яширинган. Янтоқ чопсам, ўтин терсам, эрта-индин боғ сотиб олиб, ерда ишласам - маҳсули менинг меросим. Мен Сизни ҳам, ўзимни ҳам шу орқали боқаман. Менинг толеъимда, азалдан, шу битилган экан. Хафа бўлиш деган гап кўнглингизни тарк этсин. Майли, волида, энди кетай.

XXX

Абдулхолик илтижолари боргоҳига бориб етди чоғи, уч кун бошқачароқ бўлиб юрди. Ўзини билмас, хаёлида учай дейди-ю, яна кўрқади. Қўлларини қанот қилмоқчи бўлади. Қўллари ихтиёри ўзида эмаслигини билиб, хайрати ошади. Уч кун худдики юрмади, емади, ичмади, кўзи эса юмилгани йўқ. Фақат бир нуқтани кўради, холос. Тепалик, қибла томон...

Учинчи куни ихтиёри адоқларида бўлди. Улар Абдулхоликни тепалик томон бошладилар. Тепаликка чиқди. Юзини қибла томонга қилиб чордона қуриб ўтирди. Шу пайт қандайдир юракка ҳузур бағишловчи нимадир бўлди. Кўзи олдин жимир-жимир қилди. Кейин нима ҳолат юз берди, билмайди. Фақат хотирасида шу нарсалар нақш этганини ихтиёрсиз ҳолатдан чиққандан кейин билди... Рўпарасида Абул Аббос Хожа Хизр пайдо бўлдилар. Абдулхоликни фарзандликка қабул қилиб "Сизга қалб зикрини ўргатмоқ учун бизни бу ёққа юборишди", дедилар. Абдулхолик фақат эшитди, адо этди. Буюрилди, қиблага қараб ўтириб, икки ракаат намоз адо этди. Буюрилди:

"Астағфируллоҳа ва атубу илайҳ" истиғфорини такрорланг". Абдулхолик истиғфорни ўттиз марта такрорлаб айтди. Буюрилди: "Тобитаи мавтга ўтинг!", Кўзлар юмилган куйи беш дақиқа ўлим ва унинг ҳолат борасида Абдулхолик тафаккур қилди. Жуда чуқур тафаккур қилди. Буюрилди: "Робитаи муршидга ўтинг!" Абдулхолик жамики ўтган авлиёю анбиё, пайғамбарлару Муҳаммад с.а.в. файзу баракотлари, каромату ваҳдониятлари ҳақида фикр қилди. Фикр қила туриб улар ҳимматининг умидида бўлди. Беш дақиқадан кейин яна ишора бўлди. "Робитаи ҳузур"га ўтинг. Абдулхолик ўзидан-ўзи беихтиёр дунё зийнатларидан юз бургани ҳолда виждони билан танҳо қолди. Аллоҳ буюклиги, тасарруфи, эҳсон этган неъматларию борлиқдаги қудратини ўйлади "Робитаи ҳузур"да ҳузур олди. Беқарор руҳи ором олди. Вужуди роҳатда бўлди. Беш дақиқа ҳузурдан сўнг яна буюрилди:

"Мақоми қалбга ўтинг!". Абдулхолик ички диққат назарини қалбига йўналтирди. Юрак уриши садоси остида Аллоҳ исми қудрату карамини овозсиз зикр қилди. Такрор-такрор зикр қилди У башарий сифатини йўқотиб, мукошафа жараёнига кирди. Узоқ такрорлашлар поёнида мукошафа ва яна мукошафа ва ниҳоят мўъжиза юз берди. Мукошафа жараёнида Аллоҳ нури билан бирлашди. Юраги ишқуллоҳ билан тўлди. Вужуди, томиру соч, тирноқларигача ишқуллоҳ нури

билан мунаввар бўлди. Дунёни унутди. Дунёга Аллоҳ ишқи билан қараб ишқ билан кўзини очди. Кўзини очганида унинг ёнидан шайтон бутунлай йироқлашиб, атрофида Аллоҳ қалъаси бунёд бўлган эди. Бир ҳафталик тинимсиз машқ. Ишқуллоҳ ҳосил бўлгач, Хизр алайҳис салом томонидан буюрилди. Ишорат келган пайтда Абдулхолиқ Гиждувон қалъасидан ташқари - катта боғ, сарҳовуз ёнидан ўтиб, дашт томон кетаётган эди. "Сизга ишқуллоҳ пайдо бўлди. Энди ўзингизни синаб кўриш учун мана бу ҳовузга ғўтта уринг, эй фарзандим". Абдулхолиқ фурсат кутмади. Тўрт томонга ҳам қарамади. Орқага қайтиб сув тўла ҳовузга ўзини ташлаб, зикр қилаверди. Сув ичида бўғилмади ҳам. Безовта ҳам бўлмади. "Ла илаҳа иллаллоҳ". Илаҳи анта мақсудий ва ризока матлубий" сўзларини 200-300, 350, 450, 500 марта зикр этганида мукошафа... Бирлашиш... Ишқуллоҳ ҳосил бўлди. - Ҳовуз суви қарс-қарс қайнаб кетди. Қиш фасли эмасми суви қайнаётган бутун бошли ҳовуздан буғ кўтарилиб, тўрт томонга тарқалди. Абдулхолиқ ҳовуздан чиқиб ортига қаради. Ҳали ҳам ҳовуз суви қайнаб буғ, тўрт томонга эринганнамо тарқалар, аммо унинг ковуш, салла, жубба, кўйлак-иштони куп-куруқ эди...

XXX

- Фарзандим Абдулхолиқ - деди Хизр а.с. у билан хайрлаша туриб, - биз яна келамиз. Ўша кунгача Сизнинг вазифангиз Зикри қалбни тинмай такрорлаш. Бу амалдан бир нафас бўлсин, узоқлашманг, токим юрак омарзида бўлсин. Хайр...

Хайрлашувдан кейин Абдулхолиқ боридан ҳам каттиқрок Зикри қалб билан машғул бўлди. Икки ракаат намоздан сўнг чордона қуриб ўтирди. Кўзларини юмиб, чуқур нафас олиб тилини танглайига ёпиштириб, сўнгра "Ла" калимасини киндигидан бошигача чўзиб айтиб, "илаҳа" калимасини бошидан то ўнг елка томон чўзиб айтиб "иллаллоҳ"ни ўнг елкасидан юрак томон йўналтириб, чуқурлаштириб диққат қилди. Ҳузурбахш роҳат танаси узра таркалаётганини сезиб, куч, нафас тоқати етганча зикр қилди. Сонлар 21, 35, 50, 100, 120, бир йўла 500 га етганида "Ё Раббим, мақсудим сенсан, сенинг ризолигингни сўрайман" деб нафас чиқариб, янги нафас олди. Зикри қалб, ишқуллоҳдан кейин унда ажиб ҳолатлар юз кўрсатди. Олдинлари учишни ихтиёр қилар эди. Аммо, кўркув монеълик қиларди. Энди кўркув қаергадир йўқолди. Ўрнини журъат эгаллади. Фақат, даштда

бир куни зикрдан кейин мириқиб учиб юрди. Қўлини чўзган эди янтоқлар ўзидан-ўзи юриб келиб, арқон белига ётдилар. Сопол кўзага бармоғи билан ишора қилганида кўзача юриб кетди. Қайтиб келганида ичи тўла сув эди.

Қалин ғешазор томонидан қушларнинг ваҳимали овози эшитилди. Абдулхолиқ овоз келган томонга учиб борди. Қараса, катта баҳайбат илон. Қушларга хужум қилиб, уларни тутиб, чайнамай ютаётган экан. Абдулхолиқ илонга "Қани бор, кет. Қайтиб бу ерга соянгни кўрмайин" дегани заҳоти, илон изига қайтди. Қайтди-ю орти ҳам кўринмади. Кийикни қувиб бораётган арслон қўли ишораси билан оёғига келиб ўзини ташлаб, қайтиш учун изн сўради.

"Майли, - деди Абдулхолиқ арслонга, - Бундан кейин зўравонлик қилмай Аллоҳ берган ризқга қаноат қил". Баҳор кунларидан бири эди. Ўтин тераётиб чумоли инига кўзи тушди. Бир тизим чумолилар индан ғумбакларни олиб узоқроқдаги тўрт, бешта инга таширдилар. Ҳе, ўғрилар,- деди чумоли тизимига, - Бу ғумбакларнинг ота-онаси узоқроқ кетган чоғи. Пайтдан фойдаланиб ғумбак ўғирлаяпсизлар-а! Эрта-индин ғумбаклардан чумоли чиқгач, уларни қул қилиб ишлатасиз. Қуллар келтирган дондан еб, қишда ёғ боғлайсиз. Қани ортга, ғумбаклар жойига қайтсин-чи.

Чумолилар изларига қайтиб, ўғирлаган ғумбакларини келтириб жойига кўйдиларда, кетаётиб Абдулхолиққа қарадилар. "Ҳалол лукма,- деди чумолиларга, - қонга бандлик келтирмайди. Бандлиги бўлмаган қон тана айланиб, меҳнатга ғайрат тугади. Қани боринглар қонлари ғайрат туғдирувчилар".

Абдулхолиқ тинимсиз зикрдан кейин вужудидаги ғайри оддий кароматлардан шод. Лекин бу ҳолини пинҳон тутди. Юрагида меҳр-шафқат уруғи минг чандон гуллади.

У Аллоҳ яратган бари мавжудотга шафқат кўзи билан қараб, сувга тушган чумолини ариқдан олиб,енги билан адоқларини артиб, йўлга чиқариб қўйди. Япроқлар чангини артиб, янтоқлар гулини ўпишдан завқланди. Қалъада эса кўшни Сиддиқа кампирнинг саққога эҳтиёжи қолмади. Абдулхолиқ кампирнинг ҳовлисида кудуқ ковлаб берди. Отаси ўлиб, етимлик заҳрини тортаётган ён томон кўшни болаларига ҳар куни ўтин пулидан ул-бул харид қилиб келтириб берганларида, Хонум ўғлининг бу бағрикенглигидан хурсанд бўлди. Жума куни эди. Абдулхолиқ бор пулларини ҳисоблаб кўриб, Хонумга маслаҳат солди.

- Қалъа атрофида сотиладиган боғ борлиги хабарини эшитдим. Пулимиз етади. Боғни сотиб олсак, бозордан мева харид қилиш юкидан кутулардик.

- Бўлди, ўғлим. Мен ҳам ёз бўйи боғда мазза қилиб ўтираман. Боғ сотиб олинди. Абдулхолик бозордан кўчат хариб қилиб, қуриган дарахтлар ўрнини тўлдирди. Атрофи девор билан ўралган боғнинг тикон тўсикларини олиб ташлаб, тўрт томондан дарича, ёнида яна кичикроқ раҳна, сув кирар амбурий қўйди. Омонатгина чайлани бузиб ташлаб, деворлари хом ғиштдан коза қуриб, томига қамиш босди. Устини лой шувок, ичини андава қилиб Хонумни боғга олиб борганда, у ўғли меҳнатидан кўнгли кўтарилди. Коза ташқарисида биттагина сўри яшашни ҳам айтди Абдулхолик ярим кун ичида лой қориб, ғишт ташлаб сўри жойи тайёрлади.

Утин териб бозорда сотиш, боғда ишлаш Абдулхоликнинг ғайратига-ғайрат кўшди. Боғда ҳар бир кетмон урганида зикрга тушиб, нафас олиб, нафас чиқарар, иш ҳам бўлар, зикр ҳам қаймоқ боғларди. Беш-олти йил ичида ранг-рўйи ўзгарди. Сутпайванд, анорпайванд, ковоқпайванд усуллари қўл келди. Ўрик меваларининг бозордаги савдоси чакқон.

- Бизга, - деди Хонум сутпайванд оппоқ ўрикни ҳидлаб туриб, - Бозор савдоси шарт эмас. Боғнинг тўрт эшиги ёнида тўрт челақ ўрик қўйинг. Қўшниларга мева олиб бориб беринг. Қўшничилик таомили шу...

Абдулхолик Хонумнинг бу гапларига жилмайиб қўйиб:

- Боғимиз эшиги олдини томоша қилинг, волида. Яктагимни ечиб, устига анор ранг ўрикларни териб тўкиб қўйдим. Ким ўтса еб ўтади. Қўшниларга ҳам мана тўрт кажава териб қўйдим. Пешин намози адосидан кейин қалъага бориб келаман,- деди.

Саховат қулоч ёзди. Боғ дарахтлари Абдулхоликга ўрганиб қолдилар. У эса болаларга пайвандлаш йўлларини ўргатди.

- Пайванд қилинадиган куртакни сут тўла косага уч қўйиб, кейин кўчат новдасига уласангиз бўлади.

Сутдан уч кун шимганлиги боис куртакнинг меваси сутдай оқ, қаймоқдай ширин бўлади.

- Ковоқ пайванд қандай қилинади, - деб сўради қўшни ўғли, - отам қайтиш қилганларидан кейин жуда қийналдик. Битта боғ сотиб олсак, Сиздай фаровон яшармидик.

Абдулхолик кўнглида "Шу боғни сизларга эрта-индин бағишлаб кетаман",-деди-ю тушунтириб кетди.

-Қавоқпайванд - ковоқ сувини ёғоч пиёлага сиқиб олиб, кесиб олинган куртакни уч кун солиб қўясан. Кейин олиб пайванд қилинади. Қовоқ пўстининг ялтироқлиги пайвандий ўрикка ўтади. Кўрибсанки, хасаки ўрик эмас, ёғ суртилгандай гўзал зардоли иштаҳангни очиб, кўзингни ўйнатади. Анорпайванд ҳам шу. Анор ранги ўрик куртагига, ўтиб, куртак новдада гуллаб, довуча тугса, пишган мевасининг ранги анор рангидай ёқимли, қизил бўлади.

Эслаб қолдингми?

- Худди шундай акажон. Эслаб, ўрганиб ҳам олдим. Айтдим-ку, ниятим янги боғ олиш,- деди қўшни ўғли кўзлари порлаб.

XXX

Абдулхолиқнинг ёши 22 га етганда, уч кун сал бошқача бўлиб юрди. Учинчи куни гул кўчатларини бегона ўтлардан тозалаб турувди ҳамки, ташриф юз берди. Абул Аббос Хожа Хизр ҳузурида пайдо бўлдилар. Бухоро Шаҳристониға Хожа Юсуф Ҳамадоний келгани-ю, Хожа ҳузуриға Абдулхолиқнинг бориши, тариқат сабоқлар олиши амр бўлди.

- Биз, - дедилар Абул Аббос Хожа Хизр қайта туриб, - Сизга Зикри Қалб талқинида пирингиздурмиз. Иншооллоҳ тариқат сабоғида Хожа Юсуф Ҳамадоний пирингиз бўладилар. Бухоро Шаҳристониға ошиқинг. Хайр.

XXX

Абдулхолиқ эртаси эрталаб Хонумға Бухороға бориш, Хожа Юсуф Ҳамадонийдан тариқат сабоғини олиш лозимлигини айтди. Боғни кўшни етим болаларға бахш этди...

Шаҳристон мешкоҳлар чорлови, карвон- саройлардаги от, туя, эшакларнинг овозидан тўлган. Абдулхолиқ Ҳавзи Шиша сувидан сопол кўзчасини тўлдириб сув олиб, ичди. Ҳовуз бўйида икки ракаат намоз ўкиб йўлга тушди. Хожа Юсуф Ҳамадоний кўним топган ҳовличани излаб топиш - осон кўчди. Долончадан юриб бориб, бир паллали дарвозани қоқди. Ичкаридан садо келди:

"Кираверинг Шайхзода, биз Сизни кутяпмиз". Овоз келган томонға очик эшикдан ичкари кирди. Дўконча, дўконча ичида кўзлари ўта ҳаёлчан, озгин киши этик тикиб ўтирарди. Абдулхолиқ салом берди. Эгилиб, Шайх этакларини зиёрат қилди.

- Мен Абдулхолик бўламан. Сиздан тариқат сабоғини ўрганишимиз буюрилди. Шайх:

- Бизга Сиз хакингида уч кун бурун хабар келувди, - деди-ю, тамом. Шу кундан бошлаб Абдулхолик Хожа Юсуф билан бирга турадиган бўлди. Супуриш, овкат пишириш, ўтин териб келиб, яна Шайхнинг тикиш-бичиш ишларига кўмаклашиш Абдулхоликнинг зиммасига тушди. Бозор куни эди. Хожа Юсуф Ҳамадоний Абдухоликга ўтин сотиб олиб келишни буюрди. "Шайхим, - деди Абдулхолик. Даштак ёвонидан бориб териб келаман, сотиб олгунча". Хожа Юсуф Ҳамадоний: "Сизга қайси бири маъқул тушса, шуни бажаринг", - деди...

-Хожа Юсуф Ҳамадоний ўтирадиган уйда бор-йўғи иккита лўлаболишт, кўрпача, ибриқ, супурги, сопол пиёла, чумча, корсон товоқ бор эди. Яккаю ягона эшикдан хирагина ёруғлик тушиб турар. Шайх танҳо зикрга ўтирган пайтлари ўша эшик ҳам ёпиларди. Одатдагидай Шайх 40 кун бир ўзи зикр ўтирди. Кунда уч бор эшик очилиб ёпилди. Абдулхолик ҳамма ишни ўзи бажарди. Бозорга чиқиб, товуқ харид қилиб келди. Шўрва қўйди. Шайхнинг ойда бир марта товуқ гўшти тановул қилишини билиб, қилган ҳаракати дуосиз қолмади. Шайх қирқ кунлик зикрдан чиқиб, ҳовли айланди. Долон бошигача бориб келди. Абдулхолик ёзган дастурхон бошида ўтириб:

- Хўп, яхши иш қилибсиз, хоҷам Баракотингиз бундан ҳам зиёда бўлсин,- деди сузиб келган шўрвага чўмча солиб. Кейин суҳбат бошланди. Абдулхоликнинг келганига кўп вақт бўлганини эшитиб, Хожа Юсуф Ҳамадоний: "Чоршанба куни Сизни муридликка қабул қилиш даврасини ўтказамиз, - деди.

Шайх айтган кун келди. Улар гузардаги ҳовуз лабига чикдилар. Жамоа саккиз кишилик, Нақиб Аҳд отаси, Шадд устози, икки тариқат биродари, Хожа Юсуф Ҳамадоний ва гузар масжидининг имоми. Жойнамоз тўшалди. Шайх жойнамоз устига чиқиб ўтирди. Ўнг елкасида белбоғ жойнамоз билан ёнма-ён гиламча ҳам тўшалди. Беш пиликлик чироқ, тоза сув келтириб қўйилди. Нақиб чироқни ёкиб: "Кўнгил фироғини муҳаббат олови билан ёкинг", - деди. Тузни сувга аралаштириб: "Хожа Абдулхолик, туз ҳақини унутманг. Туз ва сув мисоли ҳамма жойда йўлларики рагон бўлсин",- деди.

Аҳд отаси Абдулхоликни аҳдга киритди:

- Эй Абдулхолик, Сизнинг бойлигингиз - Пирга эътиқод ва тоза-озода кўнгил - ғуслингиз бўтам,- деди.

Ҳирс, ҳасад, ёлғон сўзлаш, бировга бўҳтон қилиш, тама, ёмонга ҳавас қилиш, такаббурлик, ҳаромхўрлик. Аллоҳ бандаларидан айб қидириш каби қусурликларни йўқ қилиб ташлаш. Борингиздан барака топинг, бўтам. Мен айтган гапларни такрорланг. "Аҳд қилдим ва тариқат даврасига кирдим" денг. Абдулхолиқ бу сўзларни айтганда даврадагилар вужудини тер қоплади. Аҳд отаси яна: "Бизнинг аҳдимизни қабул қилиб, даврамизга кирдингиз. Энди макруҳлардан парҳез қилиб, шайтон амрига кирмайсиз, - деди. Абдулхолиқ: "Даврангизга кирдим, бундан кейин хилоф иш қилмасликка аҳд қилдим", деганида жойнамозда ўтирган Шайхнинг кўзлари ёшдан тўлди. Шадд устози ўрнидан туриб Абдулхолиқни чап томонига ўтқазиб, жойнамоз устида ўтирган Шайхга юзландилар. Тиззаларини букиб ўтирганлар вужудини роҳат чўлғади. Шайх шаҳодат бармоғини Абдулхолиқнинг шаҳодат бармоғига тегизди. Абдулхолиқни гуноҳ қилмасликка тавба қилдирди. Белбоғни елкасидан олиб гиламча устига ташлаб хутба ўқиди. Ўрнидан туриб жойнамоздан уч қадам узоқлашди. Биринчи қадам - нафс устига, иккинчи қадам - шайтони лаъин устига ва учинчи қадам - бойлик устига қўйилди. Шайх буларни мағлубият этиб, жойнамоз устига қайтиб белбоғни қўлига олди. Абдулхолиқнинг қулоғига: "Тариқат хизматига тайёр тур! Ҳурмат билан ўтир, ҳиммат билан гапир! Аллоҳ бандаларига меҳрибон бўл! Тўғриларга эргашсанг, туғ бўлурсан",-деди. Юзини йўл томонга қаратиб қўйиб, белини боғлади. Аҳли жамоа ҳузурида Шайх: "Бу биз Сизнинг Аллоҳга хуш келмайдиган барча носолим амаллар бажарилишидан йўл, қулоқ, кўз, адоқларингизни боғладик" деди.

Белбоғ уч тугун қилинди. Тугун чаппа айлангириб қўйилди. Уч кундан кейин Хожа Юсуф Ҳамадоний Абдулхолиқ ибн Абдулжамилнинг белини очиб: "Солиҳ амаллару бутун куч қувватни тариқа хизматига сарфлашингиз учун белингизни очдик. Энди хирқа билан бир айланингчи?!"-деди.

Абдулхолиқ худди куёш кўтарилаётгандай вужудда айру ҳаракат сизди. Бир айланди, икки айланди, учинчи айланганида ғаройиб ҳолат юз берди. Қўллари қанотга айланиб, учиб кетди. Ортидан қараб колган Хожа Юсуф Ҳамадоний Аллоҳ номига саловот ўқиди.

Пиру муршидлик кунлари бошланди. Жума тонги Хожа Юсуф Ҳамадоний зикр адоси учун хос хонасига кира туриб, ортидан қараб турган Абдулхолиққа қаради. Фаҳмладики, зикри жаҳрияга майли йўқ.

- Хожам Абдулхолик,- деди Юсуф Ҳамадоний, - Сиз улар томонидан зикри хуфия йўлига буюрилгансиз. Шу йўлни давом эттиравинг. Илоҳо сафингиз оламни тутсин, омин!

Устоз ичкарига кириб кетди. Абдулхолик ташқарида қолди. Ховли ўртасида чордона қуриб ўтириб, зикри қалб адосига киришди...

Абдулхолик сабоқдан кейин уй юмушларига киришди. Қайноқ қайнатди. Арпа унидан нон ёпди. Қовун уруғидан бўлган ёғни чучитди. Хожа Юсуф дўкондан қайтди. Абдулхолик дастурхон ёзди. Хожа таҳорат олиб, дастурхон бошида ўтирди. Тамади қилиб бўлингач:

- Бугун Маҳаллаи Минорга ўтамиз. Ҳовуз бўйида ваъз айтамиз. Сиз ҳам биз билан юринг,- деди

Айтган вақтда пиру муршид йўлга тушдилар. Пирнинг уст боши малла жундан мурид эса худранг либос кийган эди. Маҳаллаи Минор ҳовузи лабида жамоат жам. Юсуф Ҳамадоний ҳамма билан "Хожам бардаммисиз?" деб кўришди. Давра ўртасида чордона қуриб ўтириб, ваъз айтди:

- Рост йўл бу Муҳаммад Расулуллоҳ йўлидир.² Зероким Хожай олам лутф этган эдилар: "Ё Або Ҳурайра одамларга менинг суннатимни ўргат. Бунга қатъий кириш. Қиёмат кунида порлоқ нур сен томон бўлгай". Шайх Юсуф Ҳамадоний узундан узун ваъз айтди. Ҳадислардан қироат қилди. Ҳаммани шаръий йўлга чорлаб, сўнг бошқа гузарларга ўтди. Ортидан Абдулхолик. Намози пешин адосидан кейин муборак тилда сўзлади:

- Пайғамбар с.а.в. йўлини бидъат, будпарастлар, мухолафат, фитна, сохтакорлик, ўринсиз тақлиддан сақламок зарур. Бу йўлда Абу Бакр Сиддиқ шоҳиста амал қилдилар. Айтмоқ ҳақдирким, бу йўл ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ йўллари дир. Разиаллоҳу анҳунинг бу йўллари кейин ва кейин бизга боғланди. Шайх Юсуф Абдулхолик сузиб узатган қайноқдан бир хўплаб кўзига ёш олди. Узун соқолини ўнг кўли билан тарагандай бўлиб, хаёлга чўмди. Узоқ сукутдан кейин бошини кўтарди. Рўпарасида Абдулхолик чордона қуриб, тавозе билан унга қараб турганини кўриб, суҳбатни давом эттирди:

- Мўминлар ва бу йўлга кирганларга шартдирким ҳамиша кўрсатган йўлдан юрсинлар. Ҳамиша бу оила билан суҳбатда бўлсинлар. Сулук ва эшон тариқатларида бўлсинлар. Бу тоифа билан боғланиш ва ҳамиша суҳбатда бўлишни қанда қилмасинлар...

² Абдулхолик Ғиждувоний: "Рисолаи соҳибия"дан иқтибос.

Эртаси, индини ҳам сабоқдан кейин пиру муршид гузар айландилар. Бозор расталарига ўтиб ҳаммани Муҳаммад пайғамбар суннатлари адосига чорладилар. Орадан ҳафта, ойлар ўтди. Абдулхолиқ Пирдан зикри қалбнинг таълим ва талқини сабоғини олди. Жумладан, Мақоми қалб, Мақоми рух, Мақоми сир, Мақоми хафий, Мақоми ахфони ўрганди. Суҳбатлардан бирида Шайх Юсуф унга қараб шундай деди:

- Эй, Абдулхолиқ билгинким, сулук йўлининг йўли икки қисмга бўлинади. Зоҳирий сулук, ботиний сулук. Зоҳирий сулук улдирким, ҳамиша шаръ ҳудуди сақланмоғи лозим. Имкон борича муҳофаза қилинмоғи керак. Нафс ҳавосидан ўзини четга тортсин. Иккинчи қисм бу ботиний сулукдир. Дил соф, тоза, покизалигида очилиб келмоғи даркор. Саъий Болиғ нафсинг зимнан махфийга банд бўлмасдан қилинмоғи шарт. Ботиний таҳорат ана шунга ишоратдир. Қалб зикрида чексиз жиду жаҳд билан қилинсин. Қачонким, қалб Ҳақ зикрига гўё бўлсин.

Суҳбат шу ерда келганда Абдулхолиқ ботинан юрагини текширди. Сабоқ, машқларда ҳаракати зое кетмаган. Ҳар бир нафас олиб чиқариш пайтида унинг юраги тўрт юз, беш юз марта Аллоҳ дерди. Кўнгли сал тинчиди. Ўзига келиб суҳбатга қулоқ тутди:

- Бу зикрнинг бошланиш талқини , - деди Шайх Юсуф зимдан Абдулхолиқни кузатиб. - Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу юрагида ниш урган. Абу Бакр Сиддиқдан Салмоний форсийга. Салмони форсийдан Жаъфари Содикга. Жаъфари Сиддиқдан Султон Боязидга. Султон Боязиддан Шайх Абул Ҳасан Харақонийга, Шайх Абул Ҳасан Харақонийдан Шайх Абу Али Формадийга...

Суҳбат асносида Абдулхолиқ хаёлан Шайхнинг тариқат шажарасини, авлодий шажарасини тузди. Авлодий жарасини тузиб, ҳавас қилди.. Пок, тоза наслнинг фарзанди, Шайх Юсуф Ҳамадоний....

- Абдулхолиқ...

Чорловдан у ўзига келиб, Шайхга узрхоҳлик назари билан қаради. Қўли кўксида.

- Хожам, Шайх Абу Али Формадийдан бизга етган.

... Абдулхолиқ ярим кечаси уйқудан уйғониб шайхуш шуюхнинг авлодий шажарасини тузди. Унга шам ёқишга хожат қолмади. Қўлини қалам билан сиёҳга чўзгани заҳоти бир тасма нур пайдо бўлиб, қоғоз юзини ёритиб турди. Абдулхолиқ сўз тузди. Сўзлар дур маржон бўлиб порлади: "...Хилватнишинларнинг Иродат осмони, бузрукларнинг мураббийлари, ҳақиқат зодаси Жаноби Мавдат томон йўлга тушдик.

Ва бир муддат бу ерда қолиб, ўшал тариқат бойзосининг сайёҳи, ҳақиқат дарёсининг ғаввоси, Саййид ал-мурсалин шаръийнинг пайрови ва ўшал ғайб сирларини ошкор қилувчи Абу Якуб Юсуф бин Абул Воҳид бин Абул Восит бин Замзам бин Боқир Муҳаммад бин Исмоил бин Абу Ҳанифа Нуъмон бин Собит бин Марзбон бин Шис бин Зайд бин Ҳурмуз бин Парвиз бин Доро Дароб бин Кисро бин Дарнур бин Ашкбўс бин Издаёр бин Калбод бин Бухуш бин Ниёрам шоҳ бин Ардашер бин Баҳром бин Исфандиёр бин Гаштосиб бин Лаҳросиб бин Таҳмосиб бин Кайковус бин Кайқубод бин Нувзар бин Манучеҳр бин Ираж бин Фаридун бин Жамшид бин Бардбин Таҳмос бин Хушанг бин Шерҳинд бин Нужис бин Сом бин Аҳнус бин Каюмарс бин Шиш бин Одам алайҳис салом...". Шу ерда келган ҳам эдиким, қалам юрмади... Коғоз қоралик қилди. Нур ғайб урди. Тушунди... Шайх Юсуф бундан хабар топдилар. Бомдод намозидан кейин наҳорий пайтида Пир Юсуф савол қилдилар:

- Қаламингиз тўхтаб, коғоз сиёҳлик қилдими?

- ...

- Ҳали бу иш учун вақт бор. Биз ўзимиз вақти келса, буюрамиз. Баракали бўлади. Шеърлар машқ қилаяпсиз. Чаккимас. Давом эттиринг, биз ўқияпмиз.

Абдулхолиқ бошини эгиб ўтирди. Устозининг ваҳдоният қуввати нечоғлик қиёмига етганини билиб яна ҳавас қилди. Бор кучини зикри қалбга бериб тинмади. Йил, ой ўтди. Пиру муршид Бухородан Ҳамадон томон йўлга тушдилар. Тариқат биродарлари ортда, Абдулхолиқ, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг чап томонида ...

Хожа Юсуф Ҳамадоний кейинчалик ғаройиб одатга берилди. Ўтирса, турса, юрса, ваъз айтса, сафар қилса албатта чап томонида Абдулхолиқ бўлиши шарт. Бу шартликни хаёлан Абдулхолиқга етказди: "Чап томонида юрак. Сиз унга яқинсиз!". Абдулхолиқ унга жавобан кайтарди: "Аллоҳнинг инояти, Сиз Пири муршид марҳаматингиздан миннатдорман!!!".

Ҳамадонда узоқ муддат бўлдилар. Тариқат биродарлари суҳбатидан сўнг, устозу шогирд Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг бир парчагина ерида ишлаб, деҳқончи қилдилар. Тариқ кўп бўлди. Хожа Юсуф ҳосилни чамалаб чиқиб, эҳтиёжидан ортиғини ажрим қилди. Абдулхолиққа буюрди. Ажрим донни кажавага солиб кўчага, кўчадан гузарга ўтиб эшикма-эшик юрди Абдулхолиқ. Бева, бечора, ғарибу мусофирларга етти корсон товоқ ўлчамида тариқ тарқатиб қайтди. Кечкурун пир хоҳишига кўра Абдулхолиқ ёвғон овқат пиширди. Қиш

бўйи пиру муршид эҳтисоб учун 40 кун юрдилар. Масжид, маҳалла, сахро, дехот, тоғларга бордилар Турк, тожик, араб, хожа, дарвеш, бозорчи, подачи, галабон, туябоқар, олиму бегоналарга фарзу суннат, одоб, мубоҳу макруҳ, хайзу нифос, муомала, истиҳоза, муштаҳоза, сотиб олиш, сотиш бобида амри маъруф қилдилар. Бозорчилар ҳузурида амри маъруф қилатуриб, номаи аъмол ва Пули сирот ҳақдир, - деди. Ўртада ўтирган биттаси савол қилди:

- Шайх, Аллоҳнинг уйини кўрсак бўладими?

Шайх сукутда бўлди. Бошини ҳам қила туриб, ҳаёл қилди. Сўнгра, табассум қилатуриб, деди:

- Аллоҳ таолонинг маскани йўк. Уйи йўк. У яратгувчидир. Унинг маконга ҳожати йўк хоҷам. Касби - фаридадир.

Жимлик ўрнини ғала-говур босиб кетди. Шайх ўнг кўлини кўтариб, уларни тинчлантирди:

- Ҳаммани хуш хулқ, ҳиммат кўли билан шод қилинг, мўмин банда кофир бандадан баланд туради. Шу боис ҳам мен сизлар учун юзма-юз ўтирибман. Фарзу суннат адоси учун буюрилдим. Суннат ўшадирким, зафар буюрилган бўлсин. Жамоат улдирким Абу Ҳанифа ва унинг асҳоби жамоатидан бўлсин!

Амри маъруфдан сўнг деҳалар томон йўлга тушганларида ортларидан тўп-тўп одамлар эргашди. Йўл бўйи Юсуф Ҳамадоний сеvimли тўрт рашҳасини қироат қилиб борди: "Хуш дар дам доред", "Назар бар қадам доред", "Сафар дар Ватан доред", "Хилват дар анжуман доред".

-Ҳамагон,- деди Шайх шаҳарга кириб борар экан, - ҳамма ояндагон, яъни келиб-кетувчилар - бозор демақдир. Дунё ҳам бозор, келиш бор, кетиш муқаррар.

Нонвойхона, ошхона, одамлар жамоа бўлиб ўтирган жойда тўхтаб.

-Луқма емоқ - куч йиғмоқдир. Овқатни шул боис емоқ шартдирким, у ибодат учун куч-қувват бўлсин,- деди Шайх.

Амри маъруфнинг қирк биринчи куни Хожа Юсуф қурбонлик қилди. Пул чиқариб, қул озод қилиб, бир оз нафас ростлади. Қирк кунлик амри маъруф Абдулҳолиқ учун байрам бўлди. У халқ орасида юрди. Улар жамолидан Аллоҳ дийдорини излади.

Хожа Юсуф ҳамсуҳбатларидан бири Хамидуддин Малтоний Самарқандда эди. Хожа Самарқанддан Малтонга кетди-ю, Самарқандга Аллоҳ ёрлари ташрифи зарур бўлиб қолди. Хожа Хизр кўрсатмалари билан Хожа Юсуф Ҳамадоний Самарқандга қайтди. Шайх билан бирга Абу Мусо Ходим, Абдулҳолиқ, Имом Яҳё Ғаторий,

Хожа Исҳоқ, Хожа Работ, Хожа Закариёи Фарғазийнинг жияни, Хожа Одам Шавдарий, Хожа Муҳаммад Ҳаким Балхий, Хожа Муҳаммад Жаҳла, Хожа Қурайш ва Салмон Орифи Турк каби ўн бир киши Самарқанд шаҳрига келдилар. Абдулҳолик билан шайх Юсуф Ҳамадоний Самарқанднинг Ғатфар маҳалласида жойлашдилар. Азизларнинг Самарқандга ташрифини эшитиб, Хожа Хасан Андакий Бухорий, Хожа Аҳмад Яссавийлар келиб хизмат давом эттирилди. Тўққиз ойдан кейин Абдуллоҳ Баракий келиб, шайхга мурид тутинди. Давра кенгайди. Қалб зикрини ўганганлар ваҳдонияти ҳар қандай мушкулотни ечиш қудратига эга бўлди. Муборак рамазон оyi Самарқандда бўлакча ўтди. Хожа Юсуф Ҳамадоний муршидлари билан халқ хизматида...

Ойнинг ўн биринчи, чоршанба куни эди. Шайх Абдулҳолик билан ҳовли эшигидан энди чиқмоқчи бўлиб турувдиларким, эшикни Самарқанд подшоҳининг қосиди - Қосим ибн Жуший қоқди. Абдулҳолик эшикни очди. Қосид ичкари кирди. Шайх кийган ковушини қайта суғуриб, меҳмонга пешвоз чиқди:

- Келинг, хоҷам, хуш кўрдик.

- Сизга Санжар ибн Маликшоҳдан мактуб келтирдим,- деди Қосим ибн Жуший. Шайх мактубни олиб очди. Оят тиловат қилиб, ўқишга тутинди: "Самарқанд Шаҳрининг катталари - ҳазрати Шайх -ул-ислом ва-л-муслимин. Хожа бин Муҳаммад Қозий Алоуддин Умар, Хожа Имомиддин, Абу Амир Ваҳоб, Хожа Дехқон, Шайх Бадриддин, Шайх Иззуддин, Шайх Абул Қосим ибн Юсуф, Шайх Лолои Чокар, Шайх Муҳаммад... Маълум қиладиларким, Хожаи субхоний Шайх Ҳамадонийнинг бу ерга келганлари ... хабарини эшитдик. Бизнинг у ёққа боришимиз учун имкониятимиз йўқ. Сулаймон шоҳ кўп лашкар билан биз томонга келаяпти. Шу сабабдан ҳам вилоятни қаровсиз қолдириб, кетолмаймиз. Қосим ибн Жўший орқали 50 минг юбораяпмиз. Қаландарлар хонақосининг харжи учун пул. Ҳалол важдан кўп эҳтиёт учун, биз ҳаққимизда фотиҳа ўқисинлар. Биз Шайхнинг жавобларини кутаяпмиз. Маҳталмиз. Шайхнинг йўллари саҳобалар йўлидай ҳақ эканлигини кўп эшитдик. Албатта, буни муҳим билсинлар. Хабарчини бебаҳо давлатга мушарраф қилсинлар. Ризвонуллоҳи алайҳим ажмаин". Хат ўқиб бўлинди. Шайх Юсуф Ҳамадоний қосид Қосим ибн Жўшийга "Илтифотдан умидвор бўлиш" жавобини берди. Хабарчи Қосим ибн Жўший эшикдан чиққач улар ҳам ковушларини кийиб, азизларнинг илтимосларини адо этиш учун йўлга тушдилар. Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолик биргаликда

Абдуллоҳ Барақий хужраларига кирдилар. Шайх Юсуф Ҳамадоний илтимослари билан Хожа Ҳасан Андақий, Хожа Алиёна, Хожа Аҳком, Хожа Шамсуддин Ғатфарий, Шайх Муҳаммад Низомиддин Мотрудий, Хожа Муҳаммад, Хожа Корузон Калободий, Хожа Маҳмуд Сужий, Хожа Пул Ғатфарий, Абу Мусо, Имом Яҳё Ғатфарий, Хожа Исҳоқ, Имом Салмони Ориф, Хожа Муҳаммад Жамлай, Хожа Қурайш, Хожа Одам Шавдарий, Хожа Работ шу жойда ҳозир бўлдилар. Жам бўлганларга Султон Санжар қиссасини ўртага ташладилар. Бало қазодан Санжар ибн Маликшоҳни халос этмоғимиз зарур, деди Шайх. Шоҳ юборган эллик минг назрни ҳам эълон қилди. Жамоа ҳамжихатликда хизматга киришдилар. Шайх Юсуф Ҳамадоний "Фотиҳат-ул-китоб" сурасини Султон Санжар ибн Маликшоҳ ишининг ўнг келиши учун қироат қилди. Қироатдан кейин ваъз айтди:

- Эй дарвешлар! Бизнинг қўлимиздан нима келса³, ҳаммасини Санжар учун адо қилгаймиз. Ёмонлик,сахв, хатодан ташқари. Эй бузруквор, - Шайх Юсуф Хожа Алиёнга ишорат қилди. Хожа Алиён кўлини кўксига қўйиб, илтифот кўрсатди:

- Дарвешларнинг илтимослари шулким, - Хожа Юсуф бошини ҳам қилиб туриб, сўнг бошини кўтариб табассум қилди. Унинг бу табассуми озғин юзига ярашиб кетди, - Муҳаммад Расулуллоҳ ҳақларига биздан нима эшитган бўлсангиз, биз рухсат бердик. Шу ҳақда ёзинг!

Ҳамма баробарига дуои хайр, ишга ривож ўқидилар. Жимлик пайтида Абдулҳолик, Юсуф Ҳамадонийга беихтиёр тикилиб қолди. Хаёлан: "Бизга ҳам рухсатдир. Сиз ҳаққингизда маноқиб ёзишга",- деди. Шайх унга унсиз қараб туриб, ваҳдат орқали жавоб қайтарди: "Рубоийда қўлингиз келиб қолди. Эшитиб юрибман. Энди Сизга ҳам рухсат".

Орадан вақт ўтди. Пиру муршидлар қироатининг каромати туфайли Самарқанд вилоятининг подшоҳи Султон Санжар ибн Маликшоҳ бало қазодан омон қолди. Сулаймон шоҳ кўп лашқари билан мағлубият тупроғига адоғ қўйди.

Жавоби ғайбдан кейин Абдулҳолик Шайх Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ҳар бир ҳаракатини қоғозга тушираверди: "Шаъбон ойининг тўртинчи одина куни ситтами (600) санасида тавоф қилиш бахти юз берди. Хожа Носиҳиддин Халтий, Хожа Ҳамидуддин

³ Абдулҳолик Ғиждувоний. "Рисолаи соҳибия"дан иқтибос.

Ногурийнинг ўғли ва Мавлоно Хамидуддин Шоший Шайх Юсуф Ҳамадоний ҳузурида бўлдилар. Шайхимиздан қалб зикри ҳақида сўрадилар. Аммо баъд Шайхимиз муборак сўз айтдилар:" Бу йўлга кирувчи ҳар бир кишига лозимдирким, юрагини ғафлат ғуборию, нафсга тобе бўлиш зангларидан пок қилсин. Ёмонлик сифатларидан юракни поклаш лозим. Юрак калимаи Тайиба айтиши билан покланади. Шарт шулдирким, мукамал шайхнинг таълим ва талқини асосида зикр айтсин. Тоқим бу йўлга кириш осон тушсин... Зикр айтиш вақтида фикрни бир жойга жамлаб, қалбни шунга тайёр қилгач, тил учи юқори жағга пайваст қилинади. Бошқа ҳаракатлар қилинмайди. Тана аъзолари ўз жойида бўлмоғи шарт. Нафасни такаллуфсиз сақлаш даркор".

Хожа Юсуф Ҳамадоний кироатдан бир оз бўш бўлган пайтлари Абдулҳолиқ билан суҳбат қуради. Шайх 75 ёшда бўлса ҳам ҳали мужаррад. Самарқандга келгач уйланди. Бир қиз кўрди. Фарзанди ўғил бўлишини жуда истарди. Аллоҳ иродаси шу бўлгач, бир оз хомуш тортиб қолди. Ора-ора кечалари ҳовли юзига чиқиб, юзини Ҳамадон томон қайтариб, йиғлашга тушарди. Уни бу ҳолатдан ҳеч ким, чиқариб билмас эди. Тариқа биродарлари жам бўлдилар. Ҳамма Хожа Юсуфнинг сўз айтиш марҳаматига интизор... Интизорлик дақиқаларидаги хомушликни Бобо Салмон Орифи Турк бузди. Шайхга савол берди:

- Шайх Бурҳониддин Қилич айтдиларким, зикр айтиш учун нечта таҳорат шартдир?

Шайх саволга табассум қилиб, жавоб қилди:

- Зикрда беш таҳорат шартдир. Биринчи – кўз таҳорати. Номаҳрам нарса, одамларни кўришдан кўз юмилган бўлмоғи шарт. Иккинчи - қулоқ. Қулоқ ҳаром товушларни эшитишдан пок бўлмоғи даркор. Учинчи – тил. Тил - ғийбат, ёлғон, тухмат, бефойда сўзлардан пок бўлсин. Тўртинчи - қорин таҳорати. Қорин маъқулот, машрубот, ҳаром, шубҳали егуликлардан пок бўлиши керак. Бешинчи - ғофил, коҳил, жоҳиллар билан ҳамсуҳбат бўлмаслик. Сабаби инсон табиати шундай, ким билан суҳбатда бўлса, ўшанга тобеъ бўлади. Маърифат аҳли билан ҳамсуҳбат бўлиш муҳимдир. Ўз аҳволини ғайри муҳаррамдан эмас, балким муҳаррамдан ҳам пинҳон тутсин.

Шайх байт айтишга чоғланди. Елкаларини кенг тутиб, бошини баланд кўтарди. Аҳли жамоага бир-бир қаради. Ҳамманинг диққати унга қаратилган. Шеър янгради:

Рози худ бо ёри худ чандонки битвонй магу

Ёрро ёре бувад, аз ёри ёр андиша кун.
Шайх сўзини давом эттирди:

- Дил зикрини мўътабар қиладиган яна тўрт нарса бор. Булар: Ихлос, таъзим, ҳаловат, ҳурмат. Зероки, ихлоссиз зикр мунофиқлар зикридир. Таъзимсиз зикр бидъатчилар зикридир. Ҳаловатсиз зикр фосиқлар зикридир ва ҳурматсиз зикр истехзақорлар зикридир. Шайхга лозимдирки, йўлда сабот кўрсатиш, манзилга етиш қийинчиликлари ҳақида муридларига ҳикоя қилиб берсин. Тариқатга қарши хато, хилоф, муҳолифатлардан муридни огоҳ этсин. Агар мажоз, нафс йўлидан келган бўлса қайтарсин. Абу Бакр Сиддиқ ривоят қиладиларким: "Аллоҳга умидворлик йўлидан келсин. Тариқатга кириш таклифини жону дил билан қилсин. Сидқу ирода кўлини тутсин, ўргансин". Шайх сўзи охирида дуойи ҳайр ўқиб, юзига фотиҳа тортди. Ҳаммалари дуога кўшилдилар.

Шайх Юсуф ва Абдулҳолик кўп фурсат Самарқандни гир-гир айландилар. Амри маъруф, ваъзлардан кўнгиллари тўлгач, сафар майли туғилди. Пир олдинда ортда муридлари. Улар Аму бўйларига бордилар. Одамлар билан учрашиб, фарзу суннат айтиб, улар дуолари олинди. Қораҳожиди, Ховарзамин, Бадахшонда сафарлар унум берди. Шайх кўнгли муридлардан бирмунча равшан тортди. Салмоқ қилиб кўрди. Аму бўйи, Қораҳожиди, Хоразм, Бадахшонда бирорта ҳам бидъатчи, худо беҳабар қолмаган. Ўзию, муридларининг сидқидилдан қилган хизматлари натижаси унумли: "Ана энди, - деди Шайх ичида, - Пайғамбаримиз суннатларини ҳамма ихлос билан адо этса, биздай шайхларга иш қолмайди. Илоҳо шундай бўлсин!".

Пиру муршидлар сафардан қайтиб, Самарқандда кўним топдилар. Абдулҳолик Пир хизматида. Ўтин териб келади. Фурсат топса шайхнинг қизчасига қараб туради. Егулик тайёр бўлгач, дастурхон ёзишга ёрдамлашади. Муҳаррам ойининг биринчи даҳаси эди. Тушлиқдан кейин Шайх Абдулҳолик билан суҳбат қила туриб:

- Эй Абдулҳолик, - деди.
- Лаббай Шайхим, - Абдулҳолик ўрнидан югуриб туриб, таъзим қилди, - лутф этинг.

Абдулҳолик тиззада ўтириб, Шайх оғзини пойлади. Хожа Юсуф марҳамат қилди:

- Эй, Абдулҳолик, қачонки Буюк Шайх - Хожа Али Формадий фано эшигидан бақо эшиги томон йўл олдилар, тариқат ва шариатда юз берган мушкулотлар ечимини руҳларидан илтимос қилардим. Ўша захоти эшон руҳониятлари воқеа ечимини кашф қиларди. Бу йўлда

Хожа Али Калондан қанча фойда кўрган бўлсам, ҳаммасини тариқат йўлининг солиқлари ва Аллоҳ йўлидаги ниёзмандларга етказдим. Яна Аллоҳ умр берган бўлса, етказаман, - Шайх чуқур нафас олди, шукроналик оятини тиловат қилиб, муборак юзини Абдулхолиққа қаратиб айтди:

- Эй, Абдулхолиқ! Мен қандай Хожа Али Калоннинг тўртинчи халифаси бўлган бўлсам, сен ҳам худди шундай бизнинг тўртинчи халифамиз бўлурсан.

Шайх кўзларида ёш ҳалқаланди. Узун қолати, ўтирганда баттар букчайгандай кўринди. Абдулхолиқ масалага ойдинлик киритиш мақсадида савол қилди:

- Сиздан кейин ким халифа бўлади?

- Биздан кейин Хожа Абдуллоҳ Барақий халифа бўлади. Ундан кейин Хожа Ҳасан Андақий, Андақийдан кейин Хожа Аҳмад Яссавий. Қачонки Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон вилоятига сафар қилса, халифа сен бўлурсан. Ҳамиша Муҳаммад Расулуллоҳнинг шаръий йўлларида бўл. Шаръий йўл қонунларига заррача бўлса, ҳам тажовуз қилмагин. Шаръий йўлга муҳолифат қиладиган бирор кишини кўрсанг, уни бу йўлдан қайтар. Ман қил. Валлоҳу таоло аълам:

Шайх юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. Масжиди жоме томон йўлга тушдилар. Шайх Юсуф масжиди жомега боргунга қадар йўлда Куръонни хатм қилиб борди.

XXX

Мухаррам ойининг учунчи даҳасига ўтар куни Хожа Юсуф уйқуда эди ҳамки, ташқарида кимдир уни чорлади. Эшикка бориб келиб, Қуръондан уч пора тиловат қилди. Юзига фотиҳа тортиб, кулди, шод кулди. кўзи ширин ётган қизига тушди. Кўзига ёш олди. Бундан қирқ кун олдин аёли қазо қилиб, қизи онасиз қолган. Аёлни Чокардиза қабристонига кўмган эдилар. Шайх тонг билан бориб ундан хабар олди. Ойнинг 28 - пайшанба кунигача ҳеч кимга ҳеч нима демади. Кечаси мижжа қоқмай чиқди. Эрталабгача қироат қилди. Тонгда яқин - йироқларни чорлаб, дийдорлашди. Кейин қизи, Абдулхолиқ билан юзма-юз ўтириб тушлик қилди. Намози пешинни муридлари билан бирга ўқиб, сўнг орқасини меҳробга қилиб турди. Аҳди намози пешин Шайх оғзини пойладилар. Асҳобларига ишора қилди: "Сув иситинглар". Гап нимада эканлигини асҳоблар дарров сезиб, йиғлашга тушдилар. Шайхнинг чехраси йиғидан ғамли бўлмади. Юзини

Абдуллоҳ Барақий, Ҳасансан Андақий, Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулхолиқга бир-бир қаратиб, ҳаммани кўздан кечирди. Сўнг эса васият қилди:

- Биз қойим мақомимиз Хожа Абдуллоҳ Барақийни қуйдик. Сизлар Хожа Абдуллоҳ Барақий измида бўлиб, хилоф иш тутманглар. Халифалик Сизга етгач, яхши яшанглар. Асҳобларга буюринг қалб зикри қилсин! Баланд овозда зикр қилманглар. Султон Санжар ибн Маликшоҳга нома юборинглар. Бизнинг жанозамизга қатнашсин. Мурид асҳобларга ўз одобимиздан ўргатинглар, - Шайх қилт этиб ютинди. Юзини Хожа Аҳмад Яссавийга қаратди. Хожа Аҳмад кўзда ёш ўтирарди.

- Хожа Аҳмад Яссавий!

Хожа Аҳмад югуриб туришга чоғланди. Шайх қўли билан "Ўтиринг" ишорасини қилди:

- Бўтам, "Фотир", "Ёсин", "Ван-нозиот" сураларини қироат қилинг.

Суралар қироат қилиб бўлингач, Шайх юзида ўзгариш содир бўлди. Ранги оқариб кетди. Ёронлар Шайх Юсуф Ҳамадоний ҳолатини кўриб, ғирев солдилар. Фиғонни эшитиб, кўзини очди. Сал ўзига келгандай бўлди. Узун нафас олиб сўзлади:

- Биз Аллоҳнинг бандаларимиз. Бандаларнинг жон беришини Аллоҳдан ўзга киши билмайди.

Дар куйи ту ошиқон чун жон бидиханд.., Мисрасини ўқиб, яна чеҳрасида ўзгариш содир бўлди.

Абдуллоҳ Барақий тариқат биродарларидан илтимос қилди:

- Сизлар ташқарига чиқиб туринглар. Ёронлар ташқари чикмасларидан Шайх буюрди. Овозини ҳамма эшитди:

- Мени шу уйда дафн қилинглари. Жанозамни Масжиди жомеда ўқинглари. Қизимни... Қизимни Саййид Шарофиддин ўғлига беринглари. Мени Хожа Абдулло Барақий ювсин. Қабрга Хожа Ҳасан Андақий қўйсин... -, бир фурсат жим қолди. Кейин:

- Ёронлар, намозни қанда қилманглари. Аллоҳ бандаларига меҳрибон бўлинглар, - васиятларини айтиб, бўлгач, Шайхнинг руҳоният кушлари юқори оламга парвоз қилди...

Шайх жанозасига бутун Самарқанд аҳли йиғилди. Абдуллоҳ Барақий ювиб кафанлади. Жаноза Самарқанднинг масжиди Жомеъсида ўқилди. Қабр эса Шайх яшаган уй ўртасида қовланди. Кўмилиш маросимидан сўнг, ўй деворлари йикитилди. Катта-катта

кесаклар янчилик, тепалик ҳосил бўлди. Шайх Юсуф Ҳамадонийни Самарқанд тупроғи аста-секин бағрига олди.

Хожа Абдулхолик Ғиждувоний тупроқ тепага қараб туриб, кўзида ёш халқаланди: "Йигирма икки ёшимда Шайх этақларини тутган эдим. Ўшанга ҳам 16 йил бўлибди. Хайр, Шайхи Бузруквор. Мен қачонки бирор мушкулот ечимда қийналсам, Сизнинг руҳониятингизга мурожаат қиламан, шунга изн беринг". "Маноқибни Хожа Юсуф Ҳамадоний" рисоласидаги маржон жумлаларни кимдир қулоғи остида қироат қилаётгандай. Тик турди. Қимирламади.

"Тарихда зулкаъда ойининг йигирма саккизинчи, сешанба куни сана арбаъа ҳам самиъа эди. Бизнинг Шайхимиз ҳаётларидан минг тўққиз ойю, йигирма олти кун ўтган эди. Шайхимиз сафар ойининг иккинчи - душанба куни бил-л-хайр ваз-зафарда туғилган эканлар. Ўттиз саккиз марта яёв ҳаж қилган эдилар. "Қуръон"ни минг марта қироати билан ўқиган эдилар. Тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, фуруъ ва калом китобларидан етти юз жуз ёдлагандилар. Икки юз ўн учта машоих билан учрашган... Саккиз минг бутпарастни мусулмон қилган эдилар... Улар гуноҳларига тавба қилиб, бу йўлга киргандилар. Улар сонини ҳеч ким билмайди".

XXX

Хожа Абдуллоҳ Барақий, Хожа Ҳасан Андақийлар иршод тахтига ўтирганларида Абдулхолик улар хизматида бўлди. Бир сафда туриб, тариқат йўлида тер тўқди. Иршод тахтига ўтириш навбати Хожа Аҳмад Яссавийга текганда ҳам Абдулхолик сидқидилдан хизмат қилди. Хожа Аҳмад Яссавий Ясси шаҳрига кетар пайти Абдулхоликни ўрнида халифа этиб тайинлаб, дўстининг иршод тахтига ўтиргандан кейинги илоҳий жамолини кўриб, кўнгли хотиржам Она юрти Яссага равона бўлди. Иршод тахтига ўтиргандан кейин Хожа Абдулхолик Ғиждувоний ҳаёлга ботди: "Келганимда 22 ёшли йигит эдим. Орадан 25-26 йил ўтибди". Қироат, тиловатдан кейин Ғиждувон томон қайтиш ҳаёли уни ўзига мафтун этди. Уй бурчагига каради. Бундан йигирма олти йил бурун Ғиждувон калъасидан олиб чиққан сопол кўзача турар. Сопол кўзача оғзини очганча: "Еб, ич, имкониятига яраша" сўзларини айтиб тургандай кўринди. Ўрнидан турди. Жуббасини кийиб, наълайни оёғига илди. Уй пойгагида турган сопол кўзани олиб, юз кўзига суртди. Ўпиб, "волид, волида қўлларининг изи қолган. Эй, кўза

юр энди. Гиждувонга қайтамиз, - деди. Эшикдан чиқиб, Гиждувон томон йўлга тушди. Ўнг қўлида учида найза қўндирилган ҳасса, чап қўлида сопол кўза. Устида худранг жўбба. Дасторининг учи икки елкаси ўртасида ташлаган. Ортида эса муридлар.

XXX

Хожа Абдулхолик Гиждувон қалъасига кириб келиб, дарвоза остонасини ўпди. Бир ҳовуч тупроқ олиб, юз кўзига суртди. Тошқудукдан кўзасида сув олиб, ичиб, шукронасини Аллоҳга қилди. Қудук бошида ўтириб, тиловат қилди. Тиловатдан кейин Хонум яшаган ҳовли томон йўл бошлади. Уч кеча ҳаммалари шу ҳовлига сиғдилар. Кейин, муридлар қалъа ичидан ўзлари учун маскан излаб кетдилару Хожа бир муриди билан қолди.

Қалъа бўйлаб хушхабар тарқалди. "Пир Хожа Абдулхолик Гиждувоний киндик қони тўкилган Гиждувонга қайтибдилар". Пир зиёратига келиб, кетадиганлар кўпайди. Бу хабар Румгача етди. Рум подшоҳи хушхабарга жавобан бир олам бойлик юборди. Олтин юкланган туя карвони Гиждувон қалъасининг жануб томон дарвозасидан кирди-ю Хожа Абдулхолик шимол томон очиладиган дарвозасидан дохил бўлди. Орқасида бир гумбаз утин. Ўтинни келтириб, бозорга пуллаб уйига қайтаётганида олтин юклаган карвон Румдан келгани дарагини Хожага бердилар.

- Туяларни қаерда тўхтатиб, юкларни туширайлик, - деб сўрадилар Хожадан.

Хожа Рум подшоҳи ҳакига дуои ҳайр ўқиди. Карвонбошига юкларни Масжиди жомеъ ҳужрасига туширишни буюрди.

- Хожам, бу тухфалар Сиз учун, Хонақоҳ учун алоҳида бериб юбордилар, - деди карвонбоши. Ҳайрат дунёсига чўмилган Хожа Абдулхолик лутф этди:

Хожам, Хонақоҳ учун назрни Хонақоҳга топширинг. Мен учун аталган тухфалар масжид ҳужрасида туради. Эрта бўлсин, ҳаммасининг иложи топилади.

... Эртаси айтилган "илож" топилди. Хожа Обқанд қалъаси ўтрасида Бухоро Шаҳристонидагидек улкан Минора куриш лозимлигини қосид орқали оқсоқолларга етказганида, фикри маъкулланди. Усталарни ёллаб, ҳисоб-китобни ҳам бир йўла қилди. Ҳисоб-китобдан ортиб қолган тухфа-олтинларни намози пешингача ҳар бола бошига, етим-есирларга бўлиб берди. Намози пешин

адосидан кейин Хожа эртанги нон учун ўтин териб келиш керак,- деб сахрога чиқиб кетди.

Сахрода янтоқ чопаётиб, хаёлга ғарқ бўлди: "Зап иш бўлдида. Минораи калондан тортилган азон Обқанднинг кўли Уштурумигача келади. Буёғи-чи? Энди, бу ташвиш ғами ўлди. Обқанд минораси курилади. У жуда баланд, мустаҳкам, кўркам бўлиши аниқ. Умримиз бино бўлиб, битта минора куришга қурбимиз етти. Аллоҳим, мунаввар орзулар жамолига мени етказтир. Сенинг марҳаматингу, менинг хоҳишим билан Ғиждувон Шохпурком, Ғишти-ю Тавовис тоғ билан азони муборак эшитиб, сажжода устига адоқ кўяди"...

XXX

Тоқлик юзида адоқ кўйди. Жуфтликни ихтиёр этди. Уйланди. Уйланиб, розини Аллоҳга айтди. Ваҳдат қуввати айтар меъёрига етди. Бир намоз вақтида Каъбатуллоҳга бориб-қайтадиган бўлди. Ғиждувон қалъасидан Бухорогача, Бухородан Хоразм, Самарқанд, Қашқару Ғири, Хуросону Шомгача Унга сари ибодат ҳам этдилар. Тухфаю инъомлар кўлини узун қилди. Шомга борди, пулни белига туғиб хонақоҳ жойини танлади. Усталар кўмак бериб, қўл ҳақларини олиб, рўзғор қилдилар. Хожа Абдулхолиқ эса хонақоҳда ўтириб, мурид танлади. Сабоқда мур тарбиялаб, сафоли назарга етказди. Адоғи йўл тупроғи ҳидидан сархуш, кўнгли сафар қуёши билан мунаввар. Иршод тахти юртларини кезиб, ваъз айтди. Амри маъруф қилди. Зикри ҳидоятни ўргатди. Ҳаммани шу йўлга киришлари учун даъват маёғи бўлди. Хожаи Жаҳонни ҳафтанинг душанбаси Хоразмда кўрган халқ, сешанба, чоршанба кунлари Чоржўй, Ғири, Ҳамадону, Нишопурда ваъз айтиб, юргани хабарини эшитиб, ёқа ушлардилар. Хожа тинмади. Хожа чарчамади. Хожа оч қолмади. Бегона қозондан овқат тановул қилмади. Бировнинг кўли учи билан дастурхонга келган нондан бир тишлам тишламади, йўл-йўлакай дашту биёбондан ўтин териб, дуч келган бозорга сотиб, чой-чақа тўплаб, эҳтиёжини раво қилди.

XXX

Пешин намози адосидан кейин масжид супасида қуёш ортидан қараб, муридлар билан суҳбат куриб ўтирди. Бир ниёзманд келиб дуо сўради.

- Эй Хожа, бизга имон дуоси билан мадад қилсалар, шояд бу шайтон тузоғидан иймонимизни саломат этсак...

Хожа ниёзманд юзига табассум билан қаради. Бир нафасда уч юз минг марта Аллоҳ номини зикр қилди. Вужуди ўтга айланди. Бир, икки, уч қарич учиб, ўтирди. Қанот бўлган кўлини икки тиззаси кузида кўйиб, лутф этди:

- Бунинг чораси бор, Хожам. Инсон фарз амалларини доим адо этиб юрса, дуолари мақбул бўлаверади. Сиз, фарз бўлган амаллардан кейин доим бизни дуойи хайр билан ёд этинг, Хожам. Биз ҳам Сизни ёд этамиз. Шунда Сизнинг ҳам, бизнинг ҳам дуоларимиз ижобат бўлур, дея умид қиламиз. Давра аҳли Хожа жавобидан кейин тетиклашди. Қаландар кашкўлга тушган овқат тановулидан ор қилди. Олдин жандаси орқасида ўтин териб келиб, сотиб, арқон харид қилди. Янги арқон билан дўст бўлиб, ўтин терди. Бозор савдоси билан юзма юз ўтириб, ризқини ҳалол топиб, фароғат уйқуга кетган кечаларининг тонгида намози бомдод адоси иссиқ кечди. Ҳалол луқма козончаларда қайнаган сайин ўчоқлар ҳам ишга киришиб кетгани бева-бечора танасига ёғ югургани бўлди.

XXX

Амри маъруф адоғида бир дарвеш Хожага савол қилди:

- Ҳазрат Хожа, шайтон солиқларга васваса қила оладими?

Хожа унинг дастори, ҳассаси-ю, жандасига қараб туриб, жавоб қилди:

- Нафси фанонинг сиррига эришмаган солиҳ ғазабланганда, шайтон унга васваса қила олади. Нафси фанонинг сиррига эришган солиқда эса ғазаб бўлмайди. Ғайрат бор жойдан эса шайтон, албатта қочади. Бундай сифатга ўнг кўлида Қуръони карим, чап кўлида Пайғамбар алайҳиссалом суннатларини маҳкам тутган, уларнинг зиёсидан тўлган юрганларгина эришадилар.

Даврадагилар ўринларидан турдилар. "Ризк кўлда" дея тўрт томонга равона бўлганларини кўрган Хожа шод бўлди.

Хожа Абдулхолиқ боғни хуш кўрди. Олма, ўрик, нок, зардоли хидини хидлаб, дуои хайр ўкиди. Марза ёнидан ўта туриб: "Ҳосилига Аллоҳ барака берсин, омборлар муроди ҳосил бўлсин",- деди. Унинг бир умрлик шиори - мурид қалбида дуога айланди. Қаландарлар сони камайди. Хонақоҳлар бир мунча жимиб колди. Учига найза санчилган ҳассалар боғ эшиги деворига ё янги экин майдони эгати устида уйқуга

кетадиган бўлди. Машкоблар машининг бозордаги нархи - осмонда. Тоғ кўйнида боғ яратганлар елкасида меш кўтариб боғ суғорди. Бозор тўкин бўлди. Буғдой кўпайиб, нарх орқага кетди. Аёлининг қистови билан бозордан уч қоп буғдой сотиб олиб келган Хожа, кичкина омборча куриб, атрофини лойшувоқ қилди. Тўрвадаги буғдойни омборга тўка туриб, буғдой хидлади. Иштаҳаси очилиб кетди. Ярим қоп буғдой орқалаб, тегирмонга бориб келиб, аёлидан илтимос қилди:

- Биладан, тушликда шўрва қайнатмоқчисиз. Шўрвани кечкурунга қилинг.

- Тушликда-чи?

- Тушликда қовок сомса қилинг. Мана ун, тандир. Мен бозордан ошқовоқ келтираман,- деди Хожа ҳирқаси этаклари чангини қоқа туриб.

- Қўшнидан сўраб чиқаман. Кеча боғида экилган ошқовоқларнинг сарғайганини узиб келтириб, том бошида қўйди.

- Нега энди қўшнидан?

- Ахир, боғ, вақтида Сизнинг боғингиз бўлган. Сиз қўшни ўғлига топшириб кетгансиз. Қайтиб келиб, боғни сўрамадингиз. Сизнинг ҳам ҳаққингиз бор-ку, боғ хосилига.

- Мен боғни ҳадя қилганман. Улар етим-есир болалар эди. Тухфани қайтариб олиш - менинг вазифамга кирмайди. Оғзим ерга ёпишиб қолса ҳам бу рафторни қилгудек бўлсам, куфрга қоламан. Менинг тамоғимга бозордан сотиб олиб келадиганим раво, сўраб олингани эмас, Ойим.

У шундай деб, ҳовли дарвозасидан чикди. Фурсат ўтмай, икки қўлтиғида иккита зағома ошқовоқ, эшигдан кириб келди. Хожа тандирга олов ёкди. Чўғлар устига кул ташлаб, ҳовурини пасайтирди. Ойим тандирга сомса ёпиб, оғзини эски камзули билан ёпди:

- Бироз буғда турсин...

Хожа сомсанинг бир учидан тишлар экан, ичига қаради: Сап-сарик, ёғ суртилган ризқ. Иштаҳа кўзғотувчи хид таратиб, Хожа ҳавасини оширди.

- Пайғамбар ҳам қовок солинган таомни хуш кўриб, тановул қилар эканлар. Биз ҳам, Юсуф Ҳамадоний Шайхимиз ёғга солиб, қиздириб олинган сомсани маъқул кўрардилар. Мен хамирош олиб, қовоқ янчиб, сомса пишириб турганларимда, Хожа ўчоқга ўтин ташлаб олов ёнишига қараб туришлари ажиб эди...

Хожа гапириб-гапириб, тўрт-беш дона сомса еб, корсон товоқда қолганини дастурхончага ўраб, қўлга олиб, масжидга ўтди. "Имом ҳам сомса есун, дуоси бизга тегади".

XXX

Бомдод намозига яқин тинган ёмғир ортидан булутлар тарқалди. Осмон юзи очилди. Қуёш чараклаб чиқди. Замину замонни тупрок ҳиди аралашган шамолнинг секин-аста эсиши тутди. Ердан ҳовур кўтарилди. Кўзи ўткирлар ариқ лабларидан кўринар-кўринмас буғ кўтарилаётганига ҳавас билан қараб, қолдилар. Тупрок исиди. Баҳор ҳиди иссиқлик билан аралаш-қуралаш бўлиб, чумоли инларига етиб борган сониядан қишки уйқу бузилди. Чумолилар ғимир-ғимир қилиб ин оғзидаги ғурагил қилинган эшик тамбага ёпишдилар. Кўп тумшуқу ҳисобсиз оёқлар ин эшиги қаршилигини синдириб ташлаб, сассиз, овозсиз ташқари чиқдилар. Бир-икки соатдан кейин чумоли инлари оғзи айланма чуқурчага ўхшаб қолди. Қиш уйқуси ўз ишини қилган. Карахт чумолилар дуч келган нарсага ёпишар... Пирмаст ариғидан сопол кўзасини сувдан тўлдираётган Хожа Абдулҳолик кавши устида 4-5 та чумоли чиқди. Биттаси карахтлик ҳолатидан чиқолмай кавш учидан сувга тушиб кетди. Хожа кўзани ариқ лабига қўйиб, қўлини сувга солиб турди. Ғарқ бўлган чумоли сув билан келиб Хожа қўлига ёпишди. Чумоли қўл билагигача ўрмалаб-ўрмалаб чиқгандан кейин Хожа қўлини сувдан олиб, чап қўли билан билагидаги чумолини оҳиста олиб, уни оғзига келтириб, секингина қўйди.

- Баҳор, баҳор. Лекин баҳор беқарорлик дегани эмас-ку. Кўзга қараш ҳам даркор. Аллоҳ яратгани - биродар. Бор ичкари кириб исин. Кейин ризқ теришга чиқасан.

Хожа чумолини уни оғзида қўйиб, ортига кайтди. Келиб сув тўла ибриқини олиб, уйи томон равона бўлди. Иўлда уни бир дарвиш тўхтатиб, суол қилди.

- Агар Хақ таоло мени жаннат билан жаҳаннам орасида эркин қўйса, мен дўзахни танлайман. Чунки, бутун умрим бўйи нафс хоҳишларига қарши курашиб келдим. Шундай ҳолда жаннатни танлашим нафс истагидур. Ҳолбуки, дўзах нафс учун Хақ муродидир.

Хожа ибриқни чап қўлига олиб, ўнг қўлини дарвеш елкасида қўйиб, айтди:

- Банданинг танлаш билан иши бўлмаслиги керак. Қаерга бор десалар, боради. Қаерга бўл десалар ўша ерда бўлади. Бандалик ҳам шу. Сиз айтганингиздек эмас.

Дарвеш Хожа кўлини елкасидан олиб, ўпмоқчи эди, Хожа рад этди:

- Узр, хоҷам, менинг кўлим эмас, Аллоҳ адоғи ўпишга лойиқ. Аллоҳ йўлида риёзат чекинг.

Хожа кетмоқчи бўлиб бир қадам ташлаган эди, дарвеш:

- Қани Хоҷам, ибриқ кўтариб юрибсиз, - деди.

Уйга боряпман. Келинингиз кир ювмоқчи экан, ўшанга...

Хожа Абдулхолиқнинг муридлари қаторидан яна бир ёш йигит ўрин олди, балоғатга етган. Айнан гапида туриб, ҳаракат қиладиган йигит. Хожа Абдулхолиқ Аҳмад Сиддиқ, Ориф Ревгарий, Сулаймон Карминийларни қирқ кунлик синовдан кейин белларини боғлаб, очиб, атрофида олиб юрди-ю, яқинда келган йигитга: "Ҳали вақт бор", деб кўйди. Кунлар ортидан кунлар келиб, ёш йигит Хожа суҳбатидан узоқланди. Бир муддат Хожа Абдулхолиқ масканига келмай кўйди. Йигит туш кўрди. Тушида бир гуруҳ кишилар келиб қолдилар. Йигитга:

- Сен энди камолотга эришдинг. Юр, сени жаннатга олиб борайлик,-дедилар.

Уни туяга миндириб, гўзал масканга олиб бордилар. Масканда боғ. Боғда мевалар пишган. Сувлар ирмоқлардан оқиб, катта ҳовузга, ҳовуздан яна ариқларга оқиб, ўйнаб юрар. Лаззатли таомлар пиширилган. Тахтда ўтирса-бас...

Туш уч марта такрор бўлди. Йигит хаёли бўлинди. Хожа бир-икки кун кўрдикки ёш йигит йўқ. Фаросат нури билан бу ҳолатни мушоҳада этди. Аҳвол ўзгармас. Бомдод намозидан сўнг ёш йигит ҳовлисига борди. Йигитни бу ердан топиб, савол қилди. Йигит бўлган воқеаларни Хожага айтиб берди. Хожа хаёлга ботди. Кейин йигитга:

- Яна бир марта ўша жойга борсанг, уч марта: "Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ", деб айт ва кўзингни оч - деди. Суҳбатдан кейин ортига кайтди..

Йигит шу кеча яна туш кўрди. Ўша манзара. Бир гуруҳ одам. Гўзал маскан, лаззатли таомлар. Сув, ирмоқ, ҳовуз. Йигит хотирасига Хожа айтганлари тушди ва "Ла ҳавла, ва ла қуввата" деди-ю кўзини очди. Кўзини очиб кўрдикки, ўлимтик ҳайвон суяклари орасида ўтирибди. Ўрнидан турди. Чопони барларини қоқиб, мушоҳада этди.

- Хей, шайтони лаин, - деди кўлини мушт қилиб, - сен менга тузоқ кўйиб, йўлдан адаштирган экансан. Йўқол, йўқол, йўқол.

Эртаси эрталаб Хожа суҳбати даврасига ошиқди. Хожа хузурида ахд қилди. "Бундан буён Сизнинг суҳбатингизни ҳеч қачон тарк қилмайман".

XXX

Хожа Абдулхолик муридларига зикри қалб қолибини ўргата туриб тўрт рашҳа кўшди. "Ёд кард", "Боз гашт", "Нигоҳ дошт", "Ёд дошт". Хожа ухлаганида ҳам юраги зикр билан банд бўлди. Юрганда ҳам, турганда ҳам ваъз айтди. Аёли билан дастурхон бошида ўтириб, рўзғор ташвишлари ҳақида тортишганда ҳам... Бир куни эрталаб утин теришга кетаётиб, аёлига тайинлади. "Мени узоқ юртдан сўраб келади, бир мўмин. Айт кўчанинг Шимол дарвозаси ёнига борсин. Учрашамиз". Хожа кетгач, оз вақт ўтиб, ҳовли эшиги очилиб, нотаниш одам бош суқди. Хожа аёли лутф ҳам этмай, жаҳл аралаш:

- Хожа, ўтин теришга кетдилар. Рўзғор тортмоқ шарт. Умри масжидда ўтмайди-ку... Шимол дарвозаси томон ўтинг, шу ёқдан кириб келдилар...

Меҳмон қалъа айланиб, дарвоза ёнига келган эди ҳамки, ҳамма қатори Хожа ҳам савора бўлиб, дарвозадан кирди. Меҳмон ёнида саворасидан тушиб, кўлидаги қамчини ерга ташлаб юборди. Меҳмон қотиб қолди. Қўлтиғида Хожа учун олиб келган совға, саломлар. Қамчи юриб кетди. Дикқат қилиб қаради. Қамчи эмас, илонни Хожа қамчи қилиб келган экан. Илон дарвозадан ўрмалаб чиқгач, Хожа ўтинни тушириб, саворани озод қилди. Савора ортига қайрилгач, меҳмон яна ҳайратдан ёқа ушлади. Савора - от, эшак эмас, балким арслон эди.

Меҳмон ичида: "Хожанинг шунча илоҳий қудрати бор экан ўтин теришга на ҳожат, буюрса, келаверарди-ку деди. Ўтин орқалаб йўлга тушган Хожа овоз чиқариб, айтди:

- Илоҳий каромат ўз йўлида. Рўзғор тебратиш каромати - машаққату ҳалол томоқ билан бир йўлда. Совғаларингизни тиланчиларга беринг. Хожа-Хожа. У нарзхўр эмас. Қўл меҳнати ризқнинг хўрандаси.

XXX

Хожа Абдулхолик ваъз айта туриб, рубоий айтди.

Чун мегузарад умр камозорй бех.
Чун медиҳадад даст, накўкорй бех.
Чун киштаи худ ба дасти худ медаравй.
Тухмеки накўтар аст, агар корй бех.

Хожа Абдулхолик хонакоҳда ўтириб рубоий айтди:
Он кас ки зи асҳоби жаҳон фард бувад,
Бо ҳамияти у рўй замин гарб бувад.
Ҳарчанд, ки Ҳақ диҳад, ато созад холик.
Он кас, ки кунад базл, жавонмард бувад.
Йўлда кетаётиб, бозорчиларнинг саломига жавоб қайтара туриб,
шеър айтди:

Гар бар дилат аз касе шикоят бошад.
Дарди дили ту аз ў бағоят бошад.
Зинҳор ба интиқом машғул машав,
Бадро бадии хеш кифоят бошад.

Хожа Абдулхолик зўр илҳом билан иншо этган "Мақомоти Юсуф Ҳамадоний", "Мақомоти Абдулхолик Ғиждувоний", "Васоя", "Аз гуфтори Хожа Абдулхолик Ғиждувоний" асарларини қўлига олиб, варақлаб туриб рубоий айтди:

Эй дил бигузур зи шодмонию жаҳон
Пайдост чӣ хезад зи жовидонию жаҳон
Рўзею шабе бибояд рихлат кард
Мағрур машав ба зиндағонию жаҳон.

Сафарда, Ҳажда, зиёрату сафаротда юрган Хожа Абдулхолик ёзган рубоийларидан яна бирини замзама қилди:

Саттори ҳама уюб бояд будан.
Ғам чӣ, аз ғами қулуб бояд будан.
Гар дар талаби ризою холик бошӣ,
Бо халқ ба хулқи хуб бояд будан.

Хожа Абдулхолик сон-саноксиз муридларига зикри қалб дарсини ўта туриб, рубоий ёзди ва ўкиди:

Ин гавҳари ишқи худ зи кони зикр аст
Манзилгаҳи ошиқони жаҳон зикр аст.
Ва он мурғе, ки дона зи доми худ хурад,
Берун зи ду кавн дар жаҳони дигар аст.

Сухбатларда бир муддат жим қолиб, юрак урушига кулоқ тутиб, хотири саҳифасига рубоий ёзиб, ичида ўқиди. Такрор ўқиди. Ўзи ижод қилган рубоий чакки эмаслигидан кўнгли тўлиб, уни овоз чиқариб ўқиди:

Инкор макун симоъ ва мақбул мадор
Илло зи касе, ки зиндадил бошад ёр.
Гар нафси ту мурда нест аз шуҳрату оз
Бо савму салот бошу дигарро бигзор.

Аёли Хожага фарзандсизлигидан шикоят қилди. "Муриди бисёр Хожасиз. Аллоҳга яқин банда санайсиз ўзингизни. Сўранг Аллоҳдан бизга фарзанд берсин. Ёшингиз ҳам бир жойга бориб қолди".

Хожа умрида биринчи бор хафа бўлди. Аёлининг калтафаҳмлигидан хафа бўлди. Қаричи майдалигидан хафа бўлди. Қоши чимирилди. Юзида ажин тушди. Икки қоши орасидаги ажинлар чуқурлашди. Соч-соқолидаги ягона қаро тук оппоқ кумушга айланди. Юраги садо берди. Қўллари, адоқ сўнгалари садо берди.

- Эй, бону, - деди Хожа аёлига тик қарамай, юзини ўнг елкаси томон қаратиб:

- Янги туғилгаётган чақалоқлар - Аллоҳнинг бандалари. Уни Сен туғмадинг, кўшнининг келини туғди. Шу гузарданми? Демак у менинг ўғлим. Сенинг фарзандинг. Қалъа хонадонларида ҳар куни 5-6 чақалоқ кўз очади. Сену мени излаб, йиғлашга тушади. "Хожа шу ердалар", деб фаришталар овутадилар чақалоқларни. Улар менинг фарзандларим. Қалъа зурриёти, Сенинг невараларинг. Эрта-индин балоғат ёшига етиб, намозхон бўлади. Зикри қалбни ўрганиб, изимни босади. Менинг изимни босган жамики Аллоҳнинг солиҳ бандалари - менинг фарзандларим. Улар дунё тургунча туғилаверади, туғилаверадилар. Саноғини мен биламану ягона Аллоҳ. Бону! Яна Сизга нечта фарзанд керак? Бир Хожа Оллоҳнинг илтифоти шу қадардир-а!

Бону Хожа ҳузурида густоҳлигидан уялиб бўлса ҳам ўзини тутолмади.

- Тобуткашингиз йўқлигидан кечалари кўзда ёш билан...
- Мени тобутим ерда қолмайди...

Хожа Абдулхолиқ ўрнидан турди. Худранг кийим - бошини бир кўздан кечирди. Неча йил бўлибдики, янги сарпога эҳтиёж сезмайди. Ювилганидан қарсдай юпқа бўлиб қолган жўббасининг бу ёғидан у ёғи кўринади. Хожа шунча йил ваъз айтиб, амри маъруф қилиб, ғассол ҳақида ўйламаган экан. "Ахир ғассол ҳам Хожа ҳисобидан янги кийим-бош кийса, ёмон бўлмас..."

Хожа Абдулхолиқ токчада, кумсоат ёнида турган хамёнини олиб, ичига қўл солди. "Тангалар. Кийим-бошга етади". Уйдан чиқди. Бозорга бориб, бўз растасига ўтди. Бир кийим бош матох олиб, уйга қайтди. Ўзи-бичиб, ўзи тикди. Охирги дарзга келганда ипни тиши билан узаётиб табассум қилди. Табассум қилиб, сархуш бўлди. Ёшини ҳисоблади. Етмиш ёшга кирибди ҳамки, ўзи ўзига хизма қилади. Дастор тикади, ювади. Этик тикиб кияди. Наълай тикаётиб, адокларини хурсанд қилиб, ўтин теришга кетади, чиқиб. Ўйланганидан кейин ўзига кўйлак-иштон тикиб турганида Бону хафа бўлган эди, "Мен аёлингизман, Сизга ўзим тикаман", деб. Хожа кўймади:

- Кўлимдан келади-ю, Сизга тиктирсам-ми? Бу худбинлик бўлади. Худбин бандасини Аллоҳ хуш кўрмайди, - деди-да, ёзган рубоийларидан бирини ўқиди:

Аз хислати бад агар муаззаб бошй
Бо халқй жаҳон жумла муаддаб бошй
Бо неку бади жаҳон ба раҳмат мебош,
То назди худо абди муқарраб бошй.

Суҳбатда, ваъзда мурид сабоқлари ҳангомида бу рубоий ни кўп ўқиди.

XXX

"Борди-ю хабар келиб, бандаликни бажо келтирсам, ғассол ҳам бир янги кўйлак-иштон кийсин" - деб тиккан кўйлагини ўзи яна уч йил кийди. Ёши етмишдан етмиш учга етди. Бир куни суҳбат халқасида ўтирган эди. Бир йигит кириб келди. Давра аҳли билан кўришиб, хожадан ўзи ҳақида дуо қилишни сўради.

Хожа йигит сўровини бажону дил қабул қилиб, дуо ўқиди. Хожа Абдулхолиқ дуо ўқиб, қўлини фотиҳага очиб, интиҳода йигит кўздан ғойиб бўлди. Давра аҳли ҳайрон. Хожага савол назари билан қарадилар. Хожа Абдулхолиқ бамайлихотир жавоб қилди:

- Инсон шаклида келган бу йигит фаришта бўлиб, мақоми тўртинчи фалакда эди. Бир нуқсони туфайли мақомидан узоқлаштирилиб, дунё самосига тушган экан. Бошқа малаклардан?

"Ҳақ таоло мени яна ўз мақомимга қайтариши учун нима қилай", деб сўраганида, бизга ҳавола қилишибди. Йигит биздан дуо хайр талаб қилди. Биз дуо қилдик, - қабул бўлиб, яна эски мақомига эришди".

Жавобдан сўнг ҳаммага "маъкулми" дегандай табассум қилди. Давра аҳли кўли кўксида Хожага тасанно айтдилар. Сукбатдан кейин Хожа Абдулхолик: "кеч бўлди", деб уйга қайтди. Дастурхон бошида деярли суҳбат бўлмади. Кейин... Аёли тушакка кириб ётдию, Хожа қироат билан сархуш бўлди. Бир ўзига келиб, кулоғига элас-элас овоз келаётганига диққат қилди. Қўшни ҳовлининг Хожа уйи деворига туташ ҳонадан эди. Овоз. Хожа андешага борди, "биров уйдан келаётган овозга кулок солиш макрух", деб. Аммо кўнглида нидо кирди: "Эшит". Ва Хожа кулок тутди. Қўшни аёл гапирарди: "Ўн саккиз йилдан бери сиз билан яшаб келаяпман. Оч-яланғоч ташлаб кўйганингизда ҳам сабр қилдик. Ҳаётнинг ҳар қандай иссиқ-совуқларига чидадим. Нима олиб келган бўлсангиз, ортигини истамадим. Ор-номус, шарафу шаънингизни асраб келдим. Бошқалар олдида Сиздан шикоят қилмадим. Барча қийинчиликларга мен Сизники, Сиз меники бўлишингиз учун чидаб келдим. Лекин, шуни билингки, бордию бошқа бировга майл билдириб, мендан ўзгани ихтиёр қилсангиз, Хожа Абдулхолик ҳазратларининг этагига маҳкам ёпишиб, илоҳий адолат зафар кучгунга қадар қўйиб юбормайман". Қўшни аёл ҳасратини эшитган Хожа таъсирланиб кетди. Кўзларидан шашқатор ёш оқди. "Эй, Абдулхолик, - деди ўзига ўзи, - бу аёл бир махлуқ муҳаббати билан шунча қийинчиликка чидабди. Бу ҳолат дарвишларга сабоқ бўлсин. Бу ҳолатга Куръондан бир далил топай", - деб Хожа токчадаги китоблардан бирига кўл чўзган эди ҳамки, шу заҳоти кўнглига нидо кирди: "Албатта, Оллоҳ ўзига шерик бўлишни кечирмайди. Шундан бошқа гуноҳларни ўзи хоҳлаган бандалари учун кечиради". Диққат қилди. Нидо "Нисо" сурасининг 116-ояти...

XXX

Хожа йўл юрди, мўл юрди. Йўлда зикри қалб қилиб бир деҳа масжиди ёнида пайдо бўлди. От, эшак, аравалар боғлиқлик ҳамма пешин намозини адо қиляптилар. Хожа баланд овозда "Намоз қилган

одамни шундай бир хавф ва кўркув босадик, унга ўк отсалар ҳам парво қилмайди" - деди ва ўтиб кетаверди...

Муҳаррам ойининг Ошуро куни эди. Хожа⁴ Абдулхолик суҳбат аҳлига илм-маърифатдан амри маъруф қилиб турганида бир йигит даврага кириб келди. Хожа йигитга назар солди: Зоҳид суратидаги навқирон. Савол-жавоблар пайтида зоҳиднамо йигит Хожага савол берди:

- Эй, Хожа! Пайғамбар алайҳис салом "Мўъминнинг фаросатидан эҳтиёт бўлинг. Чунки у Аллоҳ нури билан боқади", деганлар. Бунинг сири нимада?

Хожа йигитга табассум қилиб:

- Бу ҳадиснинг сири - белингадаги зуннорингни улоқтириб, бизнинг ҳузуримизда имон келтиришингадир, - деди.

Йигит деди:

- Маро зуннор зи нор каффора бошад.

Хожа ўша табассум билан давра пойгагида жим ўтирганлардан бирига: "Унинг хирқасини ечинг!" ишорасини қилди. У жойидан туриб, минг истиҳола билан йигитга якинлашиб, хирқасини ечиб, кўлига олди. Давра аҳли йигит белига қарадилар, зуннор!

Йигит қилмишидан пушаймон бўлди. Зуннорини ечиб ташлаб, Хожа ҳузурда имон келтирди. Хожа табассум қилиб турди. Ҳамма унга қаради. У жамоага қарата:

- Дўстларим. Келинлар аҳдга вафо қилиб, биз ҳам зунноримизни улоқтирган ҳолда имон келтирайлик! Бу йигит зоҳирий зуннорин кесиб ташлади. Биз эса кибр ва уждан иборат ботиний зунноримизни кесиб улоқтирайлик. Бу йигит каби биз ҳам мағфиратга эришайлик, - деди.

Давра аҳлининг аҳволи ўзгарди. Ҳаммалари Хожа этагини тутиб, тавбаларини янгиладилар.

Хожа уч йил ҳаж сафарда бўлди. Бухоро Шаҳристонидан ҳажга кетаётиб, ўрнида Хожа Ориф Моҳитобонни қолдирди. Уч йилдан кейин қайтиб келганида, бутун аҳли Бухоро унинг пешвозига чиқдилар Хожа Аму бўйидан Бухорогача, Бухородан Ѓиждувон қалъасигача маърифатдан, одоби тариқатдан ваъз айтиб келди.

⁴ Абдулхолик Ѓиждувоний. "Аз гуфтори Хожа Абдулхолики Ѓиждувоний" асаридан фойдаланилди.

XXX

Ҳазрат Хожага савол бердилар: "Дилнинг фароғати нимадан хосил бўлур?". Ҳазрат Хожа буюрдилар: "Дилнинг фароғати покликдир. Агар ул дилга дунё молидан заррача тамаъ бўлмаса, дил фароғатда бўлур".

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний кўча-гузардан утаётиб, одамларга тариқат сабоғини ўргатарди, тушунтириб, мағзини чақиб берарди: "Ислом асоси уч нарсадир. Биринчиси - ҳар тоате ва ибодатеким айларсиз унинг илмидан воқиф бўлинг! Иккинчиси - ҳар илмники ўрганибсиз, унга амал қилинг! Учинчиси - ҳар амалники этгайсиз, сидку ихлос билан адо этгайсиз".

Ҳазрат Хожа етмиш олти ёшга етганда кўнгли тўрт томон дийдорини кўмсади. Бир ой ҳар куни уйдан чиқиб, дала-дашт, боғу роғ, деҳаю қасабаларни айланиб чикди. Бухоронинг забардаст ариқлари лабида ўтириб, дуои бобарокот ўкиб, дам солди. Зарафшон дарёси соҳилида уч кун айланиб юрди. Рубоий тўқиб, замзама қилди.

Эй дил, бигузар зи шодмонии жаҳон,
Пайдост чи хезад зи жовидонии жаҳон.
Рўзе-ю шабе бибояд рихлат кард.
Мағрур машав ба зиндагонии жаҳон.

Уйга қайтди. Уйдан муридлари даврасига ўтди. Улар билан суҳбат курди. Суҳбат охирида давра аҳлига тириклигида ўзининг халифаларини эълон қилди:

- Биздан кейин Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Аҳмад Сиддиқдан кейин Хожа Ориф Моҳитобон, Хожа Ориф Моҳитобондан кейин Хожа Алиёи Кабир, Хожа Алиёи Кабирдан кейин Хожа Сулаймон Карминий халифалик давом эттирадилар. Сиз, аҳли давра улар йўлидан бориб кўрсатмаларига амал қилинг!

Уч кун ўтди, Хожага: "Ўлим шарбатини тотиш" хабари келди. Ҳазрат Хожа тариқат биродарларини бир жойга тўплаб:

- Эй, ёронлар. Ҳақ Субҳонаху таоло менга башорат⁵ этдилар, ким бу равшан йўлни тутган бўлса, уни гуноҳларини кечдим. Жаҳд айланг, токим бу ҳақ йўл бенасиб қолманглар. Қаттиқ тутинг!

Ҳамма бош эгиб турдилар. Хожа Абдулхолиқ осмонга, куёш, еру, дарахтларга маҳзун нигоҳ ташлади. Бир соатларча бошини эгиб турди.

⁵ Хожа Ориф ар-Ревгарий. "Орифнома" китобининг 15-16-бетларидан иқтибос қилинди.

Кейин ғайбдан нидо келди. Нидо Ҳазрат Хожага тааллуқли бўлса ҳам ҳамма эшитди. Хожа Абдулхолиқ нидони табассум қилиб кутиб олди: "Эй хотиржам, сокин жон! Ва рози бўлган, рози бўлинган ҳолда Парвардигорингга қайт. Бас, солиҳ бандаларим қаторига киргин, Менинг жаннатимга киргин!". Хожа Абдулхолиқ нидо охирида табассум қилиб, табассум қилиб жон таслим қилди. Давра аҳли Ҳазрати Хожанинг чиройли ўлим топганидан ҳайратда қолдилар. Кейин ювиб, кафанлаб кўйдилар. Таъзия маросими тугагач, тобут келтирилди. Тобут маҳтал бўлмасин, деб Хожа Абдулхолиқ жасадига яқинлашдилар. Мулозим жасад устига ташлаб кўйилган оқ матони олиб Хожа юзига кўзи тушиб, бир қарич учди.

Хаёлимга бўлгандир деб такрор қаради. Йўқ хато қилмаган экан. Хожа Абдулхолиқ лаблари тўхтовсиз "Аллоҳ, Аллоҳ, Аллоҳ" зикрини пичирлаб турарди. Бошқаларни чорлади. Ҳазрат Хожанинг халифалари Хожа Ориф Моҳитобон, Хожа Сулаймон Карминий югуриб келиб, бу ҳолни кўриб: "Бунда не ҳикмат бор?" деб бир-бирларидан сўрадилар...

Тобут ердан кўтарилди. Тўрт халифа тўрт томондан, Мовароуннаҳр, Шом мамлакатларидан келган жаназахонлар ортда. Йўлга тушдилар. Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ тобути кўринган кўзга чиройли, бир ҳовуч ситилган пахтага ўхшарди. Тупроқ жойига келдилар. Гўрковлар лаҳадий қабрни тайёрлаб кўйган эдилар. Хожа васият қилган халифаларидан бири қабр ҳовузига тушиб, юқорига қўл чўзди. Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ жасади лаҳадий қабрга кўйилди. Тўқ уруғни деҳқон ерга авайлаб кўйгандай жасад ерга авайлаб кўйилди. Лахат оғзи ёпилиб, уруғ юзига тупроқ тортгандай тупроқ тортилди. Аллоҳнинг бу марҳаматидан юраги қинидан чопиб чиққандай, қабр дўппайиб қолди. Уруғ ниш уриб чиқади. Ғиждувонда баҳор шоша-пиша келиб, қора толлар толпопук чиқариб, ҳавони муаттар қилганида Хожа юраги, Аллоҳ назаргоҳи бўлган юраги майса илдизига, қари тут дарахти томирларига чирмашиб олиб, куч-қувват, кейин оқ тут бўлиб, баҳорнинг дармондориси монандида оғизларга беминнат тушди. Оғиздан юракка ўтиб, қилганини қилди. Отадан болага, боладан неварарага, неварадан чеварага, чеварадан... Ҳаммаси **Зикри қалбга** айланди. Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний тириклигида айтганидай тобути ерда қолмади. Зурриёти дунёни тутиб, Ҳазрати Хожа тўқиган оятни такрорладилар. Такрорлаш абадий зикрга айланиб кетди: "Дил ба Ёру даст ба кор!".

ТАМОМ.

ТАБАРРУК САТРАЛАР

Хожа Абдулхолик Гиждувоний

ВАСИЯТНОМА

Менга васият қилганларидай сенга ҳам васият қиламан. Эй, менинг ўғилгинам! Ота-боболаримиз изидан бориб илм, адаб тақво йўлида изланувчи бўл. Суннат ва жамоат мулозими бўл! Фикҳ, ҳадисни ўрган. Жоҳил сўфилардан узоқ юргин. Жамоат билан намоз ўқигин. Ўша шартдаким, имом ва муаззин бўлмасанг. Ҳеч қачон шуҳратталаб бўлмагин, офат келтиргай. Мансабга банди бўлма, ҳамиша гумном бўл. Васиқаларда ўз номингни ёзма. Қозиларнинг ҳукм чиқарадиган жойларида ҳозир бўлма. Бировга қарам ҳам бўлма. Одамлар ўртасида воситачи бўлма. Подшоҳ ва унинг мансабдорлари билан суҳбат курмагин. Хонақоҳ солмагин. Хонақоҳда ўтирма. Сеҳру жоду билан кўп шуғулланма. Сеҳру жодунинг кўпи келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Сеҳрнинг кўпи юракни ўлдиради. Буни инкорда ҳам бўлмаким, тарафдорлари кўпдир. Оз сўзла, оз егин ва оз ухла. Мардумозорлардан қоч, шердан қочгандай. Ўз хилватингнинг мулозими бўл. Бидъатчи, нодон, ман-ман эркак-аёллар билан суҳбат курма. Халол егин ва ҳаромдан парҳез қил. Қўлингдан келса уйланма. Ўйлансанг дунё истовчи бўласан. Дунё (мол-мулк) талабида динни барбод қиласан. Кўп кулма, қаҳ-қаҳа уриб кулишдан сақлан. Кўп кулиш юракни ўлдиради. Шартдирким ҳаммага шафқат кўзи билан қарасанг. Бирор кишига ҳурматсизлик кўзи билан қарамагин. Ташқи кўринишингга оро берма. Ташқи кўринишинг оро берилгани ички кўринишнинг хароблигидан далолатдир. Халқ билан нифоқда бўлма. Ҳеч кимдан бирор нарса сўрама. Ҳеч кимга хизмат буюрма. Машойихларга молу жон билан сидқидилдан хизматда бўл. Улар рафторларини инкор қилувчи бўлмагинким, машойихларнинг мункир келишлари меҳрибонлик нишонаси эмас. Дунё ва аҳли дунё билан мағрурланма. Юрагинг ҳамиша ғамли бўлмоғи керак. Юрагинг бемор бўлиши даркор. Кўзларинг гирён, амалинг холис, дуоинг тазарру, чопонинг эски (ямоқ), дўстинг дарвеш, доянг фақир (оддийлик), уйинг масжид ва меҳрибонинг Ҳақ субҳонаху".

Хожа Авлиёи Кабир айтдиларки: "Ҳазрати Хожа (Абдулхолик Гиждувоний қаддасаллоҳу руҳаҳул-азиз) лутф этди: "Эй ўғилгинам,

эсда тутгин ва ўрган менинг васиятларимни. Қачонки, мен ўз Шайхим - қаддасаллоҳу руҳаҳул-азиздан ўргандим, амал қилдим. Агар сен (ҳам) ёд олиб, шунга амал қилсанг, дунё ва охиратда Ҳақ таоло ва тақадаса Сенинг ҳимоячинг бўлғай".

Хожа Авлиёи Кабир (Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг халифаларидан эдилар) айтардиларким: "Бу васиятларни айтаётган пайтларида Шайхнинг (Абдулҳолиқ Ғиждувоний) қўл кафтлари менинг қўл кафтларимда эди. Шайх (Абдулҳолиқ Ғиждувоний) васиятларини (мана бу) сўзлар билан яқунладилар: "Сен менинг масжидим мулозимини бўлишинг зарур. То тириксан масжидимга келмаслик узринг бўлмаслиги шарт. Бу (васиятлар) мендан сенга то қиёмат кунигача ҳужжатдир. Оманно ва саддақно.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний

РИСОЛАИ СОҲИБИЯ

(Ёки мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний)⁶

Илоҳо, би аҳасси сифатика ва би иззи жамолика ва би азамати анбиёика ва ба доми. Ҳадоика ва би нафси асфиёика, насъалука зиёдотан фил-илми ва баракатан фир-ризқи ва тавбатан қаблал мавти ва мағфиратан инда-л-мавти ва роҳатан баъда-л-мавти ва нажотан минан-нори ва духулан фил жаннати ва офиятан фи-д-дунё вал охирати.

Ягона, қудратли Аллоҳнинг заиф бандаси, Абдулҳолиқ бин Абдулжамил наззаллоҳу би-мақосид ас-соликин ва вассаллоҳу би-мақомот ал-орифин Омин ё раббал-оламин.

Ғурур ва сурур, шайтоний нафс ғалаба қилган ёшлик кунларимда, бирданига "инна-л-фазла би-йидиллоҳи, йўътийҳи ман яшоу" талаб жазбаси вужудимда пайдо бўлди. "Инналлоҳа юҳиббул маъолий ал умур" тақозосига кўра бу ишга қатъиян Аллоҳ йўлида, ўта ҳушёрлик билан ёзишга киришдим.

Муваҳҳид солиҳ мураффиқ, маҳдум сабабчи бўлмаганларида, саодат ва иқтидосиз бу давлатга етмаган бўлур эдим.

"Ман талаба шайъан важада ва шаръда". Содиклик ваҳҳи "йаҳдиллоҳу бинуриҳи ман яшоу" нишони билан валоят гумбазининг

⁶ Ўзбекистон Ф.А. Абурайхон Беруний номидаги Институтининг "Қўлёзмалар" бўлимида сақланаётган қўлёзма, асосида таржима қилинди.

валийи, ҳидоят каъбасининг сафийи, муршиди самадоний Шайх Абу Яъқуб Юсуф Ҳамадонии йўлига бош кўйдим. Хилватнишинларнинг иродат осмони, бузургларининг мураббийлари, ҳақиқат зодаси жаноби мавдат томон йўлга тушдик. Ва бир муддат бу ерда қолиб ўшал тариқат байзосининг сайёҳи, ҳақиқат дарёсининг ғаввоси, саййид ал-мурсалин шаръининг пайрови ва ўшал ғайб сирларини ошкор қилувчи Абу Юсуф Яъқуб бин Абул Воҳид бин Абул Васит бин Замзам бин Боқир Муҳаммад бин Исмоил бин Абу Ҳанифа Нўмон бин Собит бин Марзбон бин Шис бин Зайд бин Ҳурмуз бин Парвиз бин Доро бин Дороб бин Кисро бин Дарнуш бин Ашқубўс бин Изадёр бин Калбод бин Бухуш бин Ниёрам Шоҳ бин Ардашер бин Баҳман бин Исфандиёр бин Гаштасиб бин Лаҳросиб бин Таҳмосиб бин Кайковус бин Кайқубод бин Нувзар бин Манучеҳр бин Ираж бин Фаридун бин Жам бин Жамшид бин Бард бин Таҳмос бин Ҳушанг бин Шерҳинд бин Нужис бин Сом бин Аҳнус бин Каюмарс бин Шиш бин Одам алайҳис салом ниёзмандлик ва мутобаат учун ҳиммат қадамимни кўйган эдим.

Ҳазрат султон ул-авлиё мен - заиф ночор, фақир ва нотавонни Ҳазрати Хизр алайҳис-салоту вассалом кўрсатмаларига асосан зикрнинг таълим ва талқинига мушарраф қилди. Энди ҳаммага - подшоҳу вазирдан тортиб, уламо, зуҳҳод, дарвиш, хосдан омгача шартдирким раббоний олим Шайхи бузург Хожа Абу Яъқуби Юсуф Ҳамадонийга яқин бўлиб, уни ўзларига мураббий тутсинлар. Чунки, бу азиз (Шайх) ҳеч вақт, бирор важ боис Ҳазрати Муҳаммад Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шаръий йўлларига қарши бормаганлар Саҳоба, тобиъийн, ва табаъ-тобиъинлардай яшадилар Ҳамадон шаҳри ва қаердаким бўлсалар ҳамиша муборак тил билан айтардилар: "Рост йўл бу - Муҳаммад Расулulloҳ йўлидир". Зероки, Хожаи Олам буюргандилар: "Ё, Або Ҳурайро, одамларга менинг суннатимни ўргат ва бунга қатъий амал қил, қиёмат кунда порлоқ нур сен томон бўлғай".

Бу - Ҳазрати Расул алайҳиссалом кўрсатмалари эди. Пок йўл Бузург Шайх асҳоб, мутобиъ ва мулозимларини - Хожа Ҳасан Андақий, Хожа Абдуллоҳи Барақий, Хожа Аҳмади Яссавий, Хожа Авлиё ва дуогўй фақир Абдулҳолиқ ибн Абдулжамил ва бошқа (шу ерда) ҳозир бўлган дарвишларни пайғамбар йўлида бўлишга чорладилар. Пайғамбар йўлини бидъат, бутпарастлар, муҳолифат, фитна, сохтакорлик ўринсиз тақлиддан сақлардилар. Бу содиқ инсон ва унинг азизлари йўли офатлардан покдир. (Унда) бўшлиқ ранги-ю,

ўхшатиш хиди йўқ. Балким, маърифат ва ҳидоят нурининг хазиначисидир.

Ва бизнинг Ҳазрат Шайхимиз муборак лафзда айтдиларким, бу йўл Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ йўлларидир. Разийаллоҳу анҳунинг бу йўллари кейин ва кейин бизга боғланади. Қиёмат кунигача абадий қолгайдир. Мўминлар ва бу йўлга кирганларга шартдирким ҳамиша кўрсатган йўлдан юрсинлар. Ва ҳамиша бу оила билан суҳбатда бўлсинлар. Сулук ва эшон тарикатларида бўлсинлар. Бу тоифа билан боғланиш ва ҳамиша суҳбатда бўлишни канда қилмасинлар. Қусам ибн Аббос мақомида буюрдиларким, кимки бу йўлда юриб, (таълимотига) амал қилса, зулмат ундан узоқлашгай. Бидъат дарёсининг тўфонидан қутулгай.

Аммо, баъд (Баъдаху) муборак лафзда сўзладилар: "Эй, Абдулҳолик, билгинким сулук йўлининг йўли икки қисмга бўлинади. Зоҳирий сулук ва ботиний сулук. Зоҳирий сулук улдирким, ҳамиша Шаръ ҳудуди сақланмоғи лозим. Имкон борича муҳофаза қилинмоғи керак. Нафс ҳавосидан ўзини четга тортсин. Иккинчи қисм бу ботиний сулукдир, (Ботиний сулукда) дил соф, тоза, покизалигида очилиб келмоғи даркор. Саъий болиғ (вояга етгандаги ҳаракат) нафсининг зимнан маҳфига банд бўлмасдан қилинмоғи шарт. Ботиний таҳорат ана шунга ишоратдир. Қалб зикрида чексиз жидду жаъд билан келсин. Қачонким, қалб ҳақ зикрига гўё (ўргансин) бўлсин.

Бу зикрнинг бошланиш талқини Абу Бакри Сиддиқ разияллоҳу анҳу юрагида пайдо бўлган. Абу Бакри Сиддиқдан Салмони Форсийга, Салмони Форсийдан Жаъфари Содикга, Жаъфари Содикдан Султон Боязидга, Султон Боязиддан Шайх Абул Ҳасан Харақонийга, Шайх Абул Ҳасан Харақонийдан Шайх Абу Али Формадий Тусийга, Шайх Абу Али Формидий Тусийдан бизга (шайх Юсуф Хамадонийга) етган.

Бу сўзларни айтиб, пешин намозигача бошларни эгиб турдилар. Намози пешин адосидан кейин муборак тилда сўзладилар: "Эй, дарвишлар агарчи... Бу силсилада азиз ходимлар бор эдилар. Аммо, акобирларнинг эътиборлари шундаким, бу кашфнинг асҳоби султони, силсиланинг катта мушоҳадачиси ўзим эдим".

Аммо, баъд муборак юзларини мен, фақир бандага қаратдилар. Муборак лафзда дурдай сўз айтдилар: "Эй, Абдулҳолик, қачонки буюк Шайх Хожа Али Формадий фано эшигидан бақо эшиги томон йўл олдилар, тариқат ва шариатда юз берган мушкулотлар ечимини руҳларидан илтимос қилардим. Ўша заҳоти эшон руҳониятлари воқеа ечимини кашф қилардилар. Бу йўлда Хожа Али Калондан қанча фойда

кўрган бўлсам, ҳаммасини тариқат йўли соликлари ва Аллоҳ йўлидаги ниёзмандларга етказаман".

Аммо, баъд муборак юзларини мен томонга ўгирдилар ва муборак сўз айтдилар: "Эй, Абдулхолик. Мен қандай Хожа Али Калоннинг тўртинчи халифалари бўлгам бўлсам, Сен ҳам худди шундай бизнинг тўртинчи халифамиз бўлурсан..."

Кўрдим ки, муборак кўзларида ёш ҳалқаланди Аммо, баъд мен савол қилдимки: "Сиздан кейин ким халифа бўлади?" Шайх муборак сўз айтдилар: "Биздан кейин Хожа Абдуллоҳ Барақий халифа бўлади. Ундан кейин Хожа Ҳасан Андақий, ундан кейин Хожа Аҳмад Яссавий, қачонки Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон вилоятига сафар қилса, халифа (ўрнида) Сен бўласан. Хамиша Муҳаммад Расуллоҳнинг шаръи йўлларида бўл. Шаръий йўл қонунларига заррача бўлса ҳам тажовуз қилмагин. Шаръий йўлга муҳолифат қиладиган бирор кишини кўрсанг, уни бу йўлдан қайтар. Манъ кил. Валлоҳу таоло аълам".

Рамазон ойининг ўн биринчиси, чоршанба куни арбаъа ҳамсамиа эдиким, Самарқанддан қосид (хабарчи) Қосим ибн Жўший Султон Санжар ибн Малиқшоҳ номидан нома олиб келди. Хатда шундай ёзилган эди: "Самарқанд шаҳрининг катталари - Ҳазрати Шайх-ул-ислом ва-л-муслимин Хожа бин Муҳаммад, Қози Алоуддин Умар, Хожа Имомиддин, Амир Абдул Ваҳоб, Хожа Дехқон, Шайх Бадриддин, Шайх Иззуддин, Шайх Абул Қосим бин Юсуф, Шайх Лолои Чокар, Шайх Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ маълум қиладиларким, Хожаи Субҳоний Шайх Юсуф Ҳамадоний камол ёши - 60 га кирганлари хабарини эшитибдилар. Бизнинг (табриклаш учун) у ёққа бориш имкониятимиз йўқ. Сулаймон Шоҳ кўп лашкар билан биз тарафга келяпти. Шу сабабдан ҳам вилоятни қаровсиз қолдириб кетолмаймиз. Қосим ибн Жўший орқали эллик минг юборяпмиз. Қаландарлар хонақосининг харжи учун. Ҳалол важдан кўп эҳтиёж учун. Бизнинг ҳақимизга фотиҳа ўқисинлар. Биз Шайхнинг санад (қўлёзма)ларини кутяпмиз. Маҳталмиз. Шайхнинг йўллари саҳобалар йўлидай ҳақ эканлигини кўп эшитдик. Албатта (бизнинг илтифотларига интизор бўлаётганларимизни) буни муҳим билсинлар. Хабарчини (хатни олиб келиш) бундай давлатга мушарраф қилсинлар. Ризвонуллоҳи алайҳим ажмаъийн".

Аммо, баъд Ҳазрат Шайх ул-ислом азизларнинг илтимосларини адо этиш учун Абдуллоҳ Барақий ҳужраларига келдилар. Хожа Ҳасан Андақий, Хожа Алиёна, Хожа Аҳком, Хожа Шамсуддин Ғатфарий,

Шайх Муҳаммад Низомиддин Мотурудий, Хожа Муҳаммад, Хожа Корзон Калободий, Хожа Маҳмуд Сужий, Хожа Пул Хатфарий, Абу Мусо, Имом Яҳё Ғатфарий, Хожа Исҳоқ, Имом Салмони Ориф, Хожа Муҳаммад Жамлий, Хожа Қурайш, Хожа Одам Шавдарий, Хожа Работ ва бу фақир (банда) Абдулҳоликларни бир жойга жам қилдилар (Жам бўлганларга) Султон Санжар қиссасини (хат юборганини) ўртага ташладилар. Ҳаммаларимиз ҳамжиҳатликда хизматга киришдик. Ҳазратларга Санжар ибн Маликшоҳ юборган назрни ҳам маълум қилдилар.

"Фотиҳат-ул-китоб" сурасини (Султон Санжар ибн Маликшоҳ ишининг ўнг келиши учун) қироат қилдилар. Шундай кейин муборак сўз айтдилар: "Эй, дарвишлар, бизнинг қўлимиздан нима (каромат) келса, ҳаммасини Санжар учун адо қилгаймиз. Ёмонлик, сахв, хатодан ташқари". Аммо баъд, Хожа Алиёнга айтдиларким: "Эй бузруквор, дарвишларнинг илтимоси шулким, Муҳаммад Расулллоҳ ҳақларида биздан нима эшитган бўлсангиз, биз рухсат бердик, шу ҳақда ёзинг".

Тарихда зулқаъда ойининг йигирма саккизинчи, сешанба куни сана арбаъ, ҳамсамиъа эди. Бизнинг Шайхимиз ҳаётларидан минг тўққиз ойу, йигирма олти кун ўтган эди. Шайхимиз сафар ойининг иккинчи, душанба куни бил-л-хайр ваз-зафарда, туғилган эканлар. Ўттиз саккиз марта пиёда ҳаж қилган эдилар. Қуръонни минг марта қироати билан ўқиган эдилар. Тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, фурўъ ва калом китобларидан етти юз жуз ёдлаган эдилар. Икки юз ўн учта машойих билан учрашландилар. Кўпинча рўзада бўлур эдилар. Кеча-кундуз Ҳақ субҳонаху таолога бандалиқ қилиш билан машғул эдилар. Саккиз минг бутпарастни мусулмон қилган эдилар. Улар гуноҳларига тавба қилиб, бу йўлга киргандилар. Улар сонини ҳеч ким билмасди.

Утирганларида оёқларини уэатиб ўтирмас эдилар. Юзларида яра-чақадан қолган доғлар бор эди. Соқоллари узун эди. Кўп озғин эдилар. Кимни кўрсалар "Хожа" деб мурожаат қилардилар. Кўп сафарда бўлардилар. Кийимлари малла жундан эди. Егуликлари арпа ва тарик унидан пиширилган нон ва уруғлик ёғи. Қирқ кеча-кундуз ичида бир марта товук гўшти тановул қилардилар. Кўй, туя гўшtidан ҳам ора-ора ердилар. Этикдўзлик ва деҳқончилик қилардилар. Худои таборак ва таолодан нимаеки берса, камбағал, бева, етим, ғариб, бола-чақаси кўп оилаларга берардилар. Ҳаётларида бирор эшик (уй) қурмаган эдилар. Ҳеч кимни ёмонламасдилар. Доим Худодан умидвор эдилар. Уй-жой қуришга машғул бўлмас эдилар. Кимдаким уй-жой

куриш билан шуғулланса, тўхтатмасдилар. Ҳар йили қирқ кун эҳтисоб учун чиқардилар. Подшоҳ ва акобирлар уйига бормасдилар. Етмиш беш ёшда ҳам мужаррад эдилар (уйланмаган). Кўзларининг бурчагида белги бор эди. Вафотларидан кейин бу белги ҳақида шубҳа пайдо бўлди. Баъзилар чап кўзларида эди деса, баъзилари ўнг кўзларида эди, дердилар.

Эшоннинг муборак кўзлари намли эди. Ҳеч қачон ўз ихтиёрлари билан номаҳрам аёл ва йигитларга қарамас эдилар. (Шайхимиз) Ражаб ойининг ўнинчисида, аздамаҳуллоҳу ҳурматан Самарқандга келдилар. Ҳазрат Хожа Хизр алайҳиссалом изнлари билан. Овозлари ёқимли, бўйлари ўртача эди. Бармоқлари узун-узун, турк тилини билмасдилар. Кўпинча наълайн (ёғоч ковуш) кийиб юрар эдилар. Дарбих (ямоқ) чопон киярдилар. Асҳоблардан бири ямоқ чопон кийса уни яхши кўриб, таъзим қилардилар. Умрлари давомида бирор марта оёқларини узатиб ўтирмас эдилар. Ҳақ таолоҳдан кўрқиб, йиғлардилар. Тиллари ширии, гапирганда табассум қилиб гапирардилар. Оч юриш ва риёзатдан қоматлари ҳам эди. Алония зикри қилмадилар. Муридлари кўп эди. Шайх ҳазратлари даврида Зикри алония йўқ эди. Шайхимиз ўз шайхларининг шайхи Шайх Абул Ҳасан Ҳарақоний эди, кўрган эдилар. Туғилган жойлари Ҳамадон, Гонимия маҳалласи эди. Яёв кўп юрардилар. Шанба, жума, пайшанба ва ҳайит оқшомлари бузурғлар зиёратига борардилар.

Вилоятлардан келган мусофирларга "қайси вилоятдансан" деб сўрардилар. "Ўша вилоятларда дарвишлар борми, исмлари нима", деб сўрардилар. Нафас олиб зикри қалб айтиш боис доим вужудлари тер ичида эди. Фарз намозларидан ташқари уч пора Қуръон ўқирдилар. Ғатфор маҳалласидан Хушруд маҳалласигача (масжиди жомеъгача) Қуръонни ўқиб, хатм қилардилар. Масжиди Жомеъдан то Хожа Ҳасан Андақий, Хожа Аҳмад Яссавий уйлариғача йўлда "Бақара" сурасини ўқиб, хатм қилардилар. Дунё иззати ва нафс учун зоҳирий кўринишга эга бўлган дарвеш олим ва обидга амри маъруф қилардилар. Тавба қилдирардилар. Тавбасига турмаганларни ўзларига душман ҳисоблаб, масжидларидан ҳайдаб чиқарардилар. Нонни сув билан кам ердилар Фаомма, қуруқ ноннинг ўзини ердилар. Ҳеч қачон "Мен" демасдилар. Ҳожатмандларга 14 сир айтардилар. Ҳеч кимни "Сен ит, чўчқа, бадбахт, лаънат сенга, бедавлат (бефайз)" деб айтмасдилар. "Иссиқ, совуқ" демасдилар. Ҳаммомга бормасдилар. Ҳеч кимни дуои бад қилмасдилар, (ўзларига) яқин мўминга "салом" дердилар. Ҳамма учун ўринларидан турардилар. Доим хаёлга чўмган, ғамзада эдилар.

Саховат қилиш ҳисобини билмас эдилар. Дастхатлари чиройли эди. Мўйловларини паст қилиб кўярдилар. Асҳобларига ҳам шундай мўйлов қўйиб юришни буюрардилар. Ваҳдат ва узлатда ўтирардилар. Кўпинча, ёвғон ва ёғсиз овқат ердилар. Ҳамиша риёзат ва мужоҳадада эдилар. Мардум овқатидан тановул қилмас эдилар. Мардумозордан ўзларини четга тортардилар. Саллаларини донишмандларга ўхшатиб боғлардилар. Салла фашини икки кифтлари орасида ташлардилар. Кетмонни яхши урардилар. Бекорчи, муфтхўр, танпарвар кишиларни ёқтирмас эдилар. Тиб илмидан хабардор эдилар. Йўл юрганларида тўрт томонга қарардилар. Маждисда ҳаммага қараб гапирардилар. Мажлис жойи - Хонақоҳга ўнг оёқ билан кирардилар. Ташқари чиқишга чап оёқ билан чиқардилар. Таомни ўнг қўл билан ердилар. Бош очик намоз ўқимасдилар. Ва таом ҳам емасдилар. Қироатни баланд овоз билан қилмас эдилар. Агар ҳар куни юз бор таҳоратлари синса, яна таҳорат олардилар. Бир соат ҳам таҳоратсиз юрмасдилар. Масжид, маҳалла, саҳро, қишлоқ, ва тоғларга кўп борардилар. Ўша мавзедаги турк, тожик, араб, хожа, дарвеш, ғулом, бозорчи, подачи, галабон, туябоқар, олиму бегоналарга фарзу суннат, одоб, мубоҳу макруҳ, ҳайзу нифос, муомала, истиҳоза, муштаҳоза, сотиб олиш ва сотиш бобидан суҳбат қилардилар. Сабр тоқат билан уларга (шу нарсаларни) ўргатардилар. Кимдан яхшилик кўрган бўлсалар, икки ҳисса қилиб қайтарардилар. Доим ўзлари билан хурмо, майиз, кулча олиб юрардилар. Ким билан учрашсалар ўшанга бу нарсалардан берардилар. Шайхлари ҳузурда сўз айтмасдилар. Одамларнинг экин майдонлари ичи билан йўл юрмасдилар. Тегирмонга ҳам ўзлари борардилар. Баҳорда саҳрога кўп чиқар эдилар. Субҳ, истихора, ишроқ, аввобин, таҳажжуд намозларини тарк қилмас эдилар. Шаҳид бўлишни севардилар. Садақа берардилар. Закот берардилар. Эътикофда ўтириб, сўнг қурбонлик қилиб, банда (қул) озод қилардилар.

Ваъдадан кўрқардилар. Ваъдадан умидвор бўлардилар. Юракларда ҳабиб эдилар. Сидку вафоли эдилар. Ҳалим, ихлосли, саховатли эдилар. Худодан миннатдор эдилар. Худойи таолодан шикоят қилмас эдилар. Ҳақ таоло қисматидан рози эдилар. "Ўлим барҳақ" дердилар. Ҳаммага меҳрибон эдилар. Қарияларни эъзозлар эдилар. Болаларни эркалатар эдилар. Омонатни яхши сақлар эдилар. Раҳм, шафқат қилишни ўрнига кўяр эдилар. Ҳар бир хатар учун Аллоҳдан паноҳ истар эдилар. Ҳамиша охират талабида эдилар. Худойи таолодан тоат тавфиқни сўрар эдилар. Қўшничиликка амал

килар эдилар. Қатнов йўллари азият етказувчи нарсалардан тозалар эдилар. Имонлари мустаҳкам эди. "Мўъминман э, Худо!" дер эдилар. Мусулмончиликка қарши хилоф иш қилмас эдилар. Яхши, ёмон ортида ўтириб намоз ўқирдилар. Қибла аҳлидан ҳеч кимни "кофир" демас эдилар. Катта-кичик жаназасида намоз ўқир эдилар. "Яхшилик, ёмонлик тақдири худодан дер эдилар. Подшоҳга тобе эмас эдилар. "Имон, Худо атоси" дер эдилар. "Банда жаҳолатда ҳам, кароматда ҳам махлукдир", деб айтар эдилар. "Қуръон Аллоҳнинг ҳалқига (юборган) каломи", деб айтар эдилар. "Гўр азоби, Мункар- Накир ҳам ҳақдир", дердилар. "Тирикларнинг дуосидан ўликларга нафъ бор, Расул шафоати, меърожи ҳақдир", деб айтар эдилар. "Ўн ёр биҳиштийдирлар", дердилар. "Номаъи аъмол ва Пули Сирот ҳақдир", дер эдилар. "Кофир доим азобдадир, Худойи таоло нимани хоҳласа, бўлади", дердилар. "Майит суякларида тошда олов ёнгани каби олов ёнади", дердилар. "Дийдори Ҳақ таоло ҳақдир", дердилар. "Анбиё аҳли авлиё аҳлидан яхшироқдир", дердилар. "Авлиё каромати ҳақдир", дердилар. "Анбиё мартабаси авлиё мартабасидан улуғдир", дердилар. "Мўминлар кофирлар аҳлидан баланддирлар", дердилар. "Ҳақ таолло донодир, ҳақиқатда, мислсизликда ва қудратда яғонадир", дердилар. "Халқ беш хилдир: Мўмин, кофир, мунофиқ, гуноҳкор ва мушрик. Иймон ҳақиқатдир, ҳеч қачон мажоз эмас", дердилар. Хасмларни шод қилинг", дердилар. (Душманларни шакарда ўлдир). "Тавфиқ феъл билан тенгдир", дер эдилар. Аллоҳ таолонинг макони йўқ, уйи йўқ, у яратгувчидир, унинг маконга ҳожати йўқ, касби - фаридадир. Яхши амал имондадир. Имон тоатдир. Ҳар қандай тоат имон бўлолмайди", дердилар. "Ҳар қандай ҳаракат куфр бўлолмайди". Жаброил имони, анбиё, авлиё, мўмин, солиқ ва осийлар имони, имоннинг ҳамону ҳадасини ҳавас қилғай, иймон... Ва кўпаймайди, менинг муҳибларга бўлган меҳрим муҳаббат туфайлидир, дер эдилар. Хотима хавфидан кўрқардилар. Суннат ўшадирким зафар буюрган бўлсин, жамоат улдириким Абу Ҳанифа Раҳимахулуллоҳ ва унинг асҳоби жамоатидан бўлсин, дердилар. Дарёю даҳаларни яхши кўрар эдилар. Дарвешлардан кимдир чорук кийган бўлса, Шайх тавоф буюрардилар. Таом ейишдан олдин "Бисмиллоҳ" дердилар. "Хуш дар дам доред", "Назар бар қадам доред", "Сафар дар ватан доред", "Хилват дар анжуман доред", дердилар. Машойхлар ҳузурида зоҳир ва ботинда одоб-эҳтиром, таъзимда бўлинг, дердилар. Дўстлари билан хизмат, суҳбат, мувофиқатда ҳамасрор эдилар. Дўстлари бу хислатларини қадрлар эдилар. Ҳаммадан рози, ҳеч кимдан ҳасад қилмас эдилар.

"Менман"ликдан ҳаросда эдилар. Гоҳ-гоҳ муборак лафзда "бу омонат подшоҳлар ва бу ғафлатда қолган нодонлар дарвишларнинг лаззат ва ҳаловатидан беҳабардирлар", деб айтар эдилар. "Нафсни таниш бобида ҳамиша хавотирда бўлинг", дердилар. Ва "Эй, Абдулхолик, шинохти хотир (ҳар бир нарсани юракдан ўтказиш) сенга ҳавола бўлди", дердилар. "Ташқи кўринишингни паришонликдан (тафрика) жам англанд", деб буюрар эдилар. "Зоҳир канчалик паришон бўлса, ботин ундан ҳам паришонроқдир. Бу ошуфта ва хушфеълликдир", дер эдилар. Жухутлар, тарсо, муғон хонадонига бориб, пайгамбар ҳазратларидан сўзлаб, ваъда-ю void (хилоф) дан кўп гапирар эдилар. (Шу боис) Улар бу динни қабул қилдилар.

Аммо, баъд улардан бирор нарса олмасдирлар. (Мол-мулк) Аксинча, уларга борларидан берар эдилар. Ўз асҳоблари билан бирга юришни ёқтирар эдилар. "Ақл билан бирга нафс билан урушда бўлинг. Ақл билан нафс - ло йатгаъмиёни, тоатга кўп ҳам берилмаган. Дунё зийнатига майл билдирманг", деб айтар эдилар. Ҳазрат шайхимиз Шайх ёнида эмас, иршодида ўтириб намоз адо этар эдилар. Масжидга киришда олдин ўнг оёқ, кейин чап оёқ ковушни суғуриб кирар эдилар. Ковуш пошнасини яхши асрар эдилар. Намозда фарзни адо этиб, тез турардилар. "Оят ул-курси", "Оман-ар-расул", Кул Оллоҳумма молик ал-мулки"ларни ўқиб, суннат адосига киришар эдилар. Намозни кечикмай, вақтида, адо қилар эдилар. Қиш пайтлари кўрпа-тушакда ётиб, ёз пайти буйро устида тунар эдилар. "Илоҳо охиратимни обод айла, девсифат одамлардан узоқлаштир", деб айтар эдилар. Асҳобни азиз тутар эдилар. Даврада йўқ асҳоб ортидан кимдир шикоят қилса, ғойиб одамни чорлаб, юзлаштириб, яраштириб қўяр эдилар. Бировга биров ортидан ғийбат қилмас эдилар. "Фалон киши Сизни ҳақорат қилди", деб хабар берсалар, "ўшанга лойиқман", деб жавоб қайтарардилар. Қози, муфти, доруға, имом, муаззин ва бошқа мансаб даражасидаги шахсларга савоб фазилатлари ва одамлар имкониятларидан сўзлаб берардилар. Савоб ишларни бажаришлари учун рағбатлантирувчи сўз айтар эдилар. "Ҳақ томонда бўлинг", деб буюрардилар. Самарқанд катталарига буюрардилар: "Манзил кулинг, ҳадди билан". Дуч келган қозондан овқат емасдилар, беморлар ҳолидан хабар олишга борардилар. Қарз берардилар, кейин сўраб олмас эдилар. Шаҳзода Қусам ибни Аббос зиёратига борар эдилар. Жидда, Тухмор, ўрис жангларида шаҳид бўлганларни эшитсалар, намоз ўқишга киришар эдилар. Ҳеч кимни лаънатламас, ва ҳеч кимни дуойи бад қилмас эдилар. Асҳобларни кўп ейиш ва кўп гапиришдан

манъ қилар эдилар. Ўзлари ҳам кам гапирар эдилар. Хужраларида бўйро, кигиз, ибриқ (хум) қазоғанд ва иккита ёстикдан бўлак нарса йўқ эди. Зўравоннинг дарвишларга зулм қилишига йўл қўймасдилар. Саҳобалар, саидлар хушхулқликларини сифат қилиб кўрсатардилар. Ҳаммани шунга даъват қилар эдилар Ҳижомат қилдирар, томир ёриб, қон олдирар эдилар. Дори ичар эдилар, мактаблари бўлиб, дарс ўтар эдилар. Доим таҳоратда бўлиб, таомни таҳоратсиз тановул қилмас эдилар. Ҳар бир иш бошида ўзларини хотиржам тутар эдилар. Ранж, мусибат, балоларда сабр қилардилар. Ҳар кимсага юрак дардларини айтмас эдилар. Ўз вазифаларини тарк қилмас эдилар. Унинг (аёли) ўлимида ғусса ебдилар. Худодан мағфират тилар эдилар. Кечалари ўзлари билан ўзлари бўлардилар. Егулик ғамини емасдилар. Кўп намоз ўқирдилар, рўза кўп тутар эдилар. Инсу жинс, шайтон душманликларидан асҳобларни хабардор қилардилар. "Бу душманларнинг йўқ қилиш кучи - изчил дил зикри ва доимий таҳоратда бўлиш", дердилар. Ўз шайхларидан нималарни эшитган ва кўрган бўлсалар, асҳобларга ҳам шуни айтар эдилар. Ҳожат учун ҳамма жойни ифлос қилмас эдилар. Муайян жойда ҳожатга чиқар эдилар. Гиёҳлар ўсган жойни азиз тутиб, устига бавл қилмас эдилар. Бу одатларини тарк этмас эдилар. Ҳақ сўзни кўп айтиб, таомни Аллоҳ таоло зикрисиз емасдилар. Буюрардилар "Луқма емоқ - куч йиғмоқдир, овқатни шул боис емоқ шартдирким, у ибодат учун куч-қувват бўлсин". Жамоани ҳар жойда бавл қилишдан сақлардилар. Кимга ваъда берсалар, албатта, вафо қилар эдилар. Тил, қўлларидан бирор мусулмон азият чекишидан сақлар эдилар. Кимнинг ҳожати бўлса, раво қилар эдилар. Хуш ҳид димоқларига етса, салавот қилар эдилар. "Ло илоҳа иллаллоҳ ал-молик-ул ҳақ ул мубийн", "субҳонал-лоҳу азим", "биҳамдика астағфируллоҳ мин кулли занбин", "ажубу илайх", "субҳоналлоҳ" калималарни кўп ўқир эдилар. Бош оғриғидан нолир эдилар. Бир куни Хожа Ҳамидуддин Малтоний хузурида айтдиларким: "қирқ уч йилдирким, бу дард менда мавжуд". Яна муборак сўзлари бўлдики: "Саҳобалардан ҳам бир азиз бор эдилар, ҳамиша дардман (хасталикларни) ҳалқдан яширар эдилар.

Бева, ғариб, етим, мусофир ҳолидан ҳамиша хабардор эдилар. Ҳамадон вилоятидан Шайх ҳазратлари билан ўн бир киши келган эдилар. Биринчиси - Абу Мусо Ходим, иккинчиси - бандаи заиф Абдулҳолик, учинчиси - Имом Яҳё Ғотфарий, тўртинчиси - Хожа Исҳоқ, бешинчиси - Хожа Работ, олтинчиси - Хожа Закариё Фарғазийнинг жияни, еттинчиси - Хожа Одам Шавдарий,

саккизинчиси - Хожа Муҳаммад Ҳаким Балхий, тўққизинчи - Хожа Муҳаммад Жаҳла-рахимахуллоҳи алайҳим ажмаин, ўнинчиси - Хожа Курайш ва ўн биринчиси - Салмон Орифи Турк.

Шайхимиз Шайх Юсуфнинг Самарқандга келиш сабаблари шунда эдиким, Хожа Хамидуддин Малтоний вилоятдан (Самарқанддан) кетган эдилар. Бундан олти йил ўтган эди.

Ҳазрати Хожа Хизр алайҳиссалом Малатия вилоятида эдилар. Ўша ерда (Малатияда), Имом Молик авлодидан бир киши бор эди. Унинг номи Абдулжамил эди. 113 ёшга кирган, фарзанди йўқ эди. Худованди таборак ва таолодан фарзанд сўрар эди. Алқисса, подшоҳ устига душман бостириб келди. Уни вилоятдан қувиб чиқариб, давлатни эгаллаб олди. Бу - Малатия подшоҳи дашт, тоғ, саҳроларда юрарди. Соч-соқоли олинмаган. Қазодан бу подшоҳ Абдулжамил уйига келиб қолди. Неча кеча-кундуздан бери ҳеч нарса емаган эди. "Бу уй эгаларидан егулик сўрай", деб ўйлади. Хонадонга яқинлашди. Таниш ҳид димоғига урилди. Эркак кишини кўрди. Қари, унга салом қилди ва Рум тилида гапирди: "Шу вилоятнинг лашкарларидан ман, неча кеча-кундусдирким овқат еганим йўқ". Хожа Абдулжамил унга буюрдиларким: "Уй ичига кир". Подшоҳ ичкарига кирди. Унга илтифот кўрсатилди. Айтдилар: "Ўтир". Сув келтирди ва унга (подшоҳга) буюрди: "Таҳорат ол". Подшоҳ таҳорат қилди Аммо, баъд, буюрдиким: "Вузу шукрини қил". Подшоҳ вузу қилди. Шундан кейин дастурхон келтирди, пок егуликлар (тўла эди). Подшоҳ ёнига қўйди. Подшоҳ истаганича тановвул қилди. Буюрдиким (подшоҳ) чопонларини ювсинлар, соч-соқолини олсинлар. Айтди: "Аммо, баъд энди ухла (дамингни ол). Подшоҳ ётиб ухлади. Чун уйғонди, йиғлашга тушди. Йиғлади ва қаттиқ йиғлади. Аммо, баъд Хожа Абдулжамил уйга кирди. Кўрдиким подшоҳ йиғлапти. Хожа ундан не учун йиғлаётганини сўради. Подшоҳ айтолмайман деди. Хожа Абдулжамил бир неча бор савол қилдиларки: "Айтгил, уялма". Подшоҳ бу илтифотни кўриб айтдики: "Мени танимаянсанми?" Хожа айтди: "Малатия подшоҳи эмасмисан?" Подшоҳ айтди: "Балли". Хожа Абдулжамил лутф этдиким: "Истайсанми, ўз вилоятингни қайтариб олишни?" Подшоҳ айтди: "Истайман. Шу боис ҳам истайманки, менинг хотин-болаларим паришон аҳволдадирлар". Яна Хожа лутф этди: "Агар ўз вилоятингни қайтариб олсанг, қизингни менга берасанми?" Подшоҳ буни қабул қилди. Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳ қабри бошига бориб, ўтирди.

Энди Малатия вилоятини босиб олган у подшоҳ ҳақида ҳикоят. Зулм кўлини узун қилаверди. Мусулмон фарзандларининг мол-мулкларини тортиб олиб, ўз ҳисобига ўтказарди. Халқнинг фиғони ошди. Камбағал бўлиб қолдилар. Олдинги подшоҳни истардилар. Лекин, топа олмас эдилар. Вилоятнинг катталари Хожа Абдулжамил ҳузурига келдилар. Хожага ўз аҳволларидан гапириб бердилар. Хожа айтдики, "мен сизларга бошида айтдимки, подшоҳ билан бирга бўлинг, урушинг. Сиз сулҳ йўлига ўтиб олдингиз. Энди қилмишингиз жазосини тортинг". Оқсоқоллар ғала-ғовур кўтардилар: "Бизга ўша подшоҳ керак. Сиз ҳиммат қилинг". Аммо, баъд Хожа буюрдилар: "Коронғу тушгани билан зирҳ кийиб, қурол-аслаҳаларни тайёрлаб, урушга чиқинг. Подшоҳни ўз қасрида асир олинг. Подшоҳ ва унинг одамларини банди қилинг. Мен бориб ўз подшоҳларингизни олиб келаман". Бу гапларни айтиб халқни юборди. Ўзи Имом Молик қабри томон юзланди. Имом Молик қабрига етиб келиб, подшоҳни кўрдики, хафа. Подшоҳ нигоҳи Хожага тушди. Ўрнидан туриб, таъзим қилди. Вилоятдаги аҳвол ҳақида сўради. Хожа буюрди: "Вилоятни сенга таслим қилдим. Тез бўл, отликқа мин". Подшоҳ бу хабарни эшитиб, Хожага айтди: "Менинг қизимни қабул айланг". Хожа вилоятнинг оқсоқолларини чорлади, подшоҳ қизини ўз никоҳига киритди. Рум томон равона бўлдилар. Рум шахрининг катта ва оқсоқоллари улар истиқболига чиқдилар. Улар Хожа айтганларини бажариб, подшоҳнинг келиш хабарини интизорлик билан кутардилар. Дарров ташқари чиқдилар. Подшоҳни тахтга ўтирғиздилар. Душманларни бир-бир унинг олдига келтирдилар. Подшоҳ душманларнинг ҳаммасини ҳалок этишга буюрди. Аммо, баъд подшоҳ: "Шаҳарни безатинглар", деб фармон берди. Шундай қилинди. Шаҳар тўй кўринишини олди, Шоҳзода қизни Хожага топширдилар. Аллоҳ таборак ва таолло Хожа Абдулжамилга фарзанд берди. Хожа Абдулхолик деб ном бердилар.

Падари бузрукворим Хизр алайҳиссалом хизматларида бўлганларида шундай деган эканлар: "Бу исмни Хожа ихтиёр қилган эдилар". Аммо, баъд йигирма икки ёшга кирганимда Шайх Юсуф Ҳамадоний Ҳазрати Хожа Хизр салавотуллоҳи алайҳи ҳузурларида қалб зикри талқинини менга ўргатдилар. Аммо, баъд Хожа Хизр алайҳис салом буюрдиларким: "Сиз Самарқанд вилоятига боришингиз керак". Шундан кейин Шайх Самарқандга келдилар. Бошқа азизлар ҳам номлари юқорида зикр этилди. Самарқандга, Хушрудга келдилар. Хушруд Ғатфорнинг маҳаллаларидан бири. Уч, тўрт ой шу ерда

бўлдилар. Хожа Ҳасан Андакий, Аҳмад Яссавий, Шайх хизматларига келдилар. Қалб зикрини ўргандилар. Тўққиз ойдан кейин Хожа Абдуллоҳ Баракий келдилар. Мурид бўлдилар. Бу азизлар даврида Самарқанд шундай бўлган эдиким, Аму бўйидан Қорахожагача ва Хоразм вилоятидан Бадахшонгача бирорта бидъатчи, худобехабар йўқ эди.

Шайх Ҳазратларининг вафотлари муҳаррам ойининг 28, пайшанба куни эди, юз берди. Пешин намозини адо этдилар. Муборак орқаларини меҳробга қилиб, асҳобларига буюрдилар: "Сув иситинглар". Асҳоблар йиғлашга тушдилар. Аммо, баъд, муборак юзларини Хожа Абдулло Баракий, Хожа Ҳасан Андакий, Хожа Аҳмад Яссавий, бандаи заиф Абдулхолик ва бошқа асҳобларгаким, шу ерда эдилар, қайтардилар. Муборак сўз айтдилар: "Биз ўз қойим мақомимиз Хожа Абдуллоҳ Баракийни қўйдик. Сизлар измида бўлиб, хилоф иш тутманглар. Халифалик сизга етгач, яхши яшанглар. Асҳобга буюринглар, қалб зикри қилсин. Баланд овозда зикр қилмасинлар. Султон Санжар ибн Малиқшоҳга нома юборинглар. Мурид ва асҳобларингизга ўз одобларимиздан ўргатинглар". Аммо, баъд Хожа Аҳмад Яссавийга юзланиб буюрдилар: "Фотир", "Ёсин", "Ваннозиёт" сураларини ўқинг!" Суралар ўқиб бўлингач, ёронлардан фиғон кўтарилди. Аммо, баъд муборак сўз айтдилар: "Биз худонинг бандаларимиз". Бандаларнинг жон беришини Аллоҳдан ўзга киши билмайди: Ва бу байтни ўқидилар:

Дар кўй ту ошиқон чун жон бидиханд.

К-он жо(н) малак ул-мавт наганжад ҳаргиз.

Аммо, баъд Шайхи бузрук чехраларида ўзгариш содир бўлди. Хожа Абдуллоҳ Барокий ёронларга юзланиб айтди: "Сизлар ташқарига чиқиб турунглари". Аммо, баъд Шайх буюрдилар: "Мени шу уйда дафн қилинглари. Жанозамни масжиди жомеда ўқинглари. Қизни Сайид Шарафиддин ўғлига беринглари". Шайхдан қирқ кун олдин аёллари вафот этган эди. Чокардизада дафн қилинганди. Аммо, баъд айтдилар: "Мени Хожа Абдуллоҳ Баракий ювсин. Қабрга Хожа Ҳасан Андакий қўйсин". Шу сўзларни айтган эдиларким, Ҳазрати Хожа Хизр, Хожа Илёс ва Аллоҳ яқинлари мададкорлару бузруклар кириб келдилар. (Абдол, Ғавс, Қутб). Кириб келганларнинг ҳар бири Шайх ҳазратлари билан видолашдилар. Аммо, баъд Хожаи Хизр алайҳи салом муборак қўлларини узатиб, бир оқ олма Шайх ҳазратларига бердилар. Бизнинг Шайхимиз олмани хидладилар ва уни Ғавсга

бердилар. Ғавс ҳам олмани ҳидлагандан кейин Шайх ҳазратлари муборак сўз айтдилар:

"Ёронлар, намозни канда қилманглар. Аллоҳ бандаларига меҳрибон бўлинглар. Ғавсни менинг ёнимда дафн қилинглар". Аммо, баъд васиятларини тамом қилдилару Шайхимизнинг руҳоният қушлари юқори оламга парвоз қилди. Ғавс ҳам Шайхимизга эргашган ҳолда муборак руҳини қафасидан озод этди. Шундан сўнг бузруклар (Самарқанд шаҳрининг катталари) ҳозир бўлдилар. Шайх васиятлари адо этилди. Жаназа ўқилди. Аммо, баъд қабрга дафн этдик. Қолу: "Инналиллоҳи ва инни илайҳи рожиун" ва Ғавс ҳазратларини ҳам уйда дафн қилдик. Уша уйни буздик. Супа ясадик. Тамом⁷.

Бизнинг Шайх ҳазратимиз буюрдиларки: "Зикр айтиш вақтида фикрни бир жойга жамлаб, қалбни шунга тайёр қилгач, тил учи юқори жағга қилинади. Бошқа ҳаракатлар қилинмайди. Тана аъзолари ўз жойида бўлмоғи шарт. Нафасни такаллуфсиз сақлаш даркор.

"Ло-илоҳа" калимасини айтиш вақтида ўнг томонга ишорат қилинади. "Иллаллоҳ" калимасини айтиш вақтида юрак томонга қаралади. Санокни хотирда сақламоқ даркор. Нафасни чиқариш бобида: "Муҳаммадун расулуллоҳ" дейилади. Бу зайлда зикр адо қилиш садрнинг очилиши ва қалбнинг хотиржам бўлишидир. Тамом.

Шаъбон ойининг тўртинчи одина куни ситтамиъ санасида тавоф қилиш бахти юз берди. Хожа Носиҳиддин Ҳолтий, Хожа Хамидуддин Ногурийнинг ўғли ва Мавлоно Ҳамидуддин Шоший Шайх ҳузурда бўлдилар. Шайхимиздан қалб зикри ҳақида сўрадилар. Аммо, баъд Шайхимиз муборак сўз айтдилар: "Бу йўлга кирувчи ҳар бир кишига лозимдирки, юрагини ғафлат ғуборию, нафсга тобеъ бўлиш зангларидан пок қилсин. Ёмонлик сифатларидан юракни поклаши лозим. Юрак "Калимаи таййиба" айтиш билан покланади. Шарт шулдирким, мукамал шайхнинг таълим ва талқини асосида зикрни айтсин. Тоқим бу йўлга кириш (зикр айтувчига) осон тушсин.

Бир куни Бобо Салмон Орифи Турк савол берди "Шайх Бурҳониддин Қилич айтадиким: Зикр айтиш учун нечта таҳорат шартдир". Бизнинг Шайх муборак тилда айтдилар: "Беш таҳорат: Биринчиси - кўз таҳоратидир, номаҳрам нарса, одамларни кўришдан кўз ёпилган бўлмоғи шарт. Иккинчи - кулоқ (таҳорати). Кулоқ ҳаром товушларни эшитишдан пок бўлмоғи даркор. Учинчи - тил таҳорати. Тил ғийбат, ёлғон, тухмат, бефойда сўзлардан пок бўлсин. Тўртинчи -

⁷ А.Навоийнинг "Насоин-ул Муҳаббат" китобида эса Юсуф Ҳамадоний Марвда вафот этган ҳақида маълумот берилган.

қорин (тахорати). Қорин маъкулот, машрубот, ҳаром, маъумот ва шубҳали егуликлардан пок бўлиши шарт. Бешинчи - ғофиллар, коҳин, жоҳиллар билан ҳамсуҳбат бўлмаслик. Сабаби инсон табиати шундай?" Ким билан суҳбатда бўлса, ўшанга тобе бўлади. Маърифат аҳли билан ҳамсуҳбат бўлиш муҳимдир. Ўз аҳволини ғайри муҳаррамдан эмас, балки муҳаррамдан ҳам пинҳон тутишдир".

Рози худ бо ёри худ чандонки битвонӣ, мағӯ.

Ёрро ёре бувад, аз ёри ёр андиша кун.

Яна лутф этдиларки: "Дил зикрини мўътабар қиладиган яна тўрт нарса бор. Биринчиси - ихлос, иккинчиси - таъзим, учинчиси - ҳаловат, тўртинчиси - ҳурмат. Зероки, ихлоссиз зикр мунофиқлар зикридир. Таъзимсиз зикр бидъатчилар зикридир. Ҳаловатсиз зикр фосиқлар зикридир. Ва ҳурматсиз зикр истехзакорлар зикридир. Шайхга лозимдирким, йўлда сабот кўрсатишлар, манзилга етиш қийинчиликлари ҳақида муридларига ҳикоя қилиб берсин. Тариқатга қарши хато хилоф, муҳолифлардан муридни огоҳ этсин. Агар мажоз нафс йўлидан келган бўлса, қайтарсин. Абу Бакр Сиддик, разиаллоҳу анҳу ривоят қиладиларким: "Аллоҳга умидворлик йўлидан келсин. Тариқатга кириш таклифини жону дил билан қабул қилсин. Сидку ирода қўлини тутиб, ўргансин". Тамом.

Бир куни Шайх Жалолиддин Ҳолусий, Мавлоно Шамсуддин ва Қози Ҳамидуддин Ногурийнинг невараси Шайхимиз ҳузурларида ўтирган эдилар. Шу вақтда Қошғар подшоҳи Юсуф бин Қорахон ҳам Шайхимизга мурид тушиш учун келиб қолди. Подшоҳ Шайхдан сўраб қолди: "Тавбаи Насух аломатлари неча хилдир?" Шайхимиз буюрдилар: "Олти хилдир". Биринчиси - зое кетган, ғафлатда қолган умр учун пушаймонлик. Иккинчиси - гуноҳ қилишдан ўзни сақлай билиш. Учунчиси - аза ва жаза, Худо ва ўзи ўртасидаги фарзларни бажариш. Тўртинчиси - халққа қилинадиган жабр-ситамни қайтариш - имонга қуввати каттадир. Бешинчиси - ҳаромдан баданга битган гўштни азоб исканжасига солиш. Олтинчиси - ўз танингни тоат оловида қўйдириш. Нафсга қарши тана ҳоҳишига қарши бориш. Қачонки, гуноҳ, ҳаловатини тотган эди. Энди тоат ҳаловатини ҳам тоттиши лозим. Валлоҳу аълам.

ЗИКРИ ҚАЛБ СУЛТОНИ



